

ҲАСРАТ КЕЧАСИ

Б и р и н ч и қ и с м

Дунёдаги ҳар бир инсоннинг ўз баҳти, ўз фожиаси бор, бу кунга олиб келган ўтмиши бор. Ана шу кечмишни ўрганиш бирорвга йўл кўрсатади, бирорни қайтаради. Қандай баҳолаш, хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг тарбияси, дунёқараши, ахлоқига боғлик.

Солих Қаххорнинг мазкур асарини юзаки қараб бир «кўғир-чоқ»нинг саргузаштлари, деб баҳолаш ҳам мумкин. Бироқ ҳукм чиқаришга шошибилманг. Бу асар — ишқий ўйинлар, жиноятчилар ҳаётининг тафсилотигина эмас, балки аччиқ бир ҳаётнинг изтироблари, Шайтон билан Раҳмон ўртасидаги зиддиятлар талқинидир.

Қ35

Қаххор, Солих.

Дайди қизнинг дафтари: (Роман).—Т.: «Шарқ», 2001.—336 бет.

Ў32

М У А Л Л И Ф Д А Н

Арабларда шундай ҳикмат бор: «Дунёдаги жамийки нарса вақтдан, вақт эса әхромлардан қўрқади».

Вақтдан қудратлироқ, вақтдан даҳшатлироқ, вақтдан шафқатсизрок ҳукмдор йўқ. Бу ёруғ оламда мавжуд неки бўлмасин, вақт уни аста-секин кемириб, қўпориб, тугатиб боради. Унинг нихоясини, пироварднатижасини барибир Вақт белгилайди.

Вақт факат бир нарсадан, биз иймон келтириб сажда қиласидиган, сифинадиган, эъзозлайдиган, авайлаб-асрайдиган, муттасил бойитиб борадиган әхромларимиз — қалбимизда, онгимиз ва шууримизда жо бўлган инсоний пок ақидаларимиздан қўрқади. Бу нарсаларни ҳеч қачон емириб, кемириб, ўлдириб бўлмайди. Бу бизнинг иймонимиз, руҳимиз, ёлғиз Оллоҳимиздир. Вақт инсонни жисмонан ўлдиради, бироқ у яратган, у бойитган муқаддас әхромлар наслдан-наслга ўтиб яшайверади, янаям пойдор бўлиб бораверади. Шул әхромлар борки, Ёруғлик ва Поклик, Эзгулик ва Гўзаллик, Севги ва Садоқат, Мехр ва Шафқат, Умид ва Ишонч, Илҳом ва Кўшик яшайди. Шул әхромлар борки, Инсон инсон бўлиб оёқда туради. Шул әхромлар боис, Оlam munavvar, Ҳаёт барқарордир. Бироқ бу ёруғ дунёга инсон бўлиб келибдики, ул әхромлар унинг қалбидан жой ололмаптими, бундайин одамнинг одций ҳайвондан фарқи йўқ — Вақт ҳукми билан ўлиб кетаверади, бунга ҳеч ким ажабланмайди, ачинмайди.

Бандаси гуноҳлардан фориғ эмас ва ундан қочиб кутулолмайди ҳам. Бироқ гуноҳларни кимки билиб туриб қилса, бундайин бадбахтлик ва рўйсиёликдан Ўзи асрасин. Кимки билмай туриб гуноҳ қилса, Ўзи раҳм ва шафқатини дариф тутмасин. Шунинг учун ҳам Оллоҳ олдидаги тавба-тазарру чоғида гуноҳларимни ўзинг кечир, деб эмас, балки билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг кечиргил, дегувчимиз.

Иллатни ҳеч қачон унинг айнан ўзини кўрса-тиш учунгина тилга олманг. Иллатдан факат кўзингизга табиий бўлиб кўринаётган қайсиdir ҳақиқатни очиб бериш мақсадидагина фойдала-ниш лозим. Шундай вакълар бўладики, одамларга ҳаётда ана шундай ҳақиқат ҳам борлигини ва ундан ҳалос топиш ҳамда аҳволни ўзгартириш зарурлигини эслатиб кўймок зарур. Зоро, нукул яхшилик ва гўзаллик ҳақида гапириш ҳамиша ҳам иш беравермайди.

Уильям ФОЛКНЕР

— Менга бирорта фохиша топиб берсангиз...

Милиция участкаси бошлиги капитан Суннатов менинг бу илтимосимдан донг қотиб қолди.

— Кечирасиз... бу ер мелисаҳона. Биз қўшмачи-лик билан шугулланмаймиз, — чиндан ҳам таажжубда ғўлдиради у. — Иккинчидан, сиз ўзингизга ярашмаган ишни қиласангиз бўлармиди...

— Узр, узр. Мен сизни озгина қитиқлаш мақсади-да, томдан тараشا тушгандек...

Капитан энди енгил тортиб, юзига табассум югур-ди.

— Э-э, шундай демайсизми! Кизиқчилик бўлса, мен ҳам ўзимни томдан ташлашимни биласиз-ку, — у бошини бошимга яқинлаштириб, хузур билан қиқирлади. — Қани, ёрилинг, ўртоқ журналист. Кеннойим уйдан кетиб колганларми дейман?

Мен унинг ҳазил ва кулгисига оз-моз қўшилган бўлдим-да, кейин юзимга жиддийроқ тус бериб:

— Кеннойингиз, худога шукур, уйда, — дедим, — лекин мен ҳозир чиндан ҳам фохиша қидиряпман.

Суннатов яна сергак тортди.

— Мен сизни тушунмаяпман...

— Очикроқ айтсам, редакция топшириги шундай. Фохишалар ҳаётидан материал тайёрлашим керак. Сиздан ёрдам сўраб келдим. Рўйхатингизга тушган бирон нуқта бўлса...

Капитан «ҳаммаси тушунарли» деган маънода бош қимирлатиб қўйди-да, вазминроқ ўрнидан туриб, хона ичидаги иягини қашиганича уёқ-буёққа хорғин юра бошлиди. Энди унинг кайфияти бузилгандек эди.

Мен Суннатовнинг эгнидаги охори тўкилиб бўлган пўримига, кийимидағи тугмаларни ҳолдан тойдириб турган йўғон гавдасига, силлиқ қилиб тараалган сийрак оқ сочи-ю, хорғин қадам ташлашига зимдан назар ташлаб жим ўтирибман. «Қарибди, кечаги Суннатов эмас... — хаёлдан ўтказаман ўзимча. — Яқиндаям қанақа эди-ю. Пошинасининг товуши юз метр жойдан эшитилиб турарди. Ҳалол одам. Ўзи шундай, яхшилар тез ишдан қолишади...»

Суннатов билан танишганимизга кўп бўлгани йўқ. Исми Турдимат ака. Милиция хаётидан материал лозим бўлганда унча-мунча ёрдами тегиб турарди. Газетани, газетачиларни хуш кўради. Ҳузурига мухбир кириб борса, худди генерал кириб келгандай, астойдил хизмат қилишига бормиз.

Нихоят у қаршимга келиб ўтирди. Кейин менга синовчан бир назар ташлаб олди-да, аста томоқ кириб, босикроқ оҳангда сўради:

— Илгари ҳам ёзганмисиз?

— Тушуммадим...

— Фоҳишалар ҳақида илгари ҳам ёзганмисиз, демокчиман?

— Илгари... Ҳа, шунга якинроқ бир нарса ёзганман. Бунга анча бўлди. Нима эди?

Турдимат ака саволимга жавоб беришга шошилмайди. Менга ўйчан ва лоқайд тикилиб тураверди. Шу тобда ўша, бундан анча йил илгари вилоят рўзномасида чоп этилган «Шантаж» номли мақолани эслайман. Таъбим хира тортади. Ахир ўша мақолани деб озмунча азиятлар чекмадимми...

Кечагидек эсимда. Шаҳарда мишиш тарқалиб қолди: Куйдирги деган фоҳиша қиз чиқибди! Гўё олов эмиш. Ўзиям шунақа чиройли эмишки, хар қандай тошбағир эркак уни кўрганда тутдай тўкилиб колармиш. Дилям жуда баландмиш.

Ўша кунлари менга ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан фош этилган ва анча шов-шувуга ҳамда шар-

мандалика сабаб бўлган бир жиноий ишни газетада ёритиш вазифаси топширилди-ю, ана шу баҳонада худди ўша «куйдиргижон» билан тасодифан учрашиб қолдим.

Жиноий гурух Рашод исмли ашаддий бир товла-мачи бошлиқ рекетчи зўравонлардан, улар билан ҳамкорлик қилган бир гурух фохиша қизлар ҳамда шаҳардаги бир меҳмонхонанинг масъул ходимларидан иборат эди. Жабрдийдалар эса... Пул деган нарсани ҳазондек йигиб олиб, ҳазондек совуриб яшётган бир гурух майшатпастар корчалон-амалдорлар!

Маълум бўлишича, четдан жалб қилинган ва бу атроф учун ҳали нотаниш, гўзал ва ёш фохиша қизлар ана шу ишратпастларга тузоқ ўрнида- ишга солинган. Учрашувлар, одатда, ўша меҳмонхонанинг оромиқон хоналарига белгиланган.

Мана, ўша ишратпаст жаноб «қирчиллама йигит» бўлиб тайинланган хонага кириб келди, дейлик. Меҳмонхона бекаси унга «ҳали анча гўр ва гўллиги туфайли шу ишга рози бўлган «бокира момақаймок»-ни рўпара қиласи. «Бокира» буткул ечиниб олган йигитга энди «мажбуран таслим» бўлган пайтда давангирдай-давангирдай йигитлар пайдо бўлишади. Улардан бирининг кўлида видеокамера, ётганларни ипидан игнасигача боллаб суратга оляпти. Шундан сўнг уёғи нима бўлиши ўзингизга тушунарлидир. «Бокира»лигича қолган ҳалиги қиз юз берган воқеадан сирам ажабланмайди. Оҳистагина ўрнидан туриб киинади-да, индамай хонадан чиқиб кетаверади. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Гап нимадалигини эндигина тушуниб етган, кўркuv ва шармандалиқдан дир-дир титраётган жанобни ма-ромида суратга олиб бўлишгач, зўравонлар асосий мақсадга кўчишади:

— Жонингдан, амалингдан, обрўйингдан умидинг бўлса...

Ана шу тарзда тузоқка тушиб, катта-катта тўловлар эвазига кутулиб қолганлар орасида шаҳар умумий овқатланиш трести директори Ҳаким Саматов деганлари ҳам бор эди. Унга юкорида гап бораётган Куйдиргини рўпара килишган экан. Бу гал ҳам «опе-

рация» бинойидек ўтган, бироқ Саматов шартлашилган пулнинг ҳаммасини беролмаганидан, ўртада жанжал чиқади. Куйдирги «ҳал қилувчи» хизмати учун арзимаган ҳак тўлашганига аччиғланиб, товламачи Рашодни прокуратурага «сотиб» кўяди. Шунинг учун ҳам терговга оширилган мазкур жиной ишда Куйдирги иштирокчи сифатида эмас, балки асосий гувоҳ хисобланарди.

Бир мунча кексайиб қолганига қарамай, баланд ва барваста жуссасини ғоз тутиб юрадиган, киёфаси жиддий, бироқ хуш табиатли шаҳар прокурори Мирзаматовнинг иш кабинетида ўтирибмиз. Тергов ишлари тугаб, бугун-эрта судга оширилиши лозим бўлган «расходчилар делоси» бўйича прокурорнинг шахсий мулоҳазаларини оляпман. Шу пайт кабинет эшиги очилиб, ичкарида... баланд пошна туфлию жинси шим кийган, дуркун кўкраклари ялтир-юлтур кофтасидан потирлаб чиқиб кетаётгандек, қадду басти қолипдан чиққандек ғоят хушбичим, 23—25 ёшлардаги оппоқкина, сулув бир қиз пайдо бўлди. Қайрилма қошлар, ўнг ёноғига кўнган нўхатдай тим қора холини кўриб, уч кунлик ҳилол билан йўлдош турган Зухро юлдузи кўз олдимга келди.

— Мумкинми, прокурор ака?..

— Буни қабулхонада сўраш лозим эди, — бироз жеркиброқ жавоб берди Мирзаматов. — Раз кирдингми, энди киравер.

Киз прокурорнинг танбеҳига эътибор бермади. У ўзини эркин ва бамайлихотир тутар эди.

— Қабулхонангизда ҳеч ким йўқ экан. Терговчиниз «прокурорга учранг» деганига тўғри кириб кела-вердим, — деб кўйди у биз томон бир мунча нозу ишва билан яқинлашаркан. Хона ичига фарангি атирнинг ўткир хиди таралди.

— Анави ерга ўтири, — уни тўхтатиб, бир четдаги қатор стулларга ишора қилди прокурор. Кейин менга маъноли бокиб:

— Бу аёл Холида Тошматова, — деб кўйди. — Лақаби Куйдирги...

— Вой, унақа деманг, прокурор ака. Мени аёл дейишларига ҳали анча бор, — нозу фирокда чирой-

ли дудокларини чүччайтириди Куйдирги. У стуллардан бирига ёйилибрөк жойлашиб, күлидаги күкноригул сумкаласини тиззаси устига оларкан, яна күшиб күйди: — Агар аёл ёшида бўлсан Ҳаким aka мени кизлигимга ишонармиди...

— Мен сени бу ерга таклиф қилишимдан мақсад, манави йигит... журналист Собир Қаноат, сен билан бир-икки оғиз гаплашиб олмоқчилар.

Куйдирги менинг афт-ангормига караб күйди-да, кейин хотиржам оҳангда кинояомуз сўради:

— Ҳозир вақтим зикроқ эди. Адресимни берсам, уйда гаплашиб ола қолсак-чи?..

Унинг нимага шама қилаётганини тушуниб, ичимда кулиб кўйдим. Мирзаматовнинг ҳам кўзлари хиёл қисилгандек бўлди, муштини оғзига тутиб, аста йўталиб олди-да, кейин:

— Гапни калта қил, — деди унга хўмрайибрөк, — бу ерда сени вақтинг ҳам, уй адресинг ҳам ҳеч кимни қизиқирмайди.

Куйдирги прокурор томон енгил «уф тортиб» кўйди-да, сўнг яна менга юзланди:

— Хўп, акажон, ихтиёрим сизда...

Мен уни чўчитмаслик ниятида стол устида турган ён дафтарим билан ручкамни олиб, чўнтағимга солиб кўйдим. Кейин имкон қадар мулоҳимлик билан мулоқотга киришдим.

— Мени ҳаммаси бўлиб учтагина савол қизиқтиради.

— Овозингиз қаймокдай экан. Ашула-пашула айтмайсизми?

Прокурор яна унга хўмрайди.

— Жим ўтири, бўлмаса...

Куйдиргининг ҳам юзига энди жиддийлик юргандек бўлди.

— Бўпти, кечирасиз, — у шундай дея менга саволомуз бокци.

— Агар сир бўлмаса... Холида деган чиройли исминг бўла туриб, нега сени Куйдирги деб аташади?

Куйдирги аввалига жимиб қолди. Менга ўйчан бокканича ниманидир эслади, хиёл жилмайиб, кейин сўз қотди:

— Болалигимда жуда шўх, куйдирги бўлиб ўсганман. Текканга тегиб, тегмаганга тош отардим. Аям раккоса эди, баъзан хафталаб тўйма-тўй кетарди. Пиёниста ўтай дадам бўларди. Бир куни... Ўшандада мен ўн ёшларда, яна иккита укачам ҳам бор. Ухлаб ётувдик. Бир вақт чўчиб уйғонсан, ўтай дадам ўлгудай маст, қип-яланғоч гандираклаб устимда турибди. Мен ўрнимдан шошиб туриб, ўзимни ташқарига отдим. Ҳовлига ўтиб, юм-юм йигладим. Ўша-ўша, уйдан чи-киб кетганимча, қайтиб бормаганман.

Мирзаматов иккала тирсагини столга тираганча, кўллари билан юзини беркитиб ўлтирипти. Ичидаги ачи-наётганга ўхшайди, шунча йил прокурорлик қилиб, эҳтимол бунақасини кам учратгандир.

— Сени онанг қидирмадими? — сўрадим ундан.

— Қидирган. Учрашганмиз ҳам. Мен унда Уфада яшардим. Бир қариндошимизникида. Икки-уч йил қайтиб келмадим, ўша ерда қолиб кетдим.

— Нима, онанг бу ерлик эмасми?

— Йўқ... Дадам ўша ёқда армияда хизмат қилиб юрганда уйланган экан.

— Сен хозир «ўтай дадам» дединг. Ўз дадангга нима бўлган?

— Ў... онамга развод бериб, бошқага уйланиб кетган. Аллақайси гўрда яшайди, дейишади. Мен уни умуман кўрмаганман. Мендан кейинги иккита укам онамнинг иккичи эридан...

— Униси қаерда қолган?

— Унисини онамнинг ўйнашлари заҳарлаб ўлдиришган. Армани бўлсаям яхши одам эди, раҳматли, чем учинчиси... — анча маъюслик билан жавоб берди Куйдирги. Кейин хушёр тортиб, кўшиб қўйди: — Саволларингиз кўпайиб кетди.

— Сендан сўрамоқчи бўлган саволим... ўзбеклар учун «фоҳиша» сўзидан оғирроқ тавқи лаънат йўқ. Сен шу фикримга кўшиласанми?

Куйдирги жимиб колди. Ё саволимнинг мағзини чакяпти, ёки мени бу ҳакорат учун боплаб қўйиш мақсадида керакли жавоб қидиряпти.

— Мени... ўн яшар бегуноҳ, етимча қизни булғамоқчи бўлган ўша паразит ҳам... ўзбек эди, — деди у

ниҳоят қатъиятлироқ оҳангда. — Уйдан чикиб кетганимча не-не даргоҳлардан паноҳ топмадим. Лекин бирон жойда менга холис ният билан меҳрибонлик кўрсатишмаган. Ҳамма жойда «чиройли қиз бола» сифатида қабул қилишган. Қани айтинг-чи, журналист ака, сиз қайси ўзбеклар ҳақида гапиряпсиз?

Мен ундан бу тарзда жавоб кутмаган эдим. «Чакки эмассан, бозор кўрган эчки, — кўнгилдан ўтказдим. — Сен билан тортишса арзиди». Мирзаматов ҳам «Кўрдингми?» маъносида назар ташлаб қўйди.

— Мен... ўзбек деган номга дод туширмай яшаётган, очдан ўлиб қолган ҳолдаем номусини, виждонини сотмайдиган миллат тўғрисида гапиряпман, — босиқлик билан жавоб қайтардим унга. — Сен мени чалғитяпсан, саволимни жавобсиз колдиряпсан.

— Фоҳишадан фоҳишабознинг аъло жойи йўқ... — ғудранди у. Кейин сумкаласидан кичкинагина нафис рўмолча чиқариб, ёнокларига майин-майин босиб қўйди. Назаримда, кейинги гапим уни оз-моз чақкан-дек бўлди. — Сиз мени... фоҳишаликда айбламоқчимисиз, буни сезиб турибман, — яна сўзида давом этди у. — Ихтиёрингиз, лекин менинг кўрқадиган жойим йўқ. Мен эркин қушман.

— Ҳа, ҳозирча яхши учайтган эркин қушсан. Лекин тез орада бу қанотлар ҳолдан тойиб, учарга мадор қолмайди. Унда сени ким ўз ҳимоясига оларкин?

Кутилмаганда, Куйдирги бутун хонани жарангли овоз билан тўлдириб кулиб юборди:

— Хайрият, минг хайрият, бу дунёда менинг тақдирим учун қайгурадиган одам ҳам бор экан!

— Саволимга жавоб бер.

Куйдирги кўлидаги рўмолча билан кўз ёшларини артган бўлди. Кейин ўзини оз-моз босиб олиб сўради:

— Учинчи саволингиз шуми?

— Шундай десак ҳам бўлаверади.

У яна хандон отиб кулди. Бироқ Мирзаматовнинг жаҳли келиб, ўшқириб берди:

— Бас қил, каерда ўтирганингни унутма.

Куйдирги прокурорнинг важоҳатини кўриб, ўзини тутиб олди. Бироқ унинг юзларида аллақандай ёввойилик зоҳир бўй туритти. Гоҳ прокурорга, гоҳ

менга истехзоли табассум билан ўгринча назар ташлаб кўяди.

— Кечиринг, прокурор aka. Мен ўзим ҳакимда эмас, бошқа аёллар ҳакида гапирдим, — деди у эгнидаги аломат гулли кофтасини кўкракларидан жўрттага кўчириб елпинаркан. Кейин менга юзланди:

— Сизга бир маслаҳатим бор...

— Нима дейсан?

— Фоҳишалар... шу йўл билан кун кечирадилар. Сиз, яхиси, гарлар ҳакида ёзинг. Уларнинг уйлари, мол-дунёси, эри, бола-чақалари бўла туриб, хиёнат кўйнига киришади.

Прокурор ҳам, мен ҳам Куйдиргидан бундай мушишоҳдани сира кутмаган эдик. Мен унга тегишли жавоб беришга эндингина чоғланган эдимки, прокурор Мирзаматов гапни илиб кетди:

— Кўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Худони олдида ҳам, ўз виждони олдида ҳам, конун олдида ҳам ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб беради, буни унутма. Иккинчидан, фоҳишалик билан тириклик қилгандан кўра, ўлиб кўя қолиш афзал эмасмикан...

Куйдирги бу гапга ҳам нимадир деб жавоб қайтармоқ ниятида прокурор томон бош кўтарувдики, мен ўртага кўшилдим:

— Сенга бошқа саволим йўқ.

Куйдирги «Кетаверайми?» деган маънода прокурорга бокди. Мирзаматов унга қисқагина қилиб «жавоб» деб кўя қолди.

Куйдирги индамай ўрнидан турди. Жинси шимињинг белбогидан кафт тикиб, кофтасининг этак тахламини созлаб кўйган бўлди-да, кейин эшик томон йўл олган жойида ногоҳ яна тўхтаб, менга юзланди:

— Наҳотки, бошқа бирон оғиз гапингиз бўлмаса?..

— Мен сенга инсоф ва иймон тилайман...

Бу гапимга жавобан у истехзоли жилмайиб, чирайли тавозе килиб кўйди. Кўлидаги сумкаласини елкасига олиб, эркаланган бир қиёфада деди:

— Ҳали қирчиллама йигит экансиз. Дуогўйлик қилишга шошманг...

Прокурор сохта йўталиб кўйди.

Тез орада ўша жиноий гурух устидан суд бўлиб, шантажчилар ва улар билан ҳамкорлик қилганлар ўз жазоларини топишди. Бироқ мақолани чоп этишга тайёрлаётган кунларим мухаррир икковимизнинг' бошимиз ғавгодан чикмай қолди. Жабрдийдалар йирик одамлар эмасми, янам йирикроқ казо-казолар томонидан илтимос устига илтмослар, баъзан эса дўк-пўписалар бошланиб кетди. «Ҳариф»ларни бир умр соғиб юриш учун бўлса керак, жиноятчилар меҳмонхоналарда суратга олинган видеотасмалардан нусхалар саклаб кўйишган экан...

Албатта, мақолада жабрдийдаларнинг оиласлари ва фарзандлари шаънини хисобга олган ҳолда, уларнинг номлари ва иш жойларини аниқ айтмасликка мажбур эдим. Фақат биттаси, шаҳар умумовқатланиш трести директори Ҳаким Саматовни — асосий ишкан шундан кўзгалгани учун ҳам ошкор қилишга тўғри келди.

Буни Саматовнинг ўзи яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам мақолани тайёрлашим давомида оёғи куйган товукдек югуриб қолди. Мен уни олдиндан танийман, ёши элликлардан ошган, паст бўйли, бақалоқ одам. Бошидаги тақа нусха тўрт энлик оқ сочини корага бўятиб, йигитчалардек олабайроқ кийим кийиб юради.

Гап бошида у анча мулойимлик қилди. «Хом сут эмган бандалармиз. Баъзан шайтон йўлдан оздираран. Энди ўзингиздан колар гап йўқ...» — деди манглайнин тер босиб. Бироқ мен ён босавермагач, бирдан дағаллашиб қолди:

— Инсон ўз эрки билан яشاши керак. Нима, менинг биронта билан юришга ҳаққим йўқми?

— Мен сизнинг эркингизга дахл этаётганим йўқ,— дедим унга, — лекин одамда шуур, идрок деган нарсалар бўлади. Инсоний эрк, айниқса, сиздек, ёши бир жойга бориб колган пайтида фарзандларига, невара-ларига ҳаромдан, ифлос шаҳватдан, зино ишлардан сабок бериш, деган маънони билдирмайди.

Шундан кейин орадан икки кун ўтиб, олдимга бир кўзи ғилай, иягида чандиғи бор, айикдай қўпол гавдали бир йигит кириб келиб: «Агар Ҳаким ака газетага чиқкудек бўлса, энангни Учқўргондан кўрсатаман!»—

деб қолди. Мен эсам ундан устунрок келдим: «Афту башаранг жудаям кўзга яқин экан, шу бугуноқ милицияни огохлантириб кўяман. Бундан кейин менга бирор гап бўлгудек бўлса, энг аввало сени ушлаб келтиришида». Филай нима деярини билмай, чиқиб кетди.

Кейинроқ бир гап эшитиб қолдим. Ана шу ғилай аслида Куйдиргининг яқинларидан экан. Ҳаким Саматов Куйдиргини тезда топтириб: «Мен энди сени жазолайман. Ўша меҳмонхонада гап нимадалигини ишора қилиб кўйганингда, сен мукофотингни олардинг, мен эса шарманда бўлмас эдим», депти. Шунда Куйдирги: «Сен мени хеч қачон жазолай олмайсан. Аксинча, ўзингни ўлдиртириб юбораман. Яхшиси, муроса қилайлик. Мақолани ёзаётган журналист танишим бўлади, мен уни олдига ўз одамимни юбориб, сенга гап тегмайдиган қилиб кўяман», деб кутулган экан.

Мұхарримиз Талъат Алимовга обкомнинг ўзидан ҳам «Анча жанжалли иш экан, аралашиб юрманглар» деган маънода бир-икки қўнғироқ бўлган. Лекин Талъат ака қатъиятли ва журъатли киши бўлгани учун ҳам ҳар қандай илтимос ва огохлантиришларни рад этгани ҳолда менга: «Ёзавер, болам. Кўркма. Яхши журналист бунақа воқеалардан кўз юммаслиги кепрак», деб таъкидлadi.

Шундай қилиб, мақола вилоят газетасида чоп этилди. Кутганимиздек, ўша куннинг ўзидаёқ Алимов икковимизни обкомга чакиришиди.

Идеология котиби Московга малака ошириш курсига кетган, бизни тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, яқинда комсомолдан кўтарилиб келган «охиратнинг шотиси» Сафар Қораев қабул килди.

Бу лақаб унга коксуюқ гавдаси шотирдек узунлиги учунгина берилган эмас. Бунинг ўз тарихи бор. Комсомолда ишлаб юрган кезлари шаҳар чеккасидаги Лакабчи маҳалласқда танҳо яшаётган кекса онаси ва-фот этиб қолади. Ўша пайтлар Сафарнинг амал курсиси илинжида минг бир нағмага йўргалаб юрган кезлари. Ўзини коммунистик идеаллар учун ҳақиқий жангчи қилиб кўрсатишда, агар лозим келса, борбудини «финг» демасдан берворадиган шаҳди бор.

Сафар ярим кечада онасининг ўлими ҳакида хабар келтирган кишини: «Маҳалла оқсоқолига бориб айт. Бу ердан катталар боришади. Жаноза-паноза деган нарсани хаёлига келтирмасин. Биронта саллали одамни кўриб қолсам, мендан омонлик кутмасин», деб жўнатади.

Эртасига у ўрис хотини-ю, уч-тўрт «комсомол» жўралари билан гулчамбар кўтаришиб тушга яқин кириб боришади. Боришса, маҳалла-кўй ҳамма расм-русларни бажо келтириб, кампир раҳматлини вактликина қабристонга қўйиб келишган, мотамхонада кўни-кўшнилардан бўлак ҳеч ким йўқ, ҳамма уй-уйига тарқалиб бўлган экан.

Шунда Сафар дарғазаб бўлиб, бир зумда қишлоқ оқсоқолию мачит имомини олдиртириб келади.

— Онамни менсиз кўмишга ким рухсат берди?! — ўшқирди у.

Мачит имоми унга: «Ўзингизни босинг. Биз раҳматли волидангизнинг васиятларини бажо келтирдик холос. Анчадан бери бетоб бўлиб ётган кампир кечагина бизни ҳузурларига чакиритириб: «Боламнинг кимлиги ўзларингта маълум. Қачонлардан бери ҳолимдан хабар олмай қўйган, тақводорлигимни сўймайди. Энди мен ўлиб-нетиб қолсам, у етиб келгунча жаноза ўқиб кўмиб қўйинглар, илоҳо, иймонсиз кетмайин, охиратим куймасин», деб илтимос килувдилар. Кампир ҳак эканлар, мана, ўзимиз ҳам кўриб турибмиз...» дейди. Маҳалла оқсоқоли ҳам имомнинг гапини тасдиқлаб: «Худди шундай» дейди.

Бу гаплардан Сафар кизариб-бўзариб, яна ўшкиради:

— Охират-похирати нимаси?! Қачон қутуламиз бу бидъатлардан?! Йўқ, йўқ, бу каллаварамлар умрини ўтаб бўлмагунча коммунизм куриб бўлмайди!

Шунда, ўз умри давомида жуда кўп муттаҳаму муштумзўларга дуч келган, ҳар қандай шароитда ҳам бундайларнинг думини тутиб қўя оладиган маҳалла оқсоқоли уни гапидан маҳкам тутади:

— Тўхта, нима дединг? Коммунизм куриб бўлмайди, дедингми? Ана энди мард бўлсанг, ана шу гапингдан тонмайсан. Ҳамма гувоҳ, сени ҳалқ ичида «ком-

мунизм куриб бўлмайди» деб айтди, деб тўппа-тўғри Московга ёзамиш!

Кутимаганда бу хужумдан Сафар ҳам, унинг шериклари ҳам каловланиб қолишади.

— Мени тўғри тушунинглар! Мен ундан демокчи эмасман! — энди дағ-дағани илтижо оҳангига буради Сафар.^ц

— Йўқ. Айтдинг, айтдинг! маҳалла оқсоқолининг кўнглидагини тушуниб етган кўни-кўшилар ҳам уни маъқуллаб кичкиришади.

Шундан кейин вазият кай даражада кизиганлиги ўз-ўзидан маълум. Ҳикоя қилишларича, Сафарни қийин ахволдан донишманд мачит имоми қутқазган...

— Майли, мен ўртага туша қолай, — депти у. — Раҳматли волиданг хурмати «коммунизм куриб бўлмайди» деган гапинг шу маҳалланинг ўзида қолади. Илоҳо, айтганинг келсин... Лекин охиратга шак келтирдинг. Бунинг учун сенга «охиратнинг шотиси» деб лақаб қўямиз, токим умр бўйи «охират» сўзи оёғингга кишин бўлиб юрсин!

Уша-ўша, Қораевни яқиндан танувчилар уни «Охиратнинг шотиси» деб қўйишаркан. Менга бу ҳакда комсомолда ишловчи бир дўстим ҳикоя қилиб берувди..

Шоти биз билан ўрнидан туриб кўришмадијам, саломлашмадијам. Менга ҳатто қараб ҳам кўйгани йўқ. Ўтирган жойидаёқ Тальят акага қараб: «Келдиларингми? Ўтиринглар», деб кўя қолди. Кўпчиликнинг обрў-эътиборини қозонган, иззатталаб Алимов кечагина бу ерга осмондан тушган янги мудирнинг бунчалик соvuқ муомаласидан қаттиқ ранжиди. Буни мен унинг касалманд юзи «лоп» этиб қизариб кетганидан сездим.

Ўтиридик. Шоти олдидағи кизил духобали калпоқча кийдириб қўйилган чойнакдан чой қуйиб, биринки бор пўриллатиб ҳўплаб олди-да, кейин қисиқ ва совуқ кўзларини Тальят акага тикканича, ясама оҳангда сўради:

— Нима иш қилиб қўйдиларинг?

— Нима иш қилиб қўйибмиз? — гап нима ҳакида бораёттанини яхши билса-да, жўрттага ҳеч нарсадан

хабарсиз одамдек, саволга савол билан кесатиброк жавоб берди Тальят ака.

Шотининг кисик кўзлари янам кисилиб кетди. Бу кўзлар очикими-юмуқми, бизни кўриб туриптимиш ўқми, англолмайман. Бироқ унинг узун ва озгин, ўлимтиқ бармоқлари сезиларли даражада титраётганини сездим.

Шоти стол устида тахлоғлик турган газетамизни олиб, бир дам ўёқ-буёгини ҳафсала билан ағдариб чиқди. Кейин тўртинчи бетдаги «Шантаж»га тўхтаб:

— М... да-а... — деб кўйди юпқа ва консиз лабларини қимтиб. — Ҳамма ёқни фохиша босиб кетипти-ю, обком бехабар!

Мен уни дарҳол тушундим. Мақоланинг эътиroz билдириш мумкин бўлган жойлари йўқ, бунинг учун жон куйдириб меҳнат қилганман, сиёsatдон ғаним чиқиб қолган тақдирда, факат ана шу фохиша масаласигагина осилишини олдиндан билардим. Демак, Қораев бизга қарши. Дорилфунун домласи бўлмиш бир ҳамсоям: «Ҳаким Саматовдан хушёр бўлинг. Қораев иккиси бир охурдан ем еб юрган одамлар» деганда, бу гапга эътибор бермаганимни эсладим. Яна ким билади...

— Пашибадан фил ясаманг, Қораев, — уни жеркиб берди Тальят ака. — Мақоланинг бош мавзуси уюшган жиноий гурухнинг фош этилишидир, наҳотки шуни тушунмаётган бўлсангиз?

Муҳаррирнинг бу гапидан мен «Саводинг борми ўзи?» деган маънони англадим. Бироқ бу аччиқ магиз Шотининг кисик ва ҳиссиз кўзларига илашмай қолаверди.

— Тушунганмиз, жуда яхши тушунганмиз, — сўзида давом этди у. — Советлар мамлакатида, коммунистик жамият шароитида фохишалар кўпайиб боряпти, деган фикрга урғу берилаётганини тушуниб турибмиз. Қани айтингчи ўртоқ Алимов, шунинг ўзи буржуа диверсияси эмасми? Шунинг ўзи партиявий газетадаги сиёсий кўрлик эмасми?

Шоти шундай дея, ракиб шоҳга усталик билан мот кўйган ғолиб ўйинчидек, иккала қўлини стол устига тираганча викор билан ўрнидан турди. Гўё ана

шу фоҳишалар туфайли даҳшатли воқеа рўй бериб, «у бошлиқ» вилоятда фавқулодда ҳолат эълон қилингандек, энди у бутун вужуди билан мотамсаро бир киёфага кирди.

Талъат ака иккимиз янги бўлим мудирининг кутилмаган бу мушоҳадасидан ҳангу манг бўлиб қолдик. Нималар бўляпти ўзи? Бу одам соғми, ё...

Бу ерга кириб келганимиздан бери бизга қилинаётган совуқ муносабатдан, тирноқ остидан кир кидиргандек мақоламга ноҳақ сиёсий тус бераётгани ва айниқса, мени умуман одам қаторига қўшмаётганидан портлашим мумкинлигини Талъат ака сезди. Отахон «шошма» маъносида бир қўли билан тиззамини аста босиб қўйди.

— Ўртоқ Қораев, бу мақолада номлари келтирилган фоҳишалар маъмурий органлар томонидан фош этилган ва жазога тортилган жиноятчи шахслардир. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, мазкур мақолада уларни четлаб ўтишнинг иложи ҳам йўқ эди, — изоҳ берган бўлди Алимов. — Энди сизнинг кейинги мушоҳадангизга келсак, фоҳишалар учун коммунистик жамиятми, капиталистик жамиятми, улар советлар мамлакатида ёки Гватемалада яшаяптими, бунинг мутлако аҳамияти йўқ. Беномуснинг чўнтағига ўнта партбилетни солиб қўйган тақдирингизда ҳам, бундан ҳеч нима ўзгармайди, нафс йўлида ҳар қандай тубанликка бораверади.

Шоти хона деразаси олдида кўлларини чалкаштирганича бизга тик боқиб: «Қани, гапириб олинглар» маъносида бир дам жим турди. Кейин ўзича «Тушунарли, тушунарли...» деб қўйди-да, жойига келиб ўлтирди. Шу вақт телефон жиринглаб, трубкани кўтарди:

— Эшитаман. Ҳа, сенмисан? Кўрдим, кўрдим. Парво қилма... Мен ҳозир бандман, ҳалироқ ўзим кўнгироқ қиласман. Лаббай? Майли, майли. Йўқ демаймиз... — у трубкани жойига қўйиб, кейин менга қарди: — Сиз ҳам шу фикрдамисиз, ошна?

Мен ҳам:

— Ҳа, ошна, мен ҳам худди шу фикрдаман, — деб қўйдим.

Сездим, бу журъатим унга ботмади. Гезаргандек бўлди.

— Мумкинми билсақ, уйланганмисиз? — яна сўради мендан.

— Йўқ. Нима эди?

— Мақолангизда нима учун фоҳишалар ҳафсала билан тилга олингани учун сўрайпман...

Буниси энди мен учун ҳақорат бўлиб туюлди. Ўзими ни бошқа тутолмадим:

— Сендақа тўнкалар билан... партия узоқка боромаса керак.

— Нима?! Нима дединг?! — унинг кўзлари катталашиб кетди. Худди сувсиз қолган балиқдай, уч-тўрт бор оғзидан нафас олди, бундан унинг шалпанг кулоқлари таранг тортилди. — Мен сенга кўрсатиб кўяман! Партия органларига сукулиб кириб олган бундай унсурлар учун сиз жавоб берасиз, ўртоқ Алимов!

Тальят ака аввалига «Яхши килмадинг» деган маънода менга бир қараб кўйди-да, кейин аста ўрнидан турди. Унга кўшилишиб мен ҳам турдим.

— Сиз билан гапни давом эттиришга ҳожат йўқ, деб хисоблайман, — у Шотига нафратомуз бокди. — Колганини котиб Московдан қайтгач гаплашамиз, хайр.

Шу билан чиқиб кетдик. Шоти орқамиздан «Бўпти, кўрамиз ҳали!» — деганича қолаверди.

...Орадан ўн кунларча ўтиб-ўтмай, учинчи котиб Московдан партиявий мафкура бўйича малака ошириб қайтгач, бизнинг «иш»имиз обкомда яна кўриб чиқилди. Маколада «фоҳишалар сафи кенгайиб бораётгани ҳақида ўринсиз жар согланим ва унинг ижтимоий илдизлари қисман жамиятнинг ҳамда коммунистик амалдорларнинг турмуш тарзи билан боғланганлиги ва ниҳоят, обкомда партия шаънига ҳақорат келтирган»им учун мени бўлим мудирилигидан оддий муҳбирликка туширишди. Тальят ака эса, «сиёсий саводсизликка йўл қўйилгани учун» каттиқ хайфсан билан қутулди.

Мен Оллоҳнинг беназир чеварлигига ҳамиша тан бериб келгувчиман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўшандан кейин орадан бир йилча ўтиб, сира кутилмаган бир воқеа рўй берди.

Тошкентдан меҳмонларим бор эди. Ёзниг жазирама кунлари. Уларни бир айлантириб келай деб, Шоҳимардонга олиб бордим. Худо ҳаққи, эндиликда шаҳар партия комитетининг мафкура бўйича котиби бўлиб ишлаётган Шотини ўша ерда учратиб қолиш фикри хаёлимда йўқ эди.

Ям-яшил викорли тоғ кўксидаги роҳатижон оромгоҳларнинг бирида тўхтаб, эндиGINA қозонга уннаб турган пайтимиз. Ногоҳ биздан йигирма-ўттиз қадамлар наридаги «Кока-кола» дўкончаси ёнида бир-бирлари билан шўх ҳазиллашиб кулишиб, чанқовбосди қилишаётган новча бўйли бир эркагу, кўзга яқин ёш бир жувон беихтиёр дикқатимни ўзига тортди. Икковиям кимматбаҳо хорижий спорт кийимида, оёкларида енгил шиппак, юзларида шапалоқдек-шапалоқдек қора кўзойнак.

Жуссалари, овозлари, яна нималаридир танишдай туюлади. Аввалига бир дам уларга тикилиб турдим. Кейин ўзимча, ким бўлгандаям менга нима, деган фикрга келиб, эътиборимни улардан эндиGINA узмоқчи бўлувдимки, ҳалиги ёш аёл юзидан кўзойнагини олди. Енларида музқаймоқ еб ўтирган уч-тўрт нафар болаларгаям, сотувчи мўйсафидга ҳам эътибор бермай, қўлларини новчанинг елкасига узатиб, унга бўса ҳадя этмокчи бўлди. Эркак бундан мулзам тортгандек қизнинг иккала қўлини тутганича атрофга олазарак назар ташлади. Шунда менга кўзи тушиб, илон қаршисидан чиқиб қолган курбақадек қотиб колди.

Ўз ўрнида, нима бўлганини тушунолмай аёл ҳам мен томонга ўгирилди. Тушунарли... Эркак унга нимадир деди, аёл шошиб кўзойнагини қайта такди-да, эркадан бўшалиб, хов нарироқда турган ҳаворанг «Волга» томон саросимали қадам ташлаб кета бошлади.

Мен уларни танидим. Улар «оҳиратнинг шотиси» Сафар Қораев билан... ўша, Куйдирги эди! Сира кутилмаган бу ҳолдан лол қолдим, негадир хижолат ҳам тортдим. Лекин шу тоб миямга обком хонасида бўлиб ўтган ўша, ўтган йилги зиддият чақиндай урилди...

Дўконча пештахтаси устида турган уч-тўрт шиша ҳам уларга тегиши экан. Шоти уларни апил-тапил кўлига олиб, аёл кетидан равон бўлувдики, аҳмоқчилик қилиб қўйдим:

— Ҳов Сафар ака, чойга марҳамат!

Шоти турган жойида туриб қолди. Ноилож шишаларни қайтадан пештахта устига кўйиб, юзидан кўзойнагини олди. Мени гўё энди кўриб таниётгандек олдимга илдам қадам ташлади:

— Ие, Собиржон, сизмисиз?! Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

Мен ҳам унга пешвуз юрдим.

— Мехмонлар бор эди, айланиб келувдик — дедим мён у билан қўл бериб сўрашиб. — Ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Менми? Мен... биз... кеннойингиз билан зиёратга келувдик...

Кўнгилда гина-кудурат саклаш, кимданdir нима учундир ўч олиш каби одатлардан жуда олисадаман. Лекин хозир, умримда биринчи ва охирги марта бўлса керак, Оллоҳ ўзи кечирсин, ана шу бетавфиқ туфайли чеккан ўша азиятларим учун, уни ҳеч бўлмаса гап билан бир эзиб қўймоқчи бўлдим:

— Мен ўшанда... фоҳиша Куйдирги кеннойим эканлигини билмаган эканман, кечирасиз...

Шотининг пешонасида тер ялтиради. Аччик ютиниб қўйди.

— Бопладинг... — негадир у мени сенсиради. — Бандаси хом сут эмган... Сал таниш эди, олиб келувдим. Гап шу ерда қолсин, илтимос...

— Хавотир олманг, — дедим унга сал самимиЙроқ оҳангда.

— Агар фурсат топсангиз, келинглар, ҳадемай ош тайёр бўлади.

— Раҳмат, кетишим керак, — у ер остидан «Волга» томон назар ташлаб қўйди. Машинанинг очиқ деразасидан Куйдирги бизни кузатиб ўтиради.

— Шаҳарда кўришармиз...

Индамадим. У бир замбар лой эди, машина томон оёғини базур кўтариб босиб бораради.

Ўша-ўша, мен уларни бошқа учратмадим. Куйдир-

гини, кейинчалик бошка ёққа кетиб қолган, дейишди. Шоти эса бора-бора қорасини күрсатмай охирида партияси билан бирга батамом гумдон бўлди.

Ана шу воқеалар ногоҳ эсимга тушди-ю, капитан Суннатовнинг бундан хабари бордирки, шунга шама қилаётгандир, деган фикр уйғонди менда. Йўқ, бундай эмас, чунки бу киши у пайтлар бошқа шаҳарда яшаган. Бу ерда ишлаётганига энди иккинчи йил кетяпти, бундан хабарим бор.

...Мен ўзимча ўйга толиб қолганимни кўриб, капитан Суннатов чўнтағидан сигарет чиқарди, уни бамайлихотир тутатди ва сал нарироқда турган кулдонни ўз олдига тортаркан:

— Нима учун илгари ҳам ёзганмисиз, деб сўрашимнинг боиси, улар жудаям муттаҳам бўлишади, — деди пучуқроқ бурнидан бурқсатиб тутун чиқариб.— Ана шундай, ука. Падарига минг лаънат, ўша фоҳишаларингизни...

Ноҳуш хотиралардан сўнг, Турдимат аканинг бу гапидан қувлигим тутди:

— Тўхтанг, тўхтанг. Мундоғ ўйлаб гапирсангизчи, нега энди менинг фоҳишаларим бўларкан? Аксинча, фоҳишалар сизники, улар устидан подабонлик таёғи сизга ишониб топширилган...

Ҳазил-мутойибага чанқоқ капитаннинг чехраси ёриди.

— Ҳа, энди, шундай дедим-қўйдим-да, — мийигида кулиб қўйди у. — Майли, майли, менини бўлса, бўлақолсин. Кошки эди, менга биронтасини топиб беринг, деб олдимга ялиниб келувчилар бўлмаса...

Завқ билан кулишиб олдик. Мен унинг гапида давом этишини кутардим.

— Очиги, шулардан гап очилса, қон босимим кўтариладиган бўлиб қолди, — қўлидаги яримлаб колган сигаретини кулдонга босиброқ эзғилади у. — Яқинда ҳайфсан олдим... Йил охирида нафакага чиқадиган одамман. Юзингда кўзинг борми, дейишмайди. Нима эмиш, менинг мавзеимда чурраклар кўпайиб кетган эмиш!

Кулиб юборишдан ўзимни базўр тийиб қолдим. Чунки кекса ва ҳоргин, соддадил капитаннинг юзи

энди жиддий, бироқ қошларини чимириб, лабларини болаларча чўччайтириб олган эди.

— Хафа бўлманг, Турдимат ака, — унга тасалли бермоқчи бўлдим. — Раҳбарларни ҳам тушуниш керак. Бор, нима бўлсанг — бўлавер, дейиш билан иш битмайди-ку, ахир. Яқинда хокимиятда вилоят бош ҳакими ҳисобот берди. Сира кутилмаган гаплар чиққанидан бехабарсиз, шекилли. Фаҳш билан шугулланувчилар, юкумли таносил касалликларни тарқатувчилар сони кескин кўпайиб кетибди. Айниқса, сиз ишлаётган мавзеда шароит оғирроққа ўхшайди.

— Шароитининг оғирлиги ҳаммага аён, — гапими бўлди у. — Бу шаҳарчада ҳар хил миллатга мансуб ўн мингдан ортиқ ишчи оила яшайди, уларнинг аксарияти Иттифок даврида турли худудлардан келиб қолишган.

— Бу билан... шароитимиз носоз, демоқчимисиз?

— Нима десамикин... — капитан бир зум ўйга чўмиб қолди. — Халқимизда «Йиглаб-йиглаб ариқ очсанг, кулиб-кулиб сув ичасан» деган макол бор. Шояд фароғатли кунлар ҳам насиб этиб қолса. Яна шуниси ҳам борки, ишчи оила ўз нонини ҳалол меҳнат билан топиб ейишига ўрганган. Уларда орият ҳам кучлироқ...

— Ориятли инсон учун энг сўнгги чора ўлимдир. Мен фаҳшни ожизлик, заифлик, енгил табиатлилик маҳсули деб тушунаман.

— Ҳа, умуман олганда шундай. Типратикан тикинсиз туғилади, тикани кейин пайдо бўлади. Одам боласи яхшиликни "ҳам, ёмонликни ҳам ўзини ўраб турган мухит ва шароитдан олиб ўсади.

— Бу галларни 'кўйинг, Турдимат ака. Сиз афтидан энг ривожланган давлатларда роҳат ва фароғатда яшаётган зодагон мавзеларда фоҳишабозлик кўпроқ авж олганидан бехабарсиз чоги. Лекин бизни кўпроқ даҳшат ва ҳайратга solaётган нарса — оп-номусини, ҳаё ва иффатини, иймон ва диёнатини азал-азаллардан муқаддас билиб, ҳамма нарсадан устун кўйиб келган бизникилар орасида... ана шундай жирканч жароҳат газак олаётганидир... Буюк бобокалонимиз

Амир Темурнинг сўзларини эсланг: «Номуссиз хиёнатдан номусли ўлим афзал...».

— Ёки бўлмаса Зебунисони айтмайсизми! — жонланиб кетди капитан. — Мен унинг хотин-қизларимиздаги ҳаё тўғрисида ёзган байтини биламан:

*Лайли зотидан эрсам-да дилда Мажнунча ҳаво,
Тоев тош кезгим келур, лекин ўйлим тўсгай ҳаё.*

— Отангизга раҳмат, жудаям топиб айтдингиз! — уни қувватлаб қўйдим. — Энди яна бир нарса: илгарилари ўзимизда қўлга тушганларни тириклайнин де-вор остига бостириб юборишаркан.

— Худди шундай, мен бу ҳақда жуда кўп эшитганман, — уям гапимни тасдиқлади.

Мен капитанга ён дафтаримда қайд этиб қўйилган бир нарсани ўқиб бердим.

— Эрига хиёнат қилганлиги учун Эрон ва Курияда, Мавритания ва Суданда, Бирлашган Араб Амриклари ва Саудия Арабистонида, фохишалик учун Эронда, фохишаҳона очганлиги учун ёки қўшмачилик қилганлиги учун Хитойда ўлим жазоси берилади.

— Менинг кўнглимдагидек экан, — сўзимни илиб кетди у. — Хўш, бизда-чи? Фохишанинг фохиша эканлигини била туриб, сен фохишасан деб кўринг-чи. Бир дамда иштонини бўйнингизга илиб қўйиб, шармандангизни чиқаради. Чунки унинг қўрқадиган, ҳайикадиган қонуни йўқ. «Сен мени аввал биронта билан ушлаб ол, ана ундан кейин гапир» дейди. Боринг ана, фохишани фохиша эканлигини исботлаб ҳам бердингиз дейлик, хўш, нима бўпти? У арзимаган жарима билан халос топади-да, кейин "ўз йўлида кетаверади.

Суннатов ўрнидан турди. Олдимиздаги кулдонни олиб бориб, ёзув столи бикинидаги ахлат кутисига бўшатди-да, яна бир бор «Падарига минг лъянат» деб қўйди.

Сўнгра дераза ёнига бориб, бир дам ташқарига лоқайд назар ташлаб турди. Кейин яна менга ўгирилиб, босиқ оҳанг билан сўзида давом этди:

— Рости гап, ҳаммасидан чарчаганман. Тезроқ нафақага чиқиб кетсан, дейман. Кенжамни уйланти-

ришим керак. Шу йил кузакда бир амаллаб тўйини ўтказиб олсан бас, ўёғига худо пошшо!

— Ўша кунларга етказсин. Қамишдан бел боғлаб, ғалвирда сув ташиб хизмат қиласмиш, — унинг руҳи ни кўтармоқчи бўлдим.

— Раҳмат, ука. Дунё факат яхшилар билан обод.— Суннатов шундай дея, ёзув столи ёнига ўтди. Тортмадан бир дафтар чиқариб вараклади-да, унинг қаерида-дир тўхтаб, буюрди:

— Ён дафтарингизга ёзиб олинг. Байнамилад кўча-си, 13. Квартираси ҳам 13. Хонадон бир кампирнинг номида. Уч хонали. Бу ерда ўша кампирнинг қизи яшайди. Исмиям, лақаби ҳам кўп. Жойида танишиб оларсиз. Кўшмачи. Ўзиям ёмон эмас, дўмбокқина, лўмбилилаган... Сезишмча, аллақандай мафия гурухи билан алоқадор. Кўшни регионлардан турли марка-лардаги автомашиналар келиб тураркан. Ҳозир чет-дан назорат олиб боряпмиз. Шояд сиз туфайли иши-миз тезлашиб кетиб, истеъфога чиқиш олдидан хайф-санимдан халос топсан.

— Умид қиласверинг, Турдимат ака. Худо хоҳласа, сиз ҳақингизда ўзим алоҳида очерк ёзиб, таърифин-гизни бутун республикага ёйман.

— Раҳмат, раҳмат, — болаларча кувониб деди соддадил капитан. — Энди бундай. Ўша жойга борсангиз, биз билан алоқадор эканлигинизни сираям сезишмасин. Дарвоқе, бу квартира Вохидов Абдусат-тор деган кишиники эди. Такси ҳайдовчиси бўлган. Новча бўй, қотмадан келган, чўтири юз, аскиябоз. Ла-қаби Шўрбалиқ, ёши элликларда... Квартирани бу-ларга бериб, Қаршига кўчиб кетган. Ўша одамни сўроқ-лаб борасиз, акахоним дейсиз... Эҳтиётроқ бўлинг, у ерга ҳар хил одамлар кириб боради. Мабодо лозим бўлиб қолсан, телефонларимни биласиз.

— Хотиржам бўлинг. Жанг майдонидан тирик қай-тишга ҳаракат қиласман, — дедим унга ҳазил ара-лаш.— Мабодо қолиб кетгудек бўлсан, сиз ҳам теле-фонларимни биласиз...

— Кечирасиз, мелисачилик... Эҳтиёткорлик қони-мизга сингиб кетган, — деди Суннатов менинг жаво-бимдан завқланиб. — Албатта, сиздайин йигитлар

хар қандай жангдан омон қайтиши аниқ. Фақат... жанг майдонида бирон касалга чалиниб, «госпитал»га тушиб қолишдан сақлансангиз бас...

Қисқагина сўз ўйинидан икковимиз ҳам мазза қилиб кулишиб олдик. Чиқиб кетарканман, Суннатов эшик бўсағасида мени яна тўхтатди:

— Айтмокчи, у ерга кечки пайтрок борсангиз маъкул. Иложи борича башангроқ кийининг. Кўлингизда дипломат бўлса, янаем яхши, бошқа шаҳарданман, дейсиз.

— Ҳаммасининг иложи бор, жаноб капитан. Фақат... келинингизга ниманидир баҳона қилиб уйдан чиқиб кетиш анча мушкулроқ, — дедим.

— Буёғига мен мутлақо хотиржамман, — Суннатов илжайганча яна бўш келмади. — Журналист халки ёлғон учун ҳеч қачон бирорнинг чўнтағига тушмаган.

* * *

Квартира қўнғироғини икки-уч марта босдим. Очишмайди. Ичкаридан телевизордами, магнитофондами, «Фарғонада биттагина» қўшиғи янграйти.

Кимdir эшик ёнига келиб тўхтаганини сездим. Афтидан, кўздарчадан мени обдон кузатяпти. Ниҳоят, ўзимни тоқати тоқ бўлиб, қайтиб кетаётганга соулувдимки, қулф «шилқ» этиб очилди:

— Хизмат, акажон?

Каршимда... кўринишидан киркдарга яқинлашган, тўладан келган, ўнг ёноғида нўхатдек кора холи бор, кўз остлари анча салқиб, ранглари сарғиш тортганини хисобга олмагандা, кўхликкина бир жувон менга синовчан бокиб турарди. Эгнида хитойи халат, олди анча очиқлигидан дуркун сийналар оралиғи кўзга чандон ташланиб турипти.

Бу киёфа менга бир оз танишдай туюлди. Уни каердадир учратгандекман. Камалак қошлар, ўнг ёноғидаги нўхатдек кора хол... Эслолмайман, ўйланиб туришга эса фурсат йўқ.

Уй бекаси ҳам менга бир дам тикилиб қолди. Бироқ хаёлини менинг бўй-бастиму эгнимдаги оҳорли либос тортиб кетаётгани аниқ эди.

— Кечирасиз, менга Абдусаттор ака керак эдилар...

— Абдусаттор ака? Бу ерда унақа киши яшамайди-ку, — жувон узрли бир оҳанг ва назокатли қиёфа да тилло тишларини хиёл ялтиратиб жавоб қилди.

— Нега яшамайди? Ахир... таксичи Воҳидов Абдусаттор аканинг уйи шуми?

— Э-э,, Саттор шўrbалиқ денг! — У ўзича жилмайиб қўйди. — Ҳа, шу. Лекин яқинда менга сотиб, ўзлари кўчиб кетишган. Бирон хизмат бўлса...

— Мабодо телефон-пелефон қилиб қолсалар. Ўщдан Баходир деган бир укахонингиз келиб кетди деб қўярсиз. — Шундай дея, жўрттага кетишга чоғланган эдимки, у мени тўхтатди:

— Ие, ҳали меҳмонман денг?! Ундан бўлса, сизга жавоб йўқ, — у энди сира ийманмай, шошиб келиб тирсагимдан тутди. Димогимга фарангни атирганинг ўткири хиди урилди. — Бир пиёла чой ичиб кетасиз. Ҳар холда, ўзингиз учун қадрдон уй экан.

— Раҳмат. Кеч кирмай...

— Йўқ-йўқ. Ундан демант. Қани, ичкарига марҳамат.

Ичкарига киришим биланоқ, эшик шарақлаб кулфанди. Этим сескангандек бўлиб, таъбим оз-моз хира тортиди. Лекин сир бой бермадим.

Жувон ғалати мулозамат билан қўлимдан дипломатими олди. Туфлимни ечиб, ортидан юрдим. Таклиф қилинган хонага бош суқарканман, кутилмаган ҳолдан лол котиб қолдим. Тўрдаги оромкурсида... кўзга оз-моз ташлананаётган уят жойи ёпилганини ҳисобга олмаганда кип-яланғоч, оловдай ёниб турган, 16—17 ёшлар чамасидаги бир қиз ўлтиради. Тимкора, узун ва ёйик соchlари бир елкаси оша бикинигача чодра бўлиб тушган. Мармардек тиниқ бадан, шабнам еган амири нокдек куврак ва диркиллама сийналар парвоз учун қанот қоқиб турипти...

Мен унга беихтиёр тикилиб қолдим. Лекин тезда ўзимни ўнглаб олдим. Хижолат тортгандай, ўхшовсиз йўталиб қўйдим.

— Тортинманг, сирайм тортинманг, — далда беради уй бекаси. — Қани, юқорига марҳамат.

Ноилож, қиз олдидаги курси томон йўналдим. У эса жим, ўрнидан кимирилаб ҳам кўймайди. Менга хотиржам ва беписанд боқади.

— Салом... яхши қиз... — ғўлдираб кўйдим.

Шундан кейин у менинг ночор аҳволимдан анча жонлангандек бўлди. Ёнидаги магнитофон овозини бир оз пасайтириб, чиройли жилмайиб кўйди:

— Окей, тоға! Намунча имиллайсиз, ўтирангиз-чи! Мен креслога ўнгайсиз чўкарканман, у қўлидаги сигарет қолдигини кулдонга ташлаб, қўшиб кўйди:

— Терладингиз. Ёввойи пляжларда бўлмагансиз чоги. Ё мени... яхши кўриб қолдингизми?

Қиз кутилмаганда кийкириб, мазза килиб, жудаям чиройли кулди.

— Бас қил, Тахмина. Тур, устингга бирор нима ташлаб чиқ, — унга беозор оҳангда буйруқ қилди уй бекаси. Кейин менга: — Парво килманг, хозиргина ваннадан чиқувди... — деб кўйди.

Тахмина минг таманно билан ўрнидан турди. Бўйла-ри узун, сарвқомат. Бўлиқ ва оппок, мармардек силлиқ болдирилар сезилар-сезилмай жимирилаб турипти...

Ўз-ўзимча хўрлигим тутади: манаман деган бир йигитга вафоли ёр, умид ва орзулар ғунча очувчи покиза бир даргоҳга малика бўла оладиган шундайин паризот нималар киляпти бу ерда?

Тахмина мен учун кутилмаган бир тарзда, ўз ёшига, хусну малоҳатига ярашмаган усулу қиликлар билан ёткоҳонага ўтди.

— Бу қиз... жияним бўлади, — уй бекаси Тахминанинг ўрнини эгалларкан, халат этакларини икки ёнига ташлаб, хушбичим оёқларини устма-уст алмаштирганча, «энди менга бок» мазмунида кўз сузиб, эътиборимни ўзига қаратди: — Танишиб олайлик, Баҳодир ака. Менинг исимим Ферузга...

Мен Ферузанинг бодом қовоқларига, қайрилма қошлиари-ю, ёноғидаги чиройли холига ўғринча назар ташлаб кўяман. Аёл кишига хол деган нарса бунчалар ярашмаса! Болалигимда худди шунақа чиройли холи бор қизчани яхши кўриб колувдим. Ҳечам эсимдан чиқмайди. Исми Холниса эди. Одатда холи бор қизларга шунақа исм кўйишади: Холниса, Холби, Холдана,

Холида... Тўхта, тўхта, бу ахир ўша... Ҳа, худди ўша, «Шантаж» босилиб чикиши арафасида прокурор Мирзаматов таништирган Холида... фамилияси эсимда йўқ, Куйдиргининг ўзи-ку?! Зап қизиқ бўлди-да, шу бугун капитан Суннатовнинг кабинетида эслагандим-а! Кунин кечакида редакцияда зиммамга фоҳишалар ҳаётидан, фоҳишабозлик иллатининг ижтимоий илдизлари ҳакида материал тайёрлаб бериш вазифаси юклангандан ҳам, мен Куйдиргини яна учратаман, у менга тагин керак бўлади, деб сира ўйламовдим. Энди буёги қандай бўлди? Ишқилиб, таниб колмаса гўрга, деб турибман.

Куйдирги, Куйдирги... Анча ўзгарибсан... Ёшинг эндиғина ўттизлардан ошган бўлиши керак. Лекин тез сўла бошлабсан. Юзингдаги ўша тиниқлик ва тароватлар, вужудингдан уфуриб турган ўша шаддодлик оловлари энди қани?..

Эсимда, жуда яхши эсимда. Фоҳишалар шарбати тугаб, ўйиндан чиккач кўшмачилик қилиб, янам кўпроқ пул топишади, деганинг. Лекин сен ҳали ўйиндан чикмаган кўринасан. Унисиниям, бунисиниям қиляпсан чоги.

Бугун энди Феруза... Капитан Суннатовнинг айтишиба бор. Булар ўз номларини тез-тез ўзгартириб турishiади. Шунча йил негадир кўринмай кетиб, мана, яна қаршимда ўлтирипти.

Бир дам ўй сурисиб, жимиб қолишим Куйдиргини шу ондаёқ безовта қилди:

— Тилингизда шириналлик. Лекин дилингизда бошқа нарсалар кечяпти.

— Ҳа, топқир экансиз, — дарҳол хушёр тортдим.— Бугун... сизлардек новвот қизлар хузурига тушиб қоламан, деб сираям ўйламаган эдим.

— Нима, новвот қизлардан чўчияпсизми?

— Наҳот энди шундай деб ўйласангиз...

— Ундей бўлса, гап нимада, Баходир aka?

— Ўзим шундай. Илгари бунака жойларда бўлмаганим учунми...

Нихоят Куйдирги таскин топгандек бўлди. Ичкари томон юзланиб: «Тахмина, тезроқ бўл. Мехмонга бирон нима олиб чиқ», деб кўйди. Кейин менга хотиржам ва хушнуд киёфада боқиб:

— Ризки улуг йигит экансиз, — деди. — Жаннатга «топ» этиб осмондан тушиб қолдингиз.

— Жаннатда күриш бору, ейиш йўқ деб тўғри айтишган чоғи.

— Тушунмадим. Нега ундай дейсиз?

— Ахир, вакт кеч бўляпти. Тезроқ шаҳарга чи-киб, бирон меҳмонхонадан жой топмасам, бугун кўчада қолишим аниқ-ку.

Кўйдирги менга синовchan бокиб қўйди-да, кейин кинояли оҳангда:

— Ўзингизни гўлликка солманг, сиз кўчада қоладиган йигитларга ўхшамайсиз, — деди. — Ундан ке-йин... Меҳмонхонада сўппайиб, ёлғиз ётгандан кўра, ўша жойнинг ҳаққи-ю харажатларини биззи бўстонларга сарфлаб, кечани хузур-халоват оғушида ўтказиш ўзингиз учун яхши эмасми?..

— Кошки эди. Йигит киши учун бунақа илтифотдан кимматлироқ нарса бўлармиди. Лекин бу бўстонларнинг коровули келгинди ўгрини тутиб олса, са-зой қилмайдими ишқилиб?..

Кўйдирги энди менга завқланиб, яшнаб, эркала-ниб бокади:

— Хотиржам бўлинг, Баҳодир ака. Сиз тунаган тунда бу бўстонлар бекоровул бўлади...

Ичкаридан Тахмина чиқди. У олдимизга бир шиша конъягу учта билур қадаҳ келтириб кўяркан, менга кибр ва беписандлик билан қараб қўйиб, Кўйдиргига деди:

— Менимча, меҳмонимиз бу кеча на бизникида, не меҳмонхонада тунай оладилар...

Шишани очиб, қадаҳларни тўлдира бошлаган Тахминага иккаламиз ҳам ажабланиб бокдик. Ичимга бир оз ғулгула тушди. Нимага шама киляпти у?

— Бу нима деганинг, Тахмина? — тоқатсизланди Кўйдирги.

— Гап шундаки... — Тахмина менга яна бир бор истехзоли бокиб қўйди. Нафасимни ютиб турувдимки, хайрият, гап мавзуси бошқа жойдан чиқиб қолди:

— Саттор шўрбаликка ишониб келган ўшлик то-ғамнинг чўнтағида қирғизнинг увада сомидан бўлак

хемириям йўқдир. Демак, бу кишини ким ҳам қабул қиласди...

Кейин у конъяк тўлдирилган қадаҳлардан бирини менга узатаркан, кўшиб кўйди:

— Ичинг тоға, буниси бепул.

Мен ўзимни кўлга олдим. Ундан кўра юкорироқ пардада жавоб беришга тўғри келди:

— Қирғизнинг соми ўтмай қолган жой йўқ ҳали. Унга тенглашиш учун тарозининг иккинчи палласига анча юқ босишга тўғри келади...

— Окей, тоға! — кутилмаган қувноқлик билан кийкирди Тахмина. — Тарозининг иккинчи палласига мабодо мени боссангиз, неча кило қирғиз соми олишим мумкин?!

Кўз олдимда икки Тахмина, икки вужуд намоён эди. Бир ёндагиси номусдан, ҳаё ва иффатдан бенасиб, шахвату ишрат бозорининг жонли, чиройли, бироқ совуқ ва ҳиссиз кўғирчоги бўлса, иккинчи ёнда тақдирининг қандай кечишидан батамом бехабар, буни англамаган, тушунмаган ҳолда разолат ва қабоҳат гирдобига тушиб қолган ғур ва калтабин, гўзал ва худбин бир қиз турарди.

Хозир мен кўпроқ ҳаёлимдаги иккинчи Тахминани кўраётгандек, уни қидираётгандек, унга интилаётгандек эдим. Шу боис у билан ҳар қандай шароитда ҳам дағаллик қилолмаслигимни ҳис этиб турибман.

— Ундей эмас, Тахмина, — жавоб қайтараман унга. — Мен сенинг қадру қимматинг учун бўйинг баравар тилло тўккан бўлардим!

Кўйдирги енгил қарсак чалиб кўяди:

— Браво! Зар қадрини заргар билар, деб шунга айтадилар-да! Қани, қадаҳларни кўтарайлик!

Зимдан кузатиб турибман, Тахминанинг чехраси ёришиб, кўзлари ишва билан тўлди. Кўлидаги қадаҳни бир кўтаришда сипкорди-да, шоколадли конфетдан жиндай газак килиб олгач, мен жойлашган креслонинг суюнчиғига келиб ўтирди. Димогимга лорсиллаб турган куврак бадандан мастона бир ҳид урилди.

— Қани тоға, бўшатинг.

Ичдим. Столча устидаги конфетга кўл чўзмоқчий-

димки, у менга энгашиб, ғунча лабларидан бўса ҳадя этмоқчи бўлади.

— Шошма, жоним, — дейман ундан беозор узоклашиб, — сендан бўса олмок учун аввал жон куйдириш керак...

У сергак тортади. Юзи янайм ёришиб, бир қўли билан оқ аралаш соchlаримни аста силаб қўяди. Кеинин ширин табассум билан:

— Бир гап айтайми, — деб қолди. — Мана сизда кумуш билан олтин бор экан ҳисоб...

Кутилмаганда Куйдирги қиқирлаб қўяди:

— Бас қил, Тахмина. Мехмонни уялтирма.

Гап нимадалигини тушунолмай, икковига ҳайрон бокаман. Лекин Тахмина гапидан қайтмайди, кўнглидагини айтиб қўя қолади.

— Аёллар... Улар учун ёшми-қарими, хушрўйми-хунукми, бунинг асло аҳамияти йўқ Биз учун бошида кумушу, чўнтағида олтини, ва яна... темири бўлса бас!

Ўчовлон мириқиб кулишиб оламиз. Бу «химмат» учун яна биттадан қадаҳ бўшатамиз.

Ичимда ўз-ўзимдан ҳайратланаман. Турмуш чигириклари кимларни не йўлларга бошламайди, не кўйларга солмайди. Ҳаётнинг ўзи унисини ундей, бунисини бундай андозада, кимнидир анча барвақт, кимнидир анча кечрок дурадгор уста қўлидаги оддий ёғочдек тарошлайди. Инсон ундан топган ўз тушунчаси ва тафаккури, идрок ва ақидаси билан ўралашиб, бу ёруғ дунёнинг мағзи ва мазмуни, бор-буди ва ниҳояси шундангина иборат, деб умр кечираверади...

Базми жамшидимиз тобора қизиётгани ёки бирон-бир тамаддисиз қуруқ конфет билан газак қилинган уч-тўрт қадаҳнинг таъсириданми, ҳар қалай орамиздаги бегоналик пардалари анча кўтарилиб, гапларимиз қовушиб қолди.

Мен нишонга етиб бораётганимдан хурсанд эдим. Лекин ўз ўрнида, мени шу тоб масаланинг бошка томонлари ташвишга солиб турарди. Аввало, Куйдиргининг ҳамон менга гоҳ-гоҳ тикилиброқ қўйишидан ҳадикдаман. Бундан ташқари, ҳалироқ ўртада «Меними ё уними?» деган савол туғилганда қандай йўл тутиш лозим? Мабодо лозим келиб қолса, ишора қили-

наётган, уларни рухлантираётган пулни мен қаердан олиб бераман?

Шундай қилиб, бу кечани шу ерда ўтказишга қарор қилганим хонадон маликаларига анча маъқул тушди. Куйдирги ҳам, Тахмина ҳам очилиб-сочилиб кетишиди. Бирон-бир таом тайёрлаб, стол тузамоқчи ҳам бўлишиди. Қорним очроқ бўлишига қарамай, кўнглим тортмади. Ортиқча машмашанинг хожати йўқ, сухбатимиз совумасин, деган баҳонани қилдим. Шундан кейин столча устига Куйдирги келтириб қўйган озгина колбаса-ю уч-тўрт олма ва конфет билан кифояланган бўлдик.

Фақат... ҳамон ўша ҳолатда, бор-будини жўрттага кўз-кўз қилиб ўлтирган Тахминадан фикру хаёлимни узолмайман. Тобора қизиб, гулхан бўлиб кетишдан ўзимни базўр сақлаб ўлтирибман. Ахийри бўлмади, мен ундан эгнига халат ташлаб чиқишини илтимос қилдим. Тахмина қийқириб кулиб юборди:

— Тогам, ахийри чидамадилар!

Куйдирги ҳам унга қўшилишиб кулди-да, кейин менга далда берган бўлди:

— Ҳа, энди, эркак киши эрқаклигига боради-да. Тағинам Баходир aka анча сипо эканлар, бўлмаса аллақачон таъзирингни бериб қўярдилар...

— Ёмон кўрганим сиполик,— Тахмина тафтидан тушмайди.— Темирни қизифида босмайдиган эрқакларга дуч келсан, киз бола бўлиб туғилганимга ўкинаман!

Бопладинг, дейман ўзимча. Эркак бўлиб туғилиб, бундайин ҳақоратга сираям дуч келмаганман. Бироқ наилож, сабрнинг таги олтин, деганлар. Чидайман.

У мендан жўрттага аразлаган бўлиб, ғунча лабларини чиройди буриб яна саллона-саллона юриш билан ичкари хонага кириб кетди.

— Киринг. Орқасидан киринг...

Куйдирги менга синовчан қараб қўяди.

— Йўқ,— дейман чўрт кесиб.— Кирмайман.

— Нега энди? — ажабланади уй bekasi. — Нима, сиз бу ерда... факат тунаш учун колдингизми?

Мен шоша-пиша гапимни ўнглайман:

— Ундей эмас, албатта. Мен... сал кейинрок, демоқчиман:

Орага жимлик чўқди. Тахмина ҳа деганда чика-вермади. Куйдирги ўртадаги ширин кайфиятни совутиб қўйишдан чўчиб, ичкари хона томон қичқирди:

— Бунча имилладинг?!

Унга жавобан Тахминанинг:

— Мен озгина чўзилиб оламан, қизиб кетяпман,— деган овози эшитилди.

— Бўпти, лекин ухлаб колма. — Кейин менга юзланиб, илова қиласди: — Mast ҳолда ухлаб қолган аёлни уйғотиб, бозовта қилиб бўлармиди...

Индамайман. Куйдирги негадир ўзича жилмайиб қўяди. Магнитофон тасмасини алмаштириб, Юлдузнинг «Сени осмонимга олиб кетаман»ини пастрок овозда кўяркан, сўради:

— Баҳодир ака, қанақа жойга тушиб қолдим, деб ҳайрон бўлаётганингиз йўқми?

-Сигарет тутатдим. Шу баҳонада ўй-хаёлларимни оз-моз жамлаб олган бўлдим.

— Нега энди, ҳаммасини тушуниб турибман...

, — Қандай тушунсангиз ҳам, ёмон хаёлга борманг. Мен... ишлайман, касалхонада ҳамшираман...

У ёлгон тўқий бошлаганини сезиб турибман. Сен-дайлар хозирги шароитда ишлаб бўпти, деб қўяман ўзимча.

— Эрим офицер эди, Афғонистонда ҳалок бўлган, герой. Иккита норасидам бор: кампир онамнинг кўлларида...

Бу гапларни у менда бу хонадонга, ўзларига нисбатан «ишионч» ҳиссини туғдириш учун айтиётганини ҳам билиб турибман.

— Баъзан-баъзан бугунгидек кўнгилочарлик қилиб қоламиз. Сизга ўхшаган бамаъни улфатлар учраб қолса, занглаган, шўрглаган юракларни бир ювиб оламиз.

Шу пайт ногоҳ унинг эсига нимадир тушди чоги, ўрнидан шошиброқ туриб бориб, дераза ёнида турган телефондан қаергадир кўнғироқ қилди.

— Алло, бу менман. Ҳа, яхши. Кимдан? Дарак ўйқ ҳали. Бугун уй қулф, биз кампирникидамиз. Хайр.

У ўз жойига келиб ўлтиаркан: «Бир дугонам келмоқчи эди, ўшани қайтардим», деб қўяди. Мен сигарет тутатиб, жимгина ўлтирибман. Ўзимни жўрттага

уй бекасининг гапларига ишонаётгандай, хонадон ма-
ликаларига нисбатан хурмат билан қараётган одам-
дай кўрсатишига уринаман.

Куйдирги ўз ҳолича конъяк куя бошлади.

— Мен бошқа ичмайман, — дедим. — Бүёги етар-
ли бўлди.

— Ўргилдим сиздан, қанақа йигитсиз ўзи?! — У
кадаҳлардан бирини кўлимга мажбурлаб тутқазди: —
Ичиб қолинг, ўйнаб қолинг.

— Тўғри-ку-я, лекин...

— Нима лекин? — У менга ишвали боқади.

— Мен кўп ичомайман, маст бўлиб қоламан.

— Аёлларни гапини қилманг, — қўл силтайди у.
Кейин менга конфет очиб узатаркан, қўшиб қўяди: —
Ичинг. Дўстлик тори узилмасин!

Хаёлим Тахминада. Ишқилиб ухлаб қолмасин-да.
Кейин ундан гап олиш қийин бўлади. Ё тавба... зап
ажойибига дуч келдим-ку. Ким бўлди бу киз? Қайси
гулшандан, қайси баҳти қаро ота-онанинг арзандаси
бўлсайкин? Куйдирги уни қаердан илаштириди? Бу
даргоҳда яна қандай сиру синоатлар бор?

— Феруза, мумкинми сиздан бир нарсани сўрасам?

Куйдирги менга ажабланиб боқади.

— Сўранг, Баҳодир ака. Сираям ийманманг.

— Мен анави... Тахмина жияним бўлади, дедин-
гиз. Анча ёш кўринади, эр-пери йўкми?

Куйдирги кутилмаганда хиринглаб қўяди.

— Э-э, унда эр нима қиссин. Ёш, гулғунча бўлгани
билан кўпни кўрган, — Куйдирги шундай дея магнито-
фон овозини ўчириб, яна сўзида давом этади.— У мани
жияннимас, жўрттага шундай дедим. Бу қиз... гастрол-
да юрган кумрилардан. Тўғри, бундақаси қармоққа
камдан-кам тушади, лекин кетвортган, сволоч.

У хандон отиб кулади.

— Ўргилдим сиздан, Баҳодир ака. Сизга шундай
баҳт қулиб турган бўлса-ю, сиз бу ерда мен билан
савол-жавоб қилиб ўлтирибсиз. Тўхтанг, тўхтанг, мум-
кинми мен ҳам сиздан бир нарсани сўрасам?

— Марҳамат...

— Ўшда ким бўлиб ишлайсиз?

— Менми? — ўзимни ўнглаб, фикрларимни жамлаб олиш ниятида гапни чўзмокчи бўламан. — Мен... одий шопирман. Такси ҳайдайман.

— Саттор шўрбалиқ билан шу боис таниш экансиз-да?

— Ҳа, худди шундай. — ногоҳ капитан Суннатовнинг нима учун менга «Вохидов Абдусаттор, такси ҳайдовчиси, новча бўй, қотмадан келган, чўтири юз, асқиябоз, лақаби Шўрбалиқ, ёши элликларда» деб обдон таъкидлаб кўйганини энди англаб кетдим. Уй бекаси бу нарсаларни мени синаш мақсадида сўраб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди.

— Мен у киши билан эскидан танишман. Лекин нима учун лақабингиз Шўрбалиқ деб сўрасам, жаҳли чиқарди...

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Қуритилган шўрбалиқдай қотма, чўтирилиги учун. Лекин жаҳлдор эмас, ҳамиша кўйдирилган калладай тиржайиб асқиябозлик қилиб юрадиган одам-ку... — мен Кўйдиргидан қўшимча саволларни кутмаёқ, уни тинчлантириб қўя қолдим.

Уй бекаси менинг Саттор шўрбалиқ хақидаги тавсифимга анча эътибор берганини унинг юз-кўзларидан уқиб турардим. Бироқ буни сездирмасликка ҳаракат киласди.

— Ўзи хунук бўлсаям пули кўп эди, — у энди анча очилиб қолди. — Мана шу уйниям менга «подарка» килган.

— Бундан чиқди, анча қалин экансизлар-да?

— Ҳа энди, официанткадан хотин, шопирдан эрчиқмайди, деган гап бор. Юришни яхши кўрарди. Биз ҳам роса хизмат қилганмиз. Оғзи-қулоғидан чиқарганмиз. — Шундан кейин у қикирлаб кулиб қўйди:— Шопирлар ҳам, мана, ҳар хил бўларкан...

Ўзим ҳам беихтиёр жилмайиб қўйдим.

— Биз ҳам устоздан қолишмаймиз, — дедим ўзими ни жўрттага хижолат чекканга солиб. — Мени факат бир нарса ўйлантириб турипти.

— Ие, қани гапиринг, Баҳодир ака.

— Мен бугун... бор пулимга запчаст олиб, Ўшга жўнатворувдим. Бундака базм устидан чикиб қолиши хаёлимда йўқ эди...

Күйдирги бир нафас жимиб қолди. Хаёлидан нималарнидир ўтказгандек бўлди. Кейин тилло тишлирини «ялт» этказиб, майин жилмайиб қўйди: — Бу ерда насияга товар берилмайди, албатта. Лекин сизга майли. Ўшдан янги танишлар қидирётувдик...

— Бўёғига гап йўқ, Феруза. Қачон борсаларинг, мошин мinan елиб-югуриб хизмат қиласиз.

— Келишдик, — Күйдирги ўрнидан туриб, мамнунлик билан менга қўл ташлайди. — Бизгаям, сизгаямъяхши бўладиган ишларни бошлаб юборамиз.

У яна конъяк қўйди. Завқланиб кетди:

*Арақти ҳаром дийлар
Муҳаммад умматина,
Ҳаром бўлса-да ичабиз
Сиз меҳмон ҳурматина!*

Унинг қўнгли учун, яна энг муҳими, ишларим силлиқ кўчаётгани учун, ўзим истамаган холда навбатдаги қадаҳдан ҳам бир қултум хўплашга мажбур бўлдим.

— Қани, энди Тахминани қўйнига марш!

У менинг ихтиёrsиз ҳолда бир оз иккиланиб қолганимни кўриб, яна қўшиб қўйди:

— Хотиржам бўлинг, кафолати менинг бўйнимда...

* * *

Ичкарида яшил рангли электр чироқ сокин ва сехрли шуъла таратиб турипти. Икки кишилик хонтахлит каравотда Тахмина иккала кўлини боши остига олиб, шифтга термулганча ётарди. Сийнабандцан халос топган уйғоқ кўкраклар янаем таранг...

— Ётдингми, Тахмина?..

— Шошманг. Аввал бир шартим бор...

У бир зум индамайди. Кейин менинг эшик олдида туриб қолганимни кўриб, илтижоли оҳангда оҳиста сўз котади:

— Кон килиб юбордингиз-ку...

Каравот бошида турган креслога бориб чўкарканман, Тахмина мен томон кескин бурилиб, ажабланган киёфада сўрайди:

— Нима бало, сиз менга эртак айтиб бермоқчи-мизсиз?

— Сен ҳали эртак эмас, алла ёшидасан, Тахмина...

Ҳамхонам чиндан ҳам ҳайратга тушади. Ногоҳ кандаидир фикрга келиб ёстиқдан бош күтарди-да, чойшабни оёқ томондан устига тортиброк олади.

— Айтинг аллангизни, — энди у хиёл жилмайиб қўйди. Кейин яна шифтга боққанча, афтидан мени «ёндириб» юбориш мақсадида, нозик қўллари билан куврак сийналарини майнин сийпалай бошлади.

— Биласизми, тоға...

— Илтимос, мени тоға демасанг.

— Йигитча...

— Йигитча ҳам эмасман.

— Акажон...

— Аканг ҳам эмасман.

Тахмина қиқирлаб кулиб қўйди. Энди у мен томон батамом ўгирилиб олди:

— Қизиқ одам экансиз. Нима дейин бўлмаса?

— Гацинг бўлса шундок айтавер... — Мен ёнгина мизда турган тумба устидан сигарет олиб тутатдим. Лекин уни чекишига улгурмадим. Тахмина кўл чўзиб тортиб олди.

— Шартингни айтмадинг-ку? — сўрайман ундан.

У қўлидаги сигаретни икки-уч бор тортиброк чекди-да, кейин уни яна менга тутқазиб, ёстиқка бош ташларкан, жавоб қилди:

— Эркаклар... ёввойи отга ўхшаб, тишлангич бўли шади. Айникса, мендака ёшроғи рўпара келса...

— Хўш, нима бўпти?

— Агар сизам тишласангиз, ўлдираман, — нозу фироғ қилиб қўйди у.— Бўлмаса, менам бирон жоингизни узиб олиб хотинингизни олдида шарманда қиласман.

— Хотиржам бўл, мен ёввойи от эмасман.

Энди буёғига нима қилмоқ лозим, гапни нимадан бошлиш кераклигини билолмай бир дам ўй суриб қолувдимки, жимликни Тахминанинг ўзи бузди.

— Ўтираверасизми? Мени уйку босиб кетяпти.

— Биласанми, Тахмина... Сен менга жудаям ёқиб қолдинг.

Унинг лабларига табассум югурди.

— Менга дуч келган бирон эркак йўқки, шундай демаган бўлса...

— Эҳтимол шундайдир. Лекин мен бошқа нарсани назарда тутяпман.

— Нимани?

— Билишимча, сен бу йўлларга?.. адашиб кириб қолганга ўхшайсан. Ўзинг хали анча ёш, жудаям гўзал, манаман деган ҳар қандай йигит уйланса арзийдиган...

— Яна... яна нималар? — у жўрттага эркаланиб, енгил тўлғониб кўйди.

— Нималар бўларди, фоҳишалик... қилма демоқчиман, — гапим қўполроқ чикқандай туюлиб, мен унга ҳадик билан боқиб кўйдим. Бироқ Тахминанинг авзойида унчалик ўзгариш сезилмади. Камон қошлар хиёл чимирилгандек, шарбат томиб турган дудоклар сал титрагандек бўлди, холос.

— Мени... фоҳиша, деб ўйлаяпсизми хали? — энди жиддийроқ оҳангда сўраб қолди у. Бироқ саволига жавоб кутмай, кинояомуз қўшиб кўйди: — Кечирасиз. Мен... баланд dorman. Унча-мунчанинг бўйи етмайдиган dorman!

— Ундан бўлса, мени назарингга илганинг учун раҳмат...

— Бошқа одамлигингиш шундоқ кўриниб турипти. Хотинбозлар гаркўз ва қитмир бўлишади.

Тахминанинг ўз ёшига хилоф равишда катталардек анча мулоҳазали, лўнда гапириши мени ҳамон ҳайратга соларди.

— Тахмина... Умрида бир мартагина бўлсаем ўз танини пулга сотган аёл фоҳиша қавмида кетади.

У бир дам жимиб қолди.

Ха, Тахминанинг ҳаракатларида ҳам, фикр юритиш ва гапиришларида ҳам, ҳатто қиёфаси-ю овозида ҳам жиловсиз бир ёввойилик ва ўзгарувчанликни, озмоз болаларга хос соддалик ва софидликни-ю ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб ултурган одамларга хос дағаллик ва мугомбирликни ҳам кўриш мумкин эди.

Ногоҳ ёнгинада турган телефон жиринглаб қолди. Тахмина қўнғироққа эътибор бермади. Биринчи хонадан Куйдиргининг овози эшитилди:

— Ҳа, манман, бизани тинч кўйинглар!

Аста туриб бориб, эшикни ёпдим. Қайтиб келиб жойимга ўлтиридим.

— Тахмина, мен бу хонага сен билан ётмоқ учун кирганим йўқ...

У кутилмаганда чаққонлик билан чойшабни устидан олиб ташлаб, ёстиқдан бош кўтаради. Тиззалини қучоқлаганча ўтирволиб, менга ҳайрат қўзи билан боқади:

— Мабодо... мелиса эмасмисиз?

— Ундей дема, Тахмина. Мен... Гап шундаки... — энди бир оз ёлғон ишлатишга тўғри келиб қолди: — Сени бу ифлос хонадондан кутқариш учун келганман.

— Қизиқ... сиз мени кимим бўласизки, атайлаб Ўшдан мени кутқариш учун келаркансиз?

— Гапнинг рости... мен Ўшдан келган эмасман. Мен шу ерликман. Отим Собир, журналистман.

Ногоҳ Тахмина каравотдан отилиб тушади. Менга титраб-қақшаб, ғазаб билан дейди:

— Қани, бўлинг! Бу «ифлос хонадан» чиқиб кетинг. Сизни кўрарга кўзим йўқ!

Ўрнимдан туриб бориб, унинг қунишиб, қалтираб турган икки елкасидан тутаман:

— Ўзингни бос, Тахмина. Мен сенга яхшилик килмоқчиман.

— Керак эмас. Чикинг! Мени ўз ҳолимга қўйинг!

— Ундей дема. Сен... яхшилар орасида яшашинг керак.

Мен уни сал-пал зўрлаб бўлса-да каравот четига тортиб келиб ўтқаздим. У энди икки қўли билан юзини чанглаб ўлтирап, бор вужуди билан сезиларли даражада титраб туришидан, мен унинг ич-ичидан эзилиб йиглаётганини сезиб турибман.

— Ишонмай турувдим-а... — у энди қўлларини юзидан олмаган ҳолда бошини бир оз сарак-сарак килиб кўяди. — Ёпишмаган ямок бўлиб ўтиришин-гиздан юрагим сезиб турувди.

— Нима десанг деявер. Лекин бу уйдан иккала-миз бирга чиқиб кетамиз, — мен креслога баҳузур жойлашиб олиб, ўзим истамаган ҳолда сигарет олиб

тутатаман. Ногох Тахмина ўрнидан хоргин туради. Нарироқ бориб, шифонернинг ярим очиқ эшиги устига ташлаб кўйилган халатини олиб кияди, бел чилвирниям боғлаб олади. Кейин иккала қўлини кўкра-гига чалиштирганича фоз туриб, силлик овозда дейди:

— Илтимос, мени тинч қўйинг. Чиқиб кетинг, Феруза опага гапимиз қовушмади, деб кўя қолинг...

— Чиқмайман. Бир оз ўтирип, кейин...

— Ундаи бўлса, мен чиқиб кетаман, — у эшик томон йўналади.

— Тўхта, мени ёлғиз қолдирма.

— Феруза опани киритиб юбораман. Эртагингизни унга айтиб берасиз.

— Бас қил. Ўтирип жойингга. Бугун сен меникисан, шунга келишилган, — энди сал дангалроқ бўлишга тўғри келди.

Тахминага бу гапим таъсир қилди шекилли, аввалига менга ўқрайиброқ қараб кўйди-да, кейин:

— Нима, тонг отгунча жамолингизга тикилиб ўтиришим керакми? — деди.

— Менинг жамолимга тикилиб ўтирамайсан. Мен сен билан дурустrocк танишиб олсам бас.

Тахмина турган жойида туриб қолди. Кейин қандайдир хаёлга борди чоги, яна каравоти четига қайтиб келиб ўтиаркан, юзимга дадил боққанча саволларни қалаштириб юборди:

— Нима дейсиз ўзи? Мени қаерга олиб бормокчилиз? Мелиса хонагами? Ёки уйингизгами? Ё бўлмаса... — ногоҳ у телбаларча, хандон отиб кулиб юборди: — Ё бўлмаса, биронта бўш уйингиз борми? Мени «любовница» килиб олмокчимисиз? Кучингиз етадими? — у бемаъни илжайганча юзларини ишвали сузади. «Қани, гапириб қол, — ичингдагини тўқ», деганча жим ўлтирибман. Тахмина яна давом этади: — Тавба, сираям тушунолмаяпман. Мени нимадан, нима учун кутқаришлари керак? Мени кимга оғирим тушипти?

Ҳамон жимман. Ниҳоят қўлимда тутаб турган сигаретни унга илтифот қиласман. Олади. Энди оёқлари ни чалкаштирганча ўлтирволиб, мен томон бепарво тутун қайтараркан, ундан «Яна ўн грамма исчак-чи?»

деб сўрайман. «Ўзингиз олиб чиқинг, мени уришиб беради», дейди у хотиржам оҳангда.

Шундан сўнг ўрнимдан туриб, Куйдирги ётган хонага чиқдим. Бу ерда ҳам яшил рангли электр чироқ жонсиз шуъла сочиб турар, қанотлари туширилган диван каравотда Куйдирги чўзилиб ётипти. Мен уни ухлаб ётган гумон килиб, ичимликлар териб кўйилган сервант ёнига оҳиста ўтарканман, Куйдирги гўё мени кутиб тургандай, дабдурустдан гап ташлайди: — Сиз унга эртак айтиб беряпсизми?

Мен турган жойимда туриб қолдим.

— Нима десамикин... Гапларимиз бир оз кўпайиб қолди.

— Гапни кўпайтирманг. Пули тўланган денг. Муддаога ўтинг.

Куйдирги чиройли тўлғониб олди. Устидаги чойшабни жўрттага тушириброк кўйди. Унинг кўкраклари энди намойишкорона очик турарди.

— Агар унга кўнглингиз чопмаётган бўлса, кирмай кўя қолинг. Мен ўзим сизни чинакам бўстонларга олиб кираман...

Фалатироқ бўлиб кетаман. Бироқ ишнинг пачавасини чиқармаслик учун эҳтиёткорлик, айниқса, Куйдирги билан имкон қадар хуштакаллуф бўлмоқ лозим эди.

— Феруза... Сиз менга ёкиб қолдингиз. Факат бугунча мен Тахминанинг ёнида бўлишим керак. Устимдан кулмасин, дейман.

— Сиз ҳали эртагаям қолмоқчимисиз? — У кўзлари юмуқ ҳолда жилмайиб кўяди. Кейин мендан аразлагандай, орқасига ўгирилиб олади. — Пошёл дальше!

Олиб кирган конъягим конъяклигича қолаверди. Уни эндиғина очувдимки, яна ўз каравотида ёнбошлиб ётган Тахмина: «Менга куйманг, ўзиз ичаверинг» деди. «Мениям ичгим йўқ. Сенга деб олиб чикувдим», дедим. Тахмина хиёл жилмайиб кўяди. Унга мен ҳам кўшилишдим. Энди бир-биримизнинг кўнглилизни овлай бошлаганимизни икковимиз ҳам тушубниб турардик.

Сезиб турибман, Тахмина бугунги кутилмаган му-

носабатлардан ўзини харчанд хотиржам ва беписанд тутишга уринмасин, мен ундан нима истаётганим-у, бугунги учрашув натижаси нима билан тугаши уни анча қизиқтираяпти. Буни унинг юзимга ҳамон ҳадик билан ўғринча боқиб қўяётганидан сезиб турибман.

Мен ўзимни унчалик шошмасликка олаётганим ва бошимда аллақандай мушоҳадалар чарх ураётганини сезиб, Тахмина тоқатсизлик қилди:

— Келинг, Собир ака. Қолган гапларни гаплашайлик...

Менга унинг «Собир ака» дейиши маъкул тушади. Ўртамиизда аллақандай илиқлиқ пайдо бўла бошлаганини хис этаман.

Албатта, бугунги қўтарилиган қадаҳлар тафтидан хуррам Шайтон ҳам бир четда кўл ковуштириб тургани йўқ: «Сен ахир эркак кишисан-ку. Аввал униб турган мақсадга етгин-да, кейин ўёги бир гап бўлар...»

Бироқ Иймон кучлироқ келади. Шиддат билан ақлни чархлади: «Кўзингни оч! Шаҳвоний хирс жиловини қўлдан чиқарма. Яна ахир, баҳтиқаро гумроҳ гўдакку, бу».

Ўзимни унинг таклифига эътибор бермаганга соламан.

— Тахмина... Чиройли исминг бор экан.

— Чиройли бўлмай ўлсин, шуям от бўлди-ю!

— Нега энди. Аслида Тахмина эмас, Тахмина бўлиши керақ Арабчада кучли, иродали деган маънони билдиради.

— Йўғ-е, бунисини энди эшитяпман.

— Ана шундай. Сен ҳам иродали, ўзингни кўлга ололадиган бўлишинг керак.

— Серавно, бу от менга ёқмайди. Ҳеч қатта йўқ от.

— Ундей дема. Масалан мен, Тахмина исмини сендан олдинам икки марта учратганман.

— Шундай дeng? Ким экан улар?

— Уларми? Биринчисини буюк Фирдавсий яратган. Самангон шохининг кизи, Рустами достоннинг хотини. Исми Тахмина бўлган.

Тахмина бир дам жимиб қолади. Кейин болаларга хос ўқинчли бир оҳангда:

— Қани энди мен ҳам шоҳ қизи бўлсам, — деб кўяди.

— Агар шоҳ қизи бўлганингда нима қилардинг? — қизиқиб сўрайман ундан.

— Дадамга айтиб, ҳамма эркакларга қирон келтирадим, — қиқирлаб кулиб кўяди у. Кейин сұхбатимиз ногоҳ эсига тушиб, илова қиласди: — Айтмоқчи, мени номимни яна қаерда эшитгансиз?

— Кўқонда. Бундан бир неча йил бурун, Собир aka деган бир адашим бўларди. Ўшани Тахмина деган қизалоғи бор эди.

— Мениям дадамни отлари Собир эди. Биз ҳам Кўқонда яшаганмиз, — дейди Тахмина хотиржам оҳангда. Бироқ бу сўзлар замирида алланечук дард, изтироб заҳри ётганини сезаман.

Ўртамизда бўлаётган гаплар пироверди нималарга бориб қадалишини мутлақо ўйламаган ва кутмаган ҳолда ўлтирибмиз. Ногоҳ миямга урилган бир фикрдан шамдек қотиб қолдим. Ҳамон ёнбошлаганча, ҳамон менга беписандлик билан боққанча, шунчаки бир эркак, яъни вақт ўтказиш учун, ва шу баҳонада, «айшу ишрат қадрига етмаган мендек шўрпешона ва гўл эркак»нинг ахийри қўлидан нима иш келишини кутишга қарор қилиб ётган Тахмина авзойимни кўриб, шашт билан қаддини ростлади-да, кўзлари чақнаб сўради:

— Сизга нима бўлди?!

Мен ундан юрагим ҳапқириб, ҳаяжон билан сўрайман:

— Аянгни оти... Хуршида эмасми?

Тахмина холсизлангандек бўлади. Ранги қочиб, кўзларини беҳол юмганча сўрайди:

— Ха. Сиз бизни танийсизми?..

* * *

Кўқонда институтда ўқиб юрган кезларим эди. Келдиёров деган бир домламиз бўларди, исми ёдимда йўқ. Худосизлик илмидан дарс берарди. Асосий иш жойи шаҳар партия қўмитаси қошидаги Атеизм уйининг мудирлиги бўлиб, институтимизга хафтада бир-

икки бор лекция ўқиши учун келиб-кетиб турарди. Жаҳли тез, бадқовоқ, кек сақлайдиган одам эди. Ранг-рўйининг совуклиги кишида бир қарашдаёқ ҳадик ва ноҳушлик уйғотар, студентлар ундан анча хайиқиши-са-да, қош-кипrik ва сочлари жудаям сийрак ва маллатоб бўлиб, гўё ниқоб тортиб олган кишидек кўри-нишидан уни пинҳона «Фантомас» дея мазах килиб юришарди.

Келдиёров ўзини даҳрий ва жанговар атеиет хисоблар, бироқ буни олаётган маошига яраша тушунтириб бероладиган, уни химоя ва тарғиб қилоладиган ҳечвакоси йўқ, саводсиз бир одам эди.

Ўша пайтлардаги кўплаб коммунистик мафкура жангчилари қатори диний таълимотлар ва эътиқодлар моҳиятини жон-жаҳди билан кўр-кўронга инкор киласади. Тоату ибодатлар, қайта тирилиш-у жаннат ва дўзах тушунчаларини мавхумлик қаршисидаги қуллик асорати, деб хисоблар, бу нарсалар аслида аср-асрлар давомида хукмдор табақалар салтанати ва шонини асраб, бойитиб, кучайтириб бориш учун яратилган, муҳрлаб кўйилган конунлар мажмуаси, дерди.. Ақалли, ўз фойдаси учун, материалистик таълимотнинг барча нарсалар қадимий ва модда бирламчидир, уни ҳеч ким яратмаган, деган ақидасини ҳам чуқурроқ тушуниб ва ўзлаштириб ололмаган, лекция чорларида нукул «Динга ишонманглар, у инсон онгини заҳарлайди, кишини мутеликка чорлайди, тараққиётни бўғиб қўяди» қабилидаги қуруқ ва умумий гаплардан нарига ўтолмасди.

Маълумки, биз ёшлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган Ислом дини эътиқодлари, унинг ахлоқий, умуминсоний қадриятлари ҳакидаги сабоклардан, буюк аждодларимиз мерос қилиб қолдирган бебаҳо маънавий хазиналардан маҳрум ва бехабар эдик. Оллоҳ ҳакида, иймон ва рух ҳакида илмий асосларни ўзлаштиришдан бебаҳра эдик. Биз уйда художўй кек-саларимиздан, ота-оналаримиздан олаётган узук-юлуқ маънавий озиқ билан яшасак, ташқарида замона зайли билан кулоғимизга кўргошин қилиб қуйилаётган баландпарвоз ғоялар таъсирида яшовчи шўрпешона болалар эдик. Шўрпешона болаларгина эмас, улкан

ўйингоҳ майдонида исталганча имтиёз ва рағбатга эга бўлган иймонсиз даҳрийлар билан, улар томонидан ўлимга маҳкум этилган, беҳол ва бечора художўй кексаларимиз ўртасидаги беомон олишувни лоқайд кузатиб ўлтирган ғафлатдаги томошабинлар эдик.

Шунинг учун ҳам Келдиёровнинг лекцияларида биронтамиз ўрнимиздан дадил туриб: «Бизга фалон гапингизни илмий асослаб беринг», ёки бўлмаса «Бу масала ундан эмас, мана бундай» дегувчи эмасдик. Бундай дея олмасдик ҳам, чунки диний таълимотлар, атеистик муносабатлар кошида ўзимиз ҳам Келдиёровдек бесавод ва ожиз одамлар эдик. Домламиз учун ҳам, биз студентлар учун ҳам энг муҳими, вактнинг ўтиши эди. Бу нарса Келдиёровга ҳар гал навбатдаги маош муддатини яқинлаштируса, биз учун тезроқ шу остоналардан ҳалос бўлиш муддатини яқинлаштирувчи ягона восита хисобланарди.

Ана шу Келдиёров бир вақтлар Самарқандда ўқитувчилик касбини эгаллагач, бу ерга яқин бўлган Панжакентнинг тоғли кишлокларидан бирига ишга жўнатилиган экан. Болалар уйида униб-ўсган, табиатан қўрсроқ ва шу билан бирга айёрмуғомбир, лекин ўз манфаати учун лозим келган тақдирда мулоҳимлик ва хуш табиатлиликка устамон, ҳали уйланмаган, кимсасиз ва мусоғир бу йигитни у ерда яхши кутиб олишган. Яшаш учун бошпана, зарур бўлган тирикчилик анжомларини тахт қилиб беришади. Уни тезроқ оёққа туриб олсин, деган максадда мўлжалдагидан кўпроқ дарс ажратишади, кийим-кечаги, озиқ-овқати борасида ҳам ғамхўрлик кўрсатишади.

Бироқ Келдиёров ана шу нон-намак ва бошқа ғамхўрликларга жавобан ...орадан беш-олти ой ўтиб-ўтмай, ўз қўлида ўқиётган ўнинчи синф ўкувчиси, кишлокнинг Нилуфар исмли энг хушрӯй ва манаман деган кизи билан бир кечада ғойиб бўлади.

Нилуфар тамакичилик билан чор-ночор яшаб турган бечораҳол оиласдан бўлиб, онаси мастҷоҳлик тоҷик аёл, отаси шу ерлик ўзбеклардан эди. Нилуфар бир варак қофозга «Муаллимимни яхши кўриб қолдим. Бизни қидирманглар. Ўз ихтиёrim билан кет-

дим», деб, унинг пастроғига эса Келдиёров: «Биз оила куриб, кейинроқ қайтамиз. Ҳамма расм-русумларни бажо келтиришга сўз бераман», деб ёзиб қолдиришипти.

Орномусига чидамаган оила бу ердан кўчиб кетмоқчи бўлади, лекин маҳалла ахли бунга йўл қўймайди. «Нилуфарни муаллим йўлдан урган, кизда гуноҳ йўқ», дея уларни бир амаллаб овунтиришади. Қочокларни эса ҳеч ким қидирмай қўя қолади.

Дарҳақиқат, Келдиёров минг бир баҳона-ю алдов йўллари билан Нилуфарни ўз ётокхонасига ўргатган ва у ерда унинг номусига тегиб қўйганди. «Энди бу ердан қочмасак, икковимизни ҳам ўлдиришади», дея қизни қўркитган эди. Соддадил кизга у шунингдек, баҳтили келажак ваъда қилган. «Болалик бўлгач, қайтиб келиб, узр сўраб қўямиз», деди. Ноилож қолган Нилуфар унга чиндан ҳам ишониб, биргаликда бош олиб кетишга мажбур бўлганди.

Келдиёров Нилуфар билан Кўкон томонлардан паноҳ топишди. Янги таниш-билишлар кўмагида оила куришди. Ҳадемай қиз қўришди, унга Хуршида деб исм қўйиши...

Эр шаҳар четроғидаги мактаблардан бирида ўқитувчилик килар, Нилуфар эса чақалоги билан банд, бўш вактларида каштадўзлик килиб, тиккан нарсаларини қўшни дўппифуруш аёл орқали бозорга чиқартиради. Тез орада рўзгорларини бут килиб олишди, бирор кўрса кулмагудек иморат ҳам солиб битиришди.

Яна орадан кунлар, ойлар ўтаверди. Нилуфар энди аста-секин ота-онасини, она юртини соғиниб, уларни тез-тез тилга оладиган, ўқинч ва изтироб билан эслайдиган, эрига тез-тез «Бир бориб келсак-чи, шояд кечиришар», дейдиган бўлиб қолди.

Бироқ Келдиёровнинг энди эшаги сувдан ўтиб, Нилуфар ва унинг ота-онаси олдидаги, ўз лафзи ва виждони олдидаги масъулиятни унута бошлаган эди. Бундан ташқари, Панжакентга боришга кўрқарди ҳам. Тоғли кишиларнинг қаҳри каттиклигини, тузларини еб тузликларига тупуриб келгани учун ҳеч қачон кечира олмасликларини, мабодо у ерга кириб боргудек бўлса, омон топмаслигини яхши тушунарди.

Шунинг учун ҳам Нилуфарга ана-мана, дея вақтни ўтказаверди, кейинроқ эса «Хат жўнатдим, жавоб беришмаяпти, демак, сендан воз кечишиган», дейишгача бориб етди. Шундан кейин сира кутилмаганда... Нилуфар «Итдан топган итваччани» ташлаб, тасодифан Кўқон бозорига келиб қолган бир тожик йигит билан бувисининг юрти Мастчоҳга кочиб кетди!

Келдиёров икки яшар қизчаси билан қолаверди. Такдирга тан бериб Нилуфарни қидирмадиям, суриштирмадиям. Тез орада, ўзи билан мактабда бирга ишлайдиган, у билан бир-икки бор дон олишиб ҳам ултурган Аниса исмли жувонга уйланиб олди.

Бу хотиндан у иккита қиз кўрди. Аниса ўтлишудли, хушфеъл ва меҳрибон аёл бўлиб чиққанлигидан Келдиёров Нилуфарнинг ортидан унчалик кўпаза тутмади. Янги рўзгор ва болалари ташвишига тез ўралашиб кетди.

Олдинги эридан бола кўрмай ажралишган Аниса дастлабки кунларданоқ Хуршидани ўз фарзандидек иссик бағрига олди. Шундан кейин ҳам уни ўз болалари қатори оқ ювиб-оқ тараф ўстириди.

Бу орада Келдиёровнинг Асака тарафда яшовчи бир бечораҳол узоқ қариндоши вафот этиб, унинг болаларидан бирини — Хуршидадан икки-уч ёш каттароқ Собирни ҳам ўз тарбияларига олишга тўғри келди.

Келдиёровлар оиласидаги рўзгор тутими, таълимтарбия, кийиниш, ҳатто гаплашиш ҳам русча эди. Болалар ҳам шунга кўра, рус мактабига қатнай бошлидилар...

Хуршида Анисадан туғилган икки синглисидан фарқли равишда, табиатан тантиқроқ, инжиқ ва ўзбoshимча, ўз яқинларига меҳрсизроқ, харорат ва оқибатни, яхшиликни кўпроқ бошқалардан қидирадиган, бироқ қадди-қомати келишган, хусну жамоли онасиникига ўхшаб ловуллаб турган - бир қиз бўлиб вояга етди.

У дадасининг ҳам, Анисанинг ҳам ҳар қанча уринишлари ва куйинишлирига қарамай, мактабда дуруст ўқиёлмади, Хуршида кўпроқ ранго-ранг, чиройли кийиниб бошқалардан ажралиб туришни, янги-

янги дугоналар орттириб, улар орасида ял-ял ёниб ўлтиришни, одамлар унинг хусну жамолига, гаплари-га маҳлиё бўлиб юришларини ёқтиарди. Оилада мабодо унинг истаклари оз-моз монеликка дуч келиб қолса борми, ҳафталаб мотамсаро бўлиб қоларди. Бутун иддаосини эндиликда «горком»да ишлаётган, то-пиш-тутиши анча яхши, шу билан бирга онасининг қисмати учун бир умр Хуршиданинг олдида тили қисик бўлган дадасига қиласиди. Келдиёров эса, ўз ўрнида, кўпроқ унга ён босишга, айтганларини муҳайё этишга мажбур бўлар, бунинг учун баъзан Анисадан ва бошқа қизлардан узр сўраб: «Сизлар унга эътибор берманглар, ўз онасидан тирик етим ўсганлиги учун шундақа, ҳадемай күёвга чиқариб юборсак, қулоги-миз тинчб қолади», деб кўярди.

Оиладаги ўғил — Собирнинг эса шаҳар шароити-даги, устига-устак, русча тутум, русча мактабга кўни-киши анча қийин кечди. Бир амаллаб саккизни та-момлаб олди-ю, бир-икки танишларнинг маслаҳати би-лан ўзини қандолатпазлик хунарига урди.

У барваста гавдали, чехраси очик, хушфеъл ва соддадил, меҳнаткаш йигит бўлиб етиши. Кўқонга келиб қолганидан кейин орадан икки йилча ўтиб, касалманд онасиям вафот этганди. Собир энди бу ерда Келдиёров ва Анисани ўз ота-онасидек, уларнинг қизларини эса ўз туғишган сингилларидек билиб ўсиб-улғайди. Лекин барибир, у ўзини ҳеч қачон бу қизлар билан тенг хуқукли ва бир хил имтиёзга эгаман, деб хисобламади. Бу ерда у нима берсалар еб, нима олиб берсалар кийиб, нимаики иш буюрса-лар «лаббай» деб бажариб яшади.

Собир билан Хуршида Анисадан туғилган сингил-ларига нисбатан лоқайдрок муносабатда эдилар. Бироқ икковлари бир-биirlарига таянч, ғамхўр ва химоячи, кўп ҳолларда сирдош ва маслаҳатчи ҳам бўлиб ўшиди. Фақат балоғат ёшига етиб, кибру-ҳавоси анча баланд бўлиб қолгач, Хуршида Собирни унчалик менсимайдиган одат чиқарди. Негадир унга энди уйларидаги бир хизматкор сифатида қаарар, ўз тасав-вурида гўё бу йигит бир умрга унинг хизматини бажо келтириш, химоя қилиш, маслаҳатчи ва йўл бошлов-

чи бўлиш учун яратилган одам эди. У Собирсиз яшолмас, мабодо йигит унинг бирон буйруғидан бўйин товласа ёки у тайинлаган бирон ишни бажаролмаса ёхуд бир-икки кун унинг кўзига кўринмай қолса борми, Хуршида жамики аламларини ундан олишга киришарди.

Табиатан хушфеъл ва хоксор бўлган Собир бундай пайтлар индамайгина жилмайиб кўя қолар, Хуршиданинг бу инжиқликларидан сираям оғринмас, ўзига нисбатан мақтов ва итоаткорликни хуш кўрувчи қизга «Бир қошиқ қонимдан ўтиб қўясиш, маликаи Турондот! Энди буёғига хушёр бўламиз», дея осонгина кутулиб кетаверарди. Аслида... Собир Хуршидани жондан азиз билар ва севарди. Бироқ икки нарса — аввало уларнинг ака-сингилдек ўсишгани бўлса, иккинчидан, Хуршидадек сулув ва ўзига ортиқча бино қўйворган қизнинг унга ҳеч қачон тегмаслигига ишончи комиллигидан дилидагини тилига чиқара олмасди.

Ҳадемай... Келдиёров оиласи ва авлоди учун сира кутилмаган ноҳуш воқеалар бошланиб кетди.

Ўша пайтлар Тошкентда Мумтоз деган машхур кўшиқчи йигит чиққан эди. Ёши йигирма бешларга бориб-бормаган, бироқ бағоят ширави ва қўнғироқ овози,ベンазир ижрочилик маҳорати ва дилларни сув килувчи оҳанграбо, ўйноқи ашуалари билан чор атрофга кенг довруғ таратганди. Ҳофиз Мумтознинг овози ёзилган тасмалар «дунёни босиб кетгач», одамлар учун унинг концертида бўлиш ёки тўй килиб, базмига уни олиб келиш буюк бир баҳтдек ҳисобланарди. Мумтоз бўй-басти келишган, истарали, гапга чечан ва салобатли, шу билан бирга, калондимоғ ва айёр табиатли ҳам эди. У билан шахсан танишиш, бир даврада бўлиш ёшларнинг, айниқса, жигарсўхта аёллару шуҳратпараст қизларнинг бебаҳо орзусига айланиб қолганди.

Ана шу ҳофиз баъзан гастролгами ёки тўю ҳашамларгами Кўкон тарафларга келиб қолгудек бўлса, албатта шу ерда яшовчи кекса ва касалманд амакисиникига бирров кўниб ўтар, ҳар гал ҳам шинаванда амаки ва унинг қўни-қўшниларидан уч-тўрт жуфт қўшигини дариг тутмай, уларни хушнуд этиб кетарди.

Ана шу амакининг енгилоёқликада айбланиб, битта боласи билан эридан ажралиб келиб ўтириб қолган Сурайё исмли қизи бўлиб, у Хуршиданинг энг яқин, сирдош дугонаси эди.

Сурайё ҳофиз Мумтознинг Қўқондаги овунчоги ва шу билан бирга, унинг бу ердаги бошқа кўнгилхушликларини хам сўзсиз ва бекаму кўст ташкил этиб турувчи ишончли одами ҳисобланар, бунинг эвазига у ҳофиздан катта-катта ҳадялар олиб турарди. Мумтоз кўпинча Сурайё орқали таклиф қилинган тўй-хашамларга келиб қолгудек бўлса, ўша пайтлар Дўндиқча деб ном чиқарган Сурайёнинг ўзи базмда рақкосалик қиласи ва бундай пайтларда Мумтоз кўпинча тўйдан тушган чорси-чорси пулларни хеч иккиланмай унга ташлаб кетарди. Мумтознинг гурухидаги йигитлар хам бунга кўнишиб қолишган, Қўқонга тўйга келгудек бўлиб қолишиша, ўзларича кулишиб: «Дўндиқчанинг худойисига келдик», деб кўйишарди.

Шундай қилиб, Мумтознинг Қўқонга қилган навбатдаги сафарларидан бирида, унинг кўйида ўртаниб юрган, «Мумтоздек ҳофиз билан ёнма-ён ўлтириш, унинг икки оғизгина ширин сўзига мушарраф бўлиш, бир жуфтгина кўшиғини ўзига қаратиб тинглаш»дек буюк онларни сабру токатсизлик билан кутаётган Хуршиданинг орзуси Сурайё орқали амалга ошиди.

Сурайё уларни ўз уйларида таништириди.

— Мени янги дугонам Хуршида... — деди у Мумтозга. — Сиззи кўшиқлариззижону дилидан севади.

Мумтоз қаршисида ийманиброк ўлтирган, икки бети тандирдан янги узилган кулчадек ловуллаб турган, кўкраклари дуркун, гулрў ва дилбар қизга сукланаброқ тикилди. Беихтиёр ютиниб, Сурайёга деди:

— Мен Кўқонда бунчалик чиройли қиз бўлади, деб ўйламовдим...

Хуршиданинг юраги гумириб кетди. Мумтоздек «довруғи дунёни туттган» йигитдан бундай таърифни эшитиш унинг учун сира кутилмаган баҳт эди.

— Раҳмат. Менга биронта расмингизни ё бўлмаса дастхатйнгизни берсангиз... — қийналиброк сўз қотди у. Кейин илова қилди: — Эсадаликка...

Мумтоз ўрнидан туриб, қимматбаҳо садафрез торини кўлга оларкан, Хуршидага жавоб қилди:

— Мен суратга тушишниам, дастхат беришниам ёктиримайман. Лекин сизга атаб кўшиқ айтиб беришм мумкин, — шундай дея у торни секин чертиб, мулоийм ва ёқимли овоз билан нола оҳангига хиргойи қила бошлади:

*Хуршида, Хуршида, жону дилимсан,
Мұхаббат боеуда танҳо гулимсан.
Рұксоринг ўтида қўйган қўлингман,
Бахтимни ёритган оташ нуримсан.
Хуршида, Хуршида...*

Мумтознинг уддабуронлиги ва олғирлигига ўзича тан берib, шу билан бирга уни Хуршидадан пинҳона рашк килганча ич-ичидан эзилиб ўлтирган Сурайё соxта табассум билан қарсак чалди:

— Қойил, қойил! Мана, Хуршидага аталиб янги кўшиқ ҳам тайёр бўлди!

Хуршида бугунги кутилмаган учрашув ва танишувдан, кутилмаган эъзозу эҳтирослардан бағоят хушхол ва сармаст ўлтиради. У Мумтознинг бир зумдаёқ унга атаб кўшиқ тўқиганидан, кўшиқдаги «жону дилимсан, танҳо гулимсан» каби фараҳли сўзлардан лаззат оғушида эди.

Мумтоз ўша куниёқ Хуршидани обдон «ишлаб» кўйди. Уни қиёмига етказиб таърифу тавсифлаб, хусну жамолини кўкларга кўтариб мақтаб, қизни ўзига кўринмас чилвир билан маҳкам боғлади-олди. Эртаси куни тушлика эса уларни ўзи ётган шаҳар меҳмонхонасига таклиф қилди.

— Мен бу кечада энг яхши ашууларимни алоҳида кассетага ёздириб кўйман, орасида хозирги «Хуршида»ям бўлади, — деди у кизларга. — Эртага борсаларинг, хадя кяламан. — Кейин Сурайёга қараб, кўшиб кўйди: — Ўзингиз яхши биласиз, мен кутишни ёмон кўраман.

— Хавотир олманг, борамиз, — деди Сурайё унга маъноли боқиб. — Айтганингиздай бўлади...

Эртасига Сурайё билан Хуршида ваъдага мувофиқ тайинланган вактда Мумтознинг қабулида бўлишди.

Мехмонхонанинг хос хонасида яшаётган ҳофиз йигит зиёфатни куюқ уюштирган эди. У қизларни чуқур тавозе билан ғоят ялтоқланиб қабул қилиб олди. Айникса, Хуршидага нисбатан жудаям сертакаллуғ бўлди, унга нуқул тилёғламалик қилар ва қизни кўпиртириш учун бисотидаги жамики ҳамду саноларни ишга соларди.

Хуршида ҳам бугун ўзини батамом қўйиб юборди. Мумтозни энди ўзига гўё эски танишдек ҳисоблай бошлади. Унинг тасавурида ҳофиз йигит унга батамом боғланиб колгандек, агар Хуршида истаса, Мумтоз ҳозир осмондаги ойни ҳам унга узиб олиб бериши мумкиндек туюларди. Бундан у бехад лаззатланаар, Мумтоз билан дон олишиб юрган дугонасини энди бир четга кисиб қўйганидан ҳам ўзича шодланаар ва Мумтознинг қаршисида ўзини, Собир айтмоқчи, чиндан ҳам «маликаи Турондот» деб хис этарди. Айникса, Мумтоз унга ичидаги «Хуршида»си бор ўз ашуулари ёзилган касетасини такдим қилганда, назарида ҳофиз йигит ана шу кассетага қўшиб ўзини ҳам топширгандек туюлди. Кувончи ичига сифмай, сирамай ийманмасдан, ихтиёрсиз равишда Мумтознинг бўйнига осилиб, унинг юзидан ўпиб олди,

Ичкилиқдан бундан илгари у ер-бу ердагина оз-моз татиб юрган Хуршида бугун бу масалада ҳам ўзига жуда эрк бериб юборди. У Мумтоз илтифот қилган қадаҳларни ерда қолдирмади. Энди Хуршида бири-биридан ширинроқ ва қайнокроқ туюлаётган алёрлару, вужудларга ва эҳтиосларга олов пуркаётган ўйноки ва серкитик яллалардан, Мумтознинг ажиб жозибали ва сехрли овозидан, унинг ўтли-ўтли нигоҳлари ва сехрли табассумидан симобдек эриб ўлтиради. Ҳозир у ўзлари ўлтиришган мана шу хонадан ташқаридаги борлиқни батамом унутган, олам ҳозир унинг учун фақат ўзи-ю Мумтоздангина иборат бўлиб қолганди.

Хуршида шундан кейин бу ерда қанча ўлтиришганини, Сайёра қачон ва нима учун кетганини, ўзининг Мумтоз билан нима сабабдан танҳо колганини эслолмайди.

Ярим кечада Мумтоз уни машинада уйларига қўйиб кетипти.

Эртасига у ҳеч қаёкка чиқмади. Кун бўйи ўз хонасида ўралиб ётди. Уйдагиларга бошим оғриб турипти, деган баҳонани қилди. Лекин Аниса Хуршиданинг уйга ярим тунда, маст ҳолда қайтганидан хабардор, уни суриштирган дадасига «Бир дугонасининг туғилган кунига бориб, кеч келишди», деб кўя қолган эди.

Аниса тушликка нордонгина карам шўрва қилиб, унинг хонасига кирди.

— Вставай, доченька, я тебе твой любимый борш сварила.

Хуршида беҳол ётар, ҳатто кўз очишга bemажол эди.

— Не надо. Ничего не хочу, — базур жавоб берди у.

— Ну хоть скажи мне, милая, что с тобой происходит? — Хуршиданинг пешонасини меҳр билан силади Аниса.

Киз унинг кўлини пешонасидан суриб ташлади.

— Пожалуйста, оставь меня в покое.

Аниса «уф» тортганча аста қайтиб чиқиб кетди.

Кечга яқин Сурайё кириб келди. Бу вақт Хуршида анча ўзига келиб қолган, Собир келтириб берган бир лаган гилосдан паришон ҳолда чўқилаб ўлтиради.

— Мумтоз сени сўраб кўйди... — деди Сурайё унга кинояли оҳангда.

Хуршида бир дам жимиб турди-да, кейин унга норози қиёфада деди:

— Ҳаммаси сен туфайли бўлди...

— Қизиқ экансан. Ахир мени ўзинг ҳайдаб юбординг-ку?

— Билмайман. Бўлар иш бўлди. Энди менга эслатма уни...

— Аксинча, мен сендан аразлашга ҳаққим бор. Сен мени йигитимни тортиб олдинг. Энди у сенга уйланмоқчи...

— Бас кил! — Хуршиданинг жаҳли қўзгади. — Мен кўчада қолганим йўқ, хотини, бола-чақаси бор одамга тегиб!

— Ахир...

— Ўчир овозингни, — Хуршида Сурайёни гапиртиргани қўймади. — Буёгини худога солдим. Виж-

донсиз экансизлар. Икковингизни ҳам маслаҳатингиз бир бўлган. Бор, энди чиқиб кет. — Кейин болиши остидан нима биландир атайлаб мажакланган ва ленталаричуваланиб ётган кассетани олиб узатди. — Тўхта, манавини сумкачангга солиб ол!

Шу-шу, Хуршида Мумтоз билан ҳам, Сурайё билан ҳам бошқа боғланмади. Мумтознинг ўзи ҳам ҳеч нима кўрмагандай зим-зиё бўлиб кетди, ҳатто ўша «Хуршида» ашуласи ҳам бошқа ҳеч қаерда, ҳеч қачон янграмади. Факат орадан бир йилча ўтиб, қаердаям эшишиб қолди, сўзлари ўша-ўша, лекин Хуршидаси йўқ эди.

Санобар, Санобар, жону дилимсан,
Мухаббат боғида танҳо гулимсан...

Шундай қилиб, Хуршида анча вақтгача ўз ёғида ўзи қовурилиб юраверди. У энди жудаям камгап, хаёлида факат бир нарса —юз берган фалокат догидан қандай халос топиш эди. Унинг ранг-рўйи тобора зъфарон тортиб, ўзиям озиг-тўзиг бораётганидан ташвишга тушган Келдиёров Анисага буюрди:

— Тут что-то кроется. Попробуй-ка уточнить...

Анисанинг бир неча кунлик уринишлари ниҳоят ҳақиқатни рўёбга чиқарди. Тобора ноилож ва қийин ахволга кириб бораётган Хуршида ахийри унга ёрилишга мажбур бўлди. Факат Мумтоз ҳақида гапирмади. Ўз дардини очди, холос:

— Меня обманули, мам...

Воқеадан воқиф бўлган Келдиёровнинг пайтавасига курт тушиб қолди. Энди нима қилиш керак? Бу шармандалиқдан халос топишнинг иложи борми ўзи? Нега энди Хуршида ўша номард йигитнинг кимлигини айтмаяпти? Ёки овоза бўлиб кетишдан кўркяптими?

Шунда ногоҳ Келдиёровнинг эсига бундан бир неча йиллар бурунги Панжакентнинг тоғли кишлоғи ва худди шу Хуршиданинг ўзи бўлган соддадил Нилуфарни қандай қилиб алдов йўли билан номусини булғаб кўйгани тушди. Эсига тушди-ю, ҳаёлида гёё кимдир шунча йиллар унинг ортидан пойлаб юриб, энди ниҳоят Келдиёровдан ўша қилмиши учун ўз ҳақини олиб кетгандек бўлди-да, дами ичига тушиб, тил тишлаганча жим колаверди.

Ўша кунларнинг бирида Хуршидадаги жиддий ўзгаришлардан ташвишланган Собир ундан сўраб қолди:

— Сенга нима бўляпти ўзи? Ёки биронтасини яхши кўриб қолдингми?

Хуршида қаршисида болаларча бегуборлик билан боқиб турган соддадил Собирга ҳазин жилмайиб жавоб қилди:

— Ҳа, яхши кўриб қолганман... Лекин у мени хаёлига ҳам келтирмай юрипти...

— Ундай бўлса, айтсанг-чи, ўзим ўртага тушайн.

— Йўқ, Собир ака. Ўртага бошқа одам тушиши керак...

Хуршиданинг кўнглидан кечган бу ният шунчаки бир ҳазилмиди ёки чинмиди, ҳар қалай фаришталар омин деб юборган экан шекилли, тез орада Собир учун ҳам, Хуршида учун ҳам сира кутилмаган ишлар бўлиб кетди. Айниқса, Келдиёровнинг «ҳохиши ва таклифи», шошилинч тазиёки билан бу хонадонда икки ёш ўртасидаги ака-сингиллик муносабатлари қўпориб ташланди. Собирдан пинҳона равишда, бир таниш гинеколог ҳузурида Хуршида «махфий таъмир»-дан ўтказилди...

Тез орада уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Келин-куёвга шаҳарнинг ишчилар яшайдиган мавзеидан битта уч хонали уй олиб беришгач, Келдиёровнинг гарданидан тоғ қулагандек бўлди.

Тахмина юкорида ҳикоя қилинган ана шу Келдиёровнинг невараси, Собир билан Хуршиданинг тўнғич фарзанди эди...

Мен Тахминага дадаси Собирни ҳам, ойиси Хуршидани ҳам яхши эслашимни айтдим. Биз уч-тўрт нафар талабалар уларга якин жойда ижарада яшаганимиз, дадаси Собир биздан ёши бирмунча катта бўлишига қарамай, у билан худди жўралардек муносабатда бўлганимиз, буваси Келдиёров эса бизга институтда дарс берганликларини ҳам ҳикоя килиб бердим.

Тахмина кутилмаган бу учрашувдан нима киларини, нима дейишини билолмай мени жимгина тинглаб ўлтиради. Унинг хаёлидан нималар кеча бошлаганини билмайман, бироқ ҳар ҳолда «таниш ва у ятли

кишига дуч келиб қолгани»дан ноқулай ахвол ва ҳадикка тушганини хис этиб турибман.

— Минг лаънат, такдир бугун мени қаерданам сизга қўшиб қўйди... — у ёшига номуносиб оҳангда жеркинди.

— Ундей эмас, Тахмина. Бизни учрашганимиз айни муддао бўлди, — дедим унга. Кейин яна гапни ўша хотиралар изнинга бурдим. — Биз сизларникида бир-икки марта бўлганмиз ҳам. Даданг олиб кирувди. Сен ўшандада жажжигина қизалок эдинг...

— Эслолмайман, ҳаммаси тушдагидек ўтди-кетди. Қани энди бир юмалаб болалигимга қайтсан.

— Тахмина, мабодо мўъжиза рўй бериб, яна ўша пайтларга қайтиб қолсанг, нима қилган бўлардинг?

У бир дам жимиб қолди. Кейин менга ўйчан боқиб, хиёл титроқ овозда сўради:

— Дадамни... нима бўлганидан хабарингиз борми?

— Ҳа, эшитганман. Мен у пайтлар ўқишни таоммлаб, Фарғонада ишлардим.

— Мабодо сиз айтган мўъжиза рўй берганда, мен энг аввало дадамни асраб қолган бўлардим...

Менга уларнинг оиласи билан рўй берган фожиаларни қўқонлик дўйстларим ҳикоя қилиб беришган. Собир ўшандада қандолат фабрикасида цех бошлиги бўлиб ишлар, топиш-тутиши ёмон эмас, рўзгорлари бинойидек эди. Хуршидадан бир қиз, бир ўғил кўрган, ўғилчалари уч яшарлигида электр токи уриб нобуд бўлган ва энди танҳо қизчалари Тахмина билан қолишиганди.

Бу оиласада бошланиб кетган ва кейинроқ фожиаларга туташ нохушликлар негизи бир тарафдан Хуршида табиатидаги ҳамон барҳам топмаётган айrim инжиқликлар, унинг ҳануз ўзини Собирдан устун қўйиши, юрагининг туб-тубида эса аллақандай бир армоннинг тош қотиб қолгани-ю, унинг энди ҳеч қачон қўкармаслигидан аламзадалик хиссида бўлса, иккичи тарафдан Собирнинг ана шу бедодликлар устига ўғилчаси бевосита Хуршиданинг эҳтиётсизлиги туфайли нобуд бўлганлигига, хотинининг бошқа тугмаётганлиги ёки туғишини истамаётганлигига ўчакишиб, аламини нуқул аракдан олаётганида ҳам эди.

Хуршида бир вақтлар яқинлашиб келаётган шармисорлик түфөнидан қандай килиб кутулиб қолганини, Собирдек энг яқин, бегубор ва бегунох бир йигит қаршисида бу дунёю у дунё қарздор эканлигини батамом унутган эди. У яна ўз «манман»лигини қайта тиклаб олган ва эрининг эр йигитлигидан, куч-кувватидан, топиш-тутишидан, меҳру-оқибатидан воз кечмаган ҳолда, унга сўз ҳам, рўйхушлик ҳам бермасди.

Бу орада Келдиёров тўсатдан ақлдан озиб, жиннихонага тушди ва у ерда бир ойларча ётиб-ётмай, оламдан кўз юмди. Хотини Аниса эса унинг йилини ҳам кутмай, ҳамон бефарзанд ва сўққабош яшаётган олдинги эри билан ярашиб олди. Энди Хуршида-ю Собирнинг тақдирни билан қизиқадиган ҳеч ким қолмаган эди.

Шундай қилиб, буларнинг уйидан қуту барака ўча бошлади. Ичкиликбозликка ружу кўйиб, бошқа ҳамма нарсага бефарқ ва локайд бўлиб қолган Собирнинг иши ҳам чаппа кетди. Уни цех бошлиғи вазифасидан бўшатишиб, оддий ишчиликка қўйишган ва турган гапки, эндиғи топаётгани ўзининг харжидан ортмас эди.^о

Ўз ўрнида, шу пайтгача ҳеч қаерда ишламаган, қўлинини совук сувга урмаган, фақат пардоз-андозу ялтирир-юлтириларга кўмилиб юрган Хуршида учун энди батамом руҳий тушкунликлар даври бошланади. Эгнидаги чиройли кийимлар оҳори тугаб бўлаёди, кечагина қўғирчокдек ясаниб юрадиган қизчалари Тахминани дурустроқ кийинтиришнинг ҳам иложи бўлмай қолади.

Оила бошлиғи ўз ўрнини, мавқенини, хукмини бой берган хонадондаги бу аҳвол шусиз ҳам енгилтабиат ва худбин, ишёқмас ва танноз хотинни энди бошкалардан нажот қидиришга унрайди. Ҳамон ўз хусни, келишган қадду қомати билан ажralиб турувчи бу нозинини тез орада янги-янги дугоналар ва ишратпараст давлатмандлар куршаб олишади.

Бироқ Хуршида Собирни энди батамом менсимай қўйганлиги, уни шунчаки қизаси Тахминанинг отаси эканлигини эътироф этиш билангина чегараланиб колганлигига қарамай, бу эркак унинг учун ҳали «Эринг

борми, бор» маъносида иш беринини назардан қочирмасди. Шу боис Собирнинг бу даргоҳдан бош олиб чиқиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида гоҳ-гоҳида сохта ноз-фироқ ва табассум билан унга «бир чимдим майиз егизиб» қўйишни ҳам унутмасди. Бундан ташқари, хиёнат хиёбонидаги ҳар галги сайру гаштларни бағоят эҳтиёткорлик ва мугомбирлик билан амалга ошириб, уни эридан ва ён-атрофдагилардан мутлако сир тутишга уринарди. Бу билан у, энг аввало, ишратпараст харидорлар наздида ўз мавқенини қўлдан чиқармасликни, «ёмон ном чиқариб қадру қиммати пастлаб кетиши»дан ўзини сақлаб туришни қўзлар эди.

Кимdir уни шахар универмагининг атир-упа бўлимига сотувчи қилиб ишга жойлаб қўйди. Бу ерда Хуршида номигагина қўзга кўриниб, арзимаган маош олса-да, у энди шаҳарлик бойвуччалардек башанг кийинадиган, зебу-зийнатларда ловуллаб юрадиган бўлиб колди.

Бора-бора чет-четдаги, баъзи-баъзидаги пинҳона ўлтиришлар энди уни қониқтирмай қолди. Айниқса, дам олиш кунлари уларнинг хонадонларида ҳам ёғли ўлтиришлар, айшу ишрат давралари ўтадиган бўлди. Собирнинг атрофида кейинги пайтлар унинг ўзи ўйлагман ва сезмаган ҳолда кўпроқ пайдо бўлишаётган янги-янги ҳозиру нозир жўралари ва Хуршиданинг ўзига ўхшаш башанг кийинган хурлико дугоналари жам бўлишар, базми жамшидлар куну тун авжига минарди. Ва, албатта, буларнинг барчаси Тахмининг, катталар дунёсига олазарак бокиб, ниманинг нима эканлигини эндинигина англай бошлаётган думбул қизчанинг иштирокида ва кўз ўнгига бўлиб ўтарди.

Бу оиланинг бундан кейинги қисматлари, айниқса, Собир қаерданdir илаштириб келган, бироқ юриштуриши бу атрофдагилар учун ўша пайтлар беҳад давлатмандлик андозаси ҳисобланган «Мистер Дони» лақабли кишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади. Унинг асл исми Дониёр бўлиб, новча бўй, хушбичим, соchlарини бўяб, фоят силлиқ ва ихчам тараб юрадиган, кўринишдан хуштабиат ва хушчақчак, бироқ шу билан бирга, ўта эҳтиёткор ва мугомбир одам эди.

У Собирнинг ва унинг улфатларига қараганда ёши каттарок бўлишига қарамай, даврадаги нозанинларни ўз мавқеи билан жуда тез ром қила бошлади. Бу мавқеи — унинг видеомагнитофон, «Тойота» автомашинаси борлиги, ҳамиша кимматбаҳо кийимларда кўриниши, пул ва совға-саломларга сахийлиги, ўлтиришлардаги сўзамоллиги ва одамохунлиги, рок-музикаларга моҳирлик билан ўйнай олишидан иборат эди.

Унинг бу даврага кириб келиши ораларидан кимнингдир туғилган куни ёки бошқа муносабат биланми, ресторонда ўтиришганда юз берди.

— Менинг янги дўстим мистер Дони билан танишинглар! — деди у билан бирга кириб келган Собир ўлтирганларга. — Даврамизнинг супер жентельмени!

Дони ўлтирганларга тавозе билан бош эгади. Кейин йигитлар билан қўл бериб танишишади. Қизларнинг эса нозик қўлларига устамонлик билан бирмабир лаб қўйиб чиқади. Айникса, навбат Хуршидага келганда, у ўзини бир дам йўқотиб қўйгандек бўлади.

— Дугоналарингиз еамо қўйинин яшнатиб турган энг чарогон юлдузлар экан, — дейди у Хуршиданинг кўлини кафтидан чиқармай туриб. — Лекин сиз улар орасида чиндан ҳам Хуршид, яъни қуёш экансиз. Мен бунчалик мунаввар чехрани умримда учратмаганман...

Бу ҳамду сано Хуршиданинг юрагига чўғ ташлаб ўтади.

Доимо ширакайф ва аламзада юрувчи Собир шунда Донининг мақтовига қўл силтайди:

— Очкони оширманг, меҳмон. Хоним қуёш бўлмасаям кўксимиз куйишиб юрипти ўзи...

Хозиргина вужудига олов югуриб турган Хуршида бирданига музлади-колди. Унинг ранги оқариб, лаблари пирпирай бошлаганини кўрган дугоналаридан бири эпчиллик қилди:

— Вой Хуршида, эрингни рашки бор экан!

Фалокат шамоли безиён ўтиб кетди. Хуршида ўзини қўлга олди ва Собирнинг гапини эътиборсиз қолдириб, Донига айёrona табассум билан жавоб қайтарди:

— Сиз, назаримда, қуёшгаям қўли етадиган йигит кўринасиз...

Ўша кунги ўтиришда гап кўпроқ пул ҳақида, пул топиш йўллари, обихесчилар, базаларда ва чайқовчилар кўлида пайдо бўлаётган ажойиб хорижий матолар, кийим-кечаклар, заргарлик мағозаларидағи қимматбаҳо тақинчоқлар ҳақида кетди. Кўпроқ Дони гапириди. Даврадагиларнинг ўзлари ҳам «осмондан тушиб қолган бу давлатманд ва донишманд» меҳмонга маҳлиё бўлиб қолишиганди. Унинг босиқ ва мулойим овозда чиройли, мантикли сўзлаши, гап орасида бაъзан ишку муҳаббат, ёр васли, шаробу бўса ҳақида жиндай-жиндай шеър ҳамда эҳтиросларни қитиқловчи ялангоч латифаларни ҳам қистириб ўтишидан хузур килиб ўтиришарди. Нозанинлардан бири ундан «Дяд Доник, сиз мабодо шоир-поир эмасмисиз», деб сўраб ҳам кўрди.

— Мен шоирлик даъво қилмайман, — деди Дони унга жавобан тилло тишлиари ним ярқираётган ҳолда табассум билан. — Лекин бу дунёда сизлардек паривашлар зоти бор эканки, шоир бўлиб ёниб яшамаган эркакни эркак демайман!

Ўлтирганлар завқ билан қарсак чалишди, давра нозанинлари қарсаги ўз шиддати ва овози билан устунроқ чиқди. Навбатдаги қадаҳни мистер Донининг саломатлиги ва омади кори учун кўтаришмоқчи эдик, у эътиroz билдириди:

—* Келинглар, яхшиси, даврамизни чароғон этиб турган хуршед-у юлдузлар учун ичайлик!

Шундай қилиб, бир зумдаёқ Дони бу давранинг эскидан таниш, яқин одамидек бўлиб қолди. Ултирганлар, албатта, унинг қаерда ва ким бўлиб ишлашини билиб олишга қизиқишар, бироқ Собирнинг алла-качон кайфи ошиб, боши саланглаб қолган, Донининг ўзи эса бу ҳақда чурқ этмай, «буёгини ўзинг топвол» қабилида иш тутди. Рақсга тушган нозанинларга пулни аямай қистирди, ҳатто навбат Хуршидага келгандага, ҳамманинг кўз ўнгидага унинг сийнабандига бир даста йирик пул тикиб кўйди.

Хуршиданинг энди Собир билан мутлақо иши бўлмай қолди. Даврадаги дугоналарининг ҳавас ва ҳасадини келтираётган давлатманд меҳмонни батамом эгаллаб олди. У Донининг ёнида бир дунё бўлиб

очилиб-сочилиб, унга ёпишиброк ўтиради. Дони гапирса нукул хохолаб куларди, ичса-ичади, еса-ейди, ўйнаб беринг, деса, ғинг демай ўйнаб беради. Хуллас, нимаики деса, йўқ дейиш йўқ.

Дони ҳам бундан беҳад хурсанд, у бутун кеча давомида Хуршидадан ўз эътиборини ва илтифотини канда қилмади. Икковиям қадаҳларни худди эски қадр-донлардек жаранглатиб уриштириб ичишар, бора-бора «мехмон амаки» қолган андишаларни ҳам бир четтага суриб кўйиб, ҳар қадаҳдан сўнг Хуршиданинг лаб чеккасидан ўпиб кўядиган бўлди.

Бир вақт залда жинси кўйлак-шим кийиб, енгларини шимариб олган норгул-норгул икки йигит кўриниш беришади. Дони уларни ёнларига имлади. Икковиям шошиб келишиб, унинг икки четида соқчилардек туриб қолиши.

— Булар менинг навкарларим, — деб кўйди Дони ифтихорли оҳангда даврадагиларга. Кейин иккала йигитта бошини стол четига кўйганча хуррак отаётган Собирни ишора қилди: — Манави акангларни олиб чиқиб менинг машинамга ётқизиб кўйинглар. Биз бирон соатлардан кейин чиқамиз.

Йигитлар Собирнинг кўлтиғидан даст кўтаришиб, уни ташқарига беозор олиб чиқиб кетишаркан, Хуршида расмиятчилик учун хижолат чеккан бўлди:

— Бу тўнгиз ҳаммага дардисар бўлди...

Дони унга қисилиб турган кўзлари билан чукуррок қадаларкан, Хуршиданинг алвон дудоклари устига бармогини олиб бориб босди:

— Тс... с, ундей деманг, Собир менинг дўстим бўлади-я...

Кейин у официант аёлни ёнига чакиртириб: «Бугунги зиёфат харажатлари менинг хисобимдан. Ҳозир яна конъяқ, арақ, шампан келтиринг. Қизларимизни энг қимматбаҳо шоколадлар билан сийланг!» — деди.

Давра иштирокчилари унинг илтифотига монелик билдиришмади. Янайам завқланишиб, ўйин-кулги суръатига зўр беришиди.

Дони ўзида йўқ хурсанд эди. Бугун у мана, ўз ниятига етди, хисоб. Унга Хуршида билан қуюкроқ танишиб олиш, анчадан бери ишратпараст давлатманд-

лар орасида ҳавас билан тилга олинаётган бу маҳликони ўз қўлига қўндириш учун унча-мунча жон куйдиришга тўғри келди. Тўғри, пул бўлса — чангалда шўрва, деганларидек, Дони учун Хуршида сингарилар билан майшат уюштириш, ҳатто ундан кўра ўн чандон чиройлироқ ва ширинроқ нозанинлар билан ҳамсухбат бўлиш ҳеч гап эмас. Бироқ, айнан шу Хуршидани қўлга киритишга у қатъий аҳд қилган эди. Савдо бошқармасида ишловчи, мол-дунёси билан доимо карандалик ва каттазанглик қилиб, уни менсимайдиган, Хуршидани кўз-кўз қилиб юрган бир рақибига ўчакишиб, ана шу ишга киришганди. Бунинг учун у осонгина йўл қидириб топди. Кўли қисқа, бироқ ич-килиkbозни хуш кўрадиган, пул-у майшат бор жойда бошқа нарсаларга қўл силтайдиган Собир билан жўра бўлиб олди...

Дони мистер Донилигида эмас, балки бундан бир неча йиллар бурун факирликда, бироқ ҳамиша сабру қаноат билан оллоҳга шукур қилиб яшовчи Муҳиддин қори деганинг ўғли Дониёрлик вақтида анча бошқача бўлган. У болалиқдан поклик ва ҳалоллик, мулойимлилик, меҳру-шафқат руҳида тарбияланганди. Ўрта мактабда ҳам яхши ўқиган, айниқса, шеъриятни севар, келгусида шоир бўлиш орзуси ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун ҳам атайлаб институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишига кирган. Бироқ уни тамомлай олмади. Иккинчи курсдалигига янги йил арафасидаги ичкилиkbозликдан келиб чиқкан бир жиноятга беихтиёр қўшилиб қолди. Икки нафар курсдош ўртоғи маст-аласт ҳолда уларнинг ётоқхонасида ётиб қолган бир қизнинг номусини булғаб қўйишиди. Дониёр жиноий ишда қатнашмаганлиги ва гуноҳкор йигитларнинг ўзлари ҳам буни эътироф этишганига қарамай, у ўша машъум кечани шу хонада ўтказганлиги ва даъвогар қизнинг эса «зўрлаганлар орасида Дониёр ҳам бор эди», деб туриб олганлиги оқибатида асосий айборлар қаторида беш йилга қамалиб кетаверди. Яна бир алам қиласидиган жойи шу бўлдики, олти-етти йилдан муддат олишган ўша жинояткор шерикларининг ота-оналари бадавлат ва бообру одамлар бўлишгани учун ҳам улар узоги билан икки йилча

ўлтиришиб, кейин дабдурустдан озод бўлиб кетиши. Мўмин-мусулмонларнинг худо йўлидаги хайру эҳсонлари билангина кун кечиравчи бечораҳол Муҳиддин корининг ўғли Дониёр эса «ейилмаган сомса» учун қўнгироқдан қўнғирокқача ўтириб чиқишига мажбур бўлди.

Қамоқхона ҳаёти табиатан мулойим, ҳали анча ғўр, зўравонлик ва шафқатсизлик олдида ожиз ва қўрқокроқ, иродасизроқ Дониёрни батамом ўзгартириб юборди.

У қамоқдалиги вақтида отаси оламдан ўтиб, онаси ундан кейинги иккита укаси билан амакисига, Муҳиддин корининг Нуриддин шилпиқ деган носфуруш укасига тегиб олганини эшитиб, озод бўлгандан кейин ўз қишлоғига қайтмади. Онасининг бу қилмиши энди, Дониёрни батамом ваҳшийлаштириб юборди. Унинг аламзада дилида аёл зотига нисбатан ўчмас нафрат ва қасос хисси пайдо бўлди. У уйланмади, дуч келган гул борки, уни ҳар қандай йўл билан ҳам узиб ва хидлаб, кейин уни шафқатсизларча топтаб, эзгилақ кетишдан роҳатланадиган одат чикарди.

Дониёр қамоқхонада танишган ва унга тегишли ўйл-йўриқ ҳамда сабоқларни бериб устозлик қилишган айрим «камаки»ларнинг тавсияси билан шаҳардаги бир гурух мафиозлар даврасидан паноҳ топди. У ўз ҳомийларига чинакам садоқат ва ҳалол хизматлар кўрсатиб, бунинг эвазига ёғли-ёғли жойларда ишлаш имконига эга бўлди. Кейинги пайтларда у бензин бўйина бизнесмен бўлиб танилган, анча катта худудларда айтгани-айтган, дегани-деган, пойи-патаклар энди уни эркалашиб, хушомад билан Дони, мистер Дони деб атайдиган бўлишганди.

Бугун, мана, мистер Дони учун одат тусига кирган ҳаловатли ва фараҳбахш кечаларнинг навбатдагиси. У айниқса гулбадан Хуршиданинг биринчи учрашувдаёқ қафасга «лоп» этиб кириб, энди унинг ўнг кифтига осилганча ишваланиб, ялтоқланиб ўлтиришидан лаззатланяпти.

— Мистер Дони, пожалуйста... Биттигина шеър ўқиб берсангиз-чи... — Шу тоб у Донига, бир маҳаллар ҳофиз Мумтоз тўқиб куйлаган «Хуршида»ни эс-

лаб қолиб, илтижо қилади. — Мне очень нравится, когда о нас поют или стихи читают...

— Неужели?! С огромным удовольствием, — Дони гурур билан ўрнидан тураркан, даврадагилар ҳам бу таклифни маъқуллашиб, карсак чалишди. — Сизлар учун жон тасаддук!

Кейин у томок қириб, оз-моз хаёл суреб олгач, шоирларга хос салобат ва салмоқ билан машхур бир драмадан монолог ўқий бошлади.

*Косани тўлдиринг, айтинг алёрни,
Шу пулнинг, шу қулнинг соғлиеи учун.
Айи қилиб ўлтирган йигитлар билан,
Майлисда қизларнинг борлиги учун.
Ичайлик шу пулнинг салобатига,
Пул кўй зўр, азамат, наҳлавон бир куч.
Агар пул бўлмаса бутун дунёда
Одам ўйқ, турмуши ўйқ, ҳатто яшаши пуч.
Пул бўлса, пул бериб базм оласан.
Пул бўлса, пул бериб имон оласан,
Пул бўлса, пул бериб вижедон оласан.
Диёнат, қошу кўз, ширин сўз ҳам пул,
Ҳаттотки муҳаббат, юраклар ҳам пул...*

Ўша кеча Хуршида кетма-кет кўтарилиган қадаҳларнинг ҳароратидан эмас, кўпроқ узоқ йиллардан бери орзикиб кутилган Шаҳзоданинг ниҳоят унинг ҳаётига кириб келганидан, назарида мистер Дони энди батамом уничию, бундан кейинги турмуши жудаям чиройли бўлиб кетишига ўзида хосил қилган умид ва ишонч лаззатидан маст-аласт эди.

Дони ўз «Тойота»сида уларни уйларига элтиб кўяди. Ёнидаги икки йигитта Собирни «биздан кейин олиб чиқасизлар», деб тайинлаб, Хуршидани кўлтиқлаганча олдин ўзи кўтарилади.

Эшикни узоқ кўнғироқдан сўнг, ичкарида ухлаб ётган Тахмина очади.

— Менинг қизим Тахмина...

Ёши 12—13 ларда бўлишига қарамай бўйи анча чўзилиб қолган, юпқагина оқ шойи ичкўйлакда кўкраклари, хипчагина бел-у, бўлиққина болдирлари кўзга ташланиб, хусну жамолиям оташдек парпираб турган Тахминага мистер Дони сукланиб қолади.

— Қизингиз жудаям шириң экан, — дейди у Хуршидага. — Ҳадемай ўрнингизни босади. Балким сиздан ўзиб кетар...

Үй бекаси унинг бу мақтавидан ийиб, ўринсиз хиринглаб кўяди. Бироқ бу гапнинг замирида қандай маъно ётганлигига аҳамият бермайди, зеро бунинг учун ҳозир унда курб ҳам, укув ҳам етмасди.

Мистер Дони уларнинг уйларига, тақдирларига ана шу тарзда кириб келган эди.

... Тахмина мўъжиза рўй бериб, қайтадан болаликка қайтиб қолган тақдирида дадаси Собирни кимлардан, нималардан асраб қолиши мумкин эди? Ундан буни сўрамоқчиям бўлдим-у, бироқ юрагидаги бирон-бир жароҳатга озор етказиб кўйишдан чўчиб, бу фикримдан қайтдим. Тахминанинг айни пайтдаги руҳий ҳолати мендан имкон қадар мулоҳазакорликни талааб қиласарди. Ёш боши билан кўпдан-кўп савдоларга дуч келган дайди қизнинг армон тўла ҳасрат дафтарини бевосита уни ўзи вараклаб беришини кутмоқ ва бунинг учун унга беозор кўмаклашиш ҳам лозимлигини тушуниб турибман.

— Ҳа, даданг раҳматли яхши йигит эди, — дедим унга тасалли бермоқ ниятида. — Бироқ на чора...

Тахмина индамади. Ҳаёлга чўмганча тек ўлтираверди. Яна қўшимча килдим:

— Аянг Хуршида... қаерда ҳозир?

У бир дам қўллари билан пешонасини асабий эз-ғилаганича жимиб колди. Кейин менга ўксик қиёфада жавоб берди:

— Аям... Аям ҳам... — Тахминанинг аччиқ ютиниб кўйганини, кўзларида ёш ҳалқаланганини сездидим. — Ҳаммаси... ташлаб кетишиди... Сарсон-саргардонликка ташлаб кетишиди, номардлар...

Тахмина шундай дея иккала кўли билан юзларини тўсиб, бош этганча ўлтириб колди. Ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтирдим. Кўлимни аста елкасига кўйдим:

— Ўзингни бос, Тахмина...

У зарда билан қўлимни елкасидан силтаб ташлади:

— Кетинг, Собир ака. Кетинг бу ердан. Мени тинч кўйинг, ярамни янгилааманг.

...Мен мистер Донининг Тахминалар хонадонига серқатнов бўлиб қолганидан кейинги воқеалардан деярли хабардор эмасман. Факат шуниси аён эдикӣ, ойиси Хуршида «одамлари ёмон экан» деган баҳонада универмагдаги ишини ташлаган, уларнига илгари келиб-кетувчиларнинг ҳам энди оёғи бу ердан тинган эди. Бироқ зиёфатлар, маишатлар бу уйда ҳамон бўлиб туарар, меҳмонлар эса Дони ва унинг гурухидағи йигитлар-у ён-атрофлардан келиб-кетиб турувчи, Тахмина учун таниш-нотаниш бўлган бири-биридан чиройли, ёш-ёш жувонлардан иборат эди.

Одатдагидек, маишатга керакли нарсаларни уларнига доимо Дони олиб келарди. Дадаси кейинги пайтлар ичкиликка янайм берилиб кетиб, унинг ранги-рӯйи ҳам бир ахволга тушиб қолган эди. Вакт ўтган сари унинг қадру қиммати йўқ бўлиб қолди. Энди у ишляптими йўқми, бу нарса ҳеч кимни қизиқтирmas эди. Собир оиласда шунчаки бир ғимирлаб юрган, зиёфат кунлари эса текин ичкилик эвазига ошхона ахлатини тез-тез ташқарига чиқариб туриш учун зарур одам эди, холос.

Бора-бора рўзгор ташвишлари учун бутун масъулият ўз-ўзидан Донининг зиммасига кўучиб ўтади. Озиқовқат, Хуршида ҳамда Тахминанинг кийим-кечаги ва бошқа сарфлар ҳам...

— Биз қиёматли ака-укамиз, — деб қўяркан Дони баъзан Собирнинг елкасига қўл ташлаб, — демак, мен ҳам шу оиласнинг teng хукукли аъзосиман.

Даврадаги аёлларга тез-тез қимматбаҳо буюмлар тортиқ қилинаркан. Лекин Хуршида ва Тахминага Дони ҳар сафар бошқаларнинг ҳавас ва ҳасадини қўзғатадиган ноёб нарсаларни топиб келтиаркан. Қизик, бу ғамхўрликларнинг барчаси нима учун? Ёш Тахмина ҳали буни тушунмас ва тушунишга қизиқиб ҳам кўрмаган. Эсиз Собир...

...Уша куни дадаси уйга ярим тунда қайтади. Жудаям маст, уст-боши лойга беланганд, таниб бўлмас даражада. Эшикни Тахмина очади. Дадасини бир амаллаб ваннахонага судраб кириб, ўёқ-буёғини тозалаётганда, олдида ойиси пайдо бўлади.

— Чўчқани уйга олиб кирмайдилар, қизим,—

дайди у титраб-қақшаб. — Бугунча уни айвонга чиқариб кўй, ўша ерда ётсин. Эртага бошқа жой топиб берамиз...

Собирнинг тили калимага келмас, оёкда базўр турарди. У алланима дея гулдирайди-да, кейин бор кучини йиғишириб, шашт билан Хуршиданинг юзига туфлайди:

— Хоин! Fap!

Тахмина қичқириб йиглаб юборади. Ойисининг ҳақоратлангани учун эмас, балки дадасининг, бадбахт ва чорасиз, нимжон инсоннинг бошига тушадиган муштдан қўрқиб йиглайди.

Хуршида қизини тушунади. Фазабини бир амаллаб ичига ютади. Юзини кафти билан артган бўлади-да, индамай ичкари хонага ўтиб кетади.

Айвон ҳам озода ва баҳаво эди. Тахмина йифма каравотга яхшилаб ўрин солиб, дадасини бир амаллаб ётқизиб чиқади.

Тонг сахарда фаррош кампирнинг" эшикни зўр бе-риб тақиллатиши ва қичқириғи билан уйғонишади.

— Войдод, тезроқ очинглар! Пастда Собир ўлиб ётипти!!!

Тахмина жон талвасасида айвон томон отилади. Дадаси жойида йўқ, дераза қанотлари ланг очиқ эди. У пастда бетонли майдончада конга белангандча тўртинчи қаватдаги ўша, касофати айвонга жонсиз тикилиб ётарди...

Мен Тахминанинг аяси ана шу фожиани қандай қабул қилгани-ю, мистер Дони ҳақида ва унинг Хуршида билан бундан кейинги алоқалари ҳақида сўзлаб беришини истардим. Бироқ уни чўчитиб кўймаслик учун бу тўғрида сўрамадим, шусиз ҳам у ҳозир ўша машъум воқеалар асоратида эзилиб ўлтиради.

— Тахмина, марҳум даданг билан менинг ўша эски муносабатларимиз хурмати... мендан ўзингни олиб қочма.

— Нима қил, дейсиз?

— Мендан хеч нарсани яширма. Уз дардларингни сўзлаб бер. Одамнинг тафтини одам кўтаради, дейишида. Биз ахир, ҳар ҳолда бир-биримизга таниш чиқиб қолдик-ку...

— Майли, факат бошка сафар. Насиб қўшилса, яна учрашиб колармиз. Факат... менга ростини айтинг, бу ерга қандай ниятда келгансиз?

— Сендан яширмайман. Мен бу ерга чиндан ҳам Саттор шўрбаликни кидириб келувдим. Келиб, мана, тасодифан сен билан учрашиб қолдим.

— Барибир, сир тутяпсиз. Лекин мен ҳеч нарсадан кўркмайман.

— Бундай гапларни қўй, Тахмина. Аксинча, мен сенга кўмаклашай деяпман. Юрагингда армон бўлиб турган нарсаларни яширмасанг бас.

— Кўйинг. Бу ҳакда бошка гапирманг, Собир ака.

Орага сукут чўқди. Аста ўрнимдан туриб, сигарет тутатдим. Унга ҳқм узатдим. Кейин Тахминадан эҳтиёткорлик билан «дядя Доник» ҳақида сўрадим:

— Яқин одам эди... Лекин ҳамма касофатларни уйимизга ўша бошлаб келди...

— Тушунмаяпман. Қандай қилиб яқин одамларинг?

— Ҳа, шунақаси ҳам бўларкан. Уйимизда рўй берган воқеаларни сўзлаб беришга тилим ожизлик қилади. Айниқса, дадамнинг ўлимидан кейин...

— Дадангни тўртингчи қаватдан ўзини ташлаб юборганидан хабардорман. Ўша кеча маст-аласт келгани-ю, аянг билан жанжаллашиб колгани, кейин ўша айвонга олиб чикиб ётқизганингни ҳам эшитганман. Факт... бу фожия қандай содир бўлганини билмайман.

— Бунисини ўзимиз ҳам билолмасдик. Лекин дेरаза илгакларини солиб қўйганим аниқ эсимда. Яна ким билади, дейсиз. Қисмат шу экан.

— Ўшанда... сени энг яқин одамингдан ажралиб қолиб, қандай ахволга тушганингни тасаввур киломайман, Тахмина.

— Бунисини асти қўйинг. Ўша кунлар ёдимга тушса, ҳали-ҳали бу дунёга сигмай кетаман. Нега шундай бўлди? Бу кўргиликлар биз учун каердан келиб қолди? Мен бу саволларга ҳозиргача жавоб кидираман.

— Ҳа, Тахмина. Сен бу саволларга албатта жавоб топишинг керак. Бундан ўзинг тегишли хулосани чиқариб оласан.

— Хулоса... Мен учун энди ҳаммаси кеч бўлган, Собир ака.

— Ундей дема. Сен ҳали... ўн гулингдан бир гулинг ҳам очилмаган ёш ниҳолсан.

Тахмина юзимга истехзоли нигоҳ ташлаб күяди.

— Кўйинг бу гапларни. Сиз мен ҳакимда ҳали ҳеч нарса билмайсиз.

Мен унга «Билишни ҳам истамайман. Кел, яхшиси, ўтган гапларга саловат дейлик-да, энди буёгини ўйлайлик» демоқчи ҳам бўлдим-у, бироқ ўзимни тийдим. Мен хозир қаршимда ўлтирган, кутилмаган тасодиф туфайли дуч келиб қолган таниш Тахмина ҳакида, «Мен учун ҳам энди ҳаммаси кеч бўлган» деб турган ана шу ёшгина инсон ҳакида кўпроқ нарсани билмоқ иштиёқида эдим.

— Эҳтимол шундайдир. Лекин ҳамма нарсага қўл силтаб, кўр-кўrona умр ўтказиш билан иш битмайди, Тахмина.

— Билмадим. Бир кам дунё, деган гап ҳам бор-ку ахир. Худо ўзи уни ундей, буни бундай қилиб яратипти. Насиб этганига шукур қилиб яшашдан бошка чора йўқ, Собир ака.

— Фикрингга қўшилмайман, Тахмина. Биз яшаб турган дунё аслида комил дунёдир. Аммо уни ўзимиз емириб, кемириб кемтик қилиб қўямиз-да, кейин уни бир кам дунё экан, деб ўтираверамиз. Ваҳоланки, ҳеч ким осмондан донишманд ёки жаллод, тақводор ёки... фоҳиша бўлиб тушмаган. Бу дунёда ҳар ким ўз йўлини ўзи белгилайди. Кимдир Раҳмонга эргашади, кимдир Шайтонга...

Тахмина жимиб қолди. Бир дам хаёлга чўмгандек бўлди. Кейин мендан ўйчан ҳолда сўради:

— Шайтондан хабарим бор. Лекин Раҳмон деганингиз нимаси, Собир ака?

— Сен менга аввал ўзинг билган Шайтон ҳакида гапириб бер-чи...

— Шайтонми... У менинг кўзга кўринмас дўстим. Мени ёлғиз қолдирмайди. Доим эргашиб, кўриқлаб юради. Кўчадаям, уйдаям. Ҳатто ётганимда ҳам. У мен билан ҳазиллашади, қитиқлашади. Фалати-фалати, қизик-қизик нарсаларга йўл бошлайди, маслаҳат беради. Мен ана шу дўстим туфайл иғам-ғуссаларим-

ни унутаман, түрт кунлик умримни хурсандчиликда ўтказаман.

Тахмина шундай дея, «Энди сиз жавоб беринг» маъносида қараб кўйди.

— Худо одамлар билан бирга ҳайвонларни ҳам яратиб кўйипти. Ҳайвонлар ҳам одамлар каби ётитуради, эшитади, ҳис килади, овқатланади, лаззатланиди, кўпаяди... Одамлар ҳам худди шундай. Лекин ҳайвонлардан энг катта фарқимиз шундаки, худо бизга шунингдек, ақлу фаросат, ўйлаш, фикрлаш, яратиш қобилиятини ҳам қўшиб бери кўйиптики, бундан улуғроқ баҳт бўлмаса керак. Шу фикримга қўшиласанми, Тахмина?

— Ҳа...

— Баракалла. Шунинг учун ҳам инсон ётиштуриш, ейиш-ичиш, лаззатланиш, кўпайиш билан бирга, ана шу нарсалар устида фикр ҳам юритади. Оқ билан корани, яхши билан ёмонни ажратишга, ўзини пок сақлашга интилади. Ана шу интилиш пайдо бўлган жойда мен сенга айтган Раҳмонга Иймон туғилади. Иймонга эга бўлган одам эса, шайтондан халос топади. Бу дунёнинг неъматларини ҳам, ташвиш-у изтиробларини ҳам ақл тарозисига кўйиб яшайдиган бўлади...

Ногоҳ Тахмина нимадир эсига тушибми, ёки бошқа нарсагами, аста жўлмайиб кўйди. Индамадим.

— Мени кечиринг, Собир ака. Бир воқеа эсимга тушиб қолди, — деди у ўзини ўнглаб. — Ўтган йили бўлувди. Самад деган бир савдогар йигит мени кечаси ресторандаги машнатимиздан олиб кочиб кетди. «Сен учун у қилвораман, бу қилвораман», деб тилло тоғларни ваъда қилувди, ишондим. Қаёққаям обориб, бирорни эшигини такиллатди. Соқол кўйган кексагина бир одам чиқди. Ўша йигитни танишими, нимаси ям бўларкан, данғиллама ҳовлида бир ўзи яшаркан. Ичкарига кирдик. Самад ҳалиги одамга: «Амаки, мен мана шу кизни яхши кўриб қолдим, унга уйланмоқчиман», деди. Уйди эгаси унга қовоғини солди. «Хеч тинч юрмадинг-юрмадинг. Ахир бинойидек хотининг, Кўчкордек ўғилчанг бор-ку?» деди. Ўзи эса менга ўғринча тикилиб, ютиниб-ютиниб қўяди. Назаримда,

қани энди еб күйсам, дейди ер юттур. Самад бўлса: «Гап битта. Мен хотинимдан ажралиб, шу қизга уйланаман. Бугунча жой бериб, икковимизга хутба ўкиб кўшиб кўйсангиз бас», дейди. Кейин чолди олдига бир даста пул ташловдики, ўшандан кейин уни дами ичига тушиб қолди.

Бир зумдаёк, уй эгаси Самад иккаламиззи никоҳ қилиб кўйди. Ўзимча кулиб ўтириппан. «Бунақа ни-коҳларди канчасини кўрдим-у. Мени совунимга ҳали кир ювмансанлар», деб кўяман ичимда.

Шундай қилиб, ҳалиги одам денг, ўз ҳолича домла экан. Ўшетдаги ароқ дўконида қоровул бўлиб ишларкан. Узундан-узок «қироат» ҳам қилди. Кейин Самад олиб борган пакетидан майд-чуйдаларни чиқарди. Маишат қилдик. Чолгаям икки юз граммча конъяк ичкизвордик. Маст бўлмайди қурғур. Ичишга ичib ўтирипти-ю, нукул мусулмончиликдан гапиради. Ҳаром-хариш юрманглар. Шайтонга сўз берманглар, Иймонли бўлинглар, дейвериб энсамни қотирди. Ичмасаям гўрга эди, ачиб-сасиб ўлтирипти, нукул сонимга караб қўяди. Менам жўрттага битта оёғимни унга томон узатиб, ўлтиредим. Пичоксиз сўйдим сволочни!

Ўша кеча алламаҳалда кўйнимдан Самад чиқиб кетди. Уйдан пул олиб келаман, эрталабданоқ янги рўзгор учун жой ҳозирлаймиз, у-бу сотиб оламиз, деди. Рози бўлдим. Мен учун энг зарури пул эди. Уиди эгасиям уни «Бўпти, бўпти, буёғидан хотиржам бўл», деб чиқарворди.

Бир вакт нима бўлди денг, ётган жойимга оқ иштон-у майкачанг бўлиб ҳалиги чол кириб келса борми! Шундай бўлишиям кўнглимга келувди.

Гапни қисқаси, у мени нариги хонага олиб ўтиб, битта кутичани очиб кўрсатди. Карасам, ҳазилакам пул эмас, «Керагича ол, фақат бу кеча меники бўлсанг бас», дейди. Бўпти, дедим.

Тахмина ўзича мирикиб кулиб олди. Кейин «Кечиринг, Собир ака, энди буёғини эшитинг» деб кўйди. Мен Тахминанинг ҳикоясини эмас, шундай бир ёш ва гўзал нарсанинг ана шу воқеани хеч бир ийманмай, хузур билан нақл қилиб бераётганидан ҳайратланиб, ўй суриб ўлтирадим.

— Чолга яна қолган конъягимиздан бир стаканча ичкизвордим. Ичига ўзим билан олиб юрган уйку доридан ҳам күшдим. Жони қаттиқ экан, ҳолдан тойдиринш анча қийин бўлди. Лекин барибир ниятига етолмади. Шарманда бўлди...

Ахийри ўлгудай чарчаб, уйқу дорисиям таъсир қилди шекилли, «шилқ» этиб ётиб қолди. Кутичадаги пулларни ҳаммасини олдим. Ўзини атайлаб ана шу ҳолида, ялангоч қолдирдим. Самад кириб келса, ўз кўзи билан кўрсин, дедим. Дарвозаниям бекитмай чикдим. Саҳарги поездга ўлтириб, бошқа шаҳарга ўтиб кетдим...

Мен шу пайт бир вақтлар ўзим учун таниш бўлган ўша Собир учун, унинг емирилиб кетган оиласи учун, қолаверса, Тахминанинг ўзи учун ҳам ич-ичимдан ачишиб, эзилиб ўлтирадим.

— Чакки эмассан... — деб қўйдим ўз ҳикоясини тугатиб, мендан нима гап чиқишини кутиб ўлтирган Тахминага. — Лекин... бу нарсани нима учун эслаб қолганингни билмоқчидим.

У ғунча лабларини хиёл қимтиб, табассум қилиб Қўйди.

— Бошқа хаёлга борманг, Собир ака. Мен сизни. Мен сизни... тайёр ошни ёёлмаган ўша одамга ўхшатмоқчи эмасман. Асло. Сиз ҳали йигитсиз. Чиройли, ақлли, бақувват...

— Гапни калтароқ қил.

— Мен шунчаки... сиз айтган Иймон тўғрисида насиҳат қилиб ўлтириб, кейин ўзи шундай ишларга борган ўша чолни эслаб қолдим, холос.

— Бу гапингга ишонаман. Сиз ҳам ўша чолдек насиҳат қиласиз-у, лекин ўзингиз қаерда ва нима қилиб ўлтирганингизни ўйламаяпсиз, демоқчисан. Шундайми?

— Қандай тушунсангиз тушунаверинг. Мне от этого не холодно, и не жарко...

— Мен сенга насиҳат қилганимча йўқ. Саволингга жавоб бердим, холос. Бу ёғига қандай иш тутишинг ўзингта ҳавола. Мне тоже от этого не холодно, и не жарко...

Иккаламиз беихтиёр кулишиб олдик. Тахмина бир оз очилиб, рухи енгил тортгандек бўлди.

— Собир ака, келинг, ўн граммдан ичайлик.

— Йўқ. Назаримда мени ҳам от қилиб минмоқчисан, шекилли? — дедим ҳазил аралаш, орамизда пайдо бўлган илиқликка далда бериш ниятида. Бироқ, Тахмина ўз одатига кўра, бу гапдан сўнг соз мурватини яна аввалги пардаларга кўчирмоқчи бўлди:

— Кошки эди миндирсангиз...

Ўзимни жўрттага гўлликка оламан:

— Кўйсанг-чи, мен кўпол отман. Тагимда қолиб кетиб, бирон жойинг лат емасин, дейман.

— Ҳов ҳали олдимга кирганингизда, мен от эмасман, девдингиз...

— Мен унда ёввойи от эмасман, дегандим.

— Ёввойи бўлмасангиз, демак, авайлаб миндирапиз ахир?..

Ҳа, у гапга анча чечан, кишини эҳтиросли сўзлар билан ўзига бир зумдаёқ боғлаб олиш қобилиятига эга эди.

— Тахмина, менга... аниқ яшаш жойингни айтарсан?

— Яшаш жойимни?... — У энди бир оз хомуш тортиб қолди. — Фоҳишаларнинг яшаш жойи бўлармиди, Собир ака...

— Мен шунчаки... Кўқондаги уйларинг...

— Кўқондагиси... дадамдан кейин... буёқка кўчган эдик. Мени болалигим, болалик орзуларим ҳаммаси тошга айланиб, кўкармас армон бўлиб ўш ерда қолиб кетди.

— Мактабинг-чи? Ўқишиям ташлаб юборгансан чори?

— Мен у вактларни ўйласам... хўрлигим тутиб кетади. Мактабимни, синфдошларимни, муаллимларимни баъзи-баъзида эслаб қоламан. Шундай пайтлар бирор билмас аччик-аччик йиғлаб оламан. Ахир мениям дадам бор эди-ку. Мен ҳам бошқалар қатори мактабга қатнардим, бошқалар қатори кувнардим, ўйнардим. Якин-якин дугоналарим билан олис-олис, ширин-ширин орзуларга берилардик..

— Наҳотки, ўша яқин дугоналаринг билан ҳам алоқаңг узилиб кеттган бўлса?

— Мен улардан баъзиларини кўча-кўйда учратиб турман. Улар ўқишади. Кимдир ўқитувчиликка, кимдир врачликка, дегандай. Лекин мен улардан ўзимни олиб қочаман...

Орага жимлик чўқди. Тахмина мендан сигарет узатишими сўради. Лекин мен унинг илтимосини баъжармадим. Уз хаёлим билан банд бўлиб, жим ўлтиравердиМ. У менга ажаблангандек қараб қўйди-да, кеийин чекиш фикридан қайтиб, ўзича «бўпти» деди. Бир дамдан сўнг аста савол берди:

— Собир ака, болаларингиз борми?

— Ҳа, — мен унга ажабланиб бокдим. — Бир ўғил, икки қизим бор. Нима эди?

— Сиз уларни яхши кўрасизми?

— Бўлмасам-чи, жондан ортиқ.

— Хотинингизни-чи?

— Униям.

— Уям сизни жондан ортиқ севадими?

— Мен унга ишонаман.

— Ҳамма гап шунда. Менимча, энг катта баҳт ҳам шунда.

— Гапинг тўғри, Тахмина. Сен буни тўғри тушубиссан.

— Чунки мен буни ўз кўзим билан кўриб хулоса чиқарганман. Бизнидаги ҳамма бало ана шу ишонч, деган нарсанинг йўқолишидан бошланган...

— Чамамда, аянг билан даданг бир-бирларини севиб турмуш куришган-ку? — синовчан савол ташладим унга.

— Мен севгига ишонмайман. Ҳаммаси пуч гап. Масалан, олдимизга келадиган эркакларнинг ярмидан кўпи хотинига сени севаман, деб яшаса керак. Лекин улар оиласининг, бола-чақасининг ризқини кийиб, топган-тутганини кўтарганча фоҳишага чопишади. Бизга нима, ўлиб кетишмайдими...

— Бу билан марҳум дадам ҳам ана шунака эркаклар хилидан эди, демоқчи эмасмисан ишқилиб?

— Мени дадам... У бизни жудаям яхши кўрарди. Аямниям, мениям, укамниям... Аям ишламас эди.

Рўзгорни дадам ўзи тебратарди. Ишига каллайи саҳарлаб чиқиб кетганича коронги тушганда ҳориб-толиб кириб келарди. Лекин чарчаганини ёки кайфияти бузуклигини бизга сездирмасликка харакат киларди. Авваллари топиб-тутиши яхши эди шекилли, маза қилиб яшардик. Дадам тўйгунимизча музқаймоқ билан, кабоб билан сийларди...

Рости гап, аямнинг юраги тор, инжиқроқ аёл бўлган. Ўзингиз ҳам эсларсиз, у қандай қадди-қомати келишган, фоят чиройли эди. Шунга яраша кибру ҳавосиям баланд, унча-мунча нарсани ўз ўрнида кўрмасди, писанд килавермасди. Дадам бечора уни хафа қилиб қўймайин, бирон нимага зориқмасин, деб жони ҳалак эди. Чунки у аямга ишонарди. Аям ҳар қанча инжиқлик қилмасин, ўша ишонч-хурмати, уни кечириб кетаверарди. Мен факат бир нарсани тушунолмасдим. Баъзи-баъзида дугоналаримниги бориб қолсам, уларницида тамоман бошқача тартибни кўриб ажабланардим.

Мен шу пайт беихтиёр Тахминанинг ҳалигина «Нега шундай бўлди? Бу кўргиликлар биз учун қаердан келиб -қолди? Мен бу саволларга ҳозиргacha жавоб қидираман», деган сўзларини эсладим.

Эҳтимол, у қидираётган жавоблар дугоналарини кидаги ана шу «бошқача тартиб»ларга ҳам маълум даражада боғлиқ бўлгандир? Шу боис ҳам Тахминанинг худди ана шу нарса устида очикроқ тўхталишини истаб, сўрадим:

— Қанақа тартиб экан у?

— Мен буни сизга тушунтиrolмасам керак. Масалан... уларнинг аялари қандайдир хушфеъл, мулоим, меҳрибон, синиқ туюларди назаримда. У уйларда энг катта хўжайн деймизми, бошлиғи деймизми, дадалари эканлигини, эркак кишининг ўрнини, салобатини ҳар кадамда кўриб, сезиб турасиз... Бизникида эса бунинг акси эди. Ҳар қандай масалада аямнинг айтгани айтган, дегани деган, дадам эса буйрукни ижро этувчи эди, холос. Бирон нима кўнгилдагидек бажарилмаса борми, уйимизда ҳафталақ мотам бошланарди. Нима учун шундай бўлган, бунисини англаб ултurmадим. Бўлмаса, мени дадам ҳам ҳар томонлама

аямдан устунроқ, қатъиятли, ориятли эркак эди. Эҳтимол у аямни ортиқча яхши кўрганлигиданми ёки бошқа сабабларга кўрами, ҳамма нарсага муроса билан яшади. Яшашга яшади-ю, лекин рўзгоридан, оиласидан рўшнолик кўрмай жувонмарг бўлиб кетди.

Тахмина чукур «оҳ» тортиб қўйди, халат чўнтагидан рўмолча чиқариб намли кўзларига босди. Мен унга индамадим. Хаёлимда унинг дадасини, ўша Собир билан бирга бўлган пайтларимизни жонлантиришга уриниб кўрдим.

...Бир куни квартирамизга Марҳаматдан меҳмон келиб қолди. Мен билан бирга турувчи Аъзам деган курсдош ўртоғимнинг буваси, Олим ота деган киши. Чол бечора букилиб-сукилиб бир дунё нарсани кўтариб келипти. Чўнголой девзираси-ю гўшт-ёғ, туршаку кулча-нон, анору беҳи дегандай...

Уйимиз бир зумда тўйга айланиб кетди. Олим ота, Аъзам, яна Турғун ва Акрам деган ўртоқларим. Газ плитада беҳили палов ясадик. Ўшанда бир кизиқ ҳангома бўлган. Олим ота намоз ўқимокчи бўлиб «Киблаларинг қайси тарафда?» деб сўраб қолдилар. Биз йигитлар бир-биримизга қаралиб, нима деб жавоб беришимизни билолмай қолдик. Росаям хижолат тортидик. Чоли тушмагур индамай кутиб турипти. Уни тушундик. Аъзам шоша-пиша биронтадан уйимизнинг қибласини сўраб келгани ташқарига отилди.

Олим отаям буни сездилар чоги, биздан офтоб қайси томонга ботишини сўраб қолдилар. Кейин белбоғини ёзиб, намозини ўқишга киришдилар. Биз шундагина намоз кунботар томонга қараб ўқилишини биллиб олгандик.

Аъзам бечора намоз- ўқиб бўлингандан кейин ҳаллослаб кириб келди. Пешонаси терга ботган, ўпкаси ни чанглаб, ҳансираб: «Анави томонга! Анави томонга экан, опоқота!» деб кунботар томонга ишора қилди. Ҳаммамиз кулиб юбордик. Олим отаям қоқсуяк елкаларини қоқканча мирикиб кулиб олдилар-да, кейин бошларини сарак-сарак қилиб: «Эҳ, болаларим, болаларим. Қандай кунларга қолдиларинг?» — деб кўйдилар.

Ўша куни энди паловни сузар пайтимизда шира-

кайф ҳолда Собир кириб келди. «Келинг, келинг» қилдик. Олим ота икковини танишитирдик. Чол уни ўз ёнига ўтқазди, оғзидан гупиллаб арақ хиди келиб турганига эътибор бермади.

Шу пайт денг, биз учун сира кутимаган ҳолда Собир чўнтағидан бир шиша арақ чиқариб, стол устига тарақ эткизаб кўйса бўладими! Ҳаммамиз тош қотиб қолдик. Олим ота қандайдир андишаларга бошиб, бир дам жим турдилар-да, кейин Собирнинг елкасига бир қўлини беозор кўйиб, мулоимлик билан:

— Бунингизни чўнтағингизга солиб кўйинг, болам. Уйга бориб ичарсиз, — дедилар. Кейин бизга юзланиб сўрадилар: — Ё сизлар ичасизларми?

Биз шоша-пиша:

— Йўғ-е, — дедик. — Биз бу нарсани умуман оғизга олмаймиз...

Шундан кейин Собир ширакайф кўзлари билан ҳаммамизга бирма-бир сузилиб қараб чиққач, арақни жимгина қайтариб олиб чўнтағига солди:

— К... кечиринг отахон, кечиринг... — деди у чолга. — Бу ерда хеч ким ичмайди. Тўғри. Мен ичаман. Ишда. Уйдамас. Булар мени укаларим. Ҳали ёш. Студент! Ничего, ҳаммаси ўтади-кетади...

У оз-моз чайқалиб ўрнидан турди. Кетаман, деди. Сезиб турибман, Олим ота хижолат чекди. Мени гапимдан ичи оғринди, деган хаёлда мулзам тортгандай бўлди.

— Ўтилинг, болам, ўтилинг, — деди у Собирнинг тирсагидан тутиб, — Мана, хозир паловни сузишади. Яхши меҳмон ош устига, деганлар. Қайнонангиз суюр экан...

Собир турган жойида Олим отага чайқалиб боқиб: «Қайнонам йўқ. Ўлган. Эрга тегиб кетган», деди. Бечора мўйсафид хеч нимани тушунолмай, бизга ҳайрон боқиб кўйди.

Хуллас, уни кайта ўтқаздик. Бундан Олим ота енгил тортгандай бўлди. Паловни сузуб келтиридик. Собир ундан тўрт-беш марта чўқилагандек бўлди, холос. Лекин бостириб-бостириб аччиқ кўк чой ичирдик. Шундан кейингина пешонасида тер ялтираб, анча ўзига келди.

Ўтириш давомида биз Олим отага бу акахонимиз рўпарадаги «дом»да яшашини, каерда ва ким бўлиб ишлашидан тортиб, баъзан-баъзан бизнинг аҳволимиздан хабар олиши, у-бу нарсадан ёрдам бериб туришини айтиб бердик. Чол бундан хурсанд бўлди.

— Олижаноб йигит экансиз, — деди у Собирга. — Фақат сизга насиҳатим шуки, анави... ичкилик деган нарсадан сакланинг. Яхшиликка олиб бормайди.

Собир бир нафас иккала тирсагини стол устига кўйганича бошини чангаллаб ўтириди-да, кейин Олим отага жавоб қайтарди:

— Эҳ, отахон, отахон... Мен буни ҳавасга ичмайман. Ичларим зардобга тўлиб кетган. Ана шу зардобларни ювиб ташлаш учун, дориликка ичаман...

Ўртамизга жимлик чўқди. Олим ота беихтиёр томоқ кириб кўйди. Кейин қўлидаги пиёладан бир-икки бор чой хўплаб олиб, Собирга юзланди:

— Зардобнинг дориси арақ эмас, болам. Акс ҳолда, одамзот уммонларни арақ қилиб ичиб юборган бўларди. Агар сир бўлмаса, айтинг... Ёш бошингиз билан зардобларни қаердан тўпладингиз?

— Сиздан яширмайман. Оиласам нотинч... Пешонам шўр экан, хотиним аҳмокроқ чиқсан...

— Мабодо... сиз ўзингиз ноҳақ бўлсангиз-чи? — босиклик билан сўради Олим ота.

— Мен етимликда ўсганман. Мутеликка, муҳтоҷликка, ноҳақликка болаликдан кўнинканман. Мехнатим билан, фақат ҳалол меҳнатим билан, ҳамиша бош эгиб, «лаббай» деб кун кечириб келган йигитман. Ана шу аҳволимга денг... Худо менга жуда кўп йигитларнинг қўли етмайдиган баландликдан бир лоплани насиб этдики, мен энди бир умр унинг пойида елиб-югураман. Лекин у мени тушунмайди. Қадримга етмайди, хўрлайди...

— Болалар...

— Бир қиз, бир ўғлим бор эди. Хотинимнинг ка-софатидан ўғилчамни ток уриб ўлиб кетди. Ёруғ дунёга бергусиз бир қизчам қолган энди. Мен усиз яшолмайман, ана шу қизчамни деб ҳар қанча уқубатларга чидашга тайёрман.

— Агар ҳакикатдан ҳам шудай бўлса, энг катта айб яна ўзингизда.

Собир Олим отага ҳайрон бокиб қолди.

— Ҳа, худди шундай, — деди чол ўз фикрини таъкидлаб. — Оиланинг тинчлиги-ю нотинчлигиям, хотин кишининг эри билан яхши-ёмон муомаласиям ҳаммаси энг аввало эркак кишининг ўзига боғлик. Буни унутманг, болам.

— Ҳа, энди... бу гаплардан мениям оз-моз хабарим бор, — мужмалланди Собир. — Лекин гап бошқа-ю ҳаёт, такдир бошқа экан...

— Такдирга тан бериб яшайверганингиздан ана шу аҳволга тушиб қолибсиз, — унинг сўзини бўлди Олим ота. — Оллоҳ ўз бандаларини эркагу аёл қилиб яратитими, бас, эркак ўз ўрнида, аёл ўз ўрнидан жилмайроқ турсин. Эркак киши эркаклик бурчини, аёл киши аёллик бурчини бажариши лозим. «Ҳа деганда аёлларнинг ишини қилиб кетаверадиган эркакларга, ха деганда эркакларнинг ишини қилиб кетаверадиган аёлларга яқинлашмангки, гуноҳ орттирасиз. Улар эркаклик билан аёллик ўртасида вужуд топиб қолган ожиз табиатли бандалардир» дейилган ҳадис бор. Айтмоқчиманки, соғлом эркак гапирса — овози, қадам босса оёгининг гурсиллаши анча жойдан эшитилиб турсин. Рўзгорнинг, оиланинг бошлиги, подшоси — эркак киши. Подшо бир четда қолиб, унинг тожини хотини бошига илиб юрса, бундан ортикроқ шармандалик йўқ.

Аёл эса оиланинг хазинабони, фарзандларнинг онаси, эркак кишининг умрига, мартабасига, молу дунёсига барака киритувчи фариштадир. Аёл агар чиндан ҳам мўътабар, муқаддас аёл номига муносиб бўлса, у болаликданоқ ана шу рухда тарбияланиб келган бўлса, бундай жуфти ҳалолни ҳар қанча қадрласангиз шунча камдир. Аммо у аёллик шаънига иснод келтирса, оиласда ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлиб, эркаклик вазифасига даъво қилгудек бўлса, рўзгорнинг, тирикчиликнинг иссиқ-совукдарига бардош беролмай инжиккликлар зохир этса, бундай аёлни ўз вақтида жазолаб, лозим келганда хипчин билан савалаб ҳам туриши керак. Лекин ҳар қандай шароит-

да ҳам рўзгорни бузиб юборишга шошилманг. Токим сиз дуч келган балога бошқалар дуч келмасин. Отадан ёки онадан тирик етим яшаётган болалар сони кўпаймасин.

Биз Олим отанинг ўгитларини худди эртакчи до-нишманд олдидаги болалардек «миқ» этмай тинглаб ўлтирадик. Собир ҳам жим, у дераза ёнига ўтволиб чукур-чукур сигарет тортарди.

— Кўпроқ гапириб юбордим, маъзур тутасиз, — деди отахон кўлтиғидан энликкина оқ чит рўмолча чиқариб юз-бўйинларини аста артиб оларкан. — Лекин айтиб кўяй, мен фақат сизди оилангизни назарда тутиб гапирганим йўқ. Чунки ҳар кишининг бегонага айтолмайдиган оиласвий сирлари ҳам бўладики, четдан туриб хулоса чиқариш ҳамиша ҳам хақиқатга тўғри келавермайди. Баъзан ана шундай ҳоллар ҳам дуч келадики, ҳар томонлама яхши фазилатлар насиб этган оқила аёлга ношуд ёки ишёқмас, қўлидан фақат бола туғдиришгина келадиган тўнка эркак учраб қолади. Натижада, аёл киши рўзгорни тебратишга, эркаклик вазифасини ўз кўлига олишга мажбур бўлади.

Шу пайт ҳазилкаш ўртогим Аъзам опокотасидан сўраб қолди:

— Бундай ҳолларда, ўша тўнка эркакни аёл ҳам хипчин билан савалаб турса бўлаверадими?

— Бўлаверади, — деди Олим ота хиёл жилмайиб. Кейин яна қўшиб кўйди: — Лекин иложи борича кўлга хипчин олмаслик керак. Инсоннинг феъли-атвори қандай шаклланган бўлмасин, барибир бу ёруг дунёнинг мўъжизасидир...

Собир қўлидаги сигаретни чекиб тугатиб, яна жоийига келиб ўтири.

Пиёла тўла совиб турган чойини симириб олиб, кейин Олим отага гап қотди:

— Сиз ҳақсиз, жудаям ҳақсиз. Лекин менинг дардларим кўп. Жудаям кўп, отахон...

Хозир беихтиёр кулоғим остида Собирнинг ўша гаплари янгради.

— Эсимда бор, — дедим Тахминага, — даданг кўпроқ ичкилик билан овунадиган бўлиб колувди. Баъзи-баъзида бизнинг олдимизга кириб қоларди. Биз

билин хасратлашмокчи эканлигини сезардик, лекин дардларини очиқ айтишга журъат қилолмай чиқиб кетарди.

— Дадамнинг юрагини кемириб тамом қилган нарсалардан оз-моз хабарим бор... — деди Тахмина ғамгинлик билан. — Лекин ўз дардларини бирорвга ёришга журъат қилолмагани билан кўплар гап нимада эканлигини сезиб қолишганди. Чунки аям ўз гунохларини яширишга қанчалик уринмасин, барибир, фойдасиз эди. Ахир касални яширсанг иситмаси ошкор қиласди, деган гап бор-ку. Дадам бечора ҳам зардобларни ичига ютаверган, ютаверган. Аламига чидолмай ичаверган, ичаверган. Бўлмаса, бир пайтлар у ичкилик деган нарсани хуш кўрмас, ундан ўзини олиб қочадиган йигит эди.

Эсимдан чиқмайди. Бир куни уйимизда ана шу ичкилик устидан жанжал чикиб кетиб, дадам билан аям анча сану манга бориб қолишиди. Ўшанда, ўн ёшга тўлган куним эди... Урнимиздан тонг сахардаёқ турдик. Ўзимда йўқ хурсандман. Дадам ҳам, аям ҳам мени қучоклашиб, ўпишиб табриклишди. Дадам менга магнитофон, аям эса бўйи яқин бўйимдек келадиган қўғирчоқ ўғил бола ҳадя этишиди. Музикани бор овозича қўйиб юбордим. Назаримда, дунёдаги ҳамма қўшиқлар, дунёдаги жамики гуллар, жамики шириналклар бизнинг уйимизга кириб келгандек эди. Деразани ланг очиб қўйганман. Бизницида янграётган музикага гўё ташқаридаги қушлар ҳам, одамлар ҳам, машиналар ҳам жўр бўлиб ўйнашаётгандек эди. Қушдек енгилман, қанот чиқариб деразадан учиб чиқиб кетгудекман. Осмонларда чарх урсам, ҳув анави паркув булутларга бош қўйсам, олис-олисларга термулиб, ширин-ширин хаёлларга чўмсам, дейман.

Аям мени ювиб-тараб, энг чиройли кийимларимни кийдирди. Кўш қанотли ойна олдида иккаламиз тик туриб қолдик, ойнадан мен аямга, аям менга қувониб боқишишмиз. У менинг ниҳолдек бўйларимга, кўнгироқ-кўнфироқ бўлиб елкамни қоплаб турган сочларимга, хусну жамолимга тикилиб, кўзларига ёш олди:

— Сени ёмон қўзлардан худо ўзи асрасин, болам...

— Сизният ёмон кўзлардан худо ўзи асрасин, ая,— дейман бу сўзларнинг маъносига етиб-етмаган холда.

Аям бу гапларимга майин жилмайиб кўйди.

— Эҳ, болам, болам, — дейди мени оркамдан туриб бағрига олганича, — аянг энди ёмон кўзлардан кўркмайдиган бўлиб қолган...

Мен уни яна тушунмайман...

— Аяжон, ёмон кўзлар жудаям кўпми?

— Кўп. Жудаям кўп, болам.

— Ёмон кўзлар одамни нима қилади, ая?

— Ёмон кўзлар одамни... ухлаб ётганида еб кетишади.

— Сиз ахир тириксиз-ку?

— Улар одамни ўзини емайдилар. Юрагидан меҳригиёсими сўриб кетишади. Шунинг учун ҳам сени улардан худонинг ўзи асрасин, деялман.

Ушанда бу гапларнинг мағзини барибир чақолмаганман. Орадан икки-уч йил ўтиб, кейин тушунгман. Кечирасиз, Собир ака. Айтмоқчи бўлган гапим хаёлимдан кўтарилиб қолди.

— Ичкилик устидан жанжал чиқиб...

— Ҳа. Ўша куни якшанба эди шекилли, мактабга бормаганман. Дадам бозордан бир дунё майда-чуйда харид қилиб келди. Даствурхон безадик. Тушга яқин ўзим билан бирга ўқийдиган болалар, кизлар келиб кетишди. Музика қўйиб, ўйин-кулги қилдик. Анча яйрашдик. Дадам қаергаям чиқиб кетувди. Аям ҳаммамизга бир бокалдан шампан ҳам ичирворди. «Мени Тахминам «современный» киз. Сизлар ҳам шундай бўлинглар!» деди у меҳмонларимга. Мен ўшанда бу гапдан ғуурланиб, умримда биринчи марта беришган ҳалиги шампан аллақачон бошимни чалғитаётган бўлса-да, бу нарсани гўё кўпдан бери ичиб юрган одамдек ўзимни беписанд тутишга урингманан.

. Болалар чиқиб кетишгач, уйни қайтадан йифишириб, қайтадан даствурхон безай бошладик. Энди кечга яқин катталар тўпланиши керак эди. Биринчи бўлиб, аямнинг энг яқин дугоналаридан Сурайё деганлари кириб келди. Мен уни илгари учратмаганман. Кейинги уч-тўрт ой ичидаги пайдо бўлиб қолган, эндиликда аямни тез-тез йўқлаб, уни ўзи билан бирга баъзан

мехмондорчиликларга ҳам олиб кетарди. Ялтири-юлтирик кийимларда, кўш-кўш тилла тақинчокларда ловуллаб турган бу жувон мени тўшига чунонам тортиб босдики, кўкракларим жизиллагандай, вужудимни аям эрталаб айтган «ёмон кўз ўғрилар» гўё сўриб олаётгандай туюлиб, аллақандай бўлиб кетдим. Бундан икки ҳафтача бурун мактабимиз спорт залининг ечиниш хонасида худди шундай бўлувди. Ҳали уйланмаган ёш йигит, жисмоний тарбия ўқитувчимиз мени росаем эзғилаб, кучоқлаб, лабларимни, бетларимни, кўкракларимни сўриб-сўриб олганда, худди ҳозирги-дек сесканиб, типирчилақ колганим ёдимга тушди...

Шу пайт менинг ҳам кўз олдимдан институтда ўқиб юрган кезларим рўй берган бир аянчили воқеа «клип» этиб ўтиб қолди.

Шаҳар яқинидаги йирик қишлоқ мактабларидан бирига амалий машғулотлар ўтиш учун борган эдик. Худди ўша мактабга биз билан бир вақтнинг ўзида физкультура институтидан ҳам практиканлар келишган экан. Ҳаммамиз йигирмаларга кириб-кирмаган, кўзи қонга тўлиб юрган бўйдок йигитлармиз...

Ёдингизда тургандир, шўро мактабларида мажбурий ўрта таълим жорий этилган, қайси ота-она ўз фарзандини ўн йилликни тугалламагунча мактабдан колдиргудек бўлса, ҳеч сўзсиз жиноий жавобгарликка тортилар эдилар. Бу Иттифоқ бўйича чиқарилган ягона қонун бўлиб, у ўрису ўзбек учун ҳам, латишу тоҷик учун ҳам, грузину чукча учун ҳам бир хил кучга эга эди. Бу қонун олдида Шимол нима-ю Жануб нима, христиан мазҳаби нима-ю мусулмон мазҳаби нима — бу нарсаларнинг бир чақалик аҳамияти йўқ. Иттифоқнинг барча мактабларида ягона тизим, ягона тартиб-интизом. Ўртага кўйилган мақсад ҳам ягона: янги авлодни марксча-ленинча ғоялар билан қуроллантириш, унинг қон-қонига рус андозасидаги таълим-тарбияни, коммунистик ахлоқ асослари деб атальмиш гайриинсоний хислатлар; ўз миллатига, маданияти ва тарихига, миллий қадриятларига, миллий ор-номусига бефарқ қилиб кўювчи руҳий ақидаларни сингдириб юбориш...

Ўзингиздан қолар гап йўқ, биздаги қизлар эрта-

рок бўй етиб қолишади. Ўғиллар-ку ўқиши-ўқийверсин, лекин қиз болани... уни турмушга чиқаришга шошилмаган тақдирингда ҳам, битта синфда, давангирдай-давангирдай бўйдок йигитлар билан ёнма-ён ўтказиб, ўқитиши... Буни ориятли, ҳамиятли қайси мусулмон инсон ўзига сингдира олсин?

Буниси ҳали ҳолва. Яна бир қоида жорий қилинган: физкультура дарсларида, кизмиди-ўғилмиди ҳар бир ўқувчи спорт формасида бўлиши шарт!

Эсингизда бордир, у пайтлар ҳозиргидақа спорт костюмлари қаёқда дейсиз. Онда-сонда учраб қолсаям, уни катталарнинг болалари олиб кийишлари мумкин. Баҳоси ўша даврлар учун осмони фалак ҳисобланади. Кўз кўрганимиз магазинларнинг пештахталарида тахланиб ётувчи арzonгина юпқа майка, матоси шалпиллама кўкиш «спортивка»лар. Муаллим ҳам ўшандан олиб кияверади, кизлар ҳам, ўғил болалар ҳам. Дарс чоғлари ана ўшандан кийиниб чиқиб сарф тортишганда кўрсангиз, уятларга ўласиз...

Улкан Ўрussиянинг мактабларида ёхуд кўчаларидаги кизлар худди ана шундай «спортивка»ларни тараанг тортиб кийиниб чиқиша, ота-оналари уларга қараб туриб: «Қандай ажойиб фигурали кизларимиз бор!» — деб фаҳрланиб кўйсалар ажаб эмас. Бироқ биз тарафларда бу нарса учун маҳаллий қизлар шармандаи шармисорликка қолишлари мумкинлигини қонун чиқарувчи Москов қаёқдан ҳис этсин эди!

Яна бир нарса: жисмоний тарбий олийгохини битирган ўқитувчи мактабга ишга келди, дейлик. Ана энди унинг айниқса, юкори синф ўқувчилари билан ҳалиги кийимларда машғулот ўтказишини тасаввур килинг. Ўнинчи синфда ўқиётган кизлар 17—18 ёшларда бўлса, ўқитувчи йигит атиги 21—22 ёшларда...

Тўғри, айниқса, қишлоқ мактабларида маҳаллий қизлар учун жисмоний тарбия соатлари, хусусан спорт формаларида машғулот ўтказилиши жиддий қаршиликларга учраб турди. Лекин ўша қишлоқ жойларидаги айрим «Намунали ўрта мактаблар»да ҳам, шаҳар шароитидаги барча мактабларда ҳам ҳар кандай каршиликка қарамай, бу тартиб-қоида сўзсиз амалга оширилиб келинар эди. Хуллас, гапнинг қисқаси, ўша

биз борган мактабда бир куни жиддий нохушлик юз берди. Мен дареда эдим. Бир вакт ташкарида одамларнинг шовқин-сурони, ўкувчи қизларнинг чинқириши, деразаларнинг шақирилаши эшитилиб қолди. Бе-ихтиёр ташкарига отилдик. Чикиб қарасақ, уч нафар норғил бегона йигит (кейинроқ билсам, шу қишлоғнинг одамлари экан) енг шимариб олишган, ғазабдан кўзлари ўт пуркайди, мактаб биқинида курилиб яқинда ишга туширилган «намунали спорт зали»ни остин-устун қилиб юборишибди. Деразалар чилпарчин бўлган, кираверишдаги кўш табақали эшикнинг бир қаноти қийшайиб, осилиб ётибди. Спорт формасидағи бир гурӯҳ ўнинчи синф қизлари кўрқувдан нима қиларини билмай бўридан кочган қўйлардек бир бурчакда ғуж бўлишиб, бир-бирларининг пинжилариға тиқилиб туришибди. Ўғил болалардан беш-олтитаси, улар ҳам спорт формасида, ҳалиги йигитларни тинчлантироқ ниятида ҳалак. Лекин уларга яқинлаша олишмади. Афтидан, бир-иккитаси аллақачон бир-икки мушт ҳам еб улгуришган.

Энг ачинарлиси шунда эдики, машғулот ўтказаётган физкультурачи йигитнинг оғзи-бурни қонга беланган, эгнидаги юпқа кийими дабдала қилиниб, шармандаси чиқай деб қолган. Ҳалиги йигитлар унинг орқасидан қувиб юришиб рўпара келган жойига мушт туширишяпти, тепкилашяпти. Бир зумдаёқ кўпчилик бўлиб кетиб, муаллим йигитни бир амаллаб кутқазиб олдик. Бу орада бошини чангллаб, ажратувчилар атрофида пизиллаб турган меш корин мактаб директорининг ҳам лунжига бир мушт тушди.

Телефон қилинган экан, тез орада мелиса ҳам етиб келди. Лекин муштумзўр йигитларни тинчлантириш осон бўлмади, осмонга бир-иккита ўқ узилгандан кейингина ҳаммаёқ сув сепгандай бўлиб қолди. Физкультурачини дўхтурхонага, жанжалкашларни мелисаҳонага олиб кетишиди.

Шундан кейин гап нимадалигини билсак... Ҳалиги йигитлардан иккитаси анави қизлардан Ҳанифа деганининг акалари, учинчиси эса ана шу қиз унаштириб қўйилган йигит экан. Бозор томондан оз-моз кайф билан қайтишаётган пайларида, мактабнинг Патти

писмиқ деган қоровул чоли уларни күчадан имлаб чақирипти. Кейин спортзалга ишора қилипти, томоша қилинглар, депти. Иигитлар Патти писмиқ күпинча мўралаб ўлтирадиган пинхона туйнукдан ичкарига бокишиса, келиб-келиб ўша Ҳанифа дегани физкультурачи йигит ўёқ-буёғидан ушлаб, арқонга осилтираётган пайт экан...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша мактабнинг ўзида суд бўлиб ўтди. «Гурух тарзида безорилик қилиб ўқитувчига тан жароҳати етказилгани ҳамда мактаб учун маълум микдорда моддий заарар келтирсанликла-ри учун» йигитлар беш йилданга қамалиб кетди.

— Эҳтимол ўша... Сурайё деганинг аёл никобида келган эркак киши бўлгандир? — ҳазиллашдим Тахминага.

— Йўқ. Бир марта у бизникида душга тушганида, мен унга янги сочиқ тутганиман, — болаларча соддадиллик билан жавоб қайтарди у.

— Хўш, кейин нима бўлди? Гапинг яна чала қолиб кетди-ку.

— Кечирасиз. Бугун нормани оширвордим чоги. Бошим чайқалиб кетяпти. Ушандаям худди шунака ахволда эдим. Ичганим атиги бокал шампан бўлгани билан, ҳали бола эдим-да! Шундай қилиб денг, Сурайё мени ўз оғушидан ноилож бўшатди-да, кейин бармоғидаги узуклардан бирини чиқарди:

— Кел, кўлингни тут. Узим тақиб қўяй. Мендан сенга эсдалик, туғилган кунингда. Илойим баҳтингни, умрингни берсин.

Мен аямга қарадим. Аям менга «олавер» маъносида бош қимирилатиб қўйди. Шундай қилиб, мен ўн ёшимда биринчи марта шампан вино, ўн ёшимда бармоғимга кўнғиздек келадиган тилло узук тақсанман. Менга ўзи нима бўлди, яна асосий гапдан чалғияпман...

— Бемалол гапиравер, Тахмина. Мен учун ҳаммаси қизиқарли.

— Узукни таққанимдан кейин аям дугонаси билан ўзига конъяқ, менга эса ярим бокал шампан кўйди. Ичдик. Сурайё закускага яна мени ўпиб олди. Яна этим жимиirlаб кетди.

Ўз хонамга ўтиб, оз-моз ухлаб олмоқчи бўлдим.
Лекин аям унамади.

— Бугундан бошлаб энди болалигинг орқада қолди, — деди менга. — Ўзингни катталардай тутишни, ўзингдан катталар билан мумомала қилишни ўрган. Одамлар сени кўришиб лол қолишсин. фалончининг кизи шунақаям чиройли, шунақаям бунақа, деб ҳавас қилишсин.

Шундан кейин мен аямнинг гапи билан ўзимни катталардай тутадиган, тез-тез катталарга таклид қила-диган одат чикардим.

Ўша куни кечгача яна уч-тўрт бокал шампан ичвордим. Униси-буниси кириб қолиб, турли-туман совғалар билан табриклишганда, аям мени ёши катталар қаторига кўшиб, оз-оздан ичириб турди. Бир вақт чиндан ҳам масти бўлиб қолдим. Оёғим чалишиб кетаверди. Ҳалиги Сурайё деганлари кўзимга тўртта бўлиб кўринганда, кўркиб кетиб ўзимни каравотга ташладим.

Бошқа ҳеч нимани эслолмайман. Ўша ётганимча эрталаб, дадам билан аямнинг ўзаро шовқинидан уйғондим. Лекин туролмадим. Бошим арининг уясидек гувилларди. Кўз очмасдан индамай ётавердим.

— Кеча меҳмонларди олдида индолмадим, — дерди дадам. — Қайси аклу-фаросат билан ёш болага, ўз фарзандингизга заҳар бериб ўтирибсиз?!

Гап нима устида бораётганилиги аямга маълум эди шекилли, у ҳам бўш келмади:

— Ичган бўлса, ҳаммаси бўлиб икки бокал шампан ичгандир. Шунгаям ота гўри қозихонами? Энди, аклу-фаросатдан гап кетгудек бўлса, сиз бир чеккага чиқиб турсангиз бўлармиди...

— Тўғри айтасан, — дадам энди уни сансирай бошлади, — аклу-фаросатим етарли бўлганда мен сени аллақачон таъзирингни бериб кўярдим.

— Нима, нима?! Сен мени таъзиримни бериб кўядиган бўлдингми ҳали?! — Аям ҳам сенсирашга ўтди.— Тушингни бориб сувга айт. Асакадан олиб келган картон жомадонингни кўлингга тутқазиб, жавобингни ўзим бериб турмайин тагин!

Сендақа боғичи йўқ қуруқ с умкадан кўра, ўша эски картон жомадон минг марта афзал.

— Мен қурук сумка бўлсам, сен қуруқ тўнкасан!

— Қурук тўнка бўлиб чеккада ётганим йўқ. Иккита болани бинойидек туғдириб кўйганим эсингдан чик масин.

— Итдан бўлган қурбонликка ярамапти! Сен хали булардан нима кўрасан-у, нима йўқ, буёгини худо билади.

— Сендақа оналарни тағинам ер кўтариб турганига хайронман.

— Сендақа жинни кетти эркак билан яшагандан кўра ер тагида қолиб кетган яхши.

Ўрнимдан туриб бориб уларни ажратай десам, беҳол ётибман. Ёстиқдан бош кўтаролмайман. Дамимни ичимга ютиб, росаям йифлаганман ўшанда. Ёстиқларим кўз ёшимдан жиққа хўл бўлган.

Дадам билан аям ўша воқеадан кейин бутун ҳафта давомида гаплашишмади. Навбатдаги дам олиш куни уйимизда уларнинг улфатлари тўпланиб қолишиб, кўярда-кўймай яраштириб кетишли.

Лекин дадам менга ўша кунлари: «Иккинчи марта ичкиликни оғзингга оладиган бўлсанг, каттиқ хафа қиласман», деб танбеҳ берди. Танбеҳ беришга берди-ю, аммо ўшандан кейин ўзи билан ўзи бўлиб кетиб, менга унчалик эътибор бермайдиган бўлиб қолди.

— Эҳтимол, бунинг учун бирон жиддийроқ нарса сабаб бўлгандир?

— Ўша Сурайё бир куни уйимизга келиб, аямга қаёқкайм бориб келамиз, деди. Аям кўнди. Бир зумдаёқ пардоз-андозини жойига қўйди. Чикиб кетатуриб аям менга: «Даданг сўраса, Сурайё билан бешик тўйига кетишган, дейсан», деб тайинлади. Мен энди унча-бунча нарсанинг фарқига етадиган бўлиб қолганман. Аям мабодо бирон жойга индамай кетиб, у ердан кеч ва ширақайф қайтадиган бўлса, дадамнинг ўти чикиб, ўргада жанжал кўтарилишини яхши биламан. Шунинг учун ҳам бунинг олдини олиш пайидан бўлардим. Айб кўпинча аямда бўлгани учун, мен уни хаспўшлашга, аямнинг ёмонини яшириб, яххисини оширишга мажбур эдим...

Аямнинг яна бир одати бор эди. У мен билан худди катталардек муомала қиласарди. Мени ёшимдаги

қиз болаларга айтиб бўлмайдиган, аёлларга алоқадор жиддий гаплардан ҳам хабардор қилиб турар, «Сен менинг ёлғизимсан. Зарур нарсаларни қанчалик эртароқ билиб олсанг, шунчалик яхши бўлади», деб турарди. Иккаламиз ҳудди сирдош дугона ҳам эдик ва шу боис, ҳақми-ноҳақми, мен унга барибир ён босардим ҳимоя қилардим.

Ўша куни дадам ишдан одатдагидек кеч қайтди, лекин аямдан дарак бўлавермади. Овқатимиз стол устида қолиб кетди. Дадам туз тотмади. Айвонга чикиб олиб, сигарет тутатишдан бўшамади. Менинг ўзим ҳам бўғилиб кетдим. Лекин сир бой бермасликка ҳаракат қиласман. Дадамни ловуллатиб, аямга тахдид солиб турган нохушликни кучайтириб юборишдан чўчиман. Ўзимни хотиржам тутиб, дадамни юмшатишга уринаман.

— Дадажон... Ичкарига кириб, бирга овқатланайлик... — дейман унга суйкалиб, эркаланиб. — Мен жудаям оч қолдим...

Дадам менга мулоим бокиб, бошларимни силайди.

— Ширин қизим, асал қизим... Оч қолган бўлсанг, овқатланиб олақол. Менинг кўнглимга ҳеч нима сифтмай турипти...

— Нега ундей дэйсиз, дада? Аям уйда бўлмасалар, ахир мен борман-ку?

— Ҳа, онажоним. Сен борлигинг учун мен ҳам борман. Аянгга қолар кунни худо бошимга солмасин.

— Аямдан хафа бўлманг. У ўзи шунака, лекин сизни жудаям яхши кўрадилар... Менга ўзлари шундай деганлар.

— Ҳа, аянг мениям, сениям, яна жуда кўпчиликни яхши кўради...

Мен дадамни тушунолмайман. Яна эркаланиб, уни кўлларидан ичкарига беозор тортқилайман.

— Хўп, она қизим, хўп, — дейди дадам шундан сўнг менга болаларча бўйсуниб.

Ичкарига кирамиз. Бир-биримизнинг кўнглимиз учун овқат чўқилаган бўлмаз. Кейин бир-икки пиёла чой эрмак қилиб, телевизор томоша қиласми. Вакт ўтказамиз. Икковимиз ҳам жим, лекин дадам ҳам,

мен ҳам ўз ўйларимиз билан банд. Мен ҳадикдаман. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин, дейман ичимда.

Ўша кеча соат ҳўй-ў ўн иккиларда қайтипти аям. Курсида ўлтириб кўзим кетиб қолган экан, шовқиндан сапчиб туриб кетдим. Аямнинг кайфи баланд, икки бети ловуллаб турипти.

— Шу пайтгача олиб ўтирган одам ётиб қолишга жой топиб беролмапти-да?! — дейди дадам титраб-қақшаб.

— Ётиб қоламан десам жон дейишарди! — бўш келмайди аям. — Лекин улар мени бошқаларникига ўхшаган одам башара эри бордир, деб андиша қилишди!

Шунда дадамни, биринчи ва охирги марта кўришим эди, аямга тарсаки тортиб юборган. Агар мен ўртага ташланиб, уларни жон-жаҳдим билан ажратмаганимда, йиглаб-ёлвормаганимда, жанжал жудаям катта бўлиб кетарди. Икковларини бир амаллаб тинчтганман.

— Бу тарсакинг учун мен сени ҳеч қачон кечирмайман, — деди аям.

Дадам ҳам ўз ўрнида, кўнглидагни очиқ айтган ўшандада:

— Сен битта тарсакини кечиролмаган жойиНгда, ифлос хиёнатни кечиришим керакми?!

Мен кейинроқ ана шу «ифлос хиёнат» деган сўзнинг маъносини, ва бу нарса кечирим учун мутлақо нолойик эканлигини билганман. Дадам уйимиздан кетиб қолмаганини ва совукроқ бўлса-да, ҳар қалай аям билан яшайверганини ҳисобга олсан... ё дадам бу нарсани аямнинг бўйнига кўёлмаган, ё бўлмаса, ичкилиқдан, муҳтоҷлиқдан у ўз ориятини қўлдан бой берган одам эди. Мен билиб қолганман. Аям чиндан ҳам...

Бир куни мен унга астойдил:

— Ая нега шундай қиласиз? Мен сизни ёмон кўриб қоляпман, — дедим.

Шунда у ўз ҳасратини тўкиб, ўзини оклаган бўлди:

— Бу хиёнат эмас, қизим. Даданг мен билан истаса яшасин, истамаса уйдан бош олиб чиқиб кетсин. Яширмайман, у яхши инсон. Лекин мен уни барибир

сева олмадим. Ахир мен ҳам инсонман-ку, мен ҳам оламга бир марта яшаш учун келганиман. Мен юз ийл умр күрган чоғимда ҳам ўз муҳаббатимни қидираман. Истаган жойимга бораман, күнглим тортган эркак билан ҳамсұхбат бўламан. Бу менинг ишим, менинг шахсий ишим. Сен ҳам мени ёмон кўриб қолишинг мумкин. Лекин бунинг учун мен сендан ранжимайман. Сен ҳам энди ўз эркинг, ўз фикрларинг билан яшашга ҳақлисан, қизим.

— Барибир сизни тушунмаяпман. Ахир, ҳамма сизга ўхшаб хоҳлаган ишини қилиб юраверса... уйлар бузилиб кетиб, дадалар қаерга боришади? Болалар қаерга боришади?

— Сен ҳамманиям мендака баҳтиқаро, деб ўйлама, қизим, — кечагидек кўз олдимда турипти, аям шундай дея чуқур оҳ тортди, рўмолчаси билан шашқатор кўз ёшларини артди. — Бу дунё ўзи шундай экан. Ҳеч ким бўйи бўйига teng, чиройи чиройига teng одамни тополмаган, дейишади. Лекин мен буни сига чидолмайман. Худо мени чиройли қилиб, арзанда қилиб яратиптими, бас, мен шунга яраша чиройли кийинишим, чиройли еб-ичишим, арзанда бўлиб яшашим керак. Даданг эса мен учун бу шароитни икки дунёда ҳам яратиб беролмайди!

Рости гап, аям авваллари бунчалик аламзада эмас эди. Дадамни ҳар калай хурмат қиларди. Топиб-тутиб келганига шукур қилиб яшарди. Ўшандаям ишламас эди, лекин кийинища, юриш-туришда бошқалардан кам жойи йўқ эди. Нимаям бўлиб, бирданига шу кўйга тушиб қолди. Айниқса, Сурайё пайдо бўлгандан кейин...

Яна Сурайё... Хуршида хофиз Мумтоз билан боғлик ўша воеадан кейин ундан батамом юз ўтирган эди-ку? Сурайё яна қаердан пайдо бўлиб қолди?

— Тахмина, ўша... сенга тилло узук хадя этган Сурайё аянг билан жудаям қалинмиди?

— Ҳали айтдим-ку, тез-тез келиб турарди деб. Аммо у уйимизга биринчи марта кириб келгандан жудаям ғалати бўлган. Аям уни ичкарига қўйгиси йўқ эди.

— Нега?

— Аввалига тушунолмадим. Икковлари останада бир-бирларига тикилишиб, жим қолиши. Кейин Сурайё «Сенга нима бўлди, Хуршида? Мени танимайсанми?» — деди. «Сени танимай бўлармиди? Лекин... нега келдинг? Мен сени унтиб юборувдим», деди аям авзойи алланечук ўзгариб. «Қўйсанг-чи, у гапларга минг йил бўлди. Уртоқчилигимиз йўқолмасин деб, мана, сени кидириб келдим», деди Сурайё аям томон қучоқ очиб яқинлашаркан. Шундан кейин аям у билан ноилож кўриши. Сурайё мени худци узокдан келган қариндошидай бағрига олиб босиб, ўпиб эркалади.

Ўшанда аям икковлари ичкарида анча ўлтириб қолиши. Ораларида нима гап ўтганидан бехабарман. Менинг кулогимга қўйилиб қолгани факат шу бўлганни, Сурайё Тошкентта кетиб қолган экан. Ўшетта раққоса бўлиб ишлапти. Яқинда яна Кўконга қайтиб келипти. Ҳозир бекорчи эмиш.

Кейинроқ аям менга Сурайё ҳақида гапириб берган. «У билан бир вақтлар қалин дугона эдик. Кейин икковимиз ҳам тошкентлик бир йигитни яхши кўриб қолиб, бир-биrimиз билан юз кўришмас бўлиб кетуввик. Сурайё, билмадим, ростми-ёлфонми, ўша йигитга турмушга чиққан экан, орадан ўн йилча ўтиб, ажралишипти», деди.

— Ўшанда... Ўша йигит нега сизни танламаган? — деб сўрадим аямдан.

— Мен дугонам Сурайёнинг баҳтини деб, у йигитдан воз кечганиман...

— Дадамни-чи? Дадамниям яхши кўриб текканмисиз? — сўраганиман ундан.

— Даданг... Даданг иккаламиз болаликдан бир жоҳда ўсганмиз. Бир-биrimизни яхши билардик. Яхши кўриш-кўрмаслик, деган нарсага ҳожат йўқ эди. Осонгина иккаламиз турмуш куриб кўя қолдик.

Мен шунда бундан анча олдин, аям «бешик тўйи» баҳона уйга кеч қайтиб, дадам икковлари уришиб қолган куни айтган гапларини эсладим: «Мен уни барибир сева олмадим»..

— Тахмина... сендан яна бир нарсани сўрамоқчи-ман.

У менга ажабланиш назари билан қараб кўйди.

— Нима бало, Собир ака, сиз мени «допрос» қилаётганингиз йўқми?

— Нималар деяпсан. Биз ахир, энди қалинлашиб қолдик-ку?

— Қалинлашиб? — Тахмина одатдагидек чиройли жилмайиб кўйди. — Қалинлашиб деган нарсани хотўғри тушунаркансиз.

— Нега энди? Биз бир-биrimизга эски таниш чиқиб қолганимиз, бир-биrimизга юрагимизни бемалол ёзиб ўлтирганимиз ҳисоб эмасми?

— Йўқ. Ҳисоб эмас, — деди Тахмина менга яна хиёл синовчан назар билан, ҳамон ширин табассумда боқиб. — Бизда қалинлашиш, деган гап бошқача маъно беради.

— Тушунмадим... — ўзимни яна жўрттага гўлликка соламан.

Бироқ Тахмина мени яхши тушуниб турипти. Ўртамиизда бўлаётган гапларнинг ҳаммасини элақдан ўtkазиб турганлигини ҳам, бироқ унга билдираётган муносабатимнинг чиндан ҳам самимий эканлигини, мен унга қандайдир яхшилик истаётганим, Хуршида ва Собирга, ўзига оид саволларим эса ана шу яхшилик учун зарурлигини ҳам билиб турибди. Фақат ундаги ёввойи табиат, одамга, ҳаётга нисбатан қон-қонига сингиб кетган ишончсизлик, дағаллик ва андишасизлик хислатлари, колаверса, кетмакет бўшатилган қадаҳларнинг ҳамон эҳтиослар торини чертиб турганлиги уни беихтиёр чалғитиб кўймокда.

— Сиз ўзингизни гўлликка солманг, — хотиржам жавоб берди у. — Юрагингиз гумириб турибди, мени билмайди дейсизми...

— Бу гапни кўй, Тахмина.

— Йўқ. Сиз ким бўлсангиз ҳам, барибир эркак кишисиз. Ёш эркаксиз. Томирларингизда эркаклик қони оқаётган бўлса... — у энди қиқирлаб кулиб кўйди.

— Сен ўзингча ҳақсан, албатта. Лекин мен ўз эҳтиосларимни жиловлаб олган эркакман.

— Тавба, мен бунақасини энди кўришим, — Тахмина шундай дея ёстиққа бош кўйиб оёкларини баҳу-

зур узатиб юборди. Шунда халат этаклари бир-мунча йигиштирилиб қолиб... мўъжиза гўзаллик яна манаман дея кўзга ташланди. — Сиз мендан нимадир сўрамоқчи эдингиз...

— Сен ҳали уйимизга ҳамма касофатларни дяд Доник бошлаб келди дединг...

— У дўзахини тилга олмаган яхши, — сўзимни бўлди Тахмина. — Кўйнимизга илон бўлиб кирган экан у.

Мен уни қўшимча савол билан чалғитиб қўйишдан чўчиб, сукут сакладим.

— Даствлаб кириб келган куни ҳозир ҳам ёдимда,— сўзида давом этди чалқанча тушиб ётган Тахмина энди мен томонга ёнбошлаб. Шу аснода у очиқ қолган сонларини халатининг пеши билан ёпиброк кўйди. — Ярим кечада аям иккаласи жудаям маст дадамни кўтар-кўтар қилиб олиб келишди. Ўзлариям маст, оёқда зўрға туришибди. Аям уни менга «дяд Доник» деб таништириди. У одам мени жудаям ширин қиз экан деб мақтади. Чўнтагидан битта бели букилмаган юз сўмлик чиқариб, қўлимга тутқазди (дадамнинг бир ойлик иш ҳақи!) Нима қиласримни билмай турувдим, аям. — «Бери, бери. Отньше дяд Доник наш близкий друг, не надо стесняться», деди.

Шундан кейин аям унга шу ерда тунаб қолишни таклиф килди. Лекин дяд Доник рози бўлмади.

— Бугун эмас. Келгуси сафар албатта қоламан,— деди у менга зимдан кўз кирини ташлаб қўяркан. — Собир жўрамни эҳтиёт қилинглар. Эртага ўзим ундан хабар оламан.

Янги танишимиз қайтиб чиқиб кетаркан, аям унга яна эргашди:

— Сизни кузатиб қўяман.

— Йўқ, йўқ, сиз энди дам олинг, Хуршида, — эътиroz билдириди дяд Доник.

Бироқ аям кўнмади, «ташқаригача холос» деб туриб олди. Чиқиб кетишибди. Мен шошиб айвонга ўтдим. Кўчада машина кутиб турарди. Мени ҳайрон қилган нарса шу бўлдики, улар тўртинчи қаватдан пастга тушиб кўрингунларича орадан бир дунё вакт ўтиб кетди...

Ростдан ҳам дяд Доник ўша кундан бошлаб биз учун энг якин, энг меҳрибон, энг ғамхўр киши бўлиб қолди. Менинг назаримда у гўё осмондан тушиб қолгандек эди. Дяд Доник бошқаларга сираям ўхшамайдиган, доимо кулиб турадиган, фақатгина яхшилик келтирадиган, у пайдо бўлган жойдан ёмонлик деган нарса қўркиб қочиб кетадиган, дунёда энг бой, энг сахий, чўнтаклари ҳамиша совға-саломларга тўлибтошиб юрадиган бошқача бир одам эди. Шундай одамни яхши кўрмай бўладими, шундай одамга ишонмай бўлармиди?

Дяд Доник туфайли аямнинг дадам билан муносабатларида иликлик пайдо бўла бошлади. Аям энди уни худа-беҳудага жеркимайдиган, топиш-тутиши билан қизиқмайдиган, унча-мунча нарсага ундан ранжимайдиган бўлиб- қолди. Уйимизда бўладиган зиёфатлар чогида ҳатто «менинг беминнат дастёrim» деб ўз ҳолича уни эркалаб қўядиган одат ҳам чиқарди.

Дяд Доник айниқса, менга ўзини жудаям меҳрибон килиб кўрсатарди. Икки-уч кун кўришмай қолсак борми, уйимизга албатта мен учун аталган совға-саломлар билан кириб келар эди. Белимдан тутиб даст кўтарарди-да, икки бетимдан ўпиб-ўпиб: «Менинг Тахминочкам, сени жудаям соғиниб кетдим!» — деб эркаларди. Баъзан-баъзан мактабимизга ўз машинасида олиб бориб, олиб келадиган ҳам бўлди. Йўл-йўлакай дўконларга олиб киарди. Истаган нарсамни олиб берарди. Мен ҳам энди унга кўнишиб, уни ўз дадамдай яхши кўриб қолувдим. Аямга ўхшаб мен ҳам ундан ийманмайдиган, қўнглимдаги нарсани очиқ айтаверадиган бўлгандим.

Аям универмагда упа-элик сотарди. Дяд Доникдан аввалги танишлари уни шу ерга жойлаштириб қўйишган эди. Бир куни менинг иштирокимда дяд Доник аям билан ана шу масалада гап юритди.

— Хуршида, сиз шу ишингизни йигиштириб қўйсангиз қандай бўларкин?

— Қўйсангиз-чи Доник, шунча йилдан бери Собирингизга уй чўриси бўлиб келганим етар. Бетон қафасда ўтиравериб рангларим заъфарон тортиб кетди.

Ҳозир энди ана шу иш баҳона тоза ҳавода уни-буни кўриб кўнглим ёзилиб юрипти...

— Мен сизга тоза ҳавода кўпроқ юрадиган бошка иш топиб бераман. Тагингизда машина, шопири ми-нан, ёнингизга энг якин дугонангиз Сурайёни олвола-сиз.

— Вой, қандай яхши! — кувониб кетди аям. — Даромадиям ёмон эмасдир?

— Уёғини ўзим ҳал киламан. Так что, давайте, эртагаёқ ишдан расчёт килиб, Сурайё икковларинг олдимга ўтинглар.

— Бўпти. Лекин нима иш қилишимизни айтма-дингиз-ку?

— Буниси кейин. Кулокка айтилади... — дяд Доник шундай дея менга қараб кўйди-да, яна қўшимча қилди: — Тахминадан хавотир олманг. Уйда ёлғиз қолиб зериккудек бўлса, уни ўзим билан бирга олиб юраман. Менинг жўрам Собир билан эса ишларинг бўлмасин. У ҳозир Машраб қаландар, қаерда ва нима билан овуниб юрса-юраверсин. Унга ҳам ўзим кўз-кулок бўлиб тураман.

Шундай килиб, аям универмагдаги ишини йиғиштириди. Ростдан ҳам Сурайё икковлари шахсий «Жигули»да юрадиган бўлишди. Шопирлари Мелиқўзи деган бир йигит эди, икки гапнинг бирида «аканг қокин-дик» деб туриши ҳечам эсимдан чиқмайди.

Аямнинг дадамгаям, менгаям тушунтиришича, Сурайё икковларини дяд Доник ўз ишхонасига назоратчи килиб олипти. Булар «точкама-точка» юришиб қанча бензин пулга, қанча бензин талонга сотиляпти, ўғирлик бўляптими-йўқми, шуларни текширишармиш.

Мен эҳтимол шундайдир, деб ўйлайман. Лекин дяд Доник «кулокка айтилади» деган асосий ишлари нимадан иборатлигини билолмай қолавердим. Дадам эса, аямни яна Сурайё билан бирга юриб, бирга ишлашини эшитгандаёқ жаҳли кўзғаб: «Бу иш яхшиликка олиб бормайди», деди. Лекин дяд Доникка индол-мади, аламини ичига ютди.

Биз учун сезиларли янгилик шу бўлдики, аям бензинчурушларга «назоратчи»ликка ўтганидан кейин пулимиз кўпайиб қолди. Аям энди катта-катта харид

қиладиган, ўзигаям, менгаям қимматбаҳо кийим-кечаклар сотиб оладиган бўлди. Ҳатто дадамга Австрия пальтоси билан бошига норка телпак олиб берди. Лекин дадам бу нарсаларни бир мартагина кўчага кийиб чикиб, "маст ҳолда йўқотиб келганидан кейин, аям унга тамоман қарамайдиган бўлиб қолди.

Шанба-якшанба кунлари бизницида «праздник» бўлиб кетарди. Уйимизда янги-янги, бир-биридан чиройли, ёш-ёш қиз-жувонлар тўпланадиган бўлиб қолди. Улар кўпинча «аканг коқиндиқ»нинг машинасида келиб кетишарди. Кечкурга бориб дяд Доник ўзининг бир-иккита катталари билан кириб келишар ва ҳалигилар билан тонготар майшатлар бошланиб кетарди.

Мен уларнинг атрофида ўралашиб юраверардим. Кўнглим тусаганда ҳатто вино ёки шампан ичишим, ғалати-ғалати видеофильмларни, эркагу аёлларнинг бир-бирларига ёпишиб ўйинга тушишларини истаганимча томоша' қилишим мумкин эди. Дадам бечора жуда тез mast бўлиб қолар, уни дарров айвонга олиб чиқиб ётқизишиб қўйишарди.

— Нега энди ётоқхонага эмас? — жўрттага сўрайман Тахминадан.

— Аям билан дадам ётадиган каравот... меҳмонлар учун ажратиларди. У ерга тез-тез кириб-чиқиб туришарди.

— Ишқилиб сен ётадиган хонага киришмасмиди?..

— Нималар деяпеиз, Собир aka? Мен бунга йўл қўярмидим, — жиддий жавоб қайтарди Тахмина. — Аям ҳам ҳар қандай шароитда бўлмасин, менга кўз-кулок бўлиб турарди. Менинг олдимга фақат дяд Доник кириши мумкин эди. «Мендан сираям уялма, bemalol ечиниб ётавер», дерди у. Устимни ёпиб, сочларимни силаб, пешонамдан ўпиб-эркалатиб, кейин чиқиб кетарди.

Аям мени ана шундай тонготар майшатларга, бу ўлтиришларда эркагу аёллар ўртасида юз берадиган муносабатларга бефарқ бўлишини ўргатди. Бу нарсалардан ўзимга тегишли хулоса чиқаришим, яшашни, яшагандаям чиройли яшашни ўрганишим лозимлигини қайта-қайта таъкидларди. «Дяд Доникни эса сен

тўғри тушунишинг, унинг қилиқларига ҳайрон бўлмаслигинг керак, — дерди аям. — Унинг ишиям, бунчалик катта пул топишнинг ўзиям жуда оғир. У азбарои хордик чиқариш, чарчоини ёзиш учун шундака ўлтиришларни ёқтиради. Бу унинг шахсий иши, бунинг бизга сираям алоқаси йўқ. Дяд Доник бизнинг энг яқин одамимиз. Биз ҳамиша дяд Доникни деймиз. Агар у бўлмаганда, дадангни бу ахволи билан яланғоч кўчага чиқиб, гадойчилик килиб юрган бўлардик».

Аямнинг бу гаплари менинг қон-қонимга, онгимга сингиб кетган эди. Лекин факат бир нарса менда ўз ўзидан савол туғдирарди: аям билан дяд Доник ўртасидаги шахсий муносабатлар чегараси қаердан ўтаркин? Аям мабодо уни яхши кўрган ва у билан энг яқин алоқаларда бўлган тақдирда, нега дяд Доникни бошқалардан рашк қилмайди? Нима учун ҳар ҳафта унинг кўлтиғига янги-янги аёлларни тикиб кўйяпти?

Бу саволимга, ниҳоят бир куни улар ўртасидаги пинҳона гап-сўз тасодифан кулогимга чалиниб қолиб, ишонарли жавоб топганман:

— Доник, сиз тобора ҳаддингиздан ошяпсиз.

— Нималар деяпсиз, жоним, гуноҳим бўлса айтаверинг, айтган нархингизга сотиб оламан.

— Ўзингиз биласиз-ку, ахир, сизни яхши кўраман...

— Бунга шубҳам йўқ. Мен ҳам сизни яхши кўраман...

— Undай бўлса, нега мени унугтиб кўйяпсиз? Сизни рашк қилавериб, ўлиб бўляпман.

— Хуршида, мени десангиз, рашк деган нарсани унугтинг. Хизматимни қилаверинг, кам бўлмайсиз.

— Менга энди мол-дунё керак эмас. Ўзингиз кераксиз.

— Бўпти, бўпти. Келаётган ҳафта меҳмон чакирманг. Икковимиз шаҳардан ташқарига чиқиб кетамиз.

— Ана шундай, Собир ака. Бунисидан ҳам хабар топганман...

Тахмина шундай дея жимиб қолди. Яна чалқанча тушиб, қўлларини боши устига олгунча, кўзларини мулойим юмди. Мен ҳам энди бир дам ўз хаёлларим-

га берилдим. Кўча томондан автомашиналарнинг гувиллаб ўтиши ҳам тингандек эди. Қаерданdir кетмакет узилган иккита ўқ овози эштилди. Бир пайтдан кейин сигнал бериб ё тез ёрдам, ё милиция машинаси ўтиб кетди. Унинг кетидан эса уй ертўласидами, ё том тарафданми мов бўлган мушукларнинг гўдак но-ласидек чўзиқ, бироқ нохуш чинқиришлари чиқиб колди.

— Мен учун дунёда шундан хунуクロқ овоз бўлмаса керак, — дедим ўзимча.

Тахмина кўзларини очган ҳолда майн жилмайди:

— Эҳтимол, улар учун дунёда энг лаззатли нолашу бўлса-чи?..

Унинг бу гапидан ичимда беихтиёр кулиб қўйдим. Лекин индамадим. Яна ўйларимни Тахминанинг Дони ҳақидаги ҳикояси банд этди.

«У дўзахини тилга олмаган яхши. Қўйнимизга илон бўлиб кирган экан у». Тахмина ҳали шундай деганда яна нималарни назарда тутган зди? Унинг тўё анордек эзғиланган, шарбати сўриб олиниб, қонталаш қилинган юрагида яна қандай жароҳатлар пинҳон турипти?

Ногоҳ Тахмина яна ёстиқдан бош кўтарди.

— Собир ака, мен сизга ишонаман. Уртамиздаги гаплар шу ерда қолиб кетсин. Умримда биринчи марта сизга ёриляпман...

— Мендан кўнглинг тўқ бўлсан, Тахмина. Агар чиндан ҳам менга ўз ҳасратларингни ёзиб, бундан озмоз енгилилк тортаётган бўлсанг, мен учун шунинг ўзи бас...

— Мен... Бу ҳақда гапиришга тилим ожизлик қила-ди. — Тахмина ўз ҳикоясида давом этди. — Лекин пешонамга битилганини кўрмасдан иложим йўқ экан. Охири шундай бўлиб чиқиши кимнинг хаёлига ҳам келипти дейсиз? Ҳали айтдим-ку, дяд Доник мен учун дунёдаги энг яхши инсон бўлиб туулган эди. Мен уни ўз дадамдек, баъзан эса ҳатто ундан ортикроқ кўрадим. Кўнглимдаги нимаики гапим бўлса, нимаики орзуим бўлса, нимаики хоҳиш-истагим бўлса, ундан ҳечам ийманмай айтаверардим. Чунки мен унга ўз дадамга ишонгандай ишонардим. Дадамнинг қўли-

дан келмайдиган ишлар дяд Доникнинг қўлидан келиши аниқлигидан мен унга ҳатто кўпроқ ишонардим. Уни кўпроқ хурмат қиласадим, кўпроқ севардим. Шу боис мен унга аям билан ўзаро алоқалари ҳакида бирон нима дейишга, дейиш эмас, ҳатто ўйлашга, хаёлга келтиришга чўчирдим, кўрқардим. Бунга ҳатто ишонгим ҳам келмас эди...

Дяд Доник уйимизга биринчи марта кириб келган ўша кундан кейин орадан икки йилдан ортикроқ вақт ўтди. Ана шу вакт ичидан у мени худди кўлга ўргатилиб, кўлтиққа солиб юриладиган күшдек қилиб олган экан, буни ўзим ҳам сезмай қолибман. Кейин билсам, у мисоли афсунгардек иш тутган. Мени жуда эҳтиёткорлик билан, аста-секинлик билан авраб-алдаб ўзига ром қилиб борган.

Баъзан-баъзан у билан бирга ўтказилган вақтларим ёдимга тушади. Шунда унинг мен учун кўрсатилган ғалати-галати илтифотлари, мен учун у пайтлар аллакандай ёқимли, лекин тушунилиши қийин бўлган гап-сўзлари, қиликлари устида бош котириб коламан. Кейинроқ юз берган фожианинг қандай қилиб етилганини тасаввур қилишга уринаман...

Дадамнинг ўлимидан кейин аям билан дяд Доник ўзаро маслаҳатлашиб, Қўқондан Фарғонага кўчиб ўтадиган бўлиб қолдик. Мактабимиз яхшишгини, бу ерлик дугоналаримдан ажралишимни истамаслигимни баҳона қилиб, аямдан нега энди кўчишимиз зарур бўлиб қолганини сўрадим: Шунда аям:

— Сени ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди, болам. Биз тўғримизда майда-чуйда гаплар кўпайиб кетяпти... Ҳаммасининг юзи курсин. Бизни кўришолмайди,— деди. Кейин яна кўшиб кўйди: — Дяд Доникнинг катта ишхонаси ҳам Фарғонада. У кўпроқ вақтини ўша ерда ўтказади. Кейин мениям бир ишга «оформит» килдириб кўйди...

— Сурайё ҳам сиз билан бирга борадими? — қизиқиб сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди аям, — Сурайё энди ишламайдиган бўлди. Лекин бизникига бориб-келиб туради.

Шундай қилиб, биз энди фарғоналик бўлиб қолдик. Бу ердаям дяд Доник бизникига худди ўз уйида-

гидек келиб-кетадиган бўлди. Яна худди аввалгидек, тирикчилигимиз асосан унинг бўйнида эди. Аям эса номигагина уч-тўрт соатга қаергаям бориб келар, унинг маоши ёки даромади тўғрисида умуман оғиз очилмасди. Мени эса мактабга бошқа юбормай кўйишиди. «Саккизни битирдинг, бас. Кейинроқ ўзим аттестат тўғрилаб бераман, истаган институтингда ўқийсан» деб вавъда берди дяд Доник. Бу таклиф ўзимгаям жуда маъкул тушди. Энди бегона мактабда ўқишига юрагим дов бермай турувди ўзи.

Бу ердаги уйимизда ҳам худди Кўқондаги сингари тез-тез меҳмонлар тўпланадиган, тонготар зиёфатлар, маишатлар ташкил қилинадиган бўлиб қолди. Шанба кириб келди дегунча бўлмай, машинасини кизларга тўлдириб «аканг қоқиндиқ» кириб келарди.

Мени энди уйимизда нималар бўлаётгани қизиктирмай қўйди. Секс фильмлар ҳам, маст-аласт эркак-аёлларнинг ҳар хил қилиқлари ҳам, аям ким билан нима иш қиляпти-ю, дяд Доник ким билан нима иш қиляпти ёки ҳатто улар иккаласи ётотка бирга кириб кетишсаям — бу нарсаларнинг ҳаммасига бефарқ бўлиб қолган эдим.

Менинг қиладиган ишим энди соатлаб ойна олдида ўтирволиб, ўзимга оро беришдан, айникса, дяд Доник олиб берган бир-биридан чиройли кийимларимни кийиб олиб, ўзимни-ўзим томоша қилишдан, ширин-ширин ўй-хаёллар суришдан иборат эди, холос.

Уйимиздаги зиёфат чоғларида баъзан росаям шинам кийиниб, меҳмонлар олдига чикадиган бўлсам, ҳамманинг кўзи ҳасад ўтидан ёниб кетарди. «Хуршида, эҳтиёт бўл, Тахминанг бу дунёнинг қизи эмас», деб кўйишаради. Шунда мен ҳамма-ҳаммаси учун миннатдорчилик маъносида тўрида менинг хусну жамолимга, қадду бастимга маҳлиё бўлиб ўлтирган дяд Доникнинг олдига борар эдим, унинг бўйнига осилиб юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олардим. Дяд Доник ҳам менинг юзларимдан, бўйниларимдан ҳидлаб-ҳидлаб, ўпиб-ўпиб оларди. Аям эса бизни хавас билан, ифтихор билан кузатиб ўлтирас, баъзан эса ҳаяжонини яширолмай қарсак чалиб кўярди.

Дяд Доник тез-тез Тошкентга қатнаб турар эди. У ерда нима иш қилишидан хабарим йўқ. Биз учун энг муҳими, ёз ойлари машина билан боргудек бўлса, мени, аямни ва Сурайёни ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Лекин биз Тошкентгача бормасдик, йўлда қолар эдик.

— Бу нима деганинг? — ажабланиб сўрайман ундан.

— Оҳангаронга ўтишдаги катта довон бор-ку, ўшеттаги тоғли қишлоқлардан бирида дяд Доникнинг Ато деган тожик ўртоғи бўларди. Тахмина шундай дея хиёл жилмайиб қўйди. — Худди айиқнинг ўзи дейсиз. Бир марта кўкрагининг жунини кўриб қолиб, лабларимга учук тошиб кетган, олдига пўстак ёпишириб олганми-еъ... Дяд Доник бизни ана шу тожик ўртоғиникида қолдириб, ўзи Тошкентта ўтиб кетарди. У ердан қайтганидан кейин ҳам, ўша ерда бир-икки кун дам олардик. Эҳтимол биларсиз, у жойнинг ҳавосидан тўйиб нафас олмаган, ёзда тишни зирқиратадиган булоқ сувларидан қониб ичмаган одам бу дунё-ю у дунё армонда қолади. Қайси тарафга қараманг, осмонларга туташиб кетган тоғлар, ям-яшил дарахтзорлар, булбуллар тиним билмай сайраб туради.

Машинада довондан ўтиб бораётib пастга томон караганмисиз? Юрагингиз вахима олади. Худо кўрсатмасин, ўша тепаликдан мабодо кулаб кетсангиз борми... Мен бу даҳшатни кўз олдимга келтиrolмайман. Ҳар сафар ўша жойлардан ўтадиган бўлсақ, аям раҳматли шопиришимиз Мелиқўзининг елкасидан чангаллаб оларди. «Секинроқ хайданг, секинроқ», деявериб, жигимизга тегарди. Шунда дяд Доник: «Хотиржам бўлинг. Бизнинг «Тойота» ҳеч вакт подводить қилмайди», дерди. Кейин пастликларга, дарахтларга кўмилиб элас-элас кўринаётган ҳаккам-дуккам уйларга, ўртада симобдай оқариб илонизи бўлиб оқаётган дарёга ишора қилиб, «Атонинг подшолигига ҳам яқинлашиб қолдик», деб кўярди.

Ато ўшатдаги ўрмон хўжалигининг қўрикчиси экан. Девори тошдан кўтарилиган уч хонали уйда бир ўзи яшаркан. Дастрлаб борганимизда «Хотинингиз, бола-чакаларингиз қаерда?» — деб сўраб қўйиб, хи-

жолатларга қолғанмиз. «Менга чидайдиган хотин бу дунёда йўқ. Ўлдириб қўйиб, камалиб кетишдан қўрқаман», деган. Лекин Сурайё ҳам кейин уни боплади. У билан ўнта қўйга шартлашиб, ютиб чикди. Ато тожикни икки кундаёқ пўстлоқ килиб арчиб ташлади. Қайтишимизда Сурайё қўйларинг керак эмас, деди, ҳаммасини бозор нархида ҳисоблаб, пулени куртдек санаб олди. Ўша-ўша, қачон Сурайё билан бирга бормайлик, Атонинг оғзи кулогида, бизни ўтқазгани жой тополмай қолади. Хали қўй сўйиб кетаётган, ҳали каклик ёки бедана гўштидан кабоб қилаётган...

Бир сафар борганимизда, аям эрталабдан истималаб қолди. Кечкурун дарё бўйида бўлувдик, дяд Доник икковлари мастилик билан муздек сувда чўмилишган эди.

Ато аллақандай ўтлардан чой дамлаб бериб, аямни ўзи даволайдиган, Сурайё ҳам улар билан қоладиган бўлди. Эртасига сахар йўлга чиқишимиз лозим эди. Меликўзи машинани бугун ювиб-нетиб, йўлга ҳозирлайман, деди. Биз эса, дяд Доник иккимиз дарёдан хонбалиқ тутиб келтирадиган бўлдик.

Ов учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини дяд Доникнинг ўзи ҳозирлади. Ҳатто магнитофон ҳам олвоздик. Чиройли спорт кийимларимизни кийиб чиқиб кетдик. «Биздан хавотир олманглар, кечга яқин қайтамиз», деди дяд Доник қолаётганларга.

Балиқ кўпроқ бўладиган жой олис экан, дарё ёқалаб бир соатларча йўл юрдик. Тошлоқ, баланд-пастлик ва бутазорлардан ўтиб бордик. Бир сайхонликда дарё анча тинчланиб ўтар экан, ўша ерда тўхтадик.

Чор атроф куюқ чангальзор, худди одамзод оёғи етмаган жойларга ўхшайди. Кушларнинг сайраши шунақаям авжидақи, овоз чиқарсангиз ютиб юборгудек. Дяд Доник бир четга адёл тўшади, сумкадан нон, яхна гўшт, конъяк ва шоколадлар чиқариб, устини сочиқ билан ёпиб қўйди.

— Ов ҳам ўз ўрнида, майшат ҳам ўз ўрнида, — деди у. — Худо хоҳласа, бугун шундай дам олайликки, бир умр эсингда қолсин, Тахминочка! — Кейин тоғ чўққилари устидан ошиб ўтиб, чараклаб турган

офтобга ишора қилди: — Мана, ҳавоям исиб боряпти. Спортивкангни ечиб кўйсанг ҳам бўлаверади...

Дяд Доник ўзи ҳам ечиниб, битта плавкада қолди. Шунда унинг анча бўғриқиб турганини сездим-у, лекин эътибор бермадим. Бундай нарсаларни видеоларда кўравериб кўзим қотиб қолган. «У ахир эркак киши-да», деб кўйдим ўзимча. Кейин мен ҳам хеч қандай ўй-хаёлга бормаган ҳолда ечина қолдим. Дяд Доник менинг жуссамни сузиш кийимида биринчи марта кўриши эди. Сонларимга, белим, кўкракларимга тикиланча шам бўлиб қолди.

— Тахминочка, зап чиройлисан-да! — деди у ўзини тутолмай. — Бу сенинг баҳтинг. Худо берган баҳтинг.

Мен унга жавобан табассум қилиб қўя қолдим. Кейин қармоқларни таҳтлаб, балиқ тутишга киришдик.

Балиқ овиям осон иш эмас экан. Сув кечавериб, сувга тикилавериб қон бўлиб кетдим. Дяд Доник буни сезиб турипти, лекин «яна озгина сабр қил, Тахминочка. Ҳолдан тойсанг, кейин мириқиб дам оласан», деб кўяди. Икки-уч соатча уриниб, ўнтахина бодрингдай-бодрингдай балиқ илинтирибмиз.

— Бас, шуниси етарли, — деди бир вақт дяд Доник. — Энди музикангни кўйвор. Қоринлар ҳам оч қолди...

Хали айтдим-ку, дяд Доник биз учун кимлигини. У аямнинг ҳам, менинг ҳам бирон-бир илтимосимизни, бирон-бир истагимизни ерда қолдирмай, сўзсиз бажариб келган одам. Дяд Доник учун «Йўқ. Бу нарсани иложини қилолмайман», деган гап тамоман бегона эди. Шунга кўра, биз учун ҳам унинг гапи-гап, унинг раъига, хохишига қарши иш тутиб, дилини оғритиб кўйишданчўчир эдик.

Хозир ҳам, мен уни астойдил яхши кўриб, хурмат қилишимдан, унга энг яқин одамимдек ишонганимдан ўзимни бемалол кўйориб, эркин күшдек яйраб ўлтирибман. Адёлнинг икки четида оёқдарни бемалол узатиб ёнбошлаб олганмиз. Дяд Доник менга бошдан оёқ зимдан назар ташлаб кўяди. Буни сезиб турибман. Лекин ишим йўқ. Ўртада ноз-неъматлар, магни-

тофонда Шерали «Дунёни қизғанма мендан» деб жон күйдириб ёттипи.

— Афсус, афсус, сенга шампан олволиш эсдан чиқипти-я, — дейди дяд Доник конъякни очаркан. — Ҳа, майли, оз-моз шунисидан қуиб бераман...

— Дяд Доник, мен ичмасам-чи? — дейман унга беозор оҳангда. — Ўзингиз биласиз-ку, менга бунақа нарсалар мумкин эмас...

— Ким айтди, мумкинмас, деб? Дуппа-дуруст ичя-түвдинг-ку?

— Ҳа, энди, баъзан вино...

— Винони алкашлар ичади. Унга ўрганма. Ичсанг, оз-моз конъяк ич. Қизларга шуниси ярашади.

— Йўқ, дяд Доник. Ҳафа бўлманг...

— Гапмни қайтарма. Маст бўлиб қолсанг, ўзим кўтариб кетаман. Буёгидан хотиржам бўл.

Шундай қилиб, дяд Доникнинг раъйини қайтара олмадим. Икки марта тортиниброқ, чўчиброқ ичганидан кейин, уёғи силлиқлашиб кеттипи. Ўзимда йўқ хурсандман. Атоникида иситмалаб ётган аям ҳам хаёлимдан кўтарилган, ҳозир дунёда гўё дяд Доник икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқдек эди.

Бир вакт у ўрнидан туриб музикани алмаштийди. Танцага тушадиганини кўйди. Кейин менинг қўлимдан беозор тортиб, ўрнимдан турғазди. «Йўқ, дяд Доник, мен мастман, йиқилиб тушаман», десам ҳам кўнмайди. Белимдан маҳкам кучоқлаб олди, мен эса беихтиёр қўлларимни унинг бўйнига занжир қилиб олишга мажбур бўлдим. Шунда...

Ҳаётимда биринчи марта вужудимга эркак кишининг тошдек бадани эҳтирос билан ботганини хис этиб, беихтиёр чўчиб кетдимми, ёниб кетдимми, биломайман. Ҳар қалай типирчилаб, ўзимни унинг кўксидан бўшатишга уриниб қолдим.

— Кўйворинг, дяд Доник. Мен... мен кўркяпман!

— Кўркма, Тахминочка, кўркма, — у энди мени ўз кўксига маҳкамроқ қисиб олади. — Бирпас ўйнаб олайлик, кейин кўйвораман.

— Йўқ, йўқ. Кўйворинг.

— Жим бўл. Мен сени еб кўймайман-ку, ахир, — у энди жудаям бўғрикиб, қизишиб, саросималик би-

лан менинг лабларимдан, бўйним ва кўқрагимдан ўпа бошлади. — Шошма, асалим, шошма. Сен энди ёш бола эмассан. Катта бўлиб қолдинг. Ҳаммасини билишинг, ўрганишинг керак...

Мен унга ортиқча қаршилик кўрсатолмайман. Мастман. Беҳолман. Тобора кўзим тиниб, атроф чарх уриб боряпти. Ноилож унга бўйсунаман, кўзларимни чирт юмиб кўксига бош кўяман.

— Майли. Ўйнаймиз. Лекин... — тилим бундан ортиқ калимага бормайди.

У ҳам гапирмайди. Гапни йигиштириб қўйган. Жон алфозда ўпишдан бўшамайди. Мен энди буни билиб, тушуниб турибман. Лекин калламни ишлатолмайман. «Бўлар иш бўлди, қўрқма, бу ахир бегона одам эмас, дяд Доник-ку. У менга ёмонлик килмайди», — шу фикргина

үтади хаёлимдан.

. Шундан кейин мен ўзимни йўқотиб қўйдим...

Ухлаб қолибман. Бир вақт кўзимни очсан, қуёш тиккада турибди. Ҳалиги жойимда, қуруқ адёл устида ётибман. Кийинтириб қўйибди. Ўргадаги дастурхон ҳам йигиштирилган. Уям ўз ўрнида донг қотиб ухлаб ётибди.

Базур ўрнимдан туриб бориб, дарё бўйида ювиндим. Қайтиб келиб жойимда чўнқайиб ўлтирганча, юм-юм йифладим...

У уйғониб кетди, ўрнидан даст бошини кўтариб ёнимга сурилди. Елкамни, бошимни силаган бўлди.

— Ўзингни бос, Тахминочка, — деди у. — Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам маст эканмиз. Мени кечир. Буёғидан хотиржам бўл, ҳам масига ўзим жавоб бераман. Сен фақат... ўзингни қўлга ол. Аянгта сираям билдира кўрма. Мен билан бамаслаҳат иш тут.

Атоникига зўрға етиб бордим. Ранг-рўйим бир ахволда, бутун вужудим зирқираб оғрийди, кўнглим хуфтон эди. Аям анча ўзига келган, чой ичиб ўлтиришган экан.

— Сенга нима бўлди?! — хавотирланиб сўради аям авзойимни кўриб.

— Ўзим шундай... — дедим. — Мен бир пас дам олмасам бўлмайди.

Доник дарров гапни түғрилаб қўйди:

— Биз борган жойда дам олиш учун шаҳарликлар келишган экан. Мен балиқ ушлаш билан овора, эътибор бермабман. Тахмина янги дугоналар орттириб, кўпроқ конъяк ичиб қўйибди...

Сездим. Аям енгил тортгандек бўлди.

— Тахмина, нега бундай қилдинг? — сўради у мени тергаган бўлиб. — Мен сени Доникка ишониб жўнатувдим. Сен бўлса ўзбошимчалик қилиб, мана...

Мен унга қўл силтаб, ичкарига кириб кетдим. Орқадан Атонинг: «Ҳозир бир коса каклик ўйра ичкизворсак, яна аввалгидек диркиллаб колади», дегани эшитилди.

Шаҳарга қайтиб келганимдан кейин ҳам Доник мени ха деганда тинч қўявермади. У энди уйимизга аямнинг борлигига ҳафтада бир марта, аям эрталаб ишга чиқиб кетгач, эса, деярли ҳар куни кириб кела-диган бўлиб қолди.

У мен учун кўпроқ, янаем ноёброқ ва қимматроқ нарсалардан келтирадиган бўлди. Аям бу нарсаларни кўриб ажабланса, Доник унга: «Тахмина энди кўзга кўриниб қолди, сепини ҳозирдан тайёрлаб бермасак, кейин шошилиб қоламиз», деб қўярди. Мен эса жим, дардим ичимда. Ўртада шубҳа пайдо бўлмаслиги учун аямнинг олдida худди аввалги пайтлардагидек эркалаб, беғубор муносабатда бўлар эдим.

Мен Доник билан ўртамиздаги яқинликка бора-бора кўнишиб, унга ўрганиб ҳам қолдим. У мени еру кўкка ишонмас, ҳатто жонини фидо қилиб юборишга ҳам тайёрдек эди. Эсимда, ўн беш ёшга тўлган кунимни ресторонда нишонладик. Ўша куни у менга брилиант кўзли тилла тақинчоқлар комплектини ҳада қилди. Бу нарса заргарлик магазинида ўша пайтлар ўн минг доллар турар, бу пулга худди ўзиникидақа «Тойота» автомашинасини сотиб олиш мумкин эди.

Кейинроқ билишимча, ўша кунги дабдабали зиёфат аслида менинг туғилган куним муносабати билангина эмас, балки, Доник икковимизнинг...«Никоҳ кечамиз» шарафига ҳам уюштирилган экан. Ўтиришга нима учун бу қадар қўп меҳмонлар-у, зўр-зўр ашулачилар ҳам таклиф қилинганлигига на мен, на аям,

на бошқа яқынларимиз — ҳеч ким эътибор бермаган. Чунки Доник ташаббускор бўлган ҳар бир тантана кутилмаган даражада дабдабали ўтишига кўнишиб қолувдик-да!

Ресторанг худди маликалардек кийиниб, ўша тақинчоқлар билан кириб борганимда, бутун зал оёқка турган. Одамлар менинг хусну жамолимни иложи борича яқинроқ келиб томоша қилишга интилар эдилар. Зиёфатга таклиф қилинган миллионер бойваччалар ёниб кетишгани аниқ. Улар агар имкон топсалар мен билан бир қур рақсга тушиш, ҳеч бўлмагандага менинг кўлларимдан бир бор ўпиб кўйиш учун ҳар нарсага тайёр эканликларини хис этиб турганман. Лекин ёнимда Доник бошини гоз тутиб, керилиб қадам ташлаб бора, атрофдаги қизғин олқишиларга беписандлик билан бош кимирлатиб қўярди, холос. У бутун ўлтириш давомида мени ўзидан бўшатмади. Атиги уч марта рақсга тушган бўлсан, учаласидаям ўртага ўзи биргаликда чиқкан.

Факат, биздан кейин уч-тўрт нафар кўзлари олзар-рак йигитлар қуршовида кириб келиб, ярим соатларча ўлтириб, чиқиб кетган Истам aka деган кишигагина илтифот кўрсатди, холос.

Бу одамни қаердаям хўжайн, шаҳардаги энг бой кишилардан бири, дейишли. Доникни устози экан, уни сенсираб, буйруқ оҳангда гапиришиданоқ пайқаганман. Ранг-рўйи истарали, лекин неча ёшларда, билиб бўлмасди. Майшат билан юрган одам-да...

— Сен чиндан ҳам баҳти чопган йигит экансан, чунки Ҳумо қуши ҳар кимнинг ҳам елкасига келиб қўнавермайди, — деди Доникка у ўшандага қадаҳ кўтариб. Кейин менга юзланди: — Сенга баҳт тилайман, малика Тахмина. Бундан кейин факат шу бугунгидек майшатли дамларда юз кўришайлик...

Доник шундан кейин ана шу одам ёнимга келиб, бетларимдан хирс билан бир жуфт ўпич олганда нима учун тек, илжайиб турганини кўриб, ичимда ажабланиб қўювдим.

Ҳа, аям ҳам, мен ҳам Доник туфайли баҳтли эдик, ўзимизни чиндан ҳам баҳтли ҳисоблардик. Айниқса, мен ёш бошим билан шунчалик иззат-икромларга эга

эканлигимдан, ўзимни бутун Фарғонанинг энг гўзал, энг бой, ягона маликасилик ҳис этаётганимдан бехад баҳтиёр эдим. Баҳтиёр эдим-у, лекин Доник билан ҳануз давом этаётган яқинликларимиз кўз олдимдан ўтиб қолса, ўзимни энг баҳтсиз, кимсасиз бир гариб деб, айниқса аямнинг олдида дунёдаги энг ифлос ва пасткаш одамман, деб ҳисоблардим. Бундай пайтлар дунёга сифмай кетардим. Аламимни аччиқ-аччиқ йиғидан олардим. Ўзимни ўзим ўлдириб қўйсамми, деган ўйларга ҳам борардим. Лекин яна аямни, шусиз ҳам танҳоликда яшаётган аямни ўйлаб, ўзимча тавба келтирадим.

Бир куни аям мендан сўраб қолди:

— Тахмина, бирон жойинг оғрйётгани йўқми?

— Қаердан олдингиз бу гапни ая? Мен соппа-соғман, — дедим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

— Билмадим. Лекин менимча... ранг-рўйингни тобора олдириб қўйяпсан...

Ёнимизда Сурайё ҳам ўлтирувди, тарафимни олди:

— Кўп ваҳима қилаверма, Хуршида. Қизинг энди балоғатга етиб қолди, буёғига тез-тез ўзгариб туради...

Аям шундан кейин фолбинга бориб менга фол очтирипти. «Қизингизга ёмон кўз теккан, фалон қасидахондан қайтарма қилдириб ичкизинг», депти. Аям ўша қасидахонга бориб, атайлаб қайтарма билан тумор қилдириб келган экан, уни жеркиб бердим. Мен билан ишингиз бўлмасин, дедим. Лекин ичимга чиррок ёқса ёришмайди, вужудимни аллақандай жирканч бир маҳлук кун сайин кемириб бораётгандек эди. Ўшанда аям билан бир вактлар ўтган гап эсимга тушди.

— Аяжон, ёмон кўзлар жудаям кўпми?

— Кўп. Жудаям кўп, болам.

— Ёмон кўзлар одамни нима қиласди; ая?

— Ёмон кўзлар одамни... ухлаб ётганида еб кетишади...

— Сиз ахир тириксиз-ку? Сизни еб кетишмаяпти-ку?

— Улар одамни ўзини емайдилар, юрагидан меҳригиёсини сўриб кетишади...

Ха, фолбин ҳақ эди. Менга ёмон күз теккан, юрагимнинг меҳригиёсини шафқатсизлик билан сўриб кетганди. Буни энди аямга айтишдан сираям фойда йўқ, у меҳригиёни энди ўз жойига келтириб кўйиш хеч кимнинг қўлидан келмасди.

Бўлар иш бўлди, деб юравериш билан иш битмайди. Бир кунга бориб, ахволим вазминлашиб колаётганини сездим. Ўша куни ўрнимдан анча лоҳас турдим. Бошим айланиб кўнглим бехузур бўла бошлади. Аям ишга кетган экан, Доникка телефон қилдим. Бир зумда етиб келди. Нималар бўлаётганини айтдим, у мени тушунди.

— Энди нима қиласиз? — қўрқув ичидаги қалтираб сўрадим ундан.

— Кўркма асалим, кўркма. Мен буёгини ҳам ўйлаб кўйганман, — деди у менга тасалли бериб. — Ҳозир бундай қиласиз...

У мени машинасига ўтқазиб, қаёққаям олиб кетди. Бир гинеколог таниш дўхтури бор экан. Лайлакдароз, савачўпга ўшаган ориқкина ўрис аёл. Ўшанинг ишхонасига кириб бордик. Дўхтур мени обдон текшириб кўрганидан кейин бош чайқади:

— Ҳомиласи катталашиб қолган, олиб ташлаш мумкин эмас. Бир-икки ой олдинроқ келиш керак эди.

Мен янайм кўрқиб кетдим, йиғига тушдим. Доник дўхтурга баландроқ келди:

— Сен, Света, одамига қараб муомала қилишини ўрган. Мумкин, мумкинмас, деган гапларинге менга кетмайди. Яххиси, бизнинг ишимизни кўнгилдагидек ҳал қилиб бергинг-да, кейин қандингни ур. Бўлмаса...

«Бўлмаса...» ўша дўхтурни нималар кутишини билмасдим албатта. Лекин бечора гинекологнинг оқпар ранги янайм хиralашиб кетди. «Финг» демасдан битта қоғозга ниманидир ёзиб, Доникка узатди:

— Мана шу адресга боринглар. Нисор хола деган бир яхудий кампир бор. Пул эмас, олтин узатсангиз, йўқ демайди...

Нисор кампирга Доник бармоғидан бриллиант кўзли олтин узугини чиқариб берди. Кампир узукни қўлига

олиб, уёқ-буёгини синчилаб кўздан кечиаркан, До-
никнинг газаби кўзгади:

— Мен сен ўллаган одамлардан эмас. Тезроқ ишга
кириш, бўлмаса каллангни олиб ташлайман!

Нисор кампир кутилмаган бу дағдағадан кўркиб
кетди.

— Бўпти, бўпти, — деди қўлидаги узукни шоша-
пиша ранги тўзиб кетган қора вилор камзулининг
ички чўнтағига соларкан. — Лекин бу иш тезда бит-
майди. Қизингни бугун меникода қолдириб кетасан.
Эртага тушдан кейин жавоб бераман.

— Қизим эмас, хотиним бўлади, — тўнғиллайди
Доник. — Оғзингга келган гапни гапираверасанми...

Кампир иккаламизга бирма-бир анграйиб караб
кўйди-да, кейин шайтонни хайдаётгандек қўлини биз
томонга кетма-кет силтаб кўйди. Унинг бу қилифи
Доникнинг яна жаҳлини кўзгади:

— Мияси суюлган кампир, бу нима қилинг?!

Нисор ўзининг ноўрин ҳаракатини дарҳол тушу-
ниб етиб, шоша-пиша кескинликка сув пуркади:

— Мен сизларга кўз тегмасин, деяпман...

Мени энди яна ташвишга солаётган нарса мабодо
бу ерда қолгудек бўлсам, эртага аямга нима деб жавоб
беришимда эди. Бироқ Доник унисигаям йўл топди.

— Сён ҳозир шу ерда қоласан. Мен тезроқ уйла-
рингга боришим керак. Аянг ишдан қайтмай туриб,
записка ёзib қолдирман. Мени срочно Тошкентга
чақириб қолишиди, Тахминани ҳам бирга олиб кетдим.
Эртага кечкурун қайтамиз, дейман. Сендан ўзим ҳали-
рок хабар оламан. Агар манави алвости рози бўлса,
буғун шу ерда ётиб ҳам қоламан.

Бизни аллақандай ҳадик ва зуғум билан кутиб
турган Нисор кампир бу гапга ортиқ чидолмади:

— Мен алибасти йўқ, сен алибаст, сенга бунда
каравот ҳам йўқ! Кўшнилар пис-пис қиласди, уйида
эркак қолди, Нисорни ўйнаши бор, дейди. Бу номус,
биласанми, номус!

Мен ўшанда... Ишонасизми, Собир ака, Нисор кам-
пирнинг бу гапидан ўлиб бўлганман. Еши саксонлар-
га бориб қолган, бели букри, бетлари накд шафтоли-
қоқининг ўзи, чалпакка ўраб ташласангиз ҳатто дай-

ди ит емайдиган оддий яхудий кампир номус деган нарсадан қанчалик чўчияпти! Ҳали қирчиллама ёшдаги келишимли Доникнинг шу ерда колишидан номус қиляпти! Мен эса... ана шу кампир номус килаётган эркадан ҳомилам борлиги учун келиб ўлтирибман бу ерга.

Уртамизга яна бир зум жимлик чўкди. Тахминанинг сўнгги сўзларидан мен шу нарсага амин бўлдимики, орият ва ориятсизлик, номус ва номуссизлик каби тушунчаларни у яхши фарқ кила олади. Фарқ қила олади-ю, бироқ бу тушунчаларни ўзи учун сингдиролмайди. Сингдиришни истамайди ҳам. Чунки у ўзи учун танлаган йўлни бирдан-бир энг осон, тўғри ва фойдали йўлдек билишга ўрганган, шунга кўникма хосил қилган.

— Хўш, ўёги нима бўлди? Сир бўлмаса айтарсан? — мен Тахминани ўша аччиқ хотиралардан ўзини олиб қочмасликка унадим.

— Нима бўларди... Ойни этак билан ёпиб бўлмас, деганлари рост экан. Ишимиз барибир силлиқ кўчмади.

Нисор кампирникида анча азоб чекишга тўғри келди. Бунисиям майли эди. Азоб чекканга яраша шу ташвишлардан кутулиб олсам гўрга эди, дегандим. Йўқ, бундай бўлиб чиқмади. Мен учун энг даҳшатли, энг фожиалиси шунда эдики, кейинроқ маълум бўлишибча, мен энди бир умрга фарзанд кўриш баҳтидан, оналик баҳтидан маҳрум бўлган эканман.

Шу ерга келганда, Тахмина менга қараб ғамгин жилмайиб кўйди:

— Ана шундай, Собир ака. Ўзим танҳо фарзанд эдим, энди мен билан Келдиёровлар авлоди батамом йўқолиб кетадиган бўлди...

Мен ўзимни унинг бу гапига эътибор бермагангага солдим.

— Аянг... барибир шубҳага тушгандир? — вазминлик билан сўрадим ундан.

— Аям... Эртасига кечки пайт дяд Доник мени уйга элтиб кўйди. Тошкентдан қайтган одамлардек, қўлимизда оз-моз совға-саломлар билан... Рангимда қон йўқ, bemажол қадам босаётганимни кўриб, аям

хавотирга тушиб қолди. Нима бўлганий сўровди, мендан олдин Доник жавоб қайтарди:

— Тошкент иссиқлик килдими, ёки бирон нима ботмадими... ишқилиб самолётда кўнгли бехузур бўлиб қайтди.

— Сиз-ку иш билан юрган одамсиз, — дейди аям куйикиб. — Нега энди бу сизга бунчалик илашиб олди?

— Илашса, илашар. Мен ўзим олиб кетдим. Тошканди морожнийсини соғиндим, дегани учун.

— Тушунарли. Ичини музлатиб кўйган, кизи тушмагур.

— Гапингизда жон бор. Кела-келгунча қорнини чанглалаб келди.

— Ундей бўлса ўтиб кетар. Ҳозир сут қайнатиб бераман.

Ха, аям унга бу сафар ҳам ишонди. Мен индамай ўз жойимга кириб ётдим. Эшик очик қолди. Доник билан аямнинг гўнгир-гўнгири қулогимга чалинади:

— Ишлар қандай боряпти, Хуршида?

— Ёмон эмас. Кеча Меликўзи билан Бешарикда бўлдик. Исфаралик ошнангиз Муқимжонни кўриб қолдим. Хотини билан бозор айланиб юришган экан. Яна янгисига уйланипти. Сабоҳатхон деган жувонга, кўрсангиз суқингиз киради, бирам чиройли, бирам чиройли...

— Ишдан гапиргин.

— Беш тонна спирт ҳозирлапти. Бугун кечаси Атоникига жўнатмоқчиман, деди. Ўтган сафаргиси билан Тошкент ҳалиям орани очик қилмалти. Мен мистер Донига ишонаман, лекин жўраларига тайнласин, ўйин халол бўлиши керак, деди.

— Ўпкасини боссин. Менинг жўраларим уч-тўрт миллион деб бетига ёпинчиқ олмайди. Тошкент масаласи ҳал бўлган. Олтиарикдан ўтказилган бензин билан ора очик. Ўзим телефон киласман. Яна қандай гаплар?

— Сатангта учрашдим. Доникка зўр подаркам бор, шанба куни шопирим олиб боради, деди. Онаси ўпмаганидан эмиш...

— Керак эмас. Айтмадингми, мистер Дони энди законни уйланмоқчи, бу ишларни йиғиштириб кўйди, деб?

— Айтдим. Хўжайин анча ўзгариб қолган. Кейинги пайтлар ўзим билан ҳам қизиқмай қўйган, дедим. Ер юткур бу гапидан бошқача хulosса чиқарди...

— Нима хulosса экан?

— Ўратепада эркакларни даволайдиган дуохон бор. Келсин, ўзим олиб бориб, отдай қилдириб келаман, деди.

— Ҳали шундай денг? Сатангга телефон қилинг, подаркасини шахсан ўзи олиб келсин. Икковиниям жонини бўғзига келтириб жўнатмасам, Дони отимни бошқа қўяман!

— Ҳай-ҳай, оғир бўлинг, хўжайин. Ўзингиз билган ҳазили-да бу.

Доник индамай чиқиб кетди, эшикни шарақлаб ёпилгани эшилди. Шундан кейин аям ёнимга кирди.

— Қалайсан, Тахмина?

— Яхшиман...

— Ҳозир сут қайнатиб бераман.

— Йўқ. Энди оғримай қолди, — дейман девор томон ўгирилиб олиб. — Мени тинч қўйинг. Уйқум келяпти...

Лекин аям кетмади. Бош томонимда турган стулга ўлтириди. Устимдаги чойшабни тузатиброқ қўяди. Кейин пешонамни, бошимни майнин-майнин силаркан, мен унинг пиқиллаб йиғлаётганини сезаман. Дарҳол унга томон ўгириламан. Кўзларида дув-дув ёш, лабларини маҳкам қимтиб олган.

— Аяжон, сизга нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?— ёстиқдан бошимни кўтариб сўрайман ундан.

— Билмадим, болам, билмадим. Ўзим шундай... Йиғлагим келиб қолди.

— Йиғламанг, ая. Ўзингизни босинг, — мен унинг кўз ёшларини кафтларим билан артаман. — Сиз йиғласангиз, мен ҳам йиғлайман. Мен ҳам ўзим зўрга турибман...

Бироқ аям ўзини тўхтатиб ололмайди. Бошимни кўксига олиб, бағрига маҳкам босганича, соchlаримни силаб-сийпаб, ич-ичидан изтироб билан йиғлади. Мен буни аямнинг титраб-қақшаётганидан, юрагининг бе-ором ураётганидан сезиб турибман. Бироқ бошимни

унинг кўксидан олишга, унинг юзларига, кўзларига тик боқишига ботинолмайман.

— Болагинам, сен астиям касал бўлмагин...

— Бўпти, ая, мен бошқа касал бўлмайман. Айтганнингизни қиласман. Факат йигламассангиз бас.

— Бу дунёда икковимиз танҳо қолганмиз, кизим. Мени сендан, сени мендан бўлак хеч кимимиз йўқ. Сен мабодо «ух» дегудек бўлсанг, ўша куни мени ўлиб бўлганим шу. Сен менинг бу ёруғ оламдаги якка-ю ягона ишончим, умидим, кўзларимни меҳри гиёсисан, болам. Мен буни даданг борлигига тушумас эдим. Энди сенга суюниб қолдим. Сенсиз яшолмайман. Мен сендан олдин кетсам-кетайин-у, лекин сен яшаб қолишинг керак. Сен турмушга чиқишинг, баҳтингни топишинг керак. Биз... кўпайишимииз керак, Тахмина.

— Бўпти, аяжон, бўпти, — шундай дейман-у, энди ўзимнинг ҳам халкумимга нимадир тиқилгандай бўлади, вужудимга аччик титрок киради, кўзларимга куйилиб ёш келади. «Ох, аяжон! Бу танҳоликларга, бу баҳтсизликларга бизни ким дучор этди?! — дейман ўзимча. — Бу кўргиликлар, бу шармандаликлар кимдан, нимадан, қачон бошланган?

Сиз ҳам бир вактлар она эдингиз. Бошқалар қатори сиз ҳам оналик баҳтига эга эдингиз. Сиз ҳам фарзандларингизга бош-қош бўлишга, бизни тарбиялаб ўстиришга, биздан ўз орзу-хавасларингизни кўриб яшашга бошқалар қатори ҳақли эдингиз. Бу ҳақ-хуқуқларингиз нима учун барбод бўлиб кетди, бу ҳақ-хуқуқларни сизнинг кўлингиздан кимлар, нималар тортиб олди?

Мен ҳам бу ёруғ оламга инсон фарзанди бўлиб туғилганман. Бу ёруғ дунёning ҳалол неъматларидан ўз насибамни териб яшашга ҳақли эдим. Мен ҳам бошқалар қатори ақлу фаросатга, ҳаё ва иффатга, яхши хулку ахлоқга ҳақли эдим. Мени булардан нега маҳрум этдиларинг? Бошқалар қатори, менинг ҳам кўзларим факат покликка, гўзалликларга, яхшиликларга кўниши, булардан қувониши, яйраши керак эди-ку? Мени бу неъматлардан ким маҳрум этди?

Мени ёш бошим билан разолат боткоғига, жаҳаннам тубига улоктирган ким бўлди?

Аяжон! Биз иккаламиз танҳо қолганмиз, дедингиз. Лекин ҳатто ўша танҳоликнинг ўзидан ҳам маҳрум бўлганингизни хали билмайсиз!

Биз иккаламиз бир-биримизга суюниб қолганмиз, дедингиз. Лекин бир-биримизга суюниб қолиш эмас, балки бир-биримиз учун бу дунё-ю у дунё юз кўришмас баҳтиқаро кундошлар бўлиб қолганимиздан, сиз ўша яккаю ягона фарзандингиздан, кўзингизни меҳригиёсидан аллақачон маҳрум бўлганингиздан хали бехабарсиз.

Сиз ўша якка-ю ягона фарзандим, кўзларимни меҳригиёси деб билган бегуноҳ Тахминангиз бу ёруғ дунёдаги энг охирги кишиси — ўз онасидан аллақачонлар жудо бўлганингиздан хали бехабарсиз.

Энди буёғига бардам бўлинг, бошга тушганни кўз кўрар, деганлар. Сизни ҳам, мени ҳам олдинда не-не жафолар, не-не синовлар кутиб турипти...»

Тахминанинг кўзларида яна жиққа ёш... Мен унинг ўша аччиқ дамларни, ўша аччиқ кечинмаларни дард билан, изтироб билан эслаетганини ва ўз ўрнида, онаси Хуршида-ю ўзи билан юз берган ўша баҳтсизликлар моҳиятига тўғри муносабат билдираётганини ҳам ажабланиш, ҳам маъюслик билан кузатиб ўлтирибман. Уша кезлар ҳали анчағур, бироқ маккорлик ва қабоҷатнинг, жирканч шаҳватнинг қурбонига айланаб, энди ночорлик ва хўрликка, танҳолик ва баҳтсизликка ҳукм килинган Тахминанинг мажруҳ дилидан кечган, кечаетган, худди ўзи каби танҳо ва баҳтиқаро онасига айттолган, айттолмаган сўзларини мен унинг шу пайтдаги руҳий ҳолатидан, аччиқ-аччиқ титраб-қақшашидан, юзларидан, кўзларидан бемалол уқиб турибман.

— Ўшандан кейин орадан унча кўп вақт ўтмади. Бир куни кечки пайт уйимизга Доник кириб келди. Ҳар қачонгидек башанг кийинган. Ширақайф.

Аям билан ҳам, мен билан ҳам кучоқлашиб, ўпшиб кўришиди. «Менинг Хуршидам! Бутун дунёни ёритиб, чарогон килиб турган Хуршидам!» деб эркалади аямни. «Менинг Тахминочкам! Бу оламдаги энг гўзал, энг асал Тахминочкам! Принцесса мира всего!» деб

мени эркалади. Кейин чўнтағидан аям учун битта олтин билагузук ва тасмаси ҳам, ўзи ҳам олтинданд ишланган аёллар соатчасини менга ҳадя этиб, ўзи бирма-бир тақиб кўйди.

— Вай, қандай яхши! Бу совғалар қайси муносабат билан?! — деди аям қувониб-яшнаб.

— Узумини енг-у, боғини суриштирунг. Мистер Донининг совғалари ҳеч вақт муносабат қидирмайди!

Аям иккаламиз унинг юзидан ўпид, миннатдорчилик билдиридик. Кейин «обмойка»сига бир рюмкадан конъяк ичилгач, Доник:

— Энди гап бундай, — деди аямга. — Сиз ҳозир срочно пардоз-андозингизни килинг. Ташкарида Меликўзи кутиб турипти. Икковларинг Исфарага жўнайсизлар. Муқимжонникига бориб, бу кеча ўша ерда дам оласизларда, эртага эрталаб яна изларингга қайтасизлар.

— Мен сизни тушунмаяпман, — дейди аям унга ҳайрон боқиб. — Исфарага фақат ётиб келиш учун борамизми?

— Спокойно, милай. Бердисини айтгунча, худойсини эшишиб туринг, — Доник кўйлак чўнтағидан мухрланган битта конверт чиқарди. — Мана шуни шахсан Муқимжоннинг кўлига ўзингиз топширасиз. Кейин манавини ҳам... у энди шимининг орқа чўнтағидан қадоқланган бир даста доллар чиқарди. — Айтиладиган ҳамма гаплар конвертда. Лекин хатдан ҳам, пулдан ҳам «аканг қокиндик» бехабар. Сезиб колмасин. Нима иш экан, деб кавлагудек бўлса, фирмамиз билан олди-берди масаласи, дейсиз.

Мен жим ўлтирибман. Хаёлимда бошқа нарса. Ҳозир аям Исфарага жўнаб кетса, Доник мени туни билан тинч кўймайди...

Шундай кейин аям шошилинч тарзда йўлга ҳозирланаркан, мендан сўради:

— Ўзинг ёлғиз кўрқмайсанми, Тахмина?

— Нимадан қўрқай, биринчи сафар эмас-ку, ахир...

— Кўрқмайди. Ёш бола эмас. Хотиржам бориб келаверинг, — гапга қўшилди Доник. — Мен ҳам ҳозир сиздан кейин такси чақирираман. Меликўзини машинасида келувдим.

— Ундей бўлса, бирга юраверинг. Биз сизни ташлаб ўтиб кетсан-чи? — дейди аям очик кўнгиллилик билан.

— Йўқ. Йўлларимиз тескари. Мен ҳозир Қувасой томонга кетаман. Кокилонда тўй бор.

— Бўпти. Яхши колинглар, — аям пул билан конвертни стол устидан олиб кўлидаги сумкачасига оларкан, Доник уни тўхтатди:

— Бундай эмас, хоним, бундай эмас, — у шундай дея пулниям, конвертниям ўзи қўлига олиб, менинг кўз олдимда аямнинг... кўкракларига яхшилаб жойлаб кўйди. Ғашим келди, лекин сездирмадим.

Аям уйдан чиқиб кетар пайти, мен унга совуқкина: «Калитингизни олволинг. Эрталаб шаҳар-паҳарга чиқиб кетгудек бўлсам, уйга киролмай ўтирунган», деб кўйдим. «Калитим сумкамда, — деди аям. — Биз ҳам вақтлироқ қайтишга ҳаракат қиласиз. Эшикни кулфлаб олишни унутма. Ҳеч қандай кўнгироқ-пўнгироқча оча кўрмана».

Худди ўзим кутгандек бўлди. Аям чиқиб кетиши биланоқ, Доник мени ўз оғушига тортди:

— Жоним, асалим... Умр бўйи кидириб топган ягона афсонам менинг.

Мен унга беозор қаршилик кўрсатмоқчи бўламан:

— Не надо, Доник. Аям қайтиб кириб қолиши мумкин.

— Кирмайди. Жўнаб кетишиди. Мен сени жудаям соғиниб кетдим.

— Дарров-а? Кеча эрта минан келувдингиз-ку?...

— Сендан бир соат ҳам ажрамасам дейман, — у мени оғушидан бўшатмаган ҳолда даст кўтариб ётоқка олиб кириб кетди...

Икки-уч марталаб столга ўлтириб, конъяк ичдик, тамадди қилдик, музика қўйиб танцага тушдик. Билмадим, соат уч-тўртлар эдимикин, ётиб, тошдек қотиб ухлаб қолибмиз. Яхшиямки, ҳар куни эрталаб уйимизнинг олдига сут сотадиган машина келиб узундан-узок сигнал чалади. Ана ўшангача ухлаб ётаверибмиз.

Шоша-пиша ўрнимиздан турдик. Доник апил-тапил ювениб-кийиниб, мен билан хайрлашди. Уни эндиғина кузатмоқчи бўлувдимки, иккаламиз ҳам бир

нарсадан ҳайратга тушиб, турган жойимизда туриб колдик: уй эшиги қулфланмаган, кия очиқ турарди!

— Эшикни қулфловдингми ўзи? — саросималик билан сўрайди Доник.

— Қулфловдим чоги. Яна ким билади, дейсиз...

Уй ичиди анжомларга бирма-бир караб кўямыз, ҳамма нарса ўз жойида. Доник ҳеч нарсани тушунолмай елка қисади, кейин нимагадир қўл силтаб чиқиб кетади. Мен ҳам ҳайронлигимча қолавераман. Демак, эшик очиқ қолган экан, деган ўйга бораман.

Кейинроқ, анча кейинроқ Меликўзидан билишимча, улар эрта тонгдаёқ сафардан қайтишган экан. «Исфарада ётиб колмадим. Муқимжон сахар соат олтида Душанбага учиб кетиши керак экан. Шунинг учун ҳам ярим соатча ўтириб-ўтиримай орқамизга қайтавердик. Мен ҳам уйимдан илҳақ эдим, хотиним кўз ёрадиган бўлиб турувди...» — деди Меликўзи.

Демак, у аямни уйимизнинг олдига ташлаб ўтиб кетган. Аям мени безовта қилмаслик ниятида эшикни охиста очиб кириб, ётоқка ўтган. Кўрсаки биз... тарашадек қотиб ётибмиз. Билмадим, аям ўшандада қандай ахволга тушган — билолмадим, ҳар ҳолда индамай қайтиб чиқиб, кетган. Эшик ҳам очиқлигича қолаверган...

Аям менга ҳеч нимани сездирмади. «Яхши ббрбиб келдиларингми?» деб сўрасам, «Ҳа», деб кўя қолди. Мен ҳам ўзимча унга ҳеч нимани сездирмасликка ҳаракат қилдим.

Аям ўша кунлари батамом ўзгариб кетди. Жудаям камгап, ғамгин бўлиб қолди. Кўзлари киртайган, ранг-рўйи бир ахволда... Ўша воқеа рўй берган куни ўзиёқ мен унинг соchlарига оқ оралаб қолганини кўриб кўркиб кетдим.

— Нима бўлди сизга, аяжон?! Сочларингиз оқариб қолипти!

Аям бу нарсадан мутлако ажабланмади.

— Ўзим шундай... — ғамгин жавоб берди у. — Бир кун келиб сеникиям оқариб қолса, ана ўшандада тушунарсан...

Ўйимизга Сурайё келиб, аямнинг ахволи ва авзойидан у ҳам ҳайратга тушди:

— Сенга нима бўлди, Хуршида? Намунча хароб бўлиб кетибсан? Касал-пасал эмасмисан?

— Билмадим... — дейди аям ҳасталик билан. — Икки-уч кундан бери юрагимга қил сиғмайди, уйкудан қолганман.

Мен ҳам ич-этимни еб юрибман. Бўлган ишдан ҳали бехабарман. Аямга нима бўлди ўзи? Чиндан ҳам касалмикин? Ёки... менинг Доник билан алоказаларимни сезиб қолган бўлса-чи? Унда нима қилиш керак? Кўз ўнгимда бир кунмас-бир кун юз бериши лозим бўлган даҳшатли воқеалар гавдалана бошлайди...

Доник уйимизга ўша чиқиб кетганича учинчими, ёки тўртингчи куни кечқурун кириб келди. Одатдагидек чиройли кийинган. Яна ширақайф. Аям билан ҳам, мен билан ҳам ўпишиб, қуюқ кўришди. Қаерга-ям бир иш билан кетган экан. Ҳозир қайтишим, тўғри сизларникига кириб келдим, деди. Кейин аямдан Исфара масаласини сўради.

— Яхши бориб келдик, топширифингиз бажарилди, — деди аям хотиржамлик билан. — Ўртогингиз салом айтди. Операция амалга ошгач, ўзим ўтиб бораман, деди. Бошқа гап бўлмади...

Мени ажаблантирган, икки-уч кундан бери юрагимга ғашлик солиб, ич-ичимни кемираётган шубҳаларни оз-моз ҳайдаган нарса шу бўлдики, аям Доникни бу сафар ҳам одатдагидек хушхол қарши олди. Ўзидаги ҳасталик ва маъюсликни, пажмурда кайфиятни сездирмаган бўлди. Бироқ Доник унга бир лаҳза жиддий ва синовчан назар ташлаб кўйганини пайқадам.

— Кўзимга бетоброқ кўриняпсиз, Хуршида, — деди у менинг ёнимга яқинроқ турган креслога келиб ўлти-раркан. — Қани айтинг-чи, сизни қайси чивин чакиб кўйди?

— Йўғ-е, мен соппа-соғман, — шошиброқ жавоб берди аям. — Ўзи бугун ҳаво анча қиздирганидан...

— Мени алдаманг. Ёлғонни ёқтирмайман. Ҳаво иссиқлик қилаётган бўлса, давоси кондиционер. Йигитларга буюраман, эртагаёқ ўрнатиб беришади. Лекин сизники ҳаводан эмас. Кўзларингиз чўккан, рангингиз сўлғин, юзингизда маъюслик. Гапларингиз соҳ-

та— худди телеграмма учун тузилгандек қисқа ва куруқ...

Касални иситмаси ошкора қиласы, деганлари шуда. Аям таслим бўлди.

— Ҳа... Негадир юрагим қисяпти, нафас олишим ҳам оғир, — деди у маъюс оҳангда. — Бир ёқларга бош олиб чиқиб кетсан, дейман...

— Ундан деманг. Сиз бир ёқларга кетиб қолсангиз, биз бу ерда қолиб нима қиласмиш?.. — хиёл жилмайиб деди Доник. — Тахмина иккаламиз қаерларга бош уриб борамиш...

— Сиз мени мазах қилипсиз, — хўрсингандек бўлди аям. — Лекин мен чиндан ҳам...

— Кечиринг, Хуршида, — унинг сўзини бўлди Доник. — Гапнинг қискаси, эртага дўхтирга олиб бораман сизни. Битта зўр кардиолог ошнам бор, кўриб қўяди.

— Йўқ, мен дўхтурга бормайман. Фалончи барвақт қариб бўпти, юрагини даволатяпти, деган гап чиқади.

— Ундан бўлса, уч-тўрт кун уйдан чиқмай, дам олинг. Яхшилаб парвариш қилайлик.

— Доник, агар хўп десангиз, мени Атоникига олиб бориб қўйсангиз. Тоғ ҳавосига бир тўйсам, дейман...

— Манави идея! — хурсанд бўлиб кетди Доник.— Эртагаёқ Меликўзи билан жўнанглар. Биз сиздан шанба куни хабар оламиш. Тўғрими, Тахмина? — У шундай дея менга қараб қўйди.

— Тахминани ҳам ўзим билан олиб кетай десам, у ерда зерикиб қолади, — деди аям. — Майли, у қола қолсин. Сиз хабардор бўлиб турасиз, ҳар ҳолда киз бола, уйда ёлғиз қолмасин.

— Буёгидан хотиржам бўлинг, — деди Доник. — Мен уни ёлғиз қўймайман. Демак, шундай қилиб, маслаҳат пишида.

— Яна бир илтимос, — деди аям. — Мени Меликўзи билан бирга... Ундан кейин, кеча хотини туккан. Ўзиниям ҳозир уйдан чиқкиси йўқдир.

Доник бир дам ўйланиб қолди. Кейин яна менга беихтиёр назар ташлаб қўйиб, деди:

— Бўпти, эрталаб соат 10—Пларга тайёр бўлиб

туинглар. Мен бирров идорага ўтиб қўйиб, кейин келаман.

— Тахмина бормайди, — деди аям шунда уни чўрт кесиб. — Бирон марта иккаламиз ҳам танҳо йўлга чиқайлик...

— Хорошо. Буёгини ўзларинг ҳал қилинглар.

Ўшанда аям нима учун атайлаб Атоникига бориши ни ўйлаб топганлиги, нима учун Мелиқўзи билан боришини рад этганлиги ва ниҳоят, нима учун менинг ҳам Доник билан бирга бориб келишимни рад этиши сабабларини кейинроқ тушундим.

Эртасига эрталаб Доник икковлари жўнаб кетишаётганида, аям менга бир дам тикилганча тўхтаб қолди. Мен унинг кўзлари жиққа ёш эканлигидан ҳайрон бўлдим. У аста келиб менинг пешонамдан ўпди-да, жудаям қийналиб ютиниб, ҳазин товушда деди:

— Мен сендан розиман...

Ўшанда Ҳам мен ҳали анча ёш эканман, аямдан нега бундай деганлигини сўрамабман, бу сўзнинг маънисини тушунмабман. Индамай қараб қолаверибман. Доник эса ўша пайт машинанинг ичидаги магнитофон билан овора, бироқ менимча, бу ердан тезроқ жўнаб кетиш, аямни тоққа тезроқ элтиб қўйиб, менинг ёнимга тезроқ қайтиб келиш хаёли билан банд эди.

Мен аям билан, Доник билан ана шундай қилиб хайрлашганман. Бир умрга...

Уша куни Доник уйимизга келмади. Айниқса, кечга бориб, юрагим негадир ғаш торта бошлади. Айвонга чиқиб олиб, бир маҳалгача кўчага термулиб ўтиредим. Дарак бўлмади. Эҳтимол, аям уни бугун олиб қолгандир, дегудек бўлсам, сираям ишонгим келмайди. Чунки Доник ўлиб колган тақдирдаям бир илож қилиб менинг ёнимга жўнавориши аниқ. Ё аям жиддийроқ касал бўлиб қолдими? Ўйлаб ўйимга етолмадим. Ахийри ухлаб қолибман.

Эртасигаям Доникдан дарак бўлмади. Кун бўйи кўнглим ғаш, юрагим сиқилганча ташқарига чиқаман — уйга кираман, ташқарига чиқаман — уйга кираман, ана шу ахволда кунни кеч қилдим. Ҳо-ов бир вакт кўз қорайиб қолай деганда уйимизга... Ато: кириб келди!

Полвоннинг кўзлари йигидан қизарип, қовоқлари ишиб кетган, тили калимага келмайди. Бирон ноҳуш воеа рўй берганини тушуниб қолиб, йиги аралаш жон-жаҳдим билан унинг елкасидан силкийман. «Қани, қани улар?! Аям қани?!» — деб чинқираман. Ахийри, «Улар энди йўқ. Улар ҳалок бўлишган», дея ғўлдираб тушунтира олди у.

Маълум бўлишича... улар ўша довоннинг энг учига етишганда, аям ҳамиша юрагини чанглаб ўтадиган ўша баландликдан машиналари пастга томон қулаб кетипти. «Машинанинг ўз-ўзидан издан чиқиб кетиши»га акл бокар қилмайди, чунки ҳаво курук, йўли текис», — дейди Ато.

Машина неча-неча марталаб ағанаб бориб, пастликка етганда портлаб кетипти. Ўша ерликлар бу машина-ю, унинг ичидағилар Ато тожикникига келиб тургувчи эди, дейишгач, мелиса уни қидириб топтирипти. Хуллас, марҳумлардан деярли хеч нима колмаган, менга уларнинг жасадларини кўрсатишмади. Шундай килиб, ўша хайрлашганимиз хайрлашган бўлиб қолаверди...

Тахмина шу жойга келганда оғир тин олди. Иккала кўли билан кўзларини ишқалаб, аста ўрнидан турди. Бориб, кўча томон деразасининг иккала қанотини ҳам ланг очиб юборди. Ичкарига этни жунжиктирувчи намхуш ҳаво урилди.

— Бугун мана, уйқунгиз ҳам ҳаромга чиқиб кетди, Собир ака.

— Ҳечқиси йўқ. Сени чарчаттаним қолди, холос...

— Мен бунга кўнинканман, — жавоб берди Тахмина қайтиб келиб, яна каравоти чеккасига қўнارкан. — Зато, кундузлари керагича ухлаб оламан.

Шу пайт сира кутилмаганда, эшик олдида... Куйдирги пайдо бўлди.

— Ия, ғўнгир-ғўнгир қилавериб уйкуни белига тепдиларинг-ку! Нима гап ўзи!

Тахмина аллақачон эпчиллик билан чойшаб остига кириб кетган, жим. Мен эса, ўлтирган жойимдан нима қиласимни, нима деб жавоб беришимни билмай бир Тахминага, бир Куйдиргига қараб қўядан.

— Бу кизингиз жудаям ёввойи экан, — тилимга келган гап шу бўлди.

— Тахмина, рости биланми? — сўрайди Куйдирги бир-икки қадам илгарига ташлаб.

Тахмина ётган жойида жаҳл билан жавоб қайтарди:

— Чўнтағида хемириси йўқ, шопир тогани.

— Бас қил, пулини менга тўлаган.

— Тўлаган бўлса, уже расчет! Олиб чиқиб кетинг, ҳаммаёқни бензин хиди босиб кетди.

Куйдирги менга ҳайрон бокиб кўювдики, ўзимни оқлаган бўлдим:

— Шопир одамдан бензин хиди келмай...

— Эркак кишидан эркак хиди келиб турсин! — Куйдирги иккала қўлини икки белига тираб олганича, менга ўдағайлаган бўлди. — Сиз бўлса, аммамни бузоғидек лаллайиб ўлтирибсиз.

Куйдирги шундай дея эшикни энди зичроқ ёпиб чиқиб кетаркан, Тахмина унинг орқасидан масхарамуз тил чиқариб, уч-тўрт марта «Финг, финг» деб кўйди. Иккаламиз ҳам кулишиб олдик. Ҳалиги оғир рухият ўртадан оз-моз кўтарилгандек бўлди.

— Собир ака, сиз рости билан унга пул бердингизми? — ногоҳ сўраб қолди Тахмина.

— Чўнтағида хемириси йўқ шопир пулни қаердан берсин...

Тахмина ширин жилмайиб кўйди. Яна каравотдан бош кўтариб, менга юзма-юз бўлиб ўлтиаркан, саволига қўшимча қилди:

— Унда Феруза опани қандай қилиб эритдингиз?

— Бу кечамиз насияга келишилди, — жиддий киёфада жавоб- бердим унга. Тахмина аввалига ажабланиш билан бокиб кўйди. Кейин афтидан, ҳазиллашяпти, деган фикрга келиб, кувлик билан қўшимча қилдй:

— Насияга мумкин бўлса, мен Тахминани бир йўла сотиб ола қолай демадингизми?

— Айтдим. Лекин...

Мендан яна бирон қизикроқ гап чиқишини кутиб, у кўзларимга бир дам қадалиб турди.

— Тахмина бир йўла сотилмайди. Биз уни майдалаб пуллаймиз, деди, — қўшимча қилдим яна жиддий киёфада.

Менинг бу гапларим нечоғлиқ рост ёки ҳазил, буни фарқ қилиб ўлтиришни у лозим билмаган ҳолда, «Ҳа, улар мени ҳали қўп согадилар», деб қўйди.

— Улар деганинг кимлар, Тахмина?

— Кимлар бўларди... Шундай бўйр яширин гурух бор. Фақат сиздан илтимос, Собир ака, бу гаплар шу ерда қолсин. Бунинг учун мени ўлдириб юборишлари ҳеч гапмас.

— Мен сени тушунаман, Тахмина. Менга ишон.

— Буларнинг ҳамма жойда одамлари бор, — деди у пастроқ товушда, олдин эшик томон бир назар ташлаб қўйгач. — Тошкентдаям, Бишкеқдаям, Алматидаям. Буёғи Бухоро-ю Самарқанд, Душанба-ю Ашхободда. Улар ҳатто Россиядан, Кавказдан ҳам қизларни таклиф қилиб туришади.

Тахмина шундай дея бир зум тўхтаб қолди. Чамамда, бу маълумотни чакки айтиб қўйганидан пушаймон егандек, менга олазарак бокиб қўйди. Мен ўзимни мутлақо бепарво тутиб ўлтирганимни кўргач, гапнинг давомини силлиқлаб кетди:

— Ана шундай, Собир ака. Биз бир жойда узок туриб қолмаймиз. Сал танилиб қолдикми, бас. Дарров бошқа шаҳарга оширишади. Бизни худди қимор картасидек тез-тез алмаштириб туришади.

— Демак, бундан чикдики, сен ҳам яқин орада...

— Ҳа, кетишим керак. Лекин қаёққа, бунисини билмайман.

— Ҳали Ферузанг «Ўшдан янги танишлар кидиряпмиз», дегандек бўлувди.

— Шуни ўзидан тушуниб олавериНг. Лекин булар фақат қизлар билангина савдо қилишмайди. Уларга ўғринчи йўллар билан наша, қора дори келиб туради...

— Гуруҳ чакки эмас, — дедим мен хайратимни босолмай. — Бир бутун «подшоликка» ўхшайди-ку...

— Топиб айтдингиз.

— Ферузалар-чи? Булар ким бўлиб ҳисобланади?

— Булар қўшмачи югурдаклар. Бунақалардан ҳар

бир шаҳарда бор. Улар ҳар ҳафталик даромадни йиғиб, керакли жойга топшириб туришади.

— Сен билан... ҳисоб-китоб қандай бўлади?

— Бизга... Ҳар ойнинг охирида бир марта, маошга ўхшатиб беришади.

— Катта тўлашадими?

— Одамига қараб...

Мени энди Тахминанинг кейинги саргузаштлари қизиқтирас, қандай килиб у ана шу ифлос ва даҳшатли гирдобга тушиб колганини билмоқ истардим.

— Тахмина, аянгдан кейин... ўзинг танҳо яшайвердингми?

— Йўқ. Мени хеч қачон танҳо яшашга қўймадилар. Ўша мотам кунлари Сурайё билан Ато бир ҳафтагача бизникида туриб қолишиди. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, Доник билан аямнинг ишхонасидан бирон киши ўрмаламади. Гёё улар илгаријам бўлмагандек, хеч қаерда ишламагандек.

Биз-ку ҳар ҳолда аям учун йиги чиқариб, керакли расм-русумларни бажо келтирдик. Лекин Доник итдек ўлиб кетаверди. Меликўзининг айтишича, унинг ҳатто энг яқин жўралари ҳам ўша кунлари ўзларини панага тортиб қолишган. Негалигини тушунолмадим.

Аямнинг дафн маросимидан кейин, эртасига эди шекилли, сира кутилмаганда уйимизга қора «Мерседес»да... Уша... ресторонда кўрганим Истам ака кириб келди. У анча вазминлик билан, кўпни кўрган донишманд одам киёфасида мени овунтирган, анча тасалли берган бўлди. «Бундай савдолар ҳамманинг бошида бор. Ўзингни қўлга ол. Ёлғиз қолдим, деб қўркма. Мистер Донининг хотираси хурмати, мен сени ёлғиз қолдирмайман. Сен бундан кейин илгаридан кўра ўн чандон яхшироқ яшайсан». Кейин Сурайёдан «Харажатлар масаласи қандай бўляпти?» деб сўради.

— Хуршиданинг йигиб кўйгани бор экан, ўшандан... — мужмалланди Сурайё.

— Гап бундай, — деди Истам ака ҳамон жиддий киёфада. — Мархумнинг то иилигача ҳамма маросимларни менинг йигитларим ўtkазиб беришади. Яна

кўшимча қанчаки пул лозим бўлса, буёғидан ҳам хотиржам бўлинглар. Узим тез-тез хабар олиб тураман.

— Раҳмат амаки, сиз ташвиш килманг, биз ўзимиз бир амаллаб... — дедим мен оз-моз хижолат тортиб.

— Ундей дема, Тахмина, — сўзимни бўлди у. — Бундан кейин сен менга қулоқ солишинг керак. Бўлмаса, одамлар ёмон, замон ёмон, хароб бўласан.

— Ҳа, ҳа, гапингиз тўғри, — шоша-пиша уни маъкуллади Сурайё. — Одамлар ёмон. Тахмина энди сизнинг этагингиздан тутиши керак.

— Баракалла, сени калланг ишларкан, — мамнун бўлди Истам ака. — Бундан кейин ҳам сен шу ерда қоласан, Тахминага оналик қиласан. Ўзим ойлик тўлайман сенга... — кейин Атога юзланди: — Сен биродар, қишлоғингта қайт. Ўрмонингга ўт тушиб кетмасин.

Шу-шу, индамай қолавердим. Сурайё мен билан яшай бошлади. Ато яна икки-уч кун тургач, Оҳангронга қайтиб кетди. «Яна хабар оларман. Ўзларинг ҳам бориб туринглар», деди. Ўшандан кейин... яна ғалати ишлар бўлиб кетди, — ҳикоясида давом этди Тахмина. — Сурайёнинг мендан бир-икки ёш каттароқ Акмал деган ўғли бор экан. Анча келишимли, мулойимгина йигитча. Болаликданоқ бувасининг қўлида ўсиб-улгайган, ҳозир ҳам улар билан бирга яшаркан. Сурайё бу ерда мен билан туриб қолгач, уни суриштириб келди. Мени кўрди-ю, пайгавасига курт тушиб қолди...

Ўзим ҳам унга нисбатан қандайдир илиқлик хис килдим. Менга унинг беғуборлиги, уятчанлиги, мени кўрганда беихтиёр қизариб-ёниб кетиши, лекин мени гапиртириш, кулдириш учун баъзан хаёлимда йўқ гапларни, нарсаларни ўйлаб топиши анча маъкул тушиб қолди. Бора-бора мен унга кўнишиб, у билангина овунадиган бўлиб қолдим. Мен эндинигина ўз умримда биринчи марта ҳаётимда беғубор ва бегараз бир дўст кириб келаётганини сеза бошлаган эдим. Лекин...

Акмалнинг бизнигига серқатнов бўлиб қолганлиги, иккаламизнинг тобора иноклашиб бораётганилигиниз Сурайёга хуш тушмади. Бунинг сабаблари маъ-

лум эди, албатта. У ўғлига: «Бу ерга кўпам келаверма ёки Тахминага унчалик суйкалаверма», дейишга ботинолмасди. Кўрқарди ҳам. Бир томондан, яккаю ягона фарзанди. Шусиз ҳам унинг олдида оналик бурчини бажаролмай, ҳамиша қаерлардадир санқиб юриб, ўз бурдини йўқотган. Орага тушган совукликлар энди мен баҳона ўртадан кўтарилиб, ўғли унинг хузурига тез-тез келадиган, чор-ночор унга яхши гапирадиган пайтлар етиб келгандা, унга қандай қилиб, бу ерга бошқа келма, деёлсин. Иккинчидан... Менинг кимлигим, келиб чиқиши тарихим кўпчиликка маълум (Доник билан ўртамиизда бўлиб ўтган ишлар ҳали бир четда турсин), улар икки дунёда ҳам мени келинликка олишмайди. Боз устига, Сурайё яхши тушунади, менинг атрофимни ўраб турган кишилар муроса деган нарсани билишмайди.

Шунинг учун ҳам Акмал иккаламизнинг узокроқ ёлғиз қолишимизга йўл қўймас, доим орамизга сукулиб турунгимизни бузиб юборар, Акмал яна Кўқонга қайтиб кетгунича юрагини ҳовучлаб турарди.

Истам ака ҳам ўз ваъдасига мувофиқ бизни тез-тез йўқлаб турадиган бўлиб қолди. Тириклигимиз энди батамом унинг гарданига ўтди. У ҳам худди Доник сингари мени қимматбаҳо совғалар билан сийлайдиган, менинг кўнглимни овлайдиган бўлди. Мен уни аввал «камаки» дердим, кейин-кейин «Истам ака»-га ўтиб олдим. Бунга мени Сурайё мажбур килди. «Бир бегона одам сенга шунчалик яхшилик киляптими, уни ўзингга яқин ол», деди. Бироқ бу яхшиликлар ниманинг эвазига бўляпти, бу ҳакда ўйламайман.

Истам ака мен билан ҳар гал кўришганда, бир вақтлар ўша, ресторанда бўлганидек, бетларимдан яланниб ўтиб қўярди. «Сен хали шошмай тур, аянгни маросимлари ўтиб сал тинчиб олганингдан кейин сени ўзим узок-узокларга саёҳатларга олиб бориб, айлантириб келаман», деганда ҳам, менинг кўнглимга хеч нима келмаган.

Истам ака икки марта уйимизга Акмал билан бирга ўлтирганимизда кириб келди. Бундан унинг авзойи ўзгариб, Акмал билан совук-куруқ саломлашиб кўяқолди. Мени эса унинг кўзи олдида, худди сафардан

қайтган ота ўз қизи билан кўришгандек бағрига олиб, юз-кўзларимдан қайта-қайта ўпид қўйди. Чиндан ҳам кўй эканман ўшанда...

— Энди сирам қўйга ўхшамайсан, — сўз қўшдим мен.

— Ҳа. Энди тулкиман, десам бўлаверар, — жилмайиб қўйди Тахмина. — Лекин сизга тулкилик қилаётганим йўқ, Собир ака...

— Ишонаман. Аммо тулкилик баъзан кизларга ярашади ҳам.

— Эҳтимол. Лекин Истам акага ўхшаганлар олдида ҳар қандай тулкилик ҳам иш бермасди. У ер тагида илон қимирласа сезгувчи эди. Учинчи марта ҳам уйимизда Акмални учратиб қолиб, ғазабдан ранги оқариб кетди. Унинг ўзига-ку менинг олдимда чурк этмади, лекин ошхонага Сурайёни олиб ўтиб, унга танбех бераётганини бемалол эшитиб турдим:

— Бу йигитча бундан кейин кўзимга кўринмасин!

— У ахир менинг ўғлим-ку. Мени кўргани келяпти.

— Сен ўзинг бориб уни кўриб кел. Қачон десанг, майли, машина ҳам бераман. Бир йўла бемор отангни ҳам зиёрат қилиб қайтасан.

Сурайё унга бошқа ҳеч нима дёёлмади. Чунки бу одамларнинг гапини икки килиш яхшиликка олиб бормаслигини у яхши биларди.

Акмал ошхонадан эшитилиб турган бу гаплардан мулзам тортиб, жимиб қолди. Мен ҳам хижолатга тушдим. Шу пайт биринчи марта Истам акадан дилим оғриди. Акмалнинг унга нима оғирлиги тушдики, уни бу ердан хайдамоқчи бўляпти? Буёгини тушунмабман: у мени рашқ қилаётганини сезмабман.

— Акмал, сен бу гапларга эътибор берма, — дедим мен унга. — Қачон истасанг бемалол келавер. Бу уй менини. Мен Истам акага ўзим тушунтираман, у менинг айтганимни киласди.

— Йўқ. Бу одамнинг турқини ўзим ҳам кўрмасам дейман. Мен туфайли -сизларга зарар етмасин, Тахмина. Майли, унинг айтганича бўла қолсин. Ҳозирча телефонлашиб турамиз. Кейин...

Ўша куни жавоб бермадим, олиб қолдим. Кечқурун

бир вактгача гурунглашиб-яйрашиб ўлтиридик. Күнглим анча ёзилгандек эди-ю, бирок кўз олдимга Истам ака келиб қолса, унинг мен учун ягона маъқул одамимни уйимдан, қалбимдан хайдамоқчи, узоклаштироқчи бўлаётгани эсимга тушиб қолса, юрагим ачишиб, дилимга қоронгулик чўкаётгандек бўлаверди.

Ўша тун кўзимга уйку илашмади. Дадамни эслаб, аямни эслаб[^] бу дунёда энди ёш бошим билан бир ўзим, ёлғиз қолганлигидан хўрлигим тутиб, юм-юм йигладим. Бунинг устига... қизлик шаънига эга эмаслигим, яна келиб-келиб отам қатори, ҳатто ундан каттароқ одамнинг, яна энг даҳшатлиси — ўз онам билан алокада бўлган бир кимсанинг кўлида хидланган, эзғилангандар гул эканимни ўйлаб, янайм аянчлироқ изтиробга, даҳшатга тушдим. Мен бу дардларимни ҳеч кимга ёзолмайман. Менинг бу дардларимга ҳеч ким дардкаш бўлолмайди. Юрагимга озгина кувват, озгина ёруғлик олиб кираётган Акмални ҳам йўлдан тўхтатмоқчи бўлишяпти. Менинг хўрлик ва танхолик, бадбаҳтилик исканжасидан қутулиб чиқиб кетишумга йўл беришмаяпти. Хўш, булар кимлар? Улар менинг ёшлигимни, шарбатимни, қонимни сўриб олмоқчи бўлаётган зулуклар эди.

Мен энди биринчи марта бу ҳақиқатни англай бошладим. Истам аканинг ҳам менга кўрсатаётган илтифотлари бежиз эмаслигини, бугунмас-эрта у ҳам қўйнимга илондек кириб келиши мумкинлигини хис килиб колдим.

Хўш, энди нима қилиш керак? Бирон ёқларга бош олиб қочиб кетсанми? Лекин ким билан, қаерга? Менга ишонадиган, мени тушунадиган, менга кўмак қўлини чўзадиган одамлар учармикан йўлимда?

Тонг сахарда хонамнинг эшигини кимдир четди. Акмал экан, овози эшитилди:

— Тахмина, мен кетяпман...

— Шошма, — дедим апил-тапил ўрнимдан туриб.— Мен ҳозир.

Сурайё бозорчага тушиб кетган экан. Акмал иккавимиз ёлғиз гаплашиб колдик. У мендан: «Қовоқларинг ишган, сенга нима бўлди?» — деб сўровди, туни билан чеккан изтиробларимни яна хўрлигим тутиб,

узук-юлук айтиб бердим: «Мен бу ерда ортиқ туролмайман, бош олиб кетаман», дедим. Шунда Акмал мен учун сира кутылмаганда: «Тахмина, агар хўп десанг, мен сен билан бирга кетаман», деб қолди.

Ха, мен ундан бундай журъатни кутмагандим. Ишимиз энди юришиб кетадигандек, бошқа ҳеч нимани ўйламаган ҳолда, унинг бу таклифига рози бўла қолдим. Ёшлик шунаقا бўларкан, кўпинча ўйламай иш тутаркансан, кўнглингга тушган истак йўлида ҳеч ба-лодан кўрқмай кетавераркансан...

Сурайё уйга кириб келгунча бўлмай, шоша-пиша ўйлга тахт бўлдик. Бйтта дипломатга аямдан қолган олтин тақинчоклар-у пул, ўзимнинг ҳам кўзга кўринган нарсаларимдан у-буларни жойлаб, уйдан чиқиб кетдик.

Шахарнинг овлоқроқ бир кўchasига ўтиб олгач, иккаламиз ҳам бош қотириб қолдик: «Хўш, қаерга бора-миз?»

— Ҳозир биронта такси олиб, биз томонга жўнаймиз, — деб қолди Акмал. — Учкўприқда Содикжон деган бир жонажон ўртогум бор. Кампир энаси билан яшайди, ҳовлилари катта. Кампир жудаям ажойиб, мени ўз неварасидек яхши кўради. Мана кўрасан, улар бизга йўл кўрсатишади, ёрдам беришади.

Учкўприка бордик ҳам. Лекин омадимиз юришмади. Ҳовли эшиги кулф. Акмалнинг жўраси кампир энасини Чимёнга сувга олиб кетган экан. Яна уч-тўрт кунларда келиб қолишар, деди кўшниси.

Ноилож катта кўчага чиқдик. Бошимиз қотиб қолди. Энди қаерга борсак экан? Ҳадемай қош корайиб қолса, кимнинг уйидан паноҳ топамиз? Иккаламиизда бирон-бир хужжат ҳам йўқки, меҳмонхонадан жой сўрасак. Яна шунисиям борки, кўлида дипломат тутган нотаниш бир йигит~билан бир қизнинг Учкўприк марказидек мўъжазгина кўргонда бошпана қидириб юриши дарров кўзга чалинади ва албатта, бу нарса айниқса, милицияни қизиқтириб қолиши турган гап эди.^ц

Ўйлай-ўйлай, нихоят бир фикр «лоп» этиб миямга урилди. Оҳангаронга, Атоникига борсак-чи? Аям билан Доникнинг ҳурмати, қолаверса... Сурайё учун

ҳам у бизга жон деб ёрдамлашиши мумкин. У яшаёт-ган жойга четдан одам бормайди хисоб, ундан кейин милицияси ҳам йўқ. Бу томонда ҳамма гаплар босди-босди бўлгунча у бизни яшириб турса, кейин бирон четроққа чиқиб кетармиз. Ҳеч бўлмаса Исфарагами. Ўша, Доникнинг аям айтган ўртоғи Муқимжон деган-никига.

Шундай қилиб, Атоникига боришни лозим топдик. Катта йўл бошига чиқиб, йўловчи машиналарга қўл кўтариб турувдикки, бир қора «Волга» келиб ёнимизга тўхтади. Ичидা шопирдан бўлак ҳеч ким йўқ. Рулда ўтирган одам бизга тамом бегона, лекин қўзимга ўтдай кўринди. Ёши — 40—45 ларда, кўзлари кулиб турган, истарали эркак. Эгнидаги кийимлари ҳам жо-йида.⁸дири баланд эканлиги шундок кўриниб турипти. «Ёшлар, йўл бўлсин?» — деб сўраганди, «Оҳангаронга», дедик. «Чикинглар, мен Тошкентга кетяпман», деди. Акмал беихтиёр: «Қанча оласиз?» — деб сўровди, у мийифида кулиб кўйди: «Машина ўзимники. Икковларинг йўлда ўнтадан йигирмата латифа айтиб берсаларинг бас, пулларинг керакмас».

Акмал унинг ёнига, мен орқага ўлтириб олдик.

Мен ўшанда бизни машинасида олиб кетган ана шу кишини ҳамон эслашимнинг ўз сабаблари бор. Ўзингизга тушунарлидир. Менинг одамлардан юрак олдириб қўйганлигим, айниқса, катта ёшдаги эркакларга ишончим йўқолиб, улардан чўчиб қолганлигим, бу дунёдаги ҳар бир яхшилик, ҳаттоки икки оғиз ширин сўз ҳам бекорга эмас, деган фикрда бўлганлигим учун алланечук ҳадикда, хавотирда эдим. Акмал ҳам ҳали ўзим каби ёш вағӯр, ким билсин, бу кишия менга сукланиб қолиб бизни яна бирон балога гирифтор этмаса гўрга эди, деб ичимда қўрқиб ҳам турардим.

Йўқ, шубҳаларим бир дам ўз-ўзидан кўтарилиб кетди. Мен ўз умримда илк марта яхши одамлар ҳам борлигини, бу дунёда ҳамма ҳам маккор ва ёвуз ниятли эмаслигини, оддийлик ва самимийлик, ойдинлик ва бегаразлик деган нарсалар ҳам борлигини хис эта бошладим. Ўшанда мен телевизордами, қаерда-дир эшитгандим — дунё ҳўқизнинг шохida эмас,

балки яхши инсонлар кифтида туради, деган гапни эсладим.

Абдухалил ака, у ўзини бизга ана шундай деб таништириди, хушчақчақ, ҳазилкаш ва шу билан бирга, маънодор гапирадиган донишманд киши экан. У бизнинг кимлигимизни, нима иш билан юрганимизни сўрамадиям. Аксинча, йўл-йўлакай кўнглимизга ёқсан ашуаларни қўйиб берди, латифалар айтишдик. Дарвоке, унинг шарти бўйича, биз ўнтадан йигирмата латифа айтиб беришимиз лозим эди. Лекин Акмал тўрттагина айтольди, холос, қолган ўн олтитасига ўзим туриб бердим.

— Менимча, Тахминахоннинг уйларида тез-тез хушчақчақ меҳмонлар тўпланиб туришади, — деди Абдухалил ака мен томон пештоқда турган ойначадан кулимсираб бокиб. Мен унга буни қаердан билдингиз, демадим. «Ха, топдингиз», деб қўя қолдим.

Гапнинг кисқаси, хуш кайфиятда Оҳангарон даво ни этагига қандай қилиб етиб борганимизни сезмай қолибмиз. Илонизи йўллар билан юкорига кўтарила бошладикки, дамим ичимга тушиб кетди. Кўз олдимда аям билан Доник биргаликда намоён бўлишди. Улар шундоқкина қаршимда, гўёки телевизор экранидан караб туришгандек эди. Аямнинг соchlари оппок, тўзиган, юзлари тираналган, қонталаш, кўзларидан ёш куйилиб турипти. Доникнинг афт-ангорини дурустрок илғаб ололмайман, у аста-секин хиракашиб, кўз олдимдан узоклашади. Аям ҳам унинг кетидан кетаётгандек, лекин мендан кўз узолмайди. Мен томон тез-тез ўгирилиб, юзларимга илтижоли боқади. Менга нимадир демоқчи бўлади, лекин мен уни эшитолмайман, тушунолмайман.

Кўзларимни чирт юмиб олганча, дамим ичимда кетяпман. Юрагим дукиллаб уриб боряпти. Бир-бирлари билан ҳамон гурунглашиб кетаётган шерикларим афтидан мени ухлаб қолганга чиқаришган. Машинамиз энг юкорига, аям ҳамиша юрагини чанглаб ўтадиган ўша баландликларга кўтарилигандан кўзларимни хиёл очаман. Беихтиёр машина деразаси томон яқинроқ бош эгиб, туби қоронғулашиб кетган жаҳаннам қаърига кўркув ва даҳшат ичида киё назар

ташлаб кўяман. Энди аямни кўролмайман, фақат унинг ўша жарликлар ичидан, узок-узоклардан «Тахмина-а-а!» деган фарёдини эшитаман.

Ўзимни тутолмай, хўнграб йиғлаб юборибман. Абдухалил ака шоша-пиша машинани четроққа олиб тўхтатди. Акмал ҳам саросимада, у гап нимадалигини сал-пал англаётган бўлса-да, Абдухалил акага ҳеч нима деёлмайди. Унга кўшилиб: «Сенга нима бўлди, ўзингни бос», дейишдан нарига ўтолмайди.

Абдухалил ака мажбур қилиб бир-икки култум. сув ичкизгач, юрагим андак босилгандек бўлди. Йиғидан тўхтаб, уларга тикилганча сўзсиз беҳол ўлтириб колдим. «Ҳечкиси йўқ, хозироқ ўтади-кетади. Ё баландлик ҳавоси еқмади, ё... бирон нохуш воеа кўз олдингизга келди». Абдухалил аканинг шундай дегани қулогимга чалинади.

— Мени кечиринг, Абдухалил ака. Сизни ташвишга солиб кўйдим, — дедим ниҳоят ўзимни бир мунча босиб олгач. — Сиз ҳақсиз. Бир даҳшатли воеа эсимга тушиб кетиб, ўзимни босолмадим...

Абдухалил ака индамади. Машинани қайта юргизаркан: «Бу жойларнинг ўз сиру асрори бордек. Кўп нохушлик худди шу ерда юз бериб туради», деб кўйди. Кейин яна юз метрларча нарироқ боргач, вазминлик билан кўшимча килди:

— Яқинда худди шу жойда... Тошкентдан қайтаётвидим. Куппа-кундузи қаршимдан келаётган бир «Той-ота» шундоқ кўз олдимда пастга кулааб кетди. Мен бу машинадаги одамни танирдим. Мистер Дони ном чиқарган корчалон эди, раҳматли...

Абдухалил аканинг биз учун сира кутилмаган бу гапидан мен тош қотиб колдим. Акмал ҳам унга анграйганча тикилиб қолган.

Мен унга нима дейишими билмайман. «Ўша «Той-ота» бизга қарашли эди, унда аёл киши бормиди? Уша аёл менинг аям эди», дегудек бўлсанам, Абдухалил ака «Мистер Донини танийман», деб кўйди. Ким билади, Дони ҳақида қандай фикрда экан... Эҳтимол, аямнинг ҳам кимлигини эшитгандир.

Шу боис Абдухалил акага бу ҳақда гапиролмас, ундан ҳеч нимани сўролмас эдик.

— Ўша машина... Кўппа-кундузи, дедингиз, кан-дай қилиб қулақ кетди? — Мен унга нафасимни ичга ютган ҳолда шундай дея олдим, холос.

Абдухалил ака пештоқидаги ойначадан менга бир караб қўйди. Не ахволда ўлтирганимни кўрди. Бир дам жимиб қолди. Кейин машинани яна бир четга олиб тўхтади.

— Донининг ёнида бир аёл бор эди, — деб жавоб берди у саволимга. — Мен ўз кўзим билан кўрдим, аёл... рулда ўлтирган Донига чанг солгани, унинг бошига муштлаб-юмдалагани, машина рулини кўриб-билиб туриб жар томонга буриб юборганини... Мен бу ҳақда гувоҳлик ҳам берганман,

Абдухалил ака энди мен томонга ним ўгирилди. Мен ўзимни тўхтатолмай, титраб-кақшаб, унсиз йиг-лаб юборганимни кўрди. Ўйланиб қолди. «Ўзингизни босинг, Тахмина» деди ва вазмин, кўнғироқ товушда Куръон тиловат қилди. Фотихага қўл очдик. «Осий бандаларидан Оллоҳ ўз марҳаматини дариф тутмасин», деди Абдухалил ака.

Шундан кейин бу ҳақда бошқа гаплашмадик. До-вондан бир мунча пастроққа, Атонинг манзилига ўта-диган жойгача учовимиз ҳам ўз хаёлимиз билан жим бордик.

— Биз келдик... Шу ерда қоламиз, — дедим Абдухалил акага беҳоллик билан.

У машинани тўхтатди.

— Омон бўлинглар... — у шундай дея Акмалга юзланди: — Сен йигитсан, Тахминани авайла...

— Раҳмат, — дедим мен ҳамон ёшланиб турган кўзларимни ундан олиб қочишга уриниб.

Абдухалил ака машинасини юргизаркан, ойнадан бош чиқариб; «Мабодо Олтиариқ томонларга йўлла-ринг тушиб колса, менга албатта учрашинглар, — деди. — Тайёрлов идорасида ишловчи Абдухалил ҳожи, десаларинг бас, дарров топиб беришади».

Шундан кейин чакалакзор оралаб пастга томон илонизи бўлиб тушган ёлғизоёқ йўлдан Атоникига кириб бордик. Уйда экан. Эшик олдидаги ёғоч сўри устида милтиқ тозалаб ўтирган экан. Бизни кўриб, аввалига ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин саросима би-

лан ўрнидан отилиб турди-да, биз томонга кучоқ очиб пешвоз юрди:

— Вах, вах, қандай яхши меҳмонлар! Хуш омадед, хуш келибсиз!

Кўришдик. Мен унга Акмални таништирдим. Сурайёning ўғли эканлигини эшишиб, хурсандликдан Атонинг оғзи кулоғига етди.

Бир оздан кейин, дастурхон устида биз Атога бўлган гапларни очиқ айтдик. «Энди орқага қайтиш йўқ, агар хўп десангиз, шу ерда бир оз яшаб турамиз, кейин бизни узокроқка, кўз-кулоқдан ҳолирок бирон жойга ошироворасиз», дедик

Ато бош қашиб қолди:

— Келгандаринг яхши. Лекин бу гаплар... Сурайё нима дейду, падари нима дейду...

— Мен ёш бола эмасман, — жаҳлланди Акмал.— Ким нима деса-деяверсин, ўёғига ўзим жавоб бераман.

— Хўп, хўп, жони азиз, — уни тинчлантирмоқчи бўлади Ато. — Ман азбарои... Сурайё мени сўкмасин, дейман.

— Сўкмайди, — деди Акмал. — У мени туккан онам бўлгани билан мен учун бегонадек бир гап...

— Ҳай, ҳай, тавба денг, — куюнади Ато. — Уни модар дейдилар, модар. Сурайё яхши, жудаям яхши!

Акмал бечорани бошқа гаплардан хабари йўқ, мен ичимда ўзимча кулиб кўяман.

Гапнинг кисқаси, биз Атоникида икки кун турдик. Шу орада... Акмал билан орамизда баъзи ишлар бўлиб ўтди. Биринчи кеча мен ичкарида, эркаклар эса ташкаридаги ёғоч сўрида ётиши. Эртасига эрталаб Ато милтигини кўтариб-отланиб: «Мен айланиб келаман, шомга келаман. Сизлар эҳтиёт бўлинг, бегона кўринса, дарров паноҳ олинг», деб тайинлаб кетди.

Икковимиз ёлғиз қолиб, ўша сўри устида ёнма-ён ёнбошлиб ётарканмиз, турган гапки, беихтиёр ширин хаёлларга берилдик. Мен Акмалнинг анча кизаринкираб, юраги нотинч ураётганлигини, менга нимадир демоқчи-ю, лекин [^]айтишга журъат қиломаётганини сезиб турибман. Ўзим ҳам беҳаловатман. Акмалдан нимадир кутаман, унинг тили учидаги турган аллақан-

дай ширин, лаззатли бир гапни тезроқ эшитгим келади.

— Тахмина... — деди у нихоят ва яна жимиб қолади.

— Нима дейсан?..

— Биз энди... Менга тегасанми?

Мен унинг ёниб турган қўзларига меҳр билан, эҳтирос билан боқаман. Аста қўлимни олиб бориб унинг юзларини, жингалак соchlарини силаб-сийпайлайман.

— Тегмасам-чи? Шундок ўртоқ бўлибми, ака-син-гилми бўлиб қолаверсак-чи?

— Иёқ, мен сени... яхши кўриб қолганман, — Акмал энди мен томон яқинроқ сурилиб, бир қўлини белим устига ташлайди. Мен индамайман.

— Мен ҳам... Мен ҳам сени яхши кўриб қолганман. Лекин...

— Нима лекин? — у энди оёкларим устига бир оёғини ташлайди. Унинг бутун вужуди, овози ҳам қалтираб турипти. Ўзи ҳам шундай.

— Мени... сендан олдин... биттаси алдаб кетган...

— Қўй, бу гапларни. Алдаб кетган бўлса, кетиб бўпти. Мен сени дейман... — У энди мени оғушига тортади.

Ўша кечкурун Акмал икковимизни Ато ичкарига киритиб юборди. У афтидан, Сурайё туфайли Акмал билан қалинлашиб олиш учун шундай қилди.

— Тахмина ичкарида танҳо, сен унга қоровул, — деди у ўз одатicha ўзбекча сўзлардан гап тузиб, — Жой битта бўлса, ўртага лўла қўй...

Акмал иккаламиз ичкарига кириб олиб, «лўла»си нима экан, деб анча бош қотирдик. Кейин топдик: «Битта ўринда ётадиган бўлсаларинг, ўртани болиш билан ажратиб қўйинглар», демоқчи экан.

Ўша кеча мен учун Акмал билан ўтказилган биринчи ва охириги кеча бўлди. Умрим давомидаги энг қиска, бироқ энг лаззатли, юрагимда аллақандай ширин бир орзу, ширин бир умид илк марта куртак пайдо қилган биринчи ва охириги висол кечаси бўлди ў...

Эртасига тонг ғира-ширасида аллақандай шовқин-

сурондан чўчиб уйғондим. Юрагимни ваҳм тортиб кетди; наҳотки бизни қидириб келишган бўлса??

Апил-тапил кийиндик. Акмал ташқарига ўқдай отилди, мен уни тутиб қолишга улгуролмадим. Орқасидан ташланганимча ярим очиқ колган эшик олдидагина тўхташга мажбур бўлдим. Рўпарада... эгнида яктағи дабдала бўлиб, қонга бўялган Ато зўр бериб тўрт нафар ўзига ўҳшаган барваста йигит билан солишаётни. Кўлида ўзи ётган ёғоч сўрининг суюнчик тахтаси...

Бегоналардан ҳам иккитаси қонга беланган. Тўртвиниям кўлида каратэчилар таёқчаси. Гоҳо эпчиллик килиб, кўлидаги тахта билан уларни Ато туширяпти.

Ўртада беихтиёр пайдо бўлиб қолган Акмалга кўзи тушиб, Ато қичқирди:

— Қоч! Қоч дейман! Қочинглар!

Бироқ Акмал унинг бўйруғига эътибор бермади. Учиб бориб сўридан тўрт-беш қадам нарида, ерда ётган милтиқни қўлига олди, бироқ уни ишга солишига улгурмади. Ортидан ташланган бир давангир уни занжирли кўш таёқча билан аёвсиз савалай бошлади. Акмалнинг кўлидан милтиқ учиб кетган, у энди қонталаш юз-кўзларини ёмғирдай савалаётган калтакдан химоя қилишга ўтди.

Энди Ато ўзини ҳам ўйламай, унга ёрдамга ташланди. Акмални савалаётган йигитни орқа томондан бориб бошига тахта билан туширди. Каратэчи бошини чангллаганича, шилқ этиб ерга қулади. Лекин бу нарса унинг ўзи учун ҳам қимматга тушди. Атонинг ҳам ортидан ташланишиб, бир зумда уни ерга кулатиб олишиб-да, кейин учовлон бўлишиб тепкилай кетишиди. Акмал эса кўзларини очолмай қолган, гандирларди холос.

Ортиқ чидолмадим. Дод солиб, зўравонлар устига мен ҳам ташландим. Лекин қўлимдан нима ҳам келарди. Улардан бири келиб чаккамга зарб билан тарсаки тортиб юборди, шундан кейинги бирон нимани эсломлайман.

Хушимга келиб, кўзимни очсан, машинада кетяпмиз. Орқа ўринидикдаман. Икки четимда икки киши, икковиям бошларини боғлаб, устидан оқ суруп қалпокни бостириб кийиб олишган. Мудраб кетишаётни.

Рулдаги йигит билан ёнидагиси ўзларича гурунглабишип боришаپти.

— Лаънати росаям бақувват эканми...

— Ўрмонда бехуда юргани йўқ. Унинг ўрнида сен ҳам бир ойдаёқ айик бўлиб кетардинг.

— Бир-икки соатдан кейин ўзларига келишиб, ортимиздан чопиб қолишадими ҳали...

— Қаёқда. Машинамизни кўришмаган бўлсаям, барибир пиёда эмаслигимизни тушунишади.

— Кимлигимизни сезишмаса бас...

— Сезганда нима. Истам ака бир мўйлов қилса, ўлдириб ҳам юбораверамиз.

Гап нимадалигини англадим.

— Тўхтатинглар, бўлмаса дод соламан! — дедим. Тўртовиям ҳушёр тортиб, менга ўгирилишиди.

— Ўзингизни босинг, хоним, — деди шопирнинг ёнида ўлтирган малласоч йигит кинояли жилмайиб. — Хўроз бўлиб қичқирганингизда ҳам, барибир қўнган қўндоғингиздан нарига учомайсиз.

Мен унинг бетига тупуриб юбордим. Лекин малла соч бундан ғазбламади, тоқа? қилди. Чўнтағидан рўмолча чиқариб арtingан бўлди-да: «Афуски, сени тирик олиб боришга мажбурман. Бўлмаса, шу ернинг ўзида хомталаш килиб ташлардик», деб қўйди. Кейин менинг чап қўлимда ўлтирган, баданидан негадир ке-росин ҳиди анқиб турган эркакка ишора қилди:

— Хонимни аллалаб қўйинг.

Шунда у ён чўнтағидан аллақандай тахлоғлиқ латта чиқариб, юзимга босганини эслай оламан, холос.

Мени атрофи баланд девор билан ўралган дангиллама бир ҳовлига олиб келишган экан. Ичкаримачкиари кириб кетиладиган хоналарда қимматбаҳо жиҳозлар, лекин кўп нарсаларни чанг босиб турганлигидан, бу ерда ҳеч ким яшамаса керак деган фикрга келдим. Ҳовли сахни катта эмас, рўпарадаги кўш канотли темир дарвозанинг тагида боғлоғлиқ катта бир ит ётипти. Яқинлашай десам, бош кўтариб ириллаб қўяди.

Айвонга стол тузиб қўйилипти. Мева-чева, ичимликлар. Ўртадаги лаган тўла бедана кабобни кўриб, кўз олдимга Ато, ундан кейин шўрлик Акмал келди.

Йиглаб юбордим. Нималар қилиб қўйдим? Менинг гуноҳим нима?

Ёнбошдаги диван устига ўзимни ташлаб, тўлиқиб-тўлиқиб йиглаганча ухлаб қолибман. Бир вақт кимдир мени туртди.

Кўзимни очсам, тепамда Истам турипти.

— Тўйиб ухлаб олдингми, Тахмина?

Ўрнимдан беҳол турдим-да, иккала қўлим билан юз-кўзларимни тўсиб олганча ўтирволиб, яна йигига тушдим.

— Ие, нега йиглајсан, тентак? Мен ахир сени нотўғри йўлдан қайтардим, холос.

— Керак эмас. Мен бу ерда яшамайман.

Истам бир дам жимиб қолди-да, кейин ёнимга ўлтириди.

— Жиннилик қилма. Мен сенинг баҳтингни ўйла-япман, холос, — деди у ва бир қўли билан соchlаримни силамоқчи бўлувдики, мен уни силтаб юбордим.

— Мени тинч қўйинг. Мен ўша йигит билан баҳтиман.

— Йўқ. Сен у гадойвачча билан хор-зор бўласан. Сенинг баҳтинг мана шу уйда, баҳт калитинг менинг чўнтагимда...

Мен унинг кўзларига нафрат билан бокдим.

— Сиз ҳали менга уйланмоқчимисиз?

— Хўш, уйлансан нима қипти?

— Мен ахир...

— Сен қари тулки Донини хотини эдинг, шуни айтмоқчимисан?

Мен Истамга ҳеч нима деёлмадим, яна хўрлигим тутиб йиглаб юбордим.

— Бас кил. Бу ерда йиги билан иш битмайди, — деди у ўрнидан туриб. Кейин ҳалиги боғлоғлик ит ёнида турган машина томон қичқирди. — Олиб келинглар, манжалакини!

Ҳайрат ва даҳшат ичидаги бошимни кўтардим. Не кўз билан кўрайки, соchlари тўзиган, ранглари доказек оқарган Сурайёни тушириб, биз томон олиб келишиди.

— Тахмина, нима қилиб қўйдинг? Акмал қани? — Қалтираб сўради Сурайё мендан.

Истам унга ўшқириб берди:

— Ўчир овозингни! Бу ерда мен гапираман!

У шундан сўнг менга юзланди:

— Тахмина, сендан илтимос. Фақат ростини айт.

Агар рост гапирсанг, ўша Акмал деганини тинч қўямиз...

Мен ҳеч нарсани тушунолмай, унга ҳайрат билан тикилиб турибман.

— Сени Акмалга қўшиб Сурайё қочирдими, ёки ўзларинг...

— Бизни ҳеч ким қочиргани йўқ, — дедим Истамнинг нимани аниқламоқчи эканлигини дархол тушуниб. — Биз ўзимиз кетдик...

— Сурайё қаерда эди?

— Бозорчага тушиб кетувди.

— Айтмадимми ахир... — яна сўзга қўшилди Сурайё.

Бу гал Истам унга ҳеч нима демади. Бир четда турган, мен йўлда бетига тупирган ўша малласоч йигитга буюрди:

— Сурайёни уйига элтиб қўйинглар.

Чиқиб кетар чоғида Сурайё мендан қайта сўради:

— Акмал қани, Тахмина?

— Акмал... Ато билан қолган, — дедим-да, шошиб Истамга юзландим. — Менга жавоб беринг. Сурайё билан уйимга кетаман.

Истам бир дам жимиб қолди-да, кейин менга кинояли оҳангда жавоб қайтарди:

— Сен энди бетон уйларга ярашмайсан, Тахмина...

Хуллас, Сурайёни олиб кетишди, мени эса зўрлаб олиб қолишиди. Осмон узок, ер қаттиқ экан. Қафасга тушган қушдек потирлаб қолавердим. Оху додимни бу баланд деворлар оша эшигадиган, ёрдам кўлинни чўзадиган бирон кимсан йўқ эди. Йиғлай-йиғлай кўз ёшларим ҳам куриди. Такдирга тан бердим, бошга тушган савдоларга қўниҳдим, зўравонлик олдида тиз чўкишга мажбур бўлдим. Ўзимни ўлдириб кутилишга эса, журъят қилолмадим...

Бироқ булар ҳали ҳолва эканлигини билмаган эканман, Собир ака. Истам мени шунчалар таҳқирлаб,

шунчалар устимдан мазах қилиб кулдики, у аламлар жароҳати бир умр битмаса керак.

У мени роса бир ҳафта ҳеч қаёққа чиқармай бирга яшади. Иигитлари хизмат қилиб туриши. Мен бу ердаги хўрлик ва танҳолиқдан тўрт-беш кундаёқ адои тамом бўлдим. Ҳафтанинг охирига бориб, мажолсизланиб ўрнимда ётиб қолдим. Оёқ-кўлларим қалтираб, пешонамни муздай тер боса бошлади.

Истам менинг ночор аҳволимни кўриб, бирон нима рўй бериб қолса ғавғога дучор бўлишидан кўркди шекилли, йигитларидан ўшаmallасочга ўз уйига элтиб кўйинглар, деб буюрди.

Мен Истамга савол назари билан боқдим. У ўртамиздаги муносабатларни батамом унуган одамдай лоқайд ва совукконлик билан:

— Биз бугундан бошлаб бир-биrimizga бегонамиз. Мен сени, сен мени танимайсан. Мабодо бирон жойда оғзингдан гуллагудек бўлсанг, жонингдан умидингни узавер. Ана энди Акмалгами, бошқасигами, кимга истасанг тегавер, — деди.

Кўз олдим коронгулашиб, ҳаммаёқ чархпалак бўлиб айлана бошлади. Яна хушимдан кетибман. Кимдир мени даст кўтариб, ташқарига олиб чиққани ва машинанинг орқа ўринидигига чўзилтириб ётқизганини элас-элас эслайман.

Бир вақт устимга тегирмон тошини ётқизиб кўйган-дек сездим ўзимни. Минг азоб билан хушимни йифиб, кўзларимни очдим. Очсан, қайси бир ўтлоқзорда ётибман. Энди ўша mallasoch...

Тахмина шу жойга келганда хомуш тортди. Юз-кўзларини кўллари билан бир дам ишқалаб турди-да, кейин менга юзланди:

— Ана шундай, Собир ака, — деди. — Ҳаётимда бир марта, биринчи марта ёруғ оламга чиқмокчи бўлдим-у, лекин кўзларимни ўйиб олдилар. Бошқалар қатори, tengқурларим қатори тоза ҳаводан нафас олайн, дедим-у, лекин мени бўғиб ташладилар...

— Энди на илож, чекингга тушган қисмат шундай экан, Тахмина, — дедим мен ҳам у чеккан изтироблардан бўғилиб. — Ўлиб кетганларни ёмонламаймиз. Улар туфайли сен шундай бадбаҳтикларга гирифтор

бўлганингни минг гапирмайлик, бундан энди асло фойда йўқ. Лекин сен ақалли шунча воқеалардан кейин кўзингни очишинг, ўзинг учун тўғрироқ йўл танлаб олишинг мумкин эди.

— Шундай дейсиз-у, бироқ ночорликка, танҳоликка дуч келган гўр ёшлик айникса, қаёқка етакласа, ўшаёққа эргашиб кетаверадиган кўйдек гап экан.

— Ночорликка, танҳоликка тушиб қолган гўр ёшлар йўқ эмас, албатта. Лекин ҳаммаси ҳам кўймижоз эмас. Одам дегани худо берган ақлни мундок ишга солади, яхшиларни ўзи қидириб топади, уларга эргашади. Худога шукур, ҳар ҳолда очлиқдан, яланғочликдан ўлиб кетадиган жойда яшаётганимиз йўқ. Ҳалоллик қидирган одам ҳеч вақт хор колмайди.

— Бу айтишгагина осон, Собир ака. Сиз мендақа* ларни атрофингизда йўқ, деб ўйлаяпсизми? Мен сизга, агар керак бўлса, бундайларни топиб беришим мумкин. Энди тасаввур қилинг, кўз олдингизга келтиринг: мен ўшандан кейин ўша ахволда қаерга боришими, кимга учрашиб, ўзимнинг кимлигимни кимга ёрилишим, кимдан яхшилик кутишим мумкин эди?

Мени, ҳали айтганимдек, бир ахволда уйимга келтириб ташлашди. Яхшиям Сурайёнинг борлиги, бўлмаса, ўлиб кетишими аник эди. Икки ҳафтагача ўзимга келолмай ётдим. Кўлимизда бир чака пул йўқ, ҳол сўраб ит ҳам ўрмаламайди. Уйимиздан коқиштириб кетган нарсаларим Атоникида қолиб кетаверди. Уният мелиса олиб кетипти, камаб кўйишибди. Дониклар гурухида аллақандай ишлар билан шуғулланган экан. Менга буни Акмал айтиб берди.

— Дарвоқе, Акмал сени излаб келдими? — унинг сўзини бўлдим.

— Ҳа. Бир марта келиб кўриб кетди. Туркияга ўқишга кетяпман, деди. Мендан узр сўради, нима учунлигини билмадим, йиглаганча қолавердим.

Ўшандан кейин, ягона Акмал ҳам мен билан хайрлашгандан кейин, кўнглимнинг бир бурчагида ҳануз сақланиб қолган бир чимдим умид куртагиям сўлди. Мен энди ҳеч нарсага, ҳеч кимга, айникса, эркак зотига мутлақо ишонмай қолдим. Эркаклар, шундан

сўнг, мен учун у яхшими-ёмонми, ёшми-карими, хунукми-чиройлими, бунинг аҳамияти йўқолди. Уларнинг ҳаммаси бир гўр, мен энди улар устидан кулиб, мазах килиб, эшакдек ишлатиб миниб, улардан керагича ўч олиб яшшим керак, деган қарорга келдим. Мени кечиринг, Собир ака...

— Тушунаман, бу гаплар факат фоҳишабоз эркакларгагина тааллукли.

Тахмина менга «ялт» этиб қараб қўйди, фикримни тушунди. Юзига бир оз норозилик аломатлари юргандек бўлди. Лекин сир бой бормасликка уриниб, гапида давом этди;

— Сурайё иккимиз ҳадемай оёкка туриб олдик. Кейинроқ Феруза опани топдик. Шундай кейин иши-миз юришиб кетди. Жуда кўп шаҳарларни кездик, жуда кўп танишларни ортиридик. Бу орада... Сиздан яширмайман, бир йил ўтириб ҳам чиқдим. Касаллик тарқатганда айблашди. Бир прокурор чол бор эди. Андижонда. Ўша жудаям вахима қилиб юборди. Нима эмиш, фоҳишалар атом бомбасидан ҳам кўра кучлироқ офат. Жамиятга, халққа атом бомбасидан кўра кўпроқ кулфат ва қирғин келтириши мумкинмиш. Сен ҳали шошма, қамоқдан қайтгач, сени барибир топаман, сенга ҳали атомимни кўрсатиб қўяман, деб қасам ичдим. Лекин у ердан қайтгач, уч-тўрт киши бўлиб Андижонга ўтсак, аллақачон ўлиб бўпти. «Қарғиши-мизга» қолди.

Мен Тахминанинг бу гапларидан беихтиёр ичимда кулиб қўйдим, лекин раҳматли прокурор жуда тўғри топиб гапирган экан, деган фикрга келдим. Мен энди ўртага бошқа савол ташламасдан тек ўлтирганимни кўриб, Тахмина ҳам жимиб қолди. Кейин сигарет тутатди.

— Бемаъни ҳасратларим билан сизни роса эздим... — деди хаста товушда.

Индамай ўрнимдан турдим. Туриб бориб, деразадан ташқарига бокдим. Шаҳар ҳали сукутда, сонсаноқсиз неон чироқлар тобора ойдинлашиб келаётган тонг зиёсидан бўзарib бормоқда эди.

— Собир ака, тонг ҳам ёришиб қолипти...

Мен уни тушундим: «Кетсацгиз бўларди» демокчи.

— Эҳтимол бирга кетармиз?..

Тахмина бир дам сукут сақлаб, кейин сўз қотди:

— Бизнинг йўлларимиз ҳеч вақт туташмайди, Собир ака. Менга шундай яхши. Мен энди бунга қўни-киб қолганман.

Шу пайт кутилмаганда эшик қўнгироги кетма-кет жиринглаб қолди. Икковимиз ҳам ҳушёр тортдик.

— Каллаи саҳарлаб... ким ташриф буюрдикин? — хотиржамлик билан сўрайман ундан.

— Бу ерда вақт танламайдилар, Собир ака, — жавоб берди Тахмина. — Иккинчидан, хавотирланманг, бу ерда бирор билан бирорни иши йўқ. Фақат...

— Нима фақат?

— Бу ерда қолдириб кетадилар, бу ердан олиб кетишмайди...

. — Тушунмаяпман.

— Мени олиб кетиш фикрингизни сирам биди-ра кўрманг. Шундагина тинч чиқиб кетасиз... — Тахмина шундай дея шошиб ўрнидан турди. Бориб аста эшикни очди, баҳмал парда орасидан нариги хонани кузата бошлади. Беихтиёр мен ҳам унинг ёнига бордим.

Куйдирги ичкарига бир бесўнақай одамни эргаштириб кирди. Унинг иккала қўлидаям дипломат. Ат-рофга гуп этиб наша ва конъяк ҳиди ёйилди.

— Шамси полвон, — аста шивирлаб қўйди Тахмина. Куйдирги полвоннинг қўллари дагини бир четга олиб қўйди, кейин келиб унинг бўйнига занжир бўлди.— Росаям соғинтирдингиз-ку, Шамси ака!

Полвон ҳам ўз ўрнида уни суйиб-эркалаб, обдон кучоқлаб, кайф аралаш эҳтирос билан дўриллайди:

— Дўндиғим...

— Рости билан мени соғиндингизми?

— Ҳмм... сениям соғиндим, — Шамси бўйнидан Куйдиргининг қўлларини безозор олди-да, тўрирокка қўпол қадам ташлади. — Ухлаб ётувдингми?

— Ҳа. Соқолларингиз ўсиб кетипти, — Куйдирги қўллари билан унинг юзини сийпалади, — бетимни шилиб юборди.

— Мен юрган йўлларда соқол олинмайди. Қани бўл, закус-макускангни келтир, — дейди Шамси креслога оғир чўкаркан. — Тахмина ухляяптими?

— Ҳа... — Куйдирги афтидан «ичкарида одам бор» деган гапни ҳам илова қилмоқчи бўлувдики, улгурмади.

— Мен уйғокман, полвон ака...

Шамси «ялт» этиб Тахмина томон ўгирилади. «Ваҳ, бормисан!?» дея ўрнидан шарт туради-да, киз томон кулоч ёйиб, икки қадам олдинга ташланади. Тахмина ҳам унга томон талпинади. У энди Шамсининг ярим очик кўксига сингиб кетади...

Мен ўз кўзларимга ишонмай қоламан. Нималар бўлянти ўзи?! «Наҳот! Наҳот!?!» дея аччик ҳайрат ичиди ўз-ўзимга беихтиёр савол бераман. Наҳотки ҳозиргина «меники» бўлиб турган, менинг туйгуларим, эҳтиросларим билан ўйнашишга ҳадди сиғиб, тунни мен билан ҳамнафас, бедор ўтказган, менда ўзига нисбатан оз-моз бўлса-да, ишонч ва умид уйғота олган Тахмина шу қиз бўлса?! Эҳа-а...

— Эсон-омон қайтдингизми?.. — ялтоқланади Тахмина. Шамси унинг юз-кўзлари, бўйинларини ялаб-юлқийди. Куйдирги бу ҳолатга мутлақо лоқайд боқади. У стол устига майда-чуйда келтириб қўяркан, полвонга дейди:

— Бир ювениб олсангиз бўлармиди...

— Халақит берма, Феруза, — уни рад этади полвон, Тахминани ўз оғушида эркалашда давом этаркан. — Кейинроқ чўмиламан. Юр, Тахмина, ичкарига кириб чиқамиз.

Тахмина полвоннинг кўкрагидан беозор итарган бўлиб, унинг оғушидан оз-моз бўшалади-да, кейин:

— Ичкарида одам бор, — дейди.

Шамси устидан бир чеклак сув қўйгандек музлайди-қолади. Куйдиргига ўқрайиб боқади:

— Мен сенга айтувдим-ку, Тахминани кўп ишга солма, деб.

— Бугун кириб келишингиздан бехабар эдик, — унга бепарво жавоб беради Куйдирги. — Ундан кейин... шефимиз даромаднинг ранги ўчяпти, деганлар.

— Парво қилма, — дейди Шамси, — Тахмина учун ўзим балогардон.

Полвон билан Күйдиргининг гапларини жим кузатиб турган Тахмина орага кўшилади:

— Мени тинч кўйинглар. Мен эркин қушман. Хоҳлаган пайтимда, хоҳлаган кишим билан яйрашга ҳақлиман.

— Шундай-куя, лекин мен сени ҳеч кимга ўхшатмайман, — ёўлдирайди полвон. — Сени деб ўнтасини калласини олишгаям тайёрман!

— Бу гапларни кўйинг, Шамси ака, — Тахмина уни ховуридан туширмоқчи бўлади. — Пулларингиз ўзингизга сийлов. Мен... Истаган вақтингизда кучоғингиздаман.

Полвоннинг юзи ёришади:

— Кани, юр. Ваннахонага кириб, бирга ювиниб чиқамиз...

Мен энди ортиқ чидолмайман. Томошабин бўлиб тураверишни ортиқча хисоблайман:

— Тахминани тинч кўйинглар!

Шамси полвон ҳам, Күйдирги ҳам, Тахминанинг ўзи ҳам мен томон «ялт» этиб ўгирилишди.

— Эй, сен — тўнгак! Мен сенга айтяпман! — Чапаниликни лозим топиб Шамси полвонга еб қўйгудек ўкраядан.

Шамси полвон кутилмаган дағдагадан бир зум эсан¹ кираб қолади. Кейин дарров ўзини ўнглаб, ўнг кўли билан соқоллари патаклашиб кетган иягини қашиганича, Күйдиргига ўгирилади:

— Бу чурракбоз афтидан, кимга рўпара келиб колганини билмайди чоғи?

Мен Шамси томонга яқинроқ бораман-да, Күйдиргига ўгирилиб дейман:

— Бу бегемот агар Тахминага қўл тегизса, хозироқ чавақлаб ташлайман!

Шамси беихтиёр сергак тортади. У ҳайратга тушган. Сезиб турибман, ичиди хойнаҳой: «Бу тирранча нимасига куччаняпти ўзи! Эҳтимол, каратэчидир. Ё, мелисамикан? Чўнтағида пистолети бўлишиям мумкин. Ҳар ҳолда эҳтиёт лозим. Бунинг устига, келтирилган дориларни хўжайнинг эсон-омон топширишим

керак ҳали», деган фикрлар ҳам кечәётган бўлса кепрак.

У энди буёгини қандай силлиқлашга қийналиб турган ҳам эдики, Тахминанинг ўзи жонига оро кирди:

— Ўзингизни боинг, Шамси ака. Бу киши қариндошим чикиб қолди, ўшанчун рашк ўтида ёняптилар...

— Э-ха-а, бундай денг? — Шамси полвон дархол юзига хотиржам қиёфа берди-да, мендан узоклашиб, креслога бориб ўлтириди. — Қизик, қизик... Нима, меҳмоннинг қариндоши билан ўйнашиш мумкин эмас эканми?

Мен унга: «Қани, гапириб ол-чи», деган маънода хўмрайиб бокиб турибман.

— Меҳмонга мабодо менинг қариндошим тўғри келиб қолса, истаганча ўйнашаверсин. Бундан менинг ҳеч қаерим оғримайди...

— Ориятсиз экансан, хайфи инсон кет! — мен ундан нафрат билан юз ўғириб, Тахминага юзланаман: — Бўл, кийиниб чиқ. Бу ахлатхонани тезроқ тарк этайлик!

Бу гапим энди уй эгаларида қаттиқ безовталик ва ғазаб уйғотди.

— Менимча, сиз чегарадан чикиб кетдингиз! — дейди Куйдирги кошларини чимириб, қўлларини дуркун кўкраклари устида чалиштирганча. — Бизга худди бирон нима ўтказиб кўйгандек гапирасиз-а!

— Ундей деманг, Феруза опа, — ногбҳ орага қўшилади Тахмина. — Бу киши мен учун катта пул тўладилар-у, лекин дийдоримга тўя олмадилар. Менимча, қайтимини олмагунча чикиб кетолмайди...

Тахмина шундай дея ёнимга келади. Унинг юзига энди кечаги бефарқлик ва шаккоклик қиёфаси инган, тунги изтироблар аксидан ном-нишон ҳам қолмаган.

Шу пайт бир лаҳзадаёк... Унинг эгнидаги хитойи халат, оқ ҳарир сийнабанд ўз-ўзидан бирма-бир ечилиб, оёғим остига тушганини, кўз олдимда яна кечаги Тахмина пайдо бўлганини сезмай қоламан. У энди чаққонлик билан менинг елкамга қўлларини ташлаб, вужудимга чирмовуқдай ўралиб олади...

Ҳа, бу мен учун сира кутилмаган даҳшатли бир

ҳол эди. Мен ўзимни йиғишириб ололмайман, уни фақат ўзимдан нари итараман, холос. Куйдирги билан Шамси бундай киликларга ўрганиб кетишган чоги, иккөвиям бир четда бизга масхараомуз қараб туришарди.

Тахминанинг ишораси билан Куйдирги магнитофон тугмасини босди. Аллақандай нотаниш шўх куй янгради. Ялангоч қиз энди мени ўз оғушидан чиқармаган ҳолда, минг бир нағма-усул билан ўйинга солмоқчи бўлади.

— Собир ака, мана мен... Мени тўйиб-тўйиб кўриб олинг...

Мен энди бошқа тоқат қилолмайман. Алам ва нафрат титрофида Тахминанинг юзига зарб билан тарсаки тортиб юборганимни сезмай қоламан. Маккора вужуд гилам устига чалқанчасига ағдарилиб тушади.

Шамси билан Куйдирги котиб колишган. Аста бориб бурчақдаги стол устида турган дипломатимни кўлга оларканман, ортимдан Тахмина яна нозу истигно билан ўрнидан туради. Ҳамон янграётган куй мавжиди мастона тебраниб креслога айикдек чўкиб ўтирган Шамси полвоннинг ёнига боради. Беозоргина унинг тиззасига кўнгаркан, мен томонга ўқинчли бир нигоҳ ташлайди:

— Қайтимини олдингиз, шопир тога. Бу ёғига хафа бўлмай кетинг. Тахмина деган дайди қиз билан бир кеча бирга бўлганингизни унутманг...

Ҳа, мен бугун Тахмина исмли бир дайди қиз билан бирга яшадим, унинг аччик, изтиробли тақдир сўқмоқларини бирга кезиб чиқдим. У мендан ҳеч нимани яширмади, ўз умри давомида биринчи марта учратган ёки топиб олган якин кишисидек билиб, бор кечмишларини мен билан дадил ўртоқлашди. Бироқ унинг тош қотган совук қалби, мен унга астойдил ачингандигимни, унга кўмак кўлимни узатиш имумкинлигини ҳис этолмади. Тахмина менга ишонмади, ишонишни истамади ҳам. Эҳтимол, мен кабилар унга дуч келгандир, лекин хозиргидек иродасизлик ва бебурдлик туфайли улардан ҳеч бирини қалб кўзи билан кўролмаган, ҳис этолмаган, яна ўша тентаклик

ва дайдиликнинг хаёлий ишватларидан воз кечолмай ўтиравергани маълум бўлиб қолди.

Эшикдан чиқиб кетар чоғида яна ёнимда Куйдирги пайдо бўлди:

— Пулинин тўлаган экансиз, билмабман, — дейди у хижолатомуз оҳангда. — Кўнглингизга олманг. Ваъдага мувофиқ Ўшга ўтганимизда, мен сизга бундан ҳам зўрроғини олиб бораман...

— Менимча, биз энди Ўшда эмас, яна ўтган сафаргидек прокуратурада кўришсак керак, Куйдирги...— жавоб бердим унга.

Капитан Суннатов тавсия қилган 13-квартиранинг бир кечалик бўғиқ ва ифлос ҳавосидан кейин енгил нафас олиб, зинапоядан шахдам тушиб кетарканман, Куйдирги орқамдан қичқириб қолди:

— Танидим! Вой, тўхтанг, энди танидим! Кечи-ринг! Саттор шўрбалиқ телефон килса, нима деб кўяйин?

X O T I M A Ÿ R H I D A

Орадан роппа-роса бир йил ўтди.

Редакциянинг ўша топшириғи бажарилмай қолаверди. Бу ҳакда ёзишни кўнглим кўтартмади. Тахминалар, Сурайё ва Куйдиргиларнинг аянчли ва фожиали ҳаётига, уларни ўраб турган манхус қобиқ ичига хаёлан бўлса-да қайта кириб бориш мен учун жуда оғир, ачинарли ва изтиробли эди.

Айниқса, ўша, ҳали гулгун ёшдаги шаккок ва телба табиатли, баъзидаги ғамгин ва жигархун, ўзи билиб билмаган ҳолда ишрат ва қабоҳат қўғирчогига айланниб қолган Тахминани қаламга олишга негадир ботинолмадим, виждоним йўл бермади. Мен унга ғоят ачиндим, ачинганимча қолавердим.

Ўша воқеадан сўнг тез орада хорижга бир йиллик муддат билан мухбирликка кетиб қолдим. Қайтиشا Тошкентга тушдим. Азим шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан бирида такси тўхтатмоқчи бўлиб турувдим, ногоҳ, олдимдан яп-янги «Мерседес» ўтиб бориб, бешён қадам нарироқда тўхтади. Эътибор бермай туравердим. Бир вақт унинг ҳайдовчиси — ёши каттароқ бир одам машинадан тушиб келиб: «Сизни хоним сўраяптилар», деб колди.

Ҳайрон бўлдим. Бориб, машинанинг орқа эшигини очсан, ичкарида қора кўзойнак тақиб олган, ғоят келишимли ёшгина бир жувон менга қараб хиёл табассум қилиб турипти.

— Салом, Собир ака...

Мен уни овозиданоқ танидим.

— Тахмина?!

— Ҳа, топдингиз. Ўлтиринг.

У мени кўярда-кўймай, бир-икки соатга дея қаер-гадир олиб кетди. «Энди чўчимасангиз ҳам бўлар, сизни яхши жойга олиб бораман», деди Тахмина ши-рин жилмайиб. Индамадим. Йўл-йўлакай узуқ-юлуқ ҳол-аҳвол сўрашишдик. Мен унга хориждан қайтаёт-ганлигимни, у эса Тошкентга келиб қолганлиги ва шу ерда яшаб, ишлаётганлигини айтди. Ишонгим келмади.

Шаҳарнинг энг сўлим жойларидан бирида тўхтаб, машинадан тушдик. Қаршимизда пештоқига... «Тахмина» деб ёзилган хушбичим, олди ойнаванд заргарлик буюмлар мағозаси турарди!

— Бу меники, хусусий! — деди у ғуурур билан, менинг ажабланиб турганимни кўриб. «Табриклайман», дедим. Ичкарига кирдик. Қимматбаҳо буюмлар билан жиҳозланган кабинетида ўлтиридик. Мини юбкада юрган чиройлигина бир ўрис қиз бизни кофе ва конъяк билан сийлади.

Мен Тахминани саволга тутмадим. Унинг ўзи бир дам ўтиб, ўтган ишларидан Қисқача хикоя қилиб беради:

— Ўшанда, уйдан чиқиб кетаётганингизда... Нима учун бемаъни қиликлар қилганлигимни сабаблари бор эди, Собир ака. Мени кечиринг. Мен шунга мажбур эдим. Сизни ўша ердан тезроқ чиқиб кетишингизни, мени ёмон кўриб қолишингизни истардим...

Орадан кўп ўтмай, бизникилар ҳаммаси қўлга тушишди. Наша-ю қорадори билан. Суннатов деган бир капитан бор экан. Ўша қўлга туширди. Лекин ўзи ўқ еб ўлди. Пенсияга чиқадиган одам экан, увол бўлди.

Мен бир четда қолиб кетдим. Ўшалардан кутулиб олганимга минг шукурлар қилдим. Ўшандан кейин яна уйга, Сурайёнинг ёнига қайтдим.

Сурайё бечора, мен ундан энди бир умр миннатдорман, мени Тошкентга олиб келиб Мумтоз деганлари билан таништириди. Машхур қўшиқчи бор-ку, ўша билан. У ҳозир артистликни ташлаган, энди^номи чиқкан бизнесмен! Тошкентда савдо дўконлари бор. Мол-мулки бехисоб. Чет мамлакатлар билан алока килади. Мени яхши кўриб қолиб... магазинларидан бирини дарров номимга ўтказиб берди. Сентирда беш хонали уйимиз бор. «Мерседес»имиз, шопиришимиз бор, кўриб турибсиз...

Тахминанинг бу ҳикоясидан юрак-багрим ачишиб, вужудимга титроқ кирди. Капитан Суннатовнинг фожиасидан бир куйсам, Тахминанинг хаётидаги янги фожиға энди устига-устак эди! Эсиз Хуршида, ўз кўзинг билан кўриб кетган бадбаҳтиклар каммиди сенга. Энди қабрингда ҳам жим ётолмайдиган бўлдинг...

— Собир ака, нега жимиб қолдингиз? Наҳотки менинг эндиги ишларим ҳам сизга маъқул тушмаётган бўлса?

Ҳалқумимга нимадир тиқилгандек бўлди. «Йўқ, мен сендан хурсандман» деёлмайман.

— Мен Суннатовга ачинаман. Тўй қилмоқчи эди...— базўр шундай дея олдим, холос.

Шундан кейин гапимиз қовушмади. Турган гап, Тахмина менинг ногаҳоний авзойимдан ажабланди. Кейин ўрнидан туриб бориб, сейфни очди. Ичидан бир неча боғлам доллар олиб келиб, олдимга қўйди.

— Собир ака, мени кечиринг... Мени тўғри тушунинг... Сиз... дадамни таниган ягона қадрдонимсиз.

Мана шуни қабул қилинг. Мен топган бойликларимни кимгаям, нимагаям сарфлардим. Ўзиз биласиз, мен бир умрга танҳоликка хукм қилинган одамман...

Мен унга ачиниш билан бокдим. Индамай ўрнимдан турдим.

— Хайр. Мен кетдим, — дедим кўзлари ёшланиб турган Тахминага. — Бу дунёда пул билан ўлчанмайдиган, ҳеч қандай бойлик билан баҳолаб бўлмайдиган бир нарса бор, Тахмина. У инсонлик шаъни, ғуруридир, бунисини ҳам шояд вақти келиб тушуниб олсанг...

Мен Тахминанинг ташвиш ва саросимада, ички бир алам ва изтироб титрофида: «Ақалли машинада олиб бориб қўйайн?» — дейишига ҳам кўнмадим.

Шундан сўнг ортимдан унинг:

— Мен сизни барибир топиб оламан! — деб қичкирганини эшитдим, холос.

Сершовкин кўча ёқалаб ўйчан қадам ташлайман. Ўз ишлари, ташвиш ва қувончлари билан шошиб турган одамларга бепарво бокаман. Хаёлимда фақат Тахмина чарх уради. Ҳамон гўл, ҳамон баҳтиқаро, жирканч фахш ва очкўзлик риёкорлари қўлида навбатдаги қурбонлик учун бўғизланган гумроҳ Тахмина...

Кулогум остида унинг сўзлари жаранглайди:

— Собир ака, нега жимиб қолдингиз? Наҳотки менинг эндиғи ишларим ҳам сизга маъкул тушмаётган бўлса?...

Рўпарамдан чиққан кўпқаватли улкан бир бино олдига етганимда хаёлим бўлинади. Беш-олти нафар ёш-ёш йигитлар пастан турив ана шу иморат пештоқи томон «XXI аср: Ассалом, соғлом авлод!» деб ёзилган шиорни узатишяпти. Улардан бири шу пайт ёнгинадан ўзаро шодон чақ-чақлашиб, кўлларида гул-

даста билан қаёққадир илдам ўтиб бораёттан бир гурух толиба қызларга маҳлиё бўлиб қолиб, шеригидан дашном еди:

— Ўтган-кетганга оч бўридек тикилавериб кон килдинг-ку, Мирза!

Дашном еган ўша Мирза деганлари оловдек гуркираб ўтган қизлар дастаси ортидан ҳамон кўз узмай туаркан, кутилмаганда мен томон савол ташлайди:

— Яхшининг юзи жаннатдур, ани кўрмак ғаниматдур! Шундай эмасми, амаки?

Бир дам секинлаб, унга жавобан беихтиёр ҳамфирлик маъносида бош кимирлатиб кўяман-да, яна йўлимда давом этаман. Кўз олдимда яна дайди киз Тахмина жонланади, кўнглим ғаш тортади...

ҚУМҚҮРГОН МАЛИКАСИ

Иккинчи цисм

ЎШАНДАН КЕЙИН..

— Мен сизни барибир топиб оламан!

Тахминанинг бу сўзлари қулогум остида ҳамон жаранглайди. Бироқ ўшандан кейин биз бошқа кўришолмадик. Эҳтимол, ўша ғурбатли ҳасрат кечасини эндиликда кўним билиб яшаётган, бироқ ўзини куршаб турган мастона мухит қобигида яна сохталик, ҳавойилик, кечириб бўлмас разолат заҳри яширинганидан бехабар Тахмина ўз хотирасидан батамом ўчириб ташлагандир.

Аммо мен уни унугулмадим. Бунга кўнига олмадим. Ўйларимда, хаёлларимда, кўпинча уйқусиз, безовта тунларимда Тахмина кўз олдимда қайтадан жонланади. У билан хаёлан сўзлашаман, унинг ўтли ва ишвали нигоҳлари, гоҳ соддадиллик, гоҳ маккорлик билан синовчан боқишли, жарангли кулишли мени тарк этмайди. Гумроҳ ва баҳтиқарб кизнинг алами, ситамли кечишлари юрагимни ҳамон тирнайди.

Ахийри бўлмади. Тахминани ўзим қидириб топмоқка ахд қилдим. Хаёлимда ўз жигарбандимдек бўлиб қолган ўша дайди қизнинг кейинги саргузаштлари ва кисматидан вokiф бўлмоқ ниятида йўлга чиқдим. Ва нихоят, энди Тахминанинг эмас, балки Тахмина ҳақидаги менинг ҳасратларим қоғоз бетига тушди...

I

Эрталаб эндинигина иш бошлаган «Тахмина» жавоҳирот мағозасига ўйчан ва хоргин қиёфада вазмин қадам ташлаб, йигирма беш ёшлар чамасидаги бир йигит кириб келди. Кўлида ранги ўчган ихчам жомадон, ташқарида май ҳавоси дурустгина исита бошлаганига қарамай, эгнидаги анча унишиб қолган плашининг учала тугмасини ҳам қадаб олган, бўйнида қизил

галстук, оёғида түмшүғи түмтөк эскироқ жигарранг туфли. Ўзи оқсарықдан келган барваста гавдали, бироқ құнғироксоң яланг бошини хиёл әгік тутиб, ат-роғға аллақандай ҳазин ва бефарқ боқишидан бу йигитни ё хастароқ ёки бўлмаса, кифтида бирон мушкулот юки бор, деб гумон қилиш мумкин эди.

Мағоза ичида ҳали биронта харидор йўқлигига ана шу ғайриоддий, афти-ангоридан бу ерликка ўхшамай турган бегона ёш эркакнинг кириб келиши ташкарига хаёл сурганча термулиб ўтирган кўхликкина сотувчи қизни сергак тортириди. Бироқ йигит пештакта ортида гунча лабларини қимтиб, унга ҳадик аралаш жим тикилиб турган бу қизга мутлақо лоқайд бир киёфада яқинлашиб, унга мулойимлик билан мурожаат қилди:

— Кечирасиз, синглим. Мен... Тахминани кўрмокчидим.

Сотувчи қиз бир оз енгил тортгандай бўлди. Бироқ йигитнинг «ҳафсалани пир қилувчи» уст-бошига зимдан кўз югуртириб оларкан, бир дам иккиланиб қолди. Кейин унинг ҳамон ўзига илтижоли боқиб турганидан ноилождек, жавоб қайтарди:

— Тахмина хоним бугун ишда йўқлар, дам оляптилар.

— У ҳолда, менга унинг уй адреси ёки телефонини беролмайсизми?

— Кечирасиз, бунинг иложи йўқ.

— Эҳтимол, унга ўзингиз телефон қиласиз?

Сотувчи қиз бу одам билан ортиқча «пачакилашиб» ўтиришни лозим топмади. Бурчақдаги қизил духобали парда тортиб кўйилган томонга юзланиб, қўнғироқ овозда чақириди:

— Наталья, вийди на минутку!

Бир дам ўтмай, ичкаридан калта юбкали, келишимли, дўмбокқина, тилларанг қуюқ сочи елкасини қоплаб турган, ёши каттароқ бир ўрис қиз чиқди:

— Что, Гулбаҳор? — у шундай дея, қаршисида турган бегона йигитта юзланди ва энди соғ ўзбекча талаффузда сўради: — Сизга нима керак, ақажон?

Йигит ўрис кдзнинг шакаргуфтторлигидан завқлашиб, кўзлари хиёл қисилгандек бўлди.

— Менга...

У мақсади нималигини айтиб қўя қолди. Шундан кейин Наталья ҳам йигитга сезилар-сезилмас шубҳали назар ташлаб, илова қилди:

— Биз хонимни дам олиш куни безовта қилолмаймиз.

Йигит кутилмаган бу ҳолдан бир дам каловланиб қолди. Кейин яна илтимос қилди:

— Ҳеч бўлмаса, унинг эри Мумтоз амакини қаердан топишим мумкинлигини айтсангиз.

— Мумтозбек жанобларининг иш жойларини билмаймиз. Эртага келинг. Тахмина хоним шу ерда бўлалилар.

Наталья шундай дея ортига бурилиб, яна ичкарига кириб кетмоқчи бўлувдики, йигит уни тўхтатди:

— Мумтозбек жаноблари менинг қариндошим бўладилар, уларнинг уйларида Сурайё деган аёл яшайди, балки танирсизлар?

— Ҳа, таниймиз, — Наталья билан Гулбахор беихтиёр кўз уриштириб олишиди. — У аёл кимингиз бўладий?

— Мен... ўша аёлнинг ўғли Акмал бўламан. Узокдан келяпман. Чарчаганман. Эртагача кутишнинг иложи йўқ, мени тушунинглар.

Қизлар аввалига бир-бирларига маъноли боқиб қўйишди-да, кейин сира кутилмаганда булатли осмонда бирданига офтоб чараклаб кетгандек бўлди.

— Шуни илгарироқ айтсангиз бўлмасмиди? Сурайё холага йўл очик. Мен ҳозироқ адресларини ёзиб бераман.

Наталья шундай дея ичкарига кириб кетди. Акмалнинг хаёлидан «Демак, Тахмина билан бирга эмас...» деган фикр ўтиб, юраги ачишгандек бўлди. Бироқ ўзининг ҳозирги ночор қиёфасидан, «Тахмина хоним» ёки «Мумтозбек жаноблари»нинг якин одами эмас, балки шунчаки бир «Сурайё холанинг ўғли» эканлигидан мана шу кибру ҳаволи қизларда ортиқча ачиниш ва шафқат ҳиссини уйғотиб қўймаслик учун ўзини кўлга олди. Мағоза пештахталарини тўлдириб турган қимматбаҳо буюмларга бепарво кўз югуртипаркан, яқйнлашиб келаётган ғоят интиқли, кувонч-

ли ва шу билан бирга, жиддий ва изтиробли учрашувнинг ҳаяжони, титроғи вужудини қамраб олаётганини ҳис этди.

II

Телефон жириングлади.

Мовийранг чўнг ванна ичида бўйнигача зилол сувга чўмиб, узала тушиб ётган Тахмина кўнғирокқа эътибор бермади. Ҳатто кўзларини хиёл очиб ҳам қўймади, шу тобда у фараҳли бир туйғу, аллақандай ёқимли бир огуш тафтидан беҳол ва сармаст эди. Уни ўз паркувларида қайси бир чаманзорлар оша беозор кўтариб, мастона элитиб бораётган ботиний ширин хаёллар эса ана шу ҳаловат сели билан қоришиб, томирларида бу вақт кон эмас, гўё олов югуриб тургандек эди...

— Тахмина...

— Нима дейсан?..

— Биз энди... Менга тегасанми?

Мен унинг ёниб турган кўзларига меҳр билан, эҳтирос билан боқаман. Аста қўлимни олиб бориб унинг юзларини, жингалак соchlарини силаб-сийпаб қўяман.

— Тегмасам-чи? Шундоқ ўртоқ бўлибми, ака-сингилми бўлиб қолаверсак-чи?

— Йўқ, мен сени яхши кўриб колганман, — Акмал энди мен томонга яқинроқ сурилиб, бир қўлини белим устига ташлайди. Мен индамайман. Унинг бу иши менга хуш ёқади.

— Мен ҳам... мен ҳам сени яхши кўриб қолганман. Лекин...

— Нима лекин? — у энди оёқларим устига бир оёғини ташлайди. Унинг бутун вужуди, овози ҳам титраб турипти. Ўзим ҳам шу холдаман.

— Мени... сендан олдин биттаси... алдаб кетган.

— Кўй бу гапларни. Алдаб кетган бўлса бўлти. Мен сени дейман. — У мени ўз огушига тортади. Мен унинг вужудига сингиб кетганман...

Хозир Тахминанинг хаёлида бир вақтлар ўз бошидан кечирган, юрагига бир умр муҳрланиб қолган ана

шу лаззатли лаҳзалар бежиз жонланаётгани йўқ эди. Бугун тонгга яқин ғалати бир туш кўрипти. Аллақа-ерда тумонат одам тўпланган, ўртадан кий-чув, йиги-сиги овози эшитилиб турганмиш. Тахмина биргина ичкўйлакда, ялангоёқ, дир-дир титрармиш. Вахимадан нафаси бўғзига тикилганча одамлар тўдасини ёриб ўтиб борса, йўл устида ўзларининг «Мерседес» машиналари ловуллаб ёниб турганмиш. Халойик энди Тахминани кўриб, йиги-сиги ўрнига, ўртада гўё катта гулхан ёняпти-ю, унинг атрофида келин-куёв айла-наётгандек, қарсак чалишиб, «Ёр-ёр» айтишаётгандиши. Тахмина эса дод солиб: «Тўхтанглар! Бу машинани ёқманглар! Ичиди Мумтоз бор!» деб қичкирармиш. Машина ичидан шу пайт Мумтознинг қип-қизил қонга бўялган боши кўриниб: «Тахмина-а! Мени кутка-аз!» дея дод сола бошлаган эмиш. Тахмина ўзини гулхан ичига отаман деса, икки киши унинг қўлларидан маҳкам тутиб, орқага тортармиш. Шу пайт қаршиисида қаерданам Ўқтамбек пайдо бўлиб, қовоғиниуюб, халиги одамларга: «Бу бевафони ушламанглар. Уни ўз ҳолига кўйинглар. Ўша тўнка Мумтози билан бирга ёниб кетсин!» — дермиш. Одамлар унга қулоқ солишиб, Тахминани ўз ҳолига кўйишипти. Шунда Ўқтамбек келиб, энди ўзи уни гулхан томонга судраётгандиши. Тахмина унга[^] «Қўйвор мени! Мен ўзим ёнаман!» — деб қичкирса, Ўқтамбек нукул: «Сен ўзинг ёнмайсан. Мен ҳам ёнаман, уволим сенга, уволим сенга!» — дермиш. Бир вакт даҳшатли қиёфага кирган Мумтоз машина ичидан қўлларини чўзиб, Тахминанинг ичкўйлагидан ўзи томон торта бошлаётган эдик, қаерданам баҳайбат бир оқ от пайдо бўлиб қолипти. От устида ўтирган чавандоз бир зумдаёқ Тахминани Мумтоз билан Ўқтамбекнинг чангалидан қутказиб олиб, уни ўз олдига миндириб олипти. Тахмина бундай қараса, от устидаги чавандоз... Акмал эмиш! Тахмина ўпкаси тўлиб йиғлар, дир-дир титрармиш. Акмал унга: «Қўрқма, Тахмина, энди улар сени ушлолмайди», дермиш. Шу пайт ҳалиги оқ от ўз-ўзидан канот чикариб, учиб бораётгандиши. Атрофларида оппоқ булутлар гала-гала сузиб юрганмиш...

Тахмина Акмал билан ўша-ўша хайрлашганича бош-

ка юз кўришганлари йўқ. Чиндан ҳам у Туркияга ўқишига кетдими-йўқми ёки бошқа жойда яшаяптими, буёғи номаълум. Онаси Сурайёки уни ахтармагач, Тахмина нима ҳам қила оларди. Буёғи Мумтоз...

Сурайёнинг ҳам, Тахминанинг ҳам дарди ичидা. Бироқ бир кунмас бир кун Акмал уларни қидириб, ўз оёғи билан кириб келишига ишонадилар. Акмал, Акмал...

Телефон яна жириングлади.

Тахминанинг кўзлари ҳамон юмуқ, у энди Тошкентга, Мумтознинг даргоҳйига келиб тушгандан кеийин хаётида рўй берган роҳат-фарогатли дамларни хаёлидан кечирарди. Сурайё унга: «Кел энди, мен сенга оналик қилайин. Амакимнинг бир ўғли бор. Ўзинг билган машхур хофиз Мумтозбек. Оиласидан ажралган. Ёши сендан анча катта бўлсаем, кирчиллама йигитдек. Давлати беҳисоб. Ўшанга тегсанг, баҳтингни топиб кетасан», деди. Сарсону саргардонликдан, хўрликлардан, муҳтожлик ва ёлғизликдан ёш боши билан эзилиб, адойи тамом бўлаёзган Тахмина Сурайёнинг таклифига розилик билдириди. Мумтознинг ўзиям чакки эмас, Сурайё айтганча бор экан. Тахминани кўрди-ю, унга ошиқу шайдо бўлиб, ўзини кўяр-га жой тополмай қолди.

Мана, худо энди унга тайинли уй-жой, мол-дунё, конуний ва серсавлат, обрў-эътиборли эр насиб этди. Кечагина кимсан, қўлма-қўл бўлиб юрган фоҳиша Тахмина бугунга келиб «Тахмина хоним», яна кимсан — «Жаноб Мумтозбекнинг жуфти ҳалоли» бўлиб турибди. Азим шаҳарнинг казо-казолари, манаман деган бойвачча йигитлари унга таъзим билан эгиладилар. Унинг нозик қўлларидан бўса олиш, у билан ракс тушиш ёхуд унинг ёнгинасида бир дам ўтириш баҳтига мушарраф бўлиш учун ҳар қанча қурбонликка тайёрдирлар. Шунинг ўзи ҳазил гапми?

Тахмина энди ўзини чиндан ҳам баҳтли ҳисоблай бошлади. Илгариям у баҳт тушунчасини кам-кўстсиз, роҳат-фароғатли ҳаёт кечиришда, деб тушунарди. Ўз уй-жойларига, дўстларига эга бўлган, тўкин-сочин ва хушчақчақ яшаётган одамларни кўриб: «Қандай баҳтли кишилар-а!» деб қўярди ўзича. Шунинг учун ҳам у

энди эри Мумтознинг хурматини, иззатини жойига кўйиш билан бирга, Мумтоз ёрдамида пул, мол-дунёйифиши, бошқа давлатмандларга қараганда яхшироқ кийиниш, яхшироқ яшаш, «ҳамманинг олдида бўлиш», ўз ёши ва хусну жамолига яраша қадру киммат топиб яшашга интилди.

Мумтоз Тахминани қизғанишдан ҳам ва албатта, ўзидан кариб ўттиз ёш кичик бекани етаклаб юришга баъзилардан хижолат чеккандан ҳам уни ўтиришларга, зиёфатларга камроқ олиб чикарди. Тахмина эса бунга унчалик эътибор бермас, у кўпроқ-ўзи билан ўзи, ўз иши ва кувончлари билан банд эди. Баъзан бирон меҳмондорчилик ёки базмда иштирок этиб қолган такдирда эса, у ўзи билан ёнма-ён ўтирувчи Мумтознинг ёши катталигидан, унинг айниқса, кейинги пайтларда анча корин кўйиб, бесённакайлашиб қолганидан хижолат чекмасликка ёки ичидагини сиртига чиқармасликка ҳаракат қиласарди. Аксинча, жўрттага бўлса-да, ўзини ана шу эркак билангина баҳтиёрдек турли нағмалар кўрсатиб, бошқаларни атайлаб кўйдирар ва бу билан албатта, Мумтоз олдида ўз мавқенини мустаҳкамлаб борарди. Ўз ўрнида, Мумтоз ҳам бундан ўзича қувонар ва унинг Тахминага нисбатан ишонч ва садоқати тобора ортар эди.

Бироқ ҳаёт — ҳаёт экан. Томири тўрт томонга қулоч отган эски дараҳт бошқа-ю, эндини гуркираб яшнаётган ниҳол бошқа экан. Бу ниҳол табиий равишда барибир ўзи учун зарур бўлган нарсаларга ташналиқ сезар ва уни барибир кидириб қоларкан. Эндини куч-кувватга тўлиб чирой очган, ҳар хил ташвишлардан холи ва энди ширин ҳаёллар суриши учун вақти кўпроқ бўлган Тахмина ҳам бир кун келиб ўзи учун нимадир етишмаётганини, жуда-жуда етишмаётганини хис этди. Ёшлик түғёнини жиловлаб бўлмас экан, шиддатли селдек бебош ва ўжар бўларкан, унга ҳар қанча тўсик кўйманг, барибир бир жойдан кўпориб чиқаркан.

Кунларнинг бирида Мумтоз Тахминани Иброҳим ҳожи деган бир давлатманднинг аллақандай муносабат билан ресторонда берган дардабали зиёфатига олиб борди. Ана шу зиёфат чоғида Тахмина ҳожи-

нинг латиф, хушрўй ва хушқомат, ҳали уйланмаган ўғли Ўқтамбекни кўриб юраги беихтиёр «жиз» этиб қўйди. Ўқтамбек ҳам қимматбаҳо лиbosлару, такинчоқларда ёниб, яйраб-яшнаб ўтирган ўзи тенгкур Тахминанинг қўғирчиқдек ихчам, келишимли қадду қоматидан, ловуллаган хуснidan, ўткир нигоҳлари-ю афсункор табассумларидан лол қолиб, ўзини йўқотиб қўяёди. Ўқтамбекни бунчалик тароватли, ёшгина. Тахминанинг ёнида керилиб ўтирган, қуюқ қора соchlари ялтираб, қиликлари ва юзларидан ҳамон ҳаёт шавки барқ уриб турганлигига қарамай, ёши барибир бир жойга яқинлашиб борганлиги аён ҳофиз Мумтозга қандай қилиб хотин бўлиб қолганлиги ажаблантиради.

Аслида биргина Ўқтамбек эмас, зиёфатда иштирок этаётган, «номуносиб никоҳ» бекасини биринчи бор кўраётган кўпчилик мәхмонлар ҳам — аёллари ҳасаду, эркаклари ҳавас билан Тахминага ўгринча боқиб қўйишарди. Буни сезиб, хис этиб ўтирган Тахмина эса; ич-ичидан фурурланиб, роҳатланар ва жўрттага ўзини-ўзи янада эркинроқ тутгани ҳолда, минг бир хил таманнолар қиласади.

Зиёфат чоғида, у ўз атрофида гирдикапалак бўлиб қолган Ўқтамбек билан атайнин бир-икки бор пинхона кўз уриштириб, унга маънодор табассумлар ҳадя этди. Шу ўйл билан Тахмина Ўқтамбекнинг «ичига қўйиб юборган бурга» тезда ўз хунарини кўрсатди. Йигитнинг бошдан оёқ бор вужудини қитиклаб, уни энди қаттиқ саросима ва иситмага солиб қўйди. Иш шу даражага бориб етдики, хайрлашув чоғида Мумтознинг бошқалар билан овора бўлиб турган пайтини пойлаб, ҳали қўй оғзидан чўп олмаган Ўқтамбек сира кутилмагандан аста унинг ёнига яқинлашиб, қалтирок паст овозда: «Мен сизни севиб қолдим», дейишга журъят қиласди.

Ўша-ўша, ҳали қайси бир олийгоҳда ўқиётган, отонасининг иссиқ бағрида, уларнинг меҳри ва саховати билан беташвиш яшаётган, ёшликтининг исёнкор табиий туйғулари ҳали қалбига чўғ солиб улгурмаган ана шу навниҳол йигит унга ёпишди-колди. Тахмина ҳам қачонлардан бери кутаётган кишиси ҳаётига ки-

риб келгандек кувониб, ташналик ва интиқлиқ билан Ўктамбекнинг илтижо ва эҳтиросларига осонгина ён босди. Мана, неча вактдирки, улар Тахминанинг манекенчи опахони ва сирдоши Сожида деган аёлнинг уйида ахён-ахёнда учрашиб турадилар.

Тахмина бугун ҳам Ўктамбек билан бўладиган навбатдаги учрашувни кўз олдига келтириб, ёш ва бақувват, чиройли ва ҳароратли йигит билан ўтказиладиган висол онлари ҳаловатини хаёлан хис этмоқчи бўларди. Бироқ унинг хаёlinи бугунги кўрган туши, оқ от устида Акмалнинг тўшига қапишганича учеб бораётган ва шу аснода, бир вактлар Акмал билан бирга кечирган ўша унутилмас, ҳаяжонли дамлар банд этаверди.

Телефон энди устма-уст, узок жиринглади.

Хушёр тортган Тахмина кўзини очиб, ваннадан аста бош кўтарди. Кейин хиёл жилмайганча ёнбошдаги тумба устида турган телефон гўшагига қўл узатди.

— Алло?

— Хайрият, бормисиз жоним? — Мумтознинг овзи эшитилди.

— Қанака эркаксиз ўзи, тинчгина ювишишгаем қўймайсиз.

— Узр, жоним, узр. Мен сизни ухлаб қолдимикин, деб ўйлабман. Гап шундаки...

— Шу бугун гапдан бўлак нарса йўқми, бегим? — ҳамон араз оҳангি аралаш мулойимлик билан унинг сўзини бўлди Тахмина.

— Ҳа энди... Бугун бемалол дам олишингизни олдиндан чўтлаб...

— Ундей бўлса, яна нега безовта қилаяпсиз?

— Гап шундаки...

— Тўхтанг, тўхтанг, — Тахмина уни яна бўлди.— Каллайи сахарлаб индамай чиқиб кетибсиз? Ҳозир каердасиз?

— Ишдаман. Сахар чайқовга тушдим. Иккита зўр кучук сотиб олдим. Кўргонга обориб ташладим.

Мумтознинг бу гапидан ҳозир кайфияти анча яхши, гапга чечан Тахминанинг шўхлиги тутди. Эрининг суяқ ғажишини чунонам яхши кўришидан ит лақаби борлиги эсига тушиб, киноя билан сўради:

— Битта Күргонга нечта ит керак ўзи?..

Мумтоз уни дарров тушунди. Илмоқли гапга яраша жавоб қайтариш лозим эди:

— Күргон учун биттаси етарли, албатта. Лекин малика бирон кун ёшлигига бориб «запасной» ит қидириб қолмасин, деган хавотирда олдиндан тадоригини кўриб қўйдим.

Тахмина ҳузур билан қикирлаб қулиб олди-да, кеъин Мумтозга илтифот билдириди:

— Энди мақсадга ўтинг, бегим.

— Хайрият, — гўшагдан Мумтознинг енгил тортгани сезилди. — Гап шундаки, бугун тушдан кейин Кутбидцин Салохий жаноблари келарканлар. Аэропортга чикаман.

— Наҳот?! Қандай яхши! — ҳаяжонини ббсолмади Тахмина.

— Тўғри Кўргонга олиб ўтаман, эҳтимол шериклариям бордир. Демак, гап бундай: Соат олтиларга беш-ўн кишилик стол тузашсин. Ҳалироқ мен сизга машина жўнатаман. Қачон тайёр бўласиз?

— Мени... ҳали анча ишларим бор, Сожиданикига ўтаман. Маникюр қилдиришим керак. Сочларим ҳам бир аҳволда.

— Тушгача улгуарсиз, ахир?

— Ҳа. Машинани соат бирларда Сожиданикода кутаман.

— Бўпти. Дарвоке, Сожида ҳам борсин. Норинни ўшангга қилдиринг. У ерда Зилолани ҳам чақиарсиз. Қолган ишларни Сурайё иккови бажаришади. Сиз кўз-кулок бўлиб турсангиз бас.

— Хўп бўлади, бегим.

Тахмина гўшакни жойига кўяркан, энди унинг хаёлини меҳмон, йирик сармоядор Қутбиддин Салохий банд этиб туради.

... Ўтган йилнинг ёзида Мумтоз икковлари тижкорат ишлари билан чет элга боришувди. Энг гавжум ва сершовқин марказий майдонлардан бирида жойлашган йирик мебел мағозаси ана шу жанобга тегишли экан. Улар мағозанинг ҳашаматли намойишгоҳида ақлни лол қолдирап даражада чиройли ишланган ранго-ранг, турли хил шакллар ва йиғмалардаги қиммат-

баҳо гарнитурларни ҳавас билан томоша килишарди. Шу пайт кутилмагандың ёнларида новчадан келган, хушкомат, қора соқоли тиник ва бежирим юзига хўб ярашиб тушган, қисиқрокдан келган кулранг кўзлари сеҳрли бокувчи ўрта ёшлардаги башанг кийинган бир одам пайдо бўлди.

У аввал ўзини таништириди. Мебелсозлик фирмаси ва шу мағозанинг хўжайини Кутбиддин Салоҳий эканлигини айтди. Сўнгра Мумтоз ҳам ўзини ва Тахминани унга таништириди. Шундан кейин Кутбиддин уларни ўз кабинетига, бир пиёла чойга таклиф килди. Қисқагина сұхбат давомида Кутбиддин тошканлик меҳмонларни нималар қизиқтираётганини сўради. Мумтоз ҳам ўзининг йирик фирма соҳиби эканлиги ва бир нечта савдо дўқонлари борлигини, хотини Тахмина эса жавоҳирот билан савдо қилишини, айни пайтда уларни унчалик қиммат бўлмаган, ҳаммабоп чиройли мебел гарнитурлари қизиқтираётганини айтди.

Бундан Кутбиддин жудаям хурсанд бўлиб кетди ва уларга маҳкам ёпишиб олди.

— Ҳар қанча мебел бўлса, сизларни мен ўзим таъминлайман, — деди у чуқур мамнуният билан. — Нархи ва пули масаласида хижолатга кўймайман. Ўртада ишонч, кафолат туғилган тақдирда, ҳатто насияга ҳам иш кўриш мумкин...

Тахминанинг ҳамон кўз ўнгиди, ўша сұхбат чоғида Кутбиддин унинг хусну жамолидан каловланиб, юраги гумириб, Тахминага Мумтоздан пинхона бир неча бор суқланиб олди. Эртасига ўзига қарашли, юксак марта-бали меҳмонлар учун мўлжалланган Лолазор номли истироҳат кўшкида уларга зиёфат берди. Ана шу қабул чоғида оврупocha расмий ақида баҳонаеи билан Тахминанинг нозик кўлларини беозор тутганича^{унга} лаб босаркан, Кутбиддиннинг бор вужудини ички бир қалтироқ ва ҳаяжон қамраб турганлигини ҳам у сезган. Ўшанда Тахмина жўрттага, ана шу ажнабий давлатманд эркакни «пичоқсиз сўйиб қўйиши» ниятида унга бир-икки бор хиёл кўз қисиб, маъноли табассум ҳам ҳадя этиб қўйди. Шунинг ўзиданоқ ўлиб бўлган Кутбиддин бутун ўтириш давомида унга ҳам, Мумтозга ҳам кўп илтифот ва хушомадлар кўрсатди. Хайрлашув

чоғида эса Тахминага битта олтин узук ва «Шаби Шахризод» деб атамыш қимматбаҳо ички кийимлар гарнитурини ҳадя этди, Тахмина бу совғалар билан жаноб Кутбиддин нималарга ишора қилаётганини ҳам англади, албатта, Айниқса, гап орасида Кутбиддин улардан: «фарзандларингиз ҳам бордир?» — деб сўради. Мумтоз унга очиқкўнгиллик билан: «Ҳозирча йўқ. Тахмина хоним болалик чоғида жиддий бир хасталикни бошдан кечирган экан. Алалхусус, тўла даволаб ултурганимизча йўқ», деб жавоб қайтарди. Шунда Кутбиддин: «Бу масалада биздан яхши жой йўқ. Келсалар, зўр дўхтурларга ўзимиз қаратамиз» деганида ҳам, бу гап замирида қандай ният ётганлигини сезган.

Ўшандан кейин яна икки кун Кутбиддин улардан ажрамади. Шаҳар ва унинг атрофларини ўз машинасида хўп томоша қилирди. Улар энди анча қалинлашиб қолишган, бироқ Кутбиддин барибир юрагини кемираётган пинхона туйгуни хатто бирон ишора билан ҳам юзага чиқаролмади. Буни сезиб, ич-ичидан хузур қилиб юрган Тахмина ахийри хайрлашув чогида юқоридаги «даволаниш» масаласини баҳона қилиб, бечорага ўзи ёрдам қилди:

— Жаноб Кутбиддин, кеча сизга бир гап орасида Мумтозбек Тошкентда менга атаб сарой курдираётгани ҳақида айтувдим, чоғи.

— Худди шундай, хоним. Ёдимда бор.

— Ҳозир ана шунга боғлиқ анчагина чала ишларимиз бор. Биз уни тезроқ жиҳозлаб олсак, ундан сўнг бу ерга келиб бирон ой даволаниш ниятини қилдим...

Кутбиддин бу гапдан ўз қувончини яширишга уриниб, босиқлик билан сўради:

— Наҳотки жаноб Мумтозбек сизни бир ой кўрмасдан яшай олсалар?

Ер остида илон қимиirlаса сеза оладиган Мумтоз Тахминани ҳам, Кутбиддинни ҳам тўғри тушунди. Бироқ сир бой бермади:

— Ҳа, бу қийин иш, албатта. Бироқ Тахмина хонимнинг саломатлигини ва албатта оиласвий баҳтилизни хисобга олгудек бўлсак, «Хўп» дейишдан бошка иложим йўқ, жаноб Кутбиддин.

— Буёғи ўзларингизга ҳавола, — Кутбиддин ҳам сир бой бермади. — Лекин янги жойга тезрок кўчиб ўтишларинг учун мен ҳам қўлимдан келган ёрдамишни аямайман. Ҳеч бўлмаганда, нечта ва қанака мебел гарнитури лозим бўлса, менга кўнгириқ қилинглар. Камина Тахмина хонимнинг кувончларига кувонч қўшишдан бахтиёрман.

Улар давлатманд Кутбиддин Салоҳий жаноблари билан ана шу тарзда танишиб, қалинлашиб қолишганди. У ҳам амалда, ўз сўзи устидан чиқадиган киши экан, Тошкентта бир марта накд пулга ва икки марта насия тариқасида автокарвон билан жўнатган мебел гарнитурларининг ўзидан Мумтоз бир нимали бўлиб олди ва бу ҳам ўз ўрнида, Кутбиддиннинг оғзидан чиққан суммани Амрико доллари сифатида унга ўз вақтида етказиб берди. Шундай килиб, корчалонлар иши анча юришиб қолган ва ўша танишувдан бери Кутбиддин Салоҳийнинг бу томонларга биринчи ташриф буюриши эди.

Хозир Тахминани қизиқтириб турган нарса Кутбиддиннинг кутилмаган ташрифигина эмас, балки энг муҳими, буларга ваъда қилинган мебел гарнитурларининг Тошкентта қачон етиб келишини билишдан иборат эди.

У энди хозиргина ўзига роҳат ва шукух баҳш этиб, вужудида эҳтиросли туйғуларни уйғотган «сув машғулоти»дан воз кечиб, ўрнидан турди. Қаршисидаги бўй баравар ойна олдига келиб, ўз кадди-коматини ўзи ғурур ва қувонч билан томоша қилди. Кейин артиниб, жавондан ўша, Кутбиддин Салоҳий ҳадя этган ҳафталик ички кийимлар гарнитуридан бирини олиб кийди. Бағоят нафис ва ҳарир бу ички кийимда унинг навқирон вужуди янайм тароватли, сехрли бир қиёфа қасб этганди.

III

Йброҳим хожи табиатан тоши оғир, мулоҳазакор одам. Шундай бўлсада, бу гапдан кейин у шундоқ ўтириб колди. Нафасини ичига ютгандек, чурқ этмайди. Кўзлари қисилган, баъзан ўз-ўзича бошини хиёл

сарак-сарак қилиб кўяди. У Зокир деган яқин бир ошнаси билан Сайрамга тўйга тушувди. Иккови алла-маҳалда орқага қайтишди. Рулда хожининг ўзи, Зокирнинг кайфи бор, ёнида ўтирипти. Гап айланиб бориб, бир вақт ошнаси ёрилиб қолди:

— Ҳожим, кўпдан бери сизга бир гапни ҳайтай дейман-у, тилим бормайди. Айтмасам, бўлмас. Ўғлингиз Ўқтамбек менгаям фарзанд қатори ахир...

— Ўқтамбек?! — унга ҳайрон бокди ҳожи.

— Албатта, ёшлиқца нималар бўлмайди, дейсиз. Мана, мени ўзимам бир вақтлар...

— Чайналманг, — тоқатсизланди ҳожи..

— Мени тўғри тушунинг. Фийбат ўрнида кўрманг. Шу десангиз... Сожида деган бир аёл бор. Бундай қараганда, ничево... Ўзи аёлларни парикмахири. Гастинеа «Гулшан»да ишлади. Ҳо-ов ҳалиги, учинчи де-парада бор-ку, беш қаватли. Олдида калласи йўқ ҳай-кал бўларди.

— Арак қурсин, — оғринди ҳожи. — Одамни намунча атала қилиб ташламаса?

— Кечирасиз, ҳожим. Гап нимада эди? Ҳа, ўша Сожида уйидаям мижоларни қабул қиларкан.

— Қанақа мижоз?

— Қанақа бўларди, аёлларни-да. Уларни маниқўр қиларкан. Сочларини ҳалиги, нима дейди, қасқонга соларкан.

— Хўш, нима бўпти? — ўз ҳаяжонини сездирмаслик учун босиқлик билан, бироқ шошиброқ сўради ҳожи.

— Ўқтамбэгингиз ўша ерга ўтиб тураркан. Буни менга ишончли одам етказди. Ҳафа бўлманг.

— Очикроқ гапиринг.

— Ўша Сожиданикига... ўзингиз билган жаноб Мумтозбекнинг қўғирчоги Тахмина хоним ҳам қатнаб тураркан...

Ҳожи беихтиёр тормозни босди. Зокир бошини ойнага уриб олишига сал қолди. Кейин икковлари ўз ҳолларича бир муддат жим ўтиришди. Зокир ҳожига бошқа нима дейишини билолмай қолди, ичидা ҳатто шу гапни ноўрин айтдим, дея ўзини койиб ҳам кўйди. Ҳожи эса рулга иягини тираганича чукур ўйга чўмиб

ўтиарди: «Ҳа, бола-я, бола... Сендан кутганим шу эдими?»

Кейин у машинани ҳайдади. Ҳайдашга ҳайдади-ю, бирок кўз олдидан энди гуноҳкор ўғил-у, ўз хусни малоҳати, шўх-шаддот қиликлари билан кўпчиликнинг назарига тушган Тахмина кетмай қолди. Наҳот?! Наҳотки менинг ўғлим шу ҳаром йўлга юрган бўлса!?

Ҳожининг эсига тушди. Ҳа, эсида. Уша базм кечаси Ўқтамбекнинг ана шу ёш аёл атрофида гирдикапалак бўлганини сезган. Лекин бир кун келиб иш бу даражага етишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Демак, Тахмина... Дарвоқе, бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Ёш нарса, эри фалон ёшда. Шайтоннинг нагмасига учиши уччалик қийин эмас. Қонига дурустрок тарбия сингмаган бўлса, шундай бўлади. Мана, керагича тарбия кўрган, Иброҳим ҳожидек жиловли-камчинли, иймони бут, ҳалолу пок инсоннинг зурёди нима иш қилиб ўтирипти-ю, ундан нима гина?

— Бу гап шу ерда қолсин, — ҳожи ошнасига шундан бошқа ҳеч нима деёлмади.

Үйдагилар ухлаб қолишган экан. Ҳожи дарвозани очган жориядан бевақт безовта қилганлиги учун эшитилар-эшитилмас узр сўради. Бўйни-боши қизиб, лўқиллаб турганидан оёғи кишанланган[^] одамдек судралиб, хужрасига базур кириб олди. Ўзини ўринга таппа ташлади, кўзларини чирт юмид ётаверди. Лекин уйку деган нарса келмади, келавермади. Қачон ухлаб қолганини билмайди, бомдод намозини қазо қилиб қўйгани ўлганнинг устига тепган бўлди.

Ташқарига чиқди. Субҳидам ҳавосидан ҳовли сахнида ловуллаб турган гулзордан, чаман-чаман гулларнинг анвойи бўйларини туйиб, кўнгли ҳийла очилгандек бўлди. Жория йўлакларга шакароб қилиб сув сепипти, ишком остидаги катга хузурижон жой ташлапти. Ошхона томондан яна аллақандай ёқимли ҳид урилади димокқа.

Иброҳим ҳожи кўлига гулқайчи тутиб, гулзор оралади. Ҳилола келинчак мисол дув-дув нур тўкиб, ифрат ва тароватда хиёл таъзим қилиб турган рангоранг гуллардан, йўқ, гуллардан эмас, балки юрагининг туб-тубидаги энг нозик, энг ширин, энг муқад-

дас хис-туйгулари бисотидан ловуллаган бир гулдаста ясади. Бугун хотини Шаҳодат бонунинг туғилган куни!

Хожи сезиб турибди. Рўпарадаги пешайвондан бону уни бетоқат кузатиб ўтирипти. Шаҳодат бону... Иброҳим ҳожининг бу ёруғ оламда топган-орттирган энг кимматли бойлиги, энг мўътабар, энг азиз инсони. Умрининг, ҳаётининг олтин кўшки бўлган Шаҳодат бонуси!

Мана, қачонлардан бери аёл тўшакка михланган. Оёқлари ҳаракатсиз. Кўрсатишмаган дўхтири-ю табиби, даво қидириб бормаган жойлари қолмади хисоб. Қисмат шу экан. Сарвқомат жуссалар, гулгун чехралар, ўтли нигоҳлар, жарангли кулгулар қайларда колди. Бир жаҳон бўлиб юрган жувон муштдеккина жуссага айланди. Бироқ кўзлар, Шаҳодат бонунинг иффат ва садоқат ёлқини билан ёниқ, ҳазин ва меҳрибон бокувчи кўзлари...

Бону ҳожини еру кўкка ишонмайди: Бу ёруғ олам унинг учун ҳожи билан, ана шу нуроний, меҳрибон ва садоқатли Иброҳим ҳожи билангина барқарор, унга бўлган сўнмас муҳаббати боис ўз ахволидан изтироб чекади, унга ачинади, уни «ортиқча ташвишлар»дан халос қилмокчи ҳам бўлади. Ҳожига қачонлардан бери ниманидир ёрилгиси келади, қалбida тугун ва армон бўлиб турган бағоят оғир бир гапни айтмоқчи бўлади, бироқ айттолмайди. Ҳожини тушунади, билади, ундан кўрқади, ўзи учун энг мўътабар инсоннинг шаффоф қалбига озор бериб кўйишдан чўчиди.

Иброҳим ҳожи ҳам шундай. Шаҳодат бонуга бўлган муҳаббати, садоқати, кундалик муносабати ва ҳатто ўртадаги вафо ҳамда самимият ришталарини ҳамиша бир хил тутишга уринади. Шаҳодат бонунинг ўша, қачонлардан бери ниманидир демокчи эканлигини ҳам хис этади. Бироқ ана шу «нимадир»ни эшитишдан жуда-жуда чўчиди, дунёдаги энг азиз кишисининг ортиқча изтироб заҳрини тотишидан кўрқади. Уни тобора кўпроқ авайлайди, инсоний муҳаббат йил фасллари каби ўрин алмасиб турувчи нарса эмас, балки Уюрак қонига омухта бўлган она сутидек пок, она

сугидек азиз ва мўътабар эканлигини амалда исботламоқчи бўлади.

— Бону, туғилган кунингиз муборак бўлсин. Алҳамдулиллоҳ, сизни менинг баҳтим учун ато этиб қўйганидан бир умр шодман.

Ҳожи мижгонларида ёш ҳалқаланиб турган хотининг юз-кўзларидан ўпид, унинг боши ва елкаларини, қўл-оёкларини меҳру ҳарорат билан силаб-сийпаларкан, бону хиёл жилмайиб, бироқ ютиниброк, хаста товушда унга жавоб қайтарди:

— Аксинча, ҳожим, Оллоҳ мени баҳтим учун сизни яратган экан. Ўзига беадад шукур. Сиздан бу дунё-ю у дунё мингдан-минг розиман...

— Ундай деманг, бону, — аччиқ ютиниб қўйди ҳожи. — Сизу мен токи тирик эканмиз, бир-биримизни деб яшаймиз.

Иброҳим ҳожи шундай дея хотинини ўз оғушига" олганча, уни даст кўтариб, ўрнидан турди.

— Катга чиқамиз, бону. Гуллар сизга мунтазир, булбуллар сизга мунтазир.

Шаҳодат бону хижолат тортиб, оқпар юзларига қизиллик югурди, оловланди. Ҳовлининг нариги бетидаги ошхонадан уларга кўзи тушган Жория хола ёрдамга шошилди. Кат устидаги парқувларни қайта созлаб, Шаҳодат бонуни гулзор томон юзлантириб жойлаштиришди. Иброҳим ҳожи хотинининг қанотидан, унинг ажабтовур чиройли гулдастаси эса дастурхон ўртасидан жой олди.

Шундан сўнг ҳожи Сайрамдан кечаси кеч қайтишгани боис уни безовта қилмаганини айтиб, бонудан узр сўради. Хотини унга жавобан мулоимлик билан: «Узрга ҳожат йўқ, ҳожим. Яхши бориб кепсизми, бўпти», деди. Ногоҳ Иброҳим ҳожининг ёдига кечаги гап келди. Таъби яна хира тортгандек бўлди, лекин буни хотинига сездирмасликка уринди.

— Дарвоқе, Ўқтамбек ҳалиям ухляптиларми, дейман?

Бону кат четида омонатгина ўтириб, чой қайта раётган хизматкор аёлга маъноли қараб қўйди.

— Үйғотувдим. Яна ухлаб колдилар чоги... — Жо-

рия хола шундай дея ичкари томон йўл олувдики, ҳожи унга таъкидлади:

— Тезроқ турсинлар. Дадангизни зарур гаплари бор экан, денг. — Кейин у Шаҳодат бонуга юзланди. Дадасининг қандай зарур гапи бўлиши мумкин, деган хаёлда безовта бўлмаслиги учун, илова қилди: — Бугун уйимизда тўй-ку ахир. Тараддуд кўриш керак. Ҳализамон болалар, неваралар бостириб келиб қолиши-са, калаванинг учини йўқотиб кўйиш ҳеч гапмас.

Иброҳим ҳожи билан Шаҳодат бонунинг бир киз, икки ўғиллари бор. Қизлари турмушга чикқан, ўғиллардан каттаси уйланган. Бошқа-бошқа жойларда яашади. Неваралар ҳам кўпайишиб боряпти. Бу даргоҳда олийгоҳнинг охирги курсида ўқиётган кенжা ўғиллари Ўқтамбек ота-онаси билан қолган.

Шаҳодат бону сезгир аёл эмасми, ҳожининг «зарур гапи» бошқа масалада бўлишини юраги туди. Шу чоғ у эрига худди шу масалада нимадир демокчи-ю, бироқ ийманиб ўйчанроқ ҳолга тушиб ўтирганини сезган ҳожи унга саволомуз бўқди:

— Буюринг, бону. Осмондаги ойни десангиз ҳам олиб бераман.

Бону яна бир зум сукут сақлади. Кейин хиёл табассум билан мақсадга кўчди:

— Осмондаги ой жойида турсин, ҳожим. У хамманики. Сиз менга... келин олиб беринг. Кўзим очиқлигига Ўқтамбегимни ҳам орзу-ҳавасини кўрсам, дейман...

Иброҳим ҳожи пиёладаги чой илиқ бўлишига карамай, ўз фикрини ийғиштириб олиш учун уни худди қайноқ чойдай майдалаб, чўзиброқ, хўплаб-хўплаб ичди. Кейин аста томоқ қириб олиб, бонуга босик жавоб кайтарди:

— Ундей деманг... Худо хоҳласа, сиз ҳали шифо топиб, яна узок йиллар яшайсиз, орзу-ҳавасларга биргалашиб етайлик, илоҳим.

— Кўнглингизга олманг, ҳожим. Қиздир, ўғилдир, эртароқ жойлангани маъқул, дейсиз-ку, ахир.

— Бу бошқа гап, — деди ҳожи мамнун ҳолда. — Бүёгини менга кўйиб беринг. Иншооллоҳ, истагингиз тез орада амалга ошгай.

Шаҳодат бону ич-ичидан кувонди. Кўзларида севинч ёшлари йилтиллади. Эрининг елкасига аста бош кўйди.

Иброҳим ҳожининг хаёлида шу тоб ўғли Уктамбекка айтиладиган ўша «зарур гап» чарх уради. Уни ўйлантираётган нарса бугун ўртада пайдо бўлиб қолган ана шу уятли, шармандали тугунни бемор хотиндан мутлақо пинҳон ҳолда қандай қилиб силлиқроқ ечиб олишдан иборат эди. Тўғри, бу масалани албатта ҳозир эмас, кейинроқ, бирон мавриди билан ҳал қилиш ҳам мумкин. Бирок ҳожи тахликада эди. Бу жароҳатга имкон қадар тезроқ наштар урилмаса, тез орада янаем газаклаб кетиши ҳеч гапмас. Худо кўрсатмасин, Мумтоз мабодо бундан хабар топиб қолса борми, бирон кори ҳол юз бериши турган гап. Гапки аллақачон ташқарига чиқиптими, тамом, уни энди тўхтатиб бўлмайди, у ҳозир ўғли учун ҳам, ўз обрўэътибори ва оила шаъни учун ҳам жиддий ташвишга тушганди.

Масаланинг бошқа томониям бор эди. Иброҳим ҳожи ўз фарзандларини ўта ғурурли қилиб, уларни ўз инсонлик шаъни ва орияти, ўз ҳак-хуқуклари учун ҳатто ўлимга ҳам тик бокиб борадиган руҳда тарбиялаган. Бундай пайтларда улар томонидан билиб-бilmай содир этилган гуноҳ учун жазо дарајаси ноҳақ ошириб юборилса ёҳуд улардан ота сифатида чиндан ҳам дили оғриганини, норози бўлганини юқорироқ пардада маълум қилиб кўйса борми, улар ўзларини ҳар қандай жазога ҳам раво кўраверадилар. Шу боис ўғли билан мулоқот ҳожидан ғоят эҳтиёткорлик ва мушоҳада талаб қиласади.

Ўзининг бир оз ўйланиб қолгани хотинида ҳайронлик туғдирмаслиги учун Иброҳим ҳожи яна гап қотди:

— Бону, туғилган кунингиз дам олиш кунига тўғри келганини қаранг. Худо хоҳласа, бугун росаям мириқиб ҳордик чиқарадиган бўлдик-да.

Шаҳодат бону эрининг юзларига меҳр билан бокди:

- Сизлар роҳат қылсаларинг, мен яйраб кетаман.
- Сизнинг яйраганингиз бизнинг яйраганимиз,

бону, — ҳожи ҳам меҳр билан хотинининг елкасини силаб қўйди.

Ичкаридан Ўқтамбек чикиб келди. Ювинган-тарангандан, башанг кийинган. Она хушқомат бўйларидан, камолидан нур ёғилиб турган ўғлини юрак-юрагидан меҳр билан кузатиб туаркан, ўзича пичирлаб қўйди:

— Ёмон кўзлардан Оллохнинг ўзи асрасин.

Ўқтамбек одоб ва тавозе билан уларга яқинлашиб салом берди, яхши ётиб турдиларингми, дея қисқагина ҳол сўрашган бўлди-да, кейин келиб онасининг юз-кўзларидан ўпди:

— Ойижон, тугилган кунингиз муборак бўлсин. Бахтимизга узок-узок йиллар омон бўлинг.

— Илоҳо, сени баҳтингни ҳам кўрмоқ насиб этсин, болам.

Иброҳим ҳожи хотинининг нимани назарда тутаётганини дарров илғади. Шу боис бонунинг юрагидаги изтироб титрогига зудлик билан чек қўйиш мақсадида, шошилиб гапга қўшилди,

— Ажаб дунё! Ота-она факат фарзанд баҳтини деб яшаркан. Етказганинг учун ўзингга беадад шукур.

Нонушта устида ҳожи ўғлини зимдан кузатиб чиқди. Саҳари мардондан намунча башанглик? Нозикроқ жойга меҳмонликка отлангандек. Соқол ўрни хафсалла билан киртишланган, анча ўтқир атири хиди анкиб турипти. Борди-ю, Зокир айтган ўша, Мумтознинг қўғирчоги Тахмина билан дийдорлашишга отланган бўлса-чи??

— Ўғлим, назаримда бирон жойга отлангандек кўринасиз?..

Ўқтамбек ҳам сезиб турипти, отанинг авзойи бугун бошқачароқ. Жория хола «Дадангизни сизга зарур гаплари бор экан», дегандаёқ саросимага тушиб қолди. Мана, энди ўша зарур гапни айтишга шошмаяпти, уни обдон кузатяпти. Айтадиган гапи муҳим шекилли, унга пухта тайёргарлик кўряпти.

— Ҳозир бозорга тушаман. Майдада-чуйдаларни келтириб қўйгач, кейин... агар рухсат берсангиз, биринки соатга бир жойга меҳмонликка ўтиб келмоқчидим. Ваъда бериб қўювдим...

Хожи уни тушунди. Демак, тахмини тўғри, ўғли ўша билан учрашмоқчи. Энди нима қилиш керак, унга нима демок керак? Шаходат бонуга хеч нимани сездирмаган ҳолда, уни бирон гап билан боплаб кўймок лозим. Кўзини очсин, бундайин ифлос қилиқни иккинчи бор ҳатто хаёлига келтирмасин.

— Бугун ойингизни туғилган кунлари. Ҳализамон акангиз, опангизлар келиб қолишлари турган гап. Шояд бошқа меҳмонлар ҳам бўлса. Барвақтгина бозорга тушиб келишни ўйлаб, кўп яхши иш қилибсиз, бўтам. Фақат...

Хожи бир дам жимиб қолди.

«Тамом, жавоб бермайдилар», — кўнглидан ўтказди Ўқтамбек. — Бугун ростдан ҳам бошқачароқ. Қандайдир жиддий гап бор. Лекин уни айтишга йўл кидиряптилар. Афтидан, ойимдан пинхон тутмоқчилар».

— Фақат... меҳмон қабул қилишни бизнинг зиммамизга юқлаб қўйиб, ўзингиз меҳмонликка кетишингиз канака бўларкан?

Бону яхши тушунди. Ҳожининг бу хилдаги юмшоқ, лекин тагдор сўзлари хамиша коса тагидаги нимкосадир. Ҳозир шунинг учун ҳам ота-бона ўртасидаги бу гап-сўзларга аралашиб қўйишни лозим топди. Чунки ҳожининг авзойидан чиндан ҳам ўғлига айтадиган муҳим гапи борлиги сезилиб турипти.

— Ҳожим, акаси билан опаси келишса, улар ўзимизнинг фарзандларимиз. Ҳар қанча юмуш бўлса, ўзларидан ортмайди. Ўқтамбек ёшлик қилиб, сўз бериб қўйган бўлса, рухсат беринг. Борадиган жойига бир ров кўриниб кайтсин, майли денг.

«Эҳ, хотин, хотин. Ўғлинг «ёшлик қилиб» бормоқчи бўлаётган жой қаерлигини билсанг эди... — кўнглидан ўтказди хожи. — Энди нима десам бўларкан? Ўқтамбекка буни қандай қилиб тушунтириш, уни бу йўлдан қандай қилиб қайтариш мумкин?»

Ўқтамбек ҳам шу маҳал ўз мушоҳадаси билан банд эди. «Борди-ю, дадам Тахмина билан ўртамиздаги муносабатлардан хабар топиб колган бўлсалар-чи? Ўзинг асра, худо, у ҳолда отанинг юзига, ойисининг юзига қандай қарайди? Нима қилиш керак, мен ахир Тахми надан воз кечолмайманку? Мен уни севаман. Мен

унинг учун ҳар қандай курашга, ҳар қандай жазога, ҳар қандай шармандалилка тайёрман, деганман-ку. Йўқ, мен тўғри иш тутяпманми, ўзи? Отадан, онадан юз ўтириш, уларни, бутун оилани иснодга кўйиш, битта аёлни деб бу даргоҳдан оқпадар бўлиб чиқиб кетиш ақлданми ўзи? Эвоҳ, дадам агар чиндан ҳам бу ишимдан хабар топиб қолган бўлсалар, энди буёғи нима билан тугаркин?»

Бону эридан жавоб кутарди. Ҳожи эса ўз фикру хаёлларини жамлаб олиш, одилона иш тутиш йўлини топмоқ ниятида сукут сақлаб қолганди. Шу важдан ҳам дастурхонга ширчой тортиб, яна ошхона томон йўл олган жория холани тўхтатди, «Биз билан бирга ўтиринг», деди. Шундан кейингина бонуга юзланди, унга очиқ чехра билан жавоб қайтарди:

— Бир оғиз сўзингиз учун ҳар қандай курбонликка тайёрман, бону.

Шунда Ўқтамбек отасининг ҳурмати учун шошашиша орага гап кўшди:

— Йўқ, дадажон. Сизнинг хоҳишингиз мен учун конун. Бормасам бормай қўя қоламан.

Ҳожи ўғлига тагдор қараб қўйди. «Ҳар ҳолда, ёмон эмассан... — кўнглидан кечириди у. — Факат хушёр бўлиш лозим. Ҳозир ўзи замон нозик. Бу ёшларни йўлдан чалғитадиган унсурлар бағоят кўпайиб кетган...»

— Ўғлим, ойингиз туғилган мўътабар кунда сиз билан бир нарсани келишиб олсан чироили иш бўлармиди... — шу пайт миёсига келган фикрдан чехраси ёришди ҳожининг.

Бу гапдан Шаҳодат бону ҳам, Ўқтамбек ҳам хийла сергак тортишди. Демак, «зарур гап» энди айтилса керак. Бироқ ҳожининг хаёлида, ҳозир, Ўқтамбекка уни уйлантириш масаласида гап очиш, бу билан унга «Бас энди, ҳар қандай нағмаларни йигиштири. Бу ёғига конуний турмуш кечириш тадорикини кўргин» деган мақсадни ишора қилиш ва ўз ўрнида, ана шу маслаҳатни ўртага ташлаш орқали Шаҳодат бонуни ҳам кувонтириб қўйиш фикри кечарди.

— Майли, дада. Қулоғим сизда... — ҳадик ва хижолат ичида жавоб қайтарди ўғли.

— Нима десамикин... Ўқишиям, мана, тамомлаяпсиз, — ҳожи шошилмасдан босиклик билан гап бошлади. Шаҳодат бонунинг бутун вужуди қулоқка айланган эди. — Мениям, ойингизниам хаёлимиз энди сизни уйлантириш, сизниам орзу-хавасингизни кўришда, шундай эмасми, онаси?

Шаҳодат бонунинг кўзларига ёш куйилди, рўмол-часининг учи билан қовоғини артаркан, ҳожига кўмаклашди:

— Албатта, ҳожим.

— Бизга колса, сизни аллақачонлар уйлантириб кўйган бўлардик, — сўзида давом этди ҳожи. — Лекин сизга қулоқ солдик. Ана-мана, деган важларингизни қайтартмадик. Энди етар, бошқа кутишнинг иложи йўқ. Бирон-бир гапингиз ёки мўлжалингиз бўлса, бир-икки кун ичидагиз маълум қиласиз. Бўлмаса, биз сизга ўз таклифимизни маълум килашимиз[^] Хўпми?

Йигитнинг пешонасида тер резаланди. Ерга бокканча «хўп, дада» дейишдан бошқа гап тополмади. Шаҳодат бону бундан беҳад кувониб, фотихага қўл очди:

— Илоҳо баҳтинг очилсин, болам.

Ҳожи ўғлининг чукур ўйга толгани, юрагининг тубида аллақандай гап ётганилигини, бироқ уни очол-маслигини сезди. Лекин сир бой бермади. Энди буёғини қаттиқроқ олиш лозим. Ҳали айтилмаган «зарур гап»ни унга албатта айтиб ҳам қўйиш керак. Лекин қандай қилиб, қайси йўл билан?

Шу пайт худодан бўлиб, Иброҳим ҳожига кўнглидаги тугунни ечиб олмоқ учун хўп ажойиб бир важтуғилиб қолди. Қўшни ҳовлидан аёл кишининг шанғиллаб бақиргани эштилди:

— Нўймон ўлгур, ҳалиям ухлаб ётибсанми?! Илоё, кўзларинг уйқугамас, тупроққа тўлсин! Мен сени бозорда кутиб ўтирибман, ана Нўймон келади, мана Нўймон келади, деб! Пирожкини орқамдан бир соатдаёқ етказиб бор, демабимиш? Хув яшшамагур!

Иброҳим ҳожи бетавфиқ аёлнинг бу қадар шанғиллаб қарғашидан афсусланиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Шаҳодат бону билан жория хола ҳам

хижолатдан бош эгишиб, рўмолларининг учини тишлаб қолишиди. Ўқтамбек эса қўшни ҳовли томон қовоқ уйганча жим ўтиради.

— Ҳовли олма, қўшни ол, деб шунга айтишган,— чукур хўрсинди ҳожи. Кейин миясига келган бир фикрдан дадиллашиб, ўтирган жойига дурустроқ жойлашиб олди-да, сўзида давом этди. — Бу аёл аввало бешармлик қилаётгани, иккинчидан, ўз тукқан фарзандини, қолаверса, ёш болани бунчалар хўрлаб ҳақорат этаётгани учун гуноҳ ортирияпти. Яна бир гуноҳ томони шундаки, Нўъмон деб аталмиш муқаддас бир ном шаънига иснод тошини отаяпти. Эсларингда бўлсин, ҳеч қаерда, ҳеч қачон бу номни ёмон сўзлар қаторида тилга олманглар.

Кейин ўзига ҳайрон бокиб турган хотини, ўғли ва жория холага бирма-бир назар ташлаб кўйиб, сўзида давом этди:

— Келинглар, агар хўп десангизлар, мен сизларга ана шу муқаддас Нўъмон номи билан боғлиқ бир ривоятни ҳикоя килиб берайин.

— Кошки эди, ҳожим, — жонланди бону, — сиз ҳикоя қилувчи ривоятларни биз жону дилимиз билан эшитамиз.

Ҳожи шу тоб Ўқтамбекка маънодор бир бокиб кўйди-да, кейин нақл қила кетди:

— Қадим замонларда бир подшо ўтган экан. Унинг ой деса ойдай, кун деса кундай багоят гўзал хотини бўлиб, подшо уни жону дилидан яхши кўрар экан.

Подшонинг бир одати бор экан. Ҳар куни ўрнидан тураётib, ёнида ётган ўша маликанинг юз-кўзларидан ўпид қўяркан. Бир куни ўрнидан уйгониб, уни ўпаётса, ухлаб ётган малика уйку аралаш жаҳли кўзғаб; «Йўқол, иймонсиз!» деб юборипти. Подшо унинг бу гапидан газабга келипти. Нечукка сен мени иймонсиз, дединг. Мен агар иймонсиз бўлсан, уч талоқсан, депти.

Бироқ подшога, ҳам «иймонсиз» деган ҳақоратни эшитгани, ҳам суюкли хотинидан ажралгани алам қиласверипти. Аламига чидолмай, казо-казо уламоларни тўплапти. «Мен иймонсизманми — йўқми, шуни исботи билан ажрим қилиб беринглар», депти.

Бандасининг иймонли ёки иймонсиз эканлигини ажрим қилиб бериш фақат Оллоҳ қўлидан келиши мумкин. Уламолар кўп ўйлаб, ўйларига етишолмапти. Бундан қаҳрланган подшо:

— Сизларга қирқ кун мухлат. Шу муддат ичидагасалани ҳал қилиб бермасанг, ҳаммангни ўлимга маҳкум этаман! — депти.

Орадан қирқ кун ўтипти. Уламолар бир фикрга келишолмапти. Бундан қаҳру газабга тўлган подшо уларнинг барчасини шаҳардан бир четга олиб чикиб, каллаларини танасидан жудо қилишга буюрипти.

Жаллодлар оёқ-кўлларига киshan солинган уламоларни уриб-сурисиб, хайдаб кетишаётса, бир жойда олтиетти ёшлар чамасидаги бир ўғил бола лойдан пўрсилдок ўйнаб ўтирган экан. Бола занжирбанд уламоларни кўриб, хайрон бўлиб: «Сизлар кимсизлар? Сизларни нима учун, қаерга хайдаб кетишяпти?» деб сўрапти улардан. Бироқ куни битиб, кўзларига ҳеч нима кўринмай турган уламолар болага эътибор беришмапти. «Лойингни ўйнайверсанг-чи. Нима қиласан каттальарнинг ишига аралашиб», дейишипти. Шунда ана шу уламолардан энг кексаси: «Тўхтанглар. Бола бўлса-ям саволи жавобсиз қолмасин», депти ва бўлган воқеани болага бошдан-оёқ сўзлаб берипти. Шунда бола жаллодларга: «Бандиларни ўз ўйларига қайтаринг. Подшонгизга хабар етказинг, унинг талабини мен баҷараман!» — депти. Жаллодлар болага: «Бўпти. Кетдик подшонинг хузурига», дейишипти. Бола эса: «Йўқ. Мен гуноҳкор эмасманки, подшо саройига мени жаллодлар олиб боришса. Подшога айтинглар, мени иззат-икром билан шоҳона аравада олиб кетсинлар», депти.

Подшога хабар етиб борипти, у ғалати бу воқеадан ғоят ажабланиб, «Бу бола ким бўлдийкин? Майли, иззат-икром билан олиб келинглар», дея унга шоҳона арава жўнатипти.

Болани подшо хузурига хурматини жойига қўйиб олиб келишипти. Тахтда ўтирган подшо болага: «Қани, кароматингни кўрсат», депти. Шунда бола: «Сиз ҳозир ҳожатталаб оддий одамсиз. Мен эса ҳожатбарорман. Шунинг учун ҳам ҳожатбарор юкорида, ҳожатталаб

пастда турмоғи керак», депти. Ноилож қолган подшо боланинг донишмандлигига қойил қолиб, тахтни унга бўшатиб бериб, ўзи пастга тушипти ва бўлган воқеани ўз оғзи билан ҳикоя қилиб берипти.

Шунда бола: «Сиз менга ўз умрингизда килган яхши ишларингиздан ҳикоя қилиб беринг», депти. Подшо унга мамлакатга, одамларга қилган жамики яхшиликларни, хайру эҳсонларидан тортиб курган кўприклиари-ю мачитларигача айтиб берипти. Лекин бола унга: «Бу яхши ишлар савоби ўзингиз учун керакли. Сиз ўз ҳаётингизда худонинг қаҳру газабидан кўркиб, оғир гуноҳлардан ўзингизни тийган бўлсангиз, ана шундан гапиринг», депти.

Подшо шундан кейин ўйлаб-ўйлаб, охири ўз ёшлигига рўй берган бир воқеани айтиб берипти:

— Шахзодалик ёш йигит пайтларим эди. Отамнинг хотинлари ичида энг кичиги ниҳоят даражада сулув ва шаддод, шайтон табиатли жувон эди. У мени яхши кўриб қолган ва мендаям унга мойиллик бор эди.

Кунларнинг бирида биз бир панада учрашиб қолдик. У менинг бўйнимга қаттиқ осилиб олди ва мен билан алоқа қилмоқ ниятинй айтди. Мен хам шунда шайтоннинг гапига кириб ечинибман. Бироқ бирдан эс-хушимни йиғдим. Худонинг қаҳру газабидан кўркиб, тавба келтиридим ва кийимларимни қайтадан кийдим. Лекин мен энди ҳарчанд «Нари кет! Мен отамнинг ҳакига хиёнат қилмайман», деб ўзимни ундан куткармоқка уринмайин, у мени кўйиб юбормас эди. Бир амаллаб унинг чангалидан чиқиб кетдим. Бироқ жувоннинг қўлида менинг кўйлагимдан бир парча узилиб қолди.

Шундан кейин ўша аёл менинг орқамдан атрофга дод-вой солди. Отамга: «Ўғлингиз менинг номусимга тегмокчи бўлди. Мен бунга кўнмадим. Манави бир парча латта далилдир, мен унинг кўйлагидан юлиб олдим», деди. Отам эса унинг гапига ишониб, мени ўлимга хукм этди. Шу вақт уламолардан бири отамга деди: «Эй подшоҳи олам, ўзингизни бир дам оғир олинг. Ақл билан иш кўриб, одил хукм чиқарайдик. Ўғлингиз ўша йиртиқ кўйлагини бизга кўрсатсин. Агар

заифангиз қўлидаги бир парча латта ўша кўйлакнинг олд томонидан узиб олинган бўлса, чиндан ҳам ўғлинигиз гуноҳкордир. Йўқ, агар кўйлакнинг орқа томонидан узиб олинган бўлса, аёл гуноҳкор бўлиб чиқади. Ўғлинигизга тухмат қилаётгани маълум бўлади».

Мен йиртиқ кўйлакни олиб келдим. Кўришди. Ўша латта кўйлагимнинг орқа томонидан узиб олинган эди. Шундан кейин тухмат фош бўлиб, мен оқландим. Тухматчи аёл эса ўлимга маҳкум этилди...

Шунда донишманд бола подшога деди:

— Бироннинг ҳасму ҳаққига хиёнат қилиш, зинога бориш иймонсизнинг ишидир. Сиз ўшанда худонинг қаҳру ғазабидан кўркиб зино ишга бормабсиз, тавба келтирибсиз. Демак, сиз шак-шубҳасиз иймонлисиз. Инчунун маликага ўшанда: «Агар мен ийmonsиз бўлсан, уч талоқсан!» — дегансиз. Шунинг ўзидан аёнки, иймонли экансизми, оғзингиздан чиккан ўша «уч талоқ» хисобга ўтмайди, шоҳим.

Ана шундай қилиб, ўша донишманд бола мамлакат уламоларини ўлимдан асраб қолган экан. Подшо эса ўз суюкли хотинига қайтадан етишиб, бундан кейин ҳамиша ақл билан иш тутадиган бўлган экан. Шу бола, биласизми, ким эди? Ўн ёшидаёқ етук олим бўлиб дунёга ном чиқарган буюк донишманд И мом Аъзам — Нўймон бин Собиттирди.

Ўртага чуқур жимлик чўкди. Шаҳодат бону ҳам, жория хола ҳам, Ўқтамбек ҳам бу ривоят таъсиридан бош эгганча, нақлнинг маъно ва ҳикмат мағзини чақиб, хомуш ўтиришарди.

Ҳожининг ўзи ҳам бир дам жимиб қолди. Кейин ўғлига бир қиё бокиб кўйиб, сўз қотди:

— Хўп, бўпти энди, азизларим. Менга рухсат, озмоз юмушларим бор. Дарвоқе, — у яна ўғлига юзланди. — Қассобхонага мен ўзим тушаман. Сиз гўштёф олиб ўтирманг, бек.

Ҳожининг одати шу. Рўзгор учун гўшт-ёғни ўзи харид қилиб келади. Шу боис, унинг бу гапига ўтирганлар ажабланмади. Ҳожи шундан сўнг хотинига ўгирилди, унга яна бир бор меҳр билан бокди:

— Сиз зерикмай ўтиринг, бону.

Бону ҳожига миннатдор бокди:

— Сиз хотиржам бўлинг, ҳожим. Атрофимда парвона бўлмасангиз ҳам, борлигингизга минг қатла шукур киламан.

Ҳожи шундан сўнг бонунинг орқасидаги паркуларни созлаброқ қўйди-да, катдан пастга тушгач, ҳамон нима киларини билмай жим ўтирган ўғлига яна бир пинҳона назар ташлаб олди. Лекин индамади, дилида пинҳон тутган «зарур гап»ни ичида сақлаб қолди. Бироқ Ўқтамбек бу гапни ҳалиги ривоят асносида илғаб, уқиб олди. У ота олдида ер билан яксон бўлиб ўтиради. Шу боисдан ҳам ўрнидан жилган ҳожи ортидан гуноҳкорона бош эгиб, қалтироқ овозда:

— Дада... Мен бугун ҳеч қаёққа бормайман, — дея олди холос.

Ҳожи унга бир дам жим боқиб турди-да, кейин сўз котди:

— Йўқ, ўғлим. Лафз қилибсизми, энди унга риоя килинг. Боринг... боринг-да, ипни бир йўла узиб келинг...

Шаҳодат бону гап нимадалигини англаш ултурмади. Ўқтамбек ўрнидан даст туриб келиб, отасининг бўйнидан кучди. Ҳожи унинг кўзларида нам сезди.

IV

Ўқтамбек икки ўт орасида қолди. Энди нима кильсин? Қандай қилиб Тахмина билан ўз ўртасидаги ипни бир йўла узиб келсин? Бу ип оддий ип эмас, узиб бўлмас кўнгил риштаси-ку ахир?

Тахмина... Аввало, ундан узоклашиш, уни тарк этишнинг ўзи кечириб бўлмас номардлик-ку. Ҳа, ана, Тахмина уни севмайди, унга муҳтоҷ ҳам эмас, дейлиқ. Бироқ Ўқтамбекнинг ўзи унинг фирокида куйиб ёниб, унинг оёклари остида тиз чўкиб ялиниб-ёлворганлари, ундан раҳму шафқат, марҳамат сўраб илтижо қилганлари қаерда қолади? Тахмина ниҳоят «мойиллик кўрсатди», унга ўз оғушини очди. Ўқтамбек билан ўтадиган висол онлари гул-гул очиладиган, яйраб-яшнайдиган бўлди. Уни қониб-қониб суядиган, эркаладиган бўлди. Тўғри, гап бориб, бу учрашувларнинг пировард оқибати нима билан тугашига бориб

такалса, Ўқтамбек нима дейишини билолмай каловланиб қолар, кўпинча «Агар Мумтоз сени қўйиб юборса, мен сенга бажонидил уйланардим», деб кўярди. Шунда Тахмина: «Алвидо, Мумтоз мендан асло ажралмайди. Мабодо мен ўзим уни бошимдан сокит қилмоқчи бўлсам ҳам, у бизни барибир тинч қўймайди, унинг кўли етмайдиган жой йўқ. Бу бир. Иккинчидан, дадангиз Иброҳим ҳожининг ўзлари ҳам бунга асло йўл қўймайдилар. Уйланмаган ўғлига мени хотинликка олиб беришдан кўра, яхшиси сиздан воз кечиб қўя қолар», дерди.

Ўқтамбек буни яхши тушунади. Тақводор отаси учун Ўқтамбекнинг килиб юрган иши ўлим билан баравар. Дадаси ор-номусни, инсонлик шаънини, иймону диёнатни ҳамма нарсадан устун қўяди. Болаларини ҳам ана шу тарзда тарбиялаган. Бироқ на чора, Ўқтамбек бу дарди бедавога ўзи билмаган холда чалиниб қолди. У энди нима қиларини билолмайди. Тахминани деса, ота-онасининг юзига оёқ қўйишдан, отаси таъкидлаб келганидек, иймонсизлик, бетавфиқлик йўлига киришдан, дўсту биродарлари олдида, эл олдида беобруй бўлишдан кўрқади. Мабодо буларни дегудек бўлса, қалб ҳукмидан четга чиқолмайди. Мабодо ўрта йўлни тутиб, Тахмина билан шунчаки кўнгилхушлик учун ёхуд кўнгилга теккунча учрашиб юраверай деса, бу фикрни у ўз онгига сифдиролмайди.

Ногоҳ кўз олдига дадасининг тунов кунги телевизорда чиқиб айтган гаплари келди. Иброҳим ҳожини шаҳарнинг энг покдомон, обрўли оиласлари вакили ва инчунин, ишбилармонликда ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саховатпешалиги билан кенг танилган шахс ва шу билан бирга, исломий таълимтарбиянинг фаол тарғиботчиси сифатида «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи» кўрсатувига таклиф қилишган эди. Ана шу кўрсатувда у «Ислом ва ахлоқ» мавзусида сўз юритди. Ёшлар орасида, айникса, ичкилиқбозлиқ, нашавандлик ҳамда фаҳш ишлар авж олаётгани ҳақида гапирди. Ўқтамбек уни миқ этмай ўтириб тинглади. Дадаси бизнинг миллий турмуш тарзимиз учун мутлако ёт бўлган бу иллатлардан халос томпоқ учун, энг аввало, қонунчилик асосларини мустаҳамлаш за-

рур, деди. Ёшларнинг билим олишга, касб-хунар эгаси бўлиш, ҳалол меҳнат килиш ва яхши яшашга бўлган хукуқларини пойдор этиш керак. Куруқ ваъдалар, шиорлар, расмий тадбирлар билан иш битмайди. Ижтимоий ҳимоя ва кафолат билан бир қаторда, яна энг муҳими, ёшларга маънавий озиқ бериш, уларнинг тафаккур доирасини кенгайтириб бориш шарт. Темир кафас ичидаги етмиш йиллик туткунлик давомида биз ўзимизнинг буюк аждодларимиз дунёсидан, мулкидан маҳрум бўлдик. Айниқса, ҳозирги авлод ундан бафоят узоклашиб кетган. Ҳозир ана шу бекиёс хазинага йўл очилди. Ундан энди барчани, айниқса, ёшларни кенг баҳраманд этиш керак. Шу ўринда айниқса, исломий маънавиятни барқарор килиб бориш максадга мувофиқдир. Бу маънавият инсонни тўтри йўлга солади, уни гўзал ва намунали мақомда шакллантиради. Одамларни фақат яхшиликларга чорлаб, уларни ёвузиликлардан, ёмон хулку атвортлардан, разолатлардан асрайди. Айниқса, ёшларни одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик ва равнақ томон етаклайди. Уларни ҳалол меҳнатга, яратувчанликка, ҳаётни гўзал ҳолатда ўтказишга даъват қиласди.

Дадаси ана шу сухбат асносида исломда ҳаром деб белгиланган нарсалардан, айниқса, зино масала-сига алоҳида тўхталди. Ҳалқимиз ўзини танибидики, ҳамиша бу жирканч ишни гунохи азим деб хисоблаб келган. Чунки Куръони каримда Оллоҳ мусулмонларга буюрибди: «Зинога яқинлашманглар, албатта у фахш иш ва ёмон йўлдир». Куръони каримнинг Нур сурасида ҳам айтилибди: «Албатта, мўминлар ичиди фахш ишлар тарқалишини хоҳловчиларга бу дунё-ю у дунёда аламли азоблар бордир». Пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом эса «Қайси қавмларда зино тарқалса, Оллоҳ Таоло уларни ота-боболари билмаган қасалликларга мубтало қиласди», деганлар. Яна айтибидилар: «Зинокор зино қилаётганда унинг мўминлиги қолмайди». Мўминлик — иймон, иймонсиз эса мусулмон эмас. Мусулмонлик мазҳабини йўқотдингми, бас, сен ўз ҳалқингга, ватанингга, ота-онангга ҳам ётсан.

Мана, бугун ҳам дадаси яна шу хусусда гапирди. Имоми Аъзам ривоятини бехуда келтирмади. Демак,

унинг кулоғига Ўқтамбек билан Тахмина ўртасидаги муносабатлар етиб келган. Дадаси уни огохлантириб ўтди.

Хўш, мен зинога боряпманми? Ҳа. Тахмина мен учун номаҳрам, унинг ўз эри бор. Мумтоз унга ишонади. Уни пок, деб хисоблайди, у билан не умидлар оғушида яшайди, эҳтимол Тахминадан фарзанд ҳам кутаётгандир. Демак мен... зинокорман. Иймонга, мусулмонликка, аждодлар руҳига хиёнат қиляпман. Шундаймикин?

Йўқ, йўқ, мен зино иш учун бораётганим йўқ. Мен фақат ўз суйганим билан, меҳру муҳаббат боялаган Тахминам билан учрашиш, унинг висолидан жон озиғи олмоққа боряпман. Мен у билан бошка зино ишга бормайман, Тахмина билан юз кўришиб турсам бас. Кдлган гуноҳларимни ўзинг кечиргин, тавба қилдим. Ўзинг сабру тоқат, иродা баҳш эт.

Ўқтамбек бир-бирига зид ана шу ўй-хаёллар, ҳам нашъали, ҳам аччиқ ва аламли туйғулар гирдобида тўлғаниб кириб келди Сожиданикига. Бироқ бугун у Тахмина учун ҳар галгидек арзанда султон эмаслигидан, бу сафар ҳар галгидек эҳтирос ва интиқлиқ билан кутилмаётганидан, хусну малоҳат маликаси қалбини бугун ошифта сайёҳ гулханидан нарироқ бўлган алланечук янги, бошқача, жиловсиз ва фараҳли бир хис-туйғу банд этиб турганидан беҳабар эди.

...Тахминанинг ҳар гал бу ерга ял-ял ёниб, очилиб-сочилиб, кўзлари кулиб, яшнаб кириб келишига ўрганганд Сожида ҳам бугун унда бир мунча сокинлик ва паришонлик зохирлигини туйди. Албатта, у одатдагидек хушҳол ва ҳаракатчан, бироқ ўй-хаёлларини Ўқтамбек билан бўладиган бугунги учрашув шавқигина банд этиб турмагани сезиларли эди. Тахмина кора-чиройдан келган, қотмароқ, серҳаракат, гапга ва ўз ишига чечан, ҳаётида жуда кўп аччиқ-чучукларни тотганлиги кўзларидан, киёфасидан маълум бўлиб турган Сожида билан ҳар доим куюқ кўришади, унга хушомад қиласди. Унга тез-тез қимматбаҳо совғалар ҳам илтифот қилиб туради, ҳар хафта соч турмаклашиб ва Ўқтамбек билан учрашиш учун келганда, мўмай-мўмай пул ташлаб кетади. Сожида ҳам ўз ўрни-

да, унинг иззатини жойига қўяди, унга ялтоқланиб, астойдил, садоқат билан хизмат қиласди. Ўзини бу оиласга яқин олиб, уларнигига тез-тез бориб туради ва шу йўл билан Мумтознинг ҳам ишончини қозониб олганди.

Бугунги кўрган туши ҳамон кўз олдидан кетмаётган бўлса-да, Тахмина бу ҳақда ҳеч кимга индамасликка аҳд қиласди. Бироқ бу туш анча жиддий эканлиги ва эҳтимол, ўз ҳаётида кутилмаган ўзгаришлар рўй бериши ҳам мумкинлигини юраги сезиб тургандай эди. Шу туш учун кўнглида садақа атаб қўйгани, лекин йўлда келатуриб бу нарса хаёлидан кўтарилгани эсига тушиб афсуслангандек бўлди. Бироқ шу пайт кўнглига келган бир фикрдан ичида кулиб қўйди: «Ҳаммаёқ ёнса ёниб кетмайдими! Қани энди ўша оқ отда Акмал билан осмонга учиб кетсан!»

Шундан сўнг айқаш-уйқаш хаёлларини бир четга йиғиштирган бўлдида, Сожидага бугун вақтлари анча тифизлиги, меҳмон келиши ва уйга биргалиқда бориб, зиёфат ҳозирлашлари лозимлигини айтди. Айниқса, Мұмтозбек жанобларининг «Сожиданинг ўзи бориб норин қилиб берсинг» дегани хонадон бекасини беҳад қувонтириди. Ўзининг чиндан ҳам маҳоратли пазанда эканлиги, айниқса, норинпазликда унинг олдига тушадигани йўклиги кўз олдига келиб, ғуурланиб қўйди.

Одатда, ҳар дафъа, Тахмина билан Ўқтамбек учрашадиган бўлса, Сожида уларни уйда ҳоли қолдириб, ўзи бир-икки соатга кўчага чиқиб кетарди. Бугун ундей бўлмади. Чунки Тахминанинг ўзи Ўқтамбек ичкарига кириб келганда, Сожидага: «Ошхонада кутиб туратур, мен тезда бўшайман», деди.

Ўқтамбекнинг назаридаги, Тахмина бугун ҳам ҳар қачонгидек хушхол, ишвали ва сертакаллуф эди. Ўйигитни одатдагидек қучоқ очиб кутиб олди, юрагининг бир четида жизиллаб турган алланимани усталик билан ундан ниҳон тутди. Ўқтамбекнинг ёввойи ва эҳтиросли бўсаларидан, гупириб турган қайнок кўксидан беозоргина бўшалиб, уни худди бола етаклагандай қўлидан тутиб келиб курсига ўтказаркан, ишвали бир киёфада:

— Бугун сал вазмин бўлинг, бек, — деди ва ўзи

ҳам унинг ёнига омонатгина жойлашаркан, яна илова
килди: — Индамасам, еб қўйгудексиз...
Ўқтамбек хиёл хижолат тортиди.

— Мени кечиринг. Сизга яқинлашсам, ёниб кетаман...

Тахмина чиройли жилмайиб қўйди. Олдида ийман-иброқ, ўтли оғуш ва бўсалар нашидасидан ҳамон сармасст ўтирган бу латиф ва чиройли йигитга бошдан-оёқ назар ташлади. Кейин босикроқ, синовчан оҳангда сўз қотди:

— Ёниб кетмаслигингиз учун, орани сал очикроқ тутсак, қандай бўларкин...

Ўқтамбек унга «ялт» этиб қаради. Тахминанинг бу гапи қулогига гўё «Орани очиб қўяқолсак-чи?» дегандай эшитилди. Йигитнинг бирдан ҳушёр тортиб, ранги сезиларли даражада ўзгаргани ва унга саволомуз тикилиб қолганини кўриб, Тахмина яна кўшимча /
қилишга мажбур бўлди:

— Кўркманг, ҳазиллашяпман...

Тахмина аслида ҳазиллашаётгани йўқ эди. Қалбининг аллақаерида гўё халтадек осилиб турган қопкоронғу бир бўшлиқ баъзан жонланиб, бутун вужудига тушуниб бўлмас аламли, изтиробли бир титроқ киритади. Бундай пайтларда у харчанд ўзини кўлга олмасин, бу коронғу бўм-бўшлиқ, юрагини бир дам кемириб ўтувчи ана шу хасталик унинг бутун хаёлларини, осуда ва фаровон, айшу ишратли ҳаётдан олаётган жамики лаззатларини, роҳат-фароғатини тилка-пора қилиб ташлайди. Шунда у ўзини яна бир вақтлардагидек танҳо, кимсасиз ва баҳтиқаро, деб хисоблаганча ўтириб қолади. Хўш, кемирувчан бу бўм-бўшлиknинг ўзи нима? Нима учун унинг ўринини хеч нима тўлдиролмаяпти?

Ўзи беназир гўзал ва соглом бўлгани билан, хорлик ва хўрликда, қарамлик ва тутқунликда яшаб юрган Тахмина асл инсоний бахтни мол-дунёда, бойликда бўлса керак, деб ўйларди. Мана, бу нарсаларга мушарраф ҳам бўлди. Бироқ ҳар қанча мол-дунё, бойлик юрагидаги ўша бўм-бўшлиқ ўринини тўлдиролмади. У яна ниманидир кутган, қидирган бўлди. Бу нарса, эҳтимол... у ўз ёши ва хуснига муносиб, соғ-

лом ва бакувват йигитни ҳам мана, топиб олди. Бу йигит билан у истаган вактида учрашади, хоҳлаган вактида у билан овунади. Яна нима керак?

Йўқ, бу нарса ҳам ўша бўшлиқ ўрнини тўлдиролмади. Буни айниқса, бугун эрталабки кўрган туши эсига тушган сари, янаям чукурроқ ҳис этяпти.

Шу тоб Тахминанинг кулоги остида Ўқтамбекнинг ўша тушида «Мумтози билан бирга ёниб кетсин!» деган гапи жаранглади. Хозиргина унинг «Сизга яқинлашсам ёниб кетаман» дейишидан у бирдан сергак тортди. Нималар бўляпти ўзи? Наҳотки ҳаммаси тўғри бўлиб чиқса?!

Тахмина оромқурсига чўкиб қолди. Ранги оқаринкираб, пешонасига совуқлик югургандай бўлди. Ўзини кўлга олмоқ ниятида, бир дам кўзларини юмди. Унинг жимиб, жиддийроқ тусга кириб қолганини кўрган Ўқтамбек бундан ўзгача хулоса чиқарди:

— Сиз ҳазиллашаётганингиз йўқ...

Тахмина бирдан ўзини ўнглаб олди. Сир бой бермасликни, суюкли кишисини бехуда ранжитиб кўймасликни лозим топди. Сохта жилмайиб, Ўқтамбекка тасалли берган бўлди:

— Кўркманг. Ёнсак, бирга ёниб кетармиз...

Тахмина шундай дейишига деб қўйди-ю, яна хаёлига ўша туш, Ўқтамбекнинг «Сен ўзинг ёнмайсан. Мен ҳам ёнаман. Уволим сенга» деган гапи келиб, қайтадан чўкиб қолди. Нималар бўляпти ўзи, ҳаммаси бир ипга тизилгандек...

Йўқ, йўқ, бу йигитга тушунтириш керак, ундан тезроқ узоклашиш керак. Бирон кори^хол юз бермай туриб, ўртадаги ипни узиш шарт. Ўқтамбек яхши йигит, бегубор. Унда гуноҳ йўқ, унинг уволига қолмаслик керак.

Ўқтамбек Тахминанинг қайта жимиб, ўйга чўмиб қолганини кўрди-да, саросимада ўрнидан турди. Яна шу саросимада Тахминанинг оёқлари остида тиз чўқди, иккала қўли билан унинг оқаринкираган бетларидан тутиб ўзига қаратди:

— Сизга нима бўлди?!

Тахмина ўзини кўлга олмоқчи бўлди. Бироқ у энди

холсизланган, хаёли паришон, шу боис ҳам овози бу гал хастароқ чиқси:

— Ўзим шундай... Бугун бир оз мазам йўқроқ.

Ўқтамбек уни ўпмоқчи бўлди. Лекин Тахмина уни қўли билан беозор итариб, «Кўйинг, мени тинч қўйинг», деди. Унинг бу гапи энди Ўқтамбекнинг шубҳасига жон киритиб қўйди.

— Тахмина, агар бирон гапингиз бўлса, очик айтаверинг...

Тахмина аста ўрнидан туриб, дераза томон[^] юриб борди. Турган жойида ҳайрон қотиб турган Ўқтамбекка орқа ўғирганича, қийналиб сўз котди:

— Бек, мени кечиринг. Ҳар хил гап-сўзлар тарқамайтуриб... ўртадаги ипни узиб ташласак...

Ўқтамбекнинг вужудига муз юргургандек бўлди. Мана, гап қаерда экан! Демак, орада аллақандай мишиш бор-у, бу нарса Тахминани ҳам, дадасининг ҳам қулогига чалинган. Бугун эрталаб дадаси бежиз зино сўзига ургу бермади, бекорга «Ипни бир йўла узиб келинг», демади.

Ўқтамбек беихтиёр оромкурсининг бир четига омонатгина ўтириб, пешонасини чангллаганча ҳаёлга чўмиб қолди. Тахмина унга ўгирилди.

— Ўзингизни тутинг, бек. Сиз учун ҳали ҳамма нарса олдинда.

— Менинг олдимда энди факат мусибатлар турипти, Тахмина.

— Ундай деманг. Сиз ҳеч кимда йўқ имкониятларга эга йигитсиз, — Тахмина шундай дея, унга яна ўгирилиб олди.

Ўртага чўккан бир дамлик сукунатни Ўқтамбек бузди:

— Нега алдадингиз?..

— Мен сизни алдаганим йўқ, бек. Сизни бир умр яхши кўриб қоламан. Лекин бу муҳаббат дегани эмас...

— Мен буни билардим. Цироқ мен сизни севаман. Сизиз мен учун ҳаёт йўқ.

— На илож. Сиз мени тўғри тушунинг.

— Тушунаман. Агар хўп десангиз, сизни узокларга олиб кетаман. Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.

— Йўқ. Мен ўз вақтида кимнидир севиб ҳам

кўрганман, юрагимни юлиб ташлашган. Узокларга қочиб ҳам кўрганман, оёкларимга кишан солишган...

Тахминанинг кўзларида жиққа ёш. У аста келиб, Ўқтамбекнинг орқасида тик туриб қолди:

— Ўзингизни кўлга олинг, бек. Мен оилали аёлман. Йўлимизга ғов бўлманг.

Ўқтамбек энди ўрнидан жудаям вазмин қўзгалди. Гўё қовокларига, кифтларига, оёкларига зил-замбили тошлар илиб кўйилгандек эди. Тахминанинг юзига бошқа боколмади, бокмади. Нима бўлсаем, ўзи бўлсин, лекин жондан азиз маҳбубасини энди хижолатта қўймайди, уни қийнамайди. У Тахминани авайлади, асрайди, янада ардоклайди. Фақат билиб қўйса бас:

— Барибир, сизни... менинг қалбимдан ҳеч ким қувиб чиқаролмайди.

V

Шаҳарнинг кунботар қисмидаги чекка маҳаллалардан бири Қумқўрғон деб аталади. Сатхи анча кенг тепаликда курилган ана шу истеҳкомнинг ғиштин деворлари ҳам, ўрисча шамойилдаги салобатли биноси ҳам оппоқ бўлиб, у ўз этагидаги оқланмаган уйлар, бирок довдараҳтларга кўмилган ям-яшил кишлоқдан ажralиб, ҳатто узок-узоклардан кўзга ташланиб тураркан.

Сурайёнинг амакиваччаси, машхур ҳофиз Мумтоз бир вақтлар Қумқўрғоннинг обрў-эътиборли оқсоқоли Қосим чармгарнинг кексайган чоғида худодан тилаб олган якка-ю ёлғиз ўғли эди. Ота-она дунёдан орзу-ҳавас кўрмай кўз юмиб кетишиди. Шундан кейин ҳали ўсмир ёшидаги Мумтоз бу ерда кўп туролмади. Ўқиши баҳонасида уй-жойларни гаровга кўйиб чиқиб кетганича, она қишлоғига бошқа қайтиб келмади. Фақат узунқулоқ гаплар орқали кўшни шаҳарлик бир давлатманд киши уни ўз химоясига олгани ва болаликданоқ санъатга, кўшиқ айтишга иштиёқманд Мумтозни ўқитиб тарбиялаётгани ҳакидаги хабарлар келиб турарди, холос.

Орадан кўп вақт ўтмай, ана шу йигит ҳамма ёққа кимсан — номи чиқкан машхур Мумтоз ҳофиз бўлиб

кетди. Қумқўрғонликлар энди у билан фахрланадиган бўлишди. Мумтознинг шу ерлик уч-тўртта болалик жўралари уни ҳатто «калдаб-сулдаб» олиб келиб, шу ердан уйлантириш харакатида ҳам бўлишди. Лекин унинг иложини килишолмади. Мумтозни тарбиялаб-ўстирган ўша давлатманд киши уни ўзининг энг чиройли бир кизига ичкуёв қилиб олган экан.

Бироқ Мумтоз бошқа жойда яшаётганлиги, бу ерда бирон каттароқ тўй-пўй бўлиб қолгудай бўлса, уни базмга олиб келиш жудаям мушкул эканлиги, бунинг учун жуда катта пул лозимлигига қарамай, унинг беназир овози ва санъатига ҳамма ошигу шайдо бўлиб яшайвердилар.

Бир кун келиб сира кутилмаган гап чиқиб қолди. Мумтоз билан борди-келдиси бор, унинг гуруҳида чолғучилик қилувчи бир-иккита созанда йигитларнинг уйларидан чикқан миш-мишлар... Мумтоз ўз оиласидан ажралиб, ҳозир Тошкентда ўзидан икки баравар ёш, бағоят гўзал бир қиз билан яшаётгани, яқин орада бу ерда ана шу кизга атаб бир қаср курмоқчи эканлиги тўғрисида борарди.

Бу миш-мишлар тез орада ўз тасдиғини топди. Кейинги пайтларда ўзини ишбилармонлик ва тижорат ишларига уриб, саҳна ва сайлларда, тўйларда камдан-кам кўринадиган бўлиб қолган Мумтоз ниҳоят ўз она кишлоғига қайтди. Лекин бу ерга у хофиз Мумтоз сифатида эмас, балки ишбилармон ва йирик [^]сармоядор «жаноб Мумтозбек» бўлди келди. Уни «Ўзимиздан чикқан машхур Мумтоз хофиз» дея зўр қувонч билан қарши олишди, унинг бу ерда амалга оширмоқчи бўлаётган ишларини бажонидил маъқуллашди.

Мумтоз бу ерда ишни энг аввало хунармандларни бир жамоага қовуштиришдан бошлади. Улар учун тез орада ўз хисобидан бир неча ишлаб чиқариш цехларига эга бўлган фабрика куриб берди. Хунармандлар энди Мумтоз етказиб бераётган хом ашёлар хисобига ана шу корхонада ишлайдиган ва бу билан ҳар ойи мўътадил даромад топадиган бўлишди. Албатта, фабрика маҳсулотлари билан шаҳарда савдо қилаётган нуқталардан сувдай оқиб келаётган даромаднинг асо-

сий қисми, бусиз ҳам бошқа жойлардаги тижорат ва воситачилик ишларидан тез бойиб бораётган Мумтознинг давлатига келиб қўшиларди.

Ана шу ишлар қаторида у маҳаллий ҳокимият билан келишиб, бўш майдонни сотиб олди ва бу ерга ғойибдан учеб келган баҳт куши Тахминага атаб ҳашаматли бир бино қуришга киришиб кетди. Ўнлаб ишчилар ва усталарнинг кечак ю кундузи тиним билмай ишлашлари натижасида тез орада яна Қўргон аталмиш оппоқ бир қасер қад ростлади. Бироқ у қуриб битказилган, усталар ва ишчилар керагидан ортиқ рози қилиниб, уларга жавоб берилган бўлса-да, «сарой маликаси» бу ерга кўчиб ўтишга шошилганича йўқ. Гап шундаки, бу азим бинонинг кўпдан-кўп хоналари ҳали бўм-бўш. Улар учун керакли жиҳозлар, айникса, мебелни танлаб улгурганларича йўқ. Бу масала шунингдек, Қутбиддин жанобларининг навба тдаги автокарвони қаҷон кириб келишига ҳам боғлиқ бўлиб турипти. |

Шуларга қарамай биринчи қаватдаги меҳмонхона, иккита оромхона, бассейн ва бошқа кўнгилхушликлар учун мўлжалланган яна уч-тўртта катта-кичик хоналар жиҳозлаб кўйилган. Тахмина бу ерга камдан-кам ҳоллардагина келади. Кўпинча Мумтознинг ўзи шу ерда қолиб яқин-яқин дўстлари билан «гап-гаштак» ўтказиб турарди...

Қўргоннинг пульт билан очиладиган баҳайбат чўян дарвозасидан кираверишда ўнг томондаям, чап томондаям алоҳида хужралар бўлиб, Сурайё ана шу хужралардан бирида яшарди.

... Ҳадислардан биридан нақл этилишича, расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам Яратгандан сўрайдилар: «Бу ёруғ оламдаги жамики мавжудот ўз хукминг билан бунёдга келипти. Улардан энг суйганингни инсон қилиб яратиб, уларни бандай мўминларим, деб шафоат этдинг. Шундай экан, нега энди оддий бир чинорга, тошбақа ёхуд филга бир неча юз, ҳатто минглаб йил умр баҳш этибсан-у, ўз суйган бандай мўминларингга эса бағоят киска умр ато этдинг?»

Жавоб: «Чунки мен бандай мўминларимни суйганим учун ҳам уларга қисқароқ умр ато этдим, токим улар менинг жамолимга тезроқ етишсинлар».

Яна сўрадилар: «Модомики шундай экан, нега энди шу киска умрга қўшиб, бандай мўминларинг гарданига кўпдан-кўп ташвишларни ҳам юклаб қўйдинг?»

Жавоб: «Бандай мўминларим ёргу олам учун яратган неъматларимга ортиқча ҳирс қўйиб, мени эсадан чиқармасинлар учун уларнинг гарданларига ташвишларни ҳам қўшиб юклаб қўйибман».

Инсон табиати шундайки, унинг ҳаммаси ҳам, ҳамиша ҳам шу буюк ва оддий ҳақиқатни идрок этмайди, ундан тегишли хулоса чиқариб яшамайди. Одамлар кўпинча ёайшу ишратга, ё молу мулкка, имораттга, пулга, хотинга ёхуд фарзандга ортиқча ҳирс ёки муҳаббат боғлаб, Оллоҳни унубтиб қўядилар. Бошларига бирон мусибат ёхуд оғир ҳасталиқ, ночорлик, баҳтиқаролик тушган пайтлардагина кўзлари очилиб, худони ёдга оладилар. Худога энди тоат-ибодат бажо келтириб, ундан нажот илтижо этадилар.

Оллоҳнинг даргоҳи кенг, марҳамати чексиз. Ўз вақтида қилинган тавба-тазаррулар шояд ўзининг раҳму шафқатига мушарраф бўлса. Бироқ Оллоҳнинг қаҳру ғазабига, бу ёргу оламда бошқа ўзига ўҳшаганлар учун ибрат тариқасида ошкор ва оғир жафоларга элтувчи кечириб бўлмас гуноҳлар ҳам бор.

Мана, икки йилдирки, Сурайё бедаво бир дард азобини тортиб келади. Аҳён-аҳёнда, ойда бир-икки марта нимадир унинг бўғзидан қаттиқ тутиб қолади, нафас йўлини батамом тўсиб, бор вужудини жон талвасасига солади. Ажал қалхати уни ўлдириб ўлдирмайди, ё қўйвориб қўйвормайди. Макор мушук ўлжа сичконни дархол еб қўймасдан, аввали уни кўп тимдалаб-итқитиб, қийнаб, бундан хузур топаётгандек, Сурайёнинг жони кўлида бўлган бу қалхат ҳам қўқис унинг бўғзидан беаёв чангллаб, анча маҳалгача ердан юкорига кўтариб туради. Бундан икки йилча бурун Оллоҳнинг ўзи унга лозим топган бу бедаво дард туфайли у озиб-тўзиб, қоқсуяк бўлиб қолган. Сочла-ри оппоқ оқариб, эрта куннинг ёруғидаёқ касалманд бир кампир киёфасига кирган Сурайё шунда янги бўғизланган молдек беамон типирчилайди, хириллайди. Кўзлари косасидан чиқиб кетгудек олайиб-бўрта-

ди, ергу дуне деган нарса энди унинг ҳиссиятидан, рухиятидан батамом ғойиб бўлади. Кутилмаганда ажал калхати яна уни ўз чангалидан бўшатиб, ерга ташлаб юборади. Аёл энди нафас ола бошлайди, бир муддат ўзига келолмайди, кўзларини очолмайди. Бир вақт оз-моз хушёр тортиб, атрофни, бундай пайтлар кўпинча унга ёрдамга шошилувчи қўшни ҳамшира қиз Зилолани кўриб, тирик эканлигини англайди. Англайди-ю, ўша калхат уни тарқ этиб кетмаганлиги, хув нарирокда уни хузур билан кузатиб, навбатдаги ҳамлага шайланаётганлигини ҳис этиб туради. Ҳар гал шу ҳол такрорланганда, бандаси учун тинчгина, беозор жон бериш ҳам катта баҳт эканлигини англайди.

Сурайё эндинига тушуниб етди, у содир этган гуноҳлар тоши бағоят оғир. Бу гуноҳларни ювиб ташлашга энди вақт ҳам, имкон ҳам йўқ. Оллоҳ уни ёргу куннинг ўзидаёқ дўзах оташига ташлади. У ота-онанинг, яхшиларнинг дуосйни ололмади, уйли-жойли бўёлолмади, ёлғизгина ўғлига эгалик қилолмади. Бунинг ўрнига, одамларнинг тавқи лаънатига, ўғли Акмалнинг нафратига, баҳтиқароликка, чидаб бўлмас азобу укубатларга гирифтор бўлди. Охир-оқибат, у шунча йил яшаб, атиги икки кишигагина таяниб қолди. Тирик қолса — шулар боқиши, ўлиб қолса — шулар кўмишидан умидвор. Булар Мумтоз билан Тахминадир. Бироқ уларнинг икковиям Сурайё учун омонат одамлардир. Мумтоз учун касалманд Сурайё ортиқча бир юқ, ортиқча дардисар. У қанчалик тез ўлиб кетса, Мумтоз учун шунчалик яхши. Мумтознинг ҳар гал эсига тушганда юрагига гашлик солиб қўювчи, Тахмина билан боғлиқ ўша сир шунчалик тез ерга кўмилиб кетган бўлади. Сурайё буни яхши тушунади...

Гап Тахминага келганда эса, у ҳам Сурайёдан беозор. Марҳума Хуршиданинг хурматидан ва албатта, уни дайдилик ва фохишлиқдан кутказиб, Мумтознинг салтанатига малика килиб қўйганлиги хурматидан дами ичиди. Акс ҳолда, унинг жирканч ўтмишига жонли гувоҳни, Сурайёни ҳар гал кўрганда ўша ифлос ўтмишини эсига солувчи бир муртад аёлнинг унга нима кераги бор? Сурайё буни ҳам яхши тушунади.

Бироқ Сурайё шу ҳолда, шу ерда яшашга мажбур-дир. Унинг энди борадиган жойи, ғамхўрлик кўрсата-диган қишиси ҳам йўқ. У бир ночор, кимсасиз, азоб-укубатлй ўлимга маҳкум этилган баҳтиқаро аёл. Сўкка-бош отаси ўлиб кетиб, Кўқон билан алоқаси батамом узилган, якка-ягона фарзанди Акмал эса, Туркияга ўқишга кетяпман деганича, мана, неча йилдирки, дом-дараксиз.

Уқубатли ёлғизликнинг зимистон чилласидек из-гиринли, изтиробли оғриғи суюқ-суюқларгача зирқираби, жонни суғуриб олар даражада аччик-аламли, по-ёнсиз тунларида унинг кўз олдида кўпроқ ана шу якка-ёлғиз нури дийдаси Акмал пайдо бўлади. Қани энди у кела қолса-ю, ўтган ишларга саловот дея, ожиз ва хаста онасини бағрига олса. Шундай пайтлар у ўз-ўзича тўлиқиб йиглайди, ўзининг бу дунёдан бошқа одамлар катори орзу-ҳавас кўрмай ўтиб кетаётганидан беҳад ўксинади.

Сурайё Тахминани Тошкентта олиб келиб, Мумтозга қўшқўллаб топширган кунлариёқ у шаҳарнинг бир бурчагидан икки хонали квартирага эга бўлган. Бироқ касалликка чалингандан бери Сурайё у ерда яшамайди, бетон уйнинг ҳавосидан касали хуруж қиласидиган бўлиб қолган. Ана шу хонадонда унинг ҳам ўзига яраша майда-чуйдалари бор. Келин туширса туширгудек. Қайлик ҳам тайёр хисоб, Зилола шундок кафтга қўниб турипти. Бармоқларингни усталик билан юмиб олсанг бас, ҳовучингда қолаверади.

Бирам оққўнгил, бирам абжир-чакқон, ўзи ҳали ўн етти-ўн саккизларга кириб-кирмаган бўлсаям, дунёнинг ишини таҳт тиндираётган ширингина қизни осонликча топиб бўлмас. Шўринг кургур нимжон онаси-ниям, мактаб ёшидаги иккита уқасиниям, кейинги пайтларда аракхўрликка муккасидан чўкиб, одамгарчиликдан чиқиб кетган дадасиниям — ҳамма ташвишларни бўйнига илиб олган. Бунинг устига Сурайёни ҳам кўздан қочирмайди. Кўли бўшади дегунча шошиб кириб келиб, ундан ҳол-аҳвол сўрайди, лозим бўлганда унга дори-дармон бериб, укол қилиб туради. Баъзан кечалари каштасини кўтариб чиқиб, Сурайёниг ёнида унинг ўз кизидек ҳамсухбат бўлиб ўтира-

ди. Кечагина тиббиёт билим юртини битирди, хозир «Тез ёрдам»да ҳамшира.

Ха, орзу-ҳавас қилиш, ширин хаёллар суриш ҳар қандай инсон табиатига хос нарса. Факат Оллох ўзи кимларгадир марҳамат қилиб, унинг орзуларини рўёбга чиқаради. Кимларнидир ҳамма нарсадан бенасиб этиб, унинг учун бу дунё-ю у дунё фақат ночорлик ва азоб-укубатларни буюраркан.

Баҳорнинг сербулут, ёғин-сочинли кунлари ортда қолиб, ҳаволар дурустгина исий бошлаганидан бери Сурайёнинг ҳам нафас олиши бирмунча дуруст. Оёкларига оз-моз дармонга кириб, гимирилаб қолди. Ҳовли бетини супириб-сириради, гулларга қарайди, янги иморатнинг жиҳозланган хоналарида озодаликни сақлайди, Мумтоз мабодо меҳмон бошлаб келгудек бўлса, унинг дастурхон юмушларини бошқаради.

Мана, бугун ҳам Мумтоз унга қўшимча иш орттириб кетди. Сахари мардондан иккита кучук олиб келиб, унга бир дунё топшириклар берди:

— Бу кучукларни сенга ишониб топширяпман, Сурайё. Ўзинг нима есанг, булар ҳам ўшандан есин. Кўпроқ гўшт бер. Кеча-ю кундуз бўш қўясан. Факат эҳтиёт бўл, анави ўзим олиб келиб эккан гулларимни пайхон қилишмасин.

Мумтоз дарвоза ёнида кутиб турган «Мерседес»га эндинга ўтириб жўнамоқчи эдики, кутилмаганда қарши ҳовли эшиги олдида Зилола пайдо бўлиб қолди. Унинг қўлида иккита иссиқ нон, Сурайё учун аталгани маълум. Бу, Зилоланинг ҳар икки-уч қунда сахар туриб тандирга нон ёпганда канда килмайдиган одати.

Мумтоз олдида ўтирган оқсоқ ҳайдовчининг елкасига қўлини қўйиб «тўхта» ишорасини қилди ва машина эшигини қия очиб, қизни ўзи томон имлади. Зилола қўлидаги нонни шошиб келиб сал берирокда турган Сурайёга тутқазди-да, ўзи ийманибгина Мумтозга яқинлашди.

— Ассалому алайкум...

Мумтоз Зилоланинг нақшин олмадек чиройли, бегубор юзларига, хушбичим қоматига, одмигина қўйлаги остидан туртиб турган дуркун кўкракларига ўгринча

назар ташлаб қўйди. Сурайё буни сезиб, ичи музлаб кетди.

— Салом, Зилола, яхшимисан?..

— Раҳмат...

Шундан кейни Мумтоз ўзини жиддийрок тутиш учун жўрттага томоқ қириб олди.

— Даданг нима қилиб юрипти?

— Уйдалар, ётиптилар... — Зилоланинг овози қалтираб, ранги оқаргандек бўлди.

— Мендан энди хафа бўлманглар. Бошқа кутолмайман. Қарзларинг беш мингга етиб боряпти. Да-данга айт, шу кунларда бирон чорасини топмаса, ўёғини ўзинг биласан...

Мумтоз шундай дея жўнаб кетди. Киз бечора музлаганча, турган жойида туриб қолди. Кейин Сурайё келиб, бир қўлини оҳиста унинг елкасига қўйганда, Зилола ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Йиғлама, қизим. Ўлимдан бошқасининг чораси топилар, йиғлама, — Сурайёнинг ҳам қўзларига ёш қўйилди. — Юр, болам. Ичкарига кирамиз.

— Йўқ, холажон, — Зилола ўзини тутишга уриниб, кўз ёшларини артди. — Кейинроқ чиқарман.

Зилола шундай дея, шошилганча уйларига кириб кетди.

Гап шунда эдики, Зилоланинг дадаси Мирзамат кулол ўтган йилнинг бошларида бир номаъкул иш қилиб қўйди. Шахардаги уч-тўртта тижоратчи жўраларининг гапига кириб, баҳоли қудрат рўзгорни тебратиб турган кулолчилик ишларини йиғиштириди. Амалдагӣ фаолияти қатори судхўрликдан ҳам мўмай даромад топаётган Мумтоздан ҳар ойда ўттиз фойда бериб туриш шарти билан минг доллар карз кўтариб, ўзини олибсотарликка урди. Лекин савдо-сотик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан...

Суннат бува деган" маҳалла оқсоқоли у карз кўтарган ўша кунлариёқ Мирзамат кулолга деганди:

— Отга таклид қиласман деб, курбақанинг чатанофи йиртилган экан. Сен ўз кулолчилигингдан қолма. Отабобонгдан ўтган касб, ризқингни худо беради.

Оқсоқолнинг гапи ўшанда Мирзаматга оғир ботган.

— Одам қилган ишни одам қиласверади, бобой, — деди у чолга заҳархандалик билан. — Биз ҳам бош күтариб юрибмиз, одамман деб. Қачонгача лойга ботиб яшшимиз керак, биз ҳам ахир бундай ёруғликка чиқайлик-да.

— Ҳалиям ақлинг кирмапти, Мирза. Ёруғлик нималигини ҳалиям тушунмабсан. Ориятли одам учун қарздан қуоқроқ қоронғулук йўқ. Бир бурда тош қотган нонинг билан куруқ сув бўлсаям, бирордан қарзинг бўлмаса, ана ўша — ёруғлик!

— Қарз олган бўлсам, узаман. Долларни уйда еб ётиш учун олганим йўқ-ку ахир.

— Узолмайсан, хароб бўласан. Чунки савдогарлик бели бақувват кишиларнинг иши. Бу нарса қимордай бир гап. Бой одам қиморда бой берсаям, ютсаям парво қилмай кетаверади. Сен-чи? Сенинг пуллинг қарзга олинган пул, бой бериб қўйсанг тамом, хонавайрон бўласан.

Мирзамат чолга қўл силтади. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, оқсоқолнинг айтгани келди. Шахарлик ўша жўраларига қўшилишиб, беш-ён марта уёқ-буёққа катнади. Олиб келаётган нарсалари ўз вақтида ўтмай воситачи дўқонларга, олибсотар чорбозорчиларга насияга беришга мажбур бўлди. Ишлар тобора майданашиб борарди. Бир ёқдан, қўшимча даромад йўқ, уйда болалар ейман, кияман деб туришипти. Иккичи ёқдан, кунлар шувиллаб ўтиб, кўз очиб-юмгунча бўлмай янги ой кириб келяпти. Мирзамат дастлабки икки-уч ой ичидаги Мумтозга уч юз-уч юз доллардан бериб турди. Кейин тамоман ўтириб қолди.

Қарзга олинган пулнинг, ниҳоят, таги ҳам йўқолди. Мумтозга унга берган минг долларини фойда тарзидаги ўша дастлабки уч ойдаёқ қайтариб олган бўлсада, Мирзаматнинг гарданига қўйилган қарз тошдек котиб колаверди. Бу қарз ҳар ойда уч юз доллардан кўпайиб, мана, бир йилда беш мингга яқинлашиб қолди...

Мирзамат энди кўчага чиқолмай, аламини ичкиликдан олавериб, ақлдан озай деб қолгани, бу оила бошига тушган мусибат боиси ана шунда эди. Мумтоз ўзига ҳамсоя оиланинг фожиали аҳволини кўриб-

билиатуриб ҳамон парвойи фалак. Аксинча, тез-тез уларнигиа одам киритиб ёхуд Зилолага дуч келиб қолганда, қарзни қистайди, дўқ-пўписа қиласди, кўркитади. Бир марта Сурайё орага тушиб, Мумтозга: «Азбаройи кўшничилик хурмати, бунинг устига Зилола кўли бўшади дегунча хизматимизни килиб турипти, ўша қарзни кечиб юборсангиз. Сиз ахир бу билан хеч нима ютқазмайсиз-ку?» — деганда, ундан балога колган. «Менинг пулим кўчада колгани йўқ. Топсин, қизини сотиб бўлсаям қарзини узсин!» — деб ўшқирди унга.

...Ёлғизлик ана шундай. Киши ўзи билан ўзи бўлиб колади. Хаёлингда бошдан кечирган воқеаларни қайтадан[^] жонлантиранг, хотиралар билан қайта яшайсан. Ўзинг билан ўзинг гаплашасан, тортишасан, хулоса чиқарасан.

Мана, ҳозир ҳам Сурайё танҳо ўзи деразадан ҳовли сахнига мўлтираб бокканча хаёл огушида ётипти. Кўргондек данғиллама даргоҳца Сурайё ва иккита итваччадан бошқа жонзот йўқ.

Кутимаганда дарвоза қўнғироги устма-уст жиринглаб қолди.

VI

Аэропорт томон йўл олган «Мерседес» вақт ҳали bemalol бўлгани учун серқатнов шоссенинг чекка кисмидан пастроқ шиддатда елиб борарди. Орка ўриндикда ўтирган Мумтоз кайфияти яхшилигидан ичида ниманидир хиргойи қиласди, кейин рулда мум тийслаб бораётган Алим акага гап ташлайди:

— Магнитофонинг ҳам ўзингга ўхшаб соқов бўлиб қопти-ку? «Уялма»ни кўй.

-Хўп.

Алим ака ўзи шунаقا. Ундан ҳатто оддий бир гапниям оғзига омбир солиб тортиб оласиз.

Келиб чиқиши қrim татарларидан, бироқ кўп йиллардан бери Тошкентда яшаб келаётганидан «ўзбеклашиб» кетган новча, полвон келбат бу одамни топиб олганидан Мумтоз ҳамиша хурсанд. Мана, беш йилдирки, комфирқанинг Марказқўмида катталарни та-

шийдиган машинадан нафакага чиққан Алим ака унга садоқат билан ҳалол хизмат килиб келаётир. Ишда унинг, айниқса, «кар ва соқов»лиги, лозим келганда эса ўзини «кўр»ликка олиши, итоаткорлиги-ю, буюрилган ишни ўз вақтида кўнгилдагидек бажариши, қолаверса, беҳад нозиктаълиги ва озодаликни ёқтириши Мумтоз учун айни муддао эди.

Алим ака Мумтознинг ўз ижросидаги қўшиклар орасидан «Уялма»ни топиш учун бир қанча ашулалярни магнит тасмасидан беомон чийиллатиб ўтказаётгани хўжайиннинг жигига тегди:

— Бас қил. Керак эмас.

— Хўп, — Алим ака энди магнитофонни ўчириб қўйди. Бироқ унинг бу иши ҳам Мумтозга маъқул тушмади.

— Бундан кейин «Уялма» доимо стартда турсин.

— Хўп.

«Уялма ёр» деб аталувчи бу қўшиқ бир вақтлар эл орасида машхур бўлиб кетган «Индамади», «Ўхшайди-ку» сингари, шу кунларда барчанинг оғзида эди. Сўзлариям, оҳангиям анча ўйноқи ва жаарангли, дилни китиқловчи бу янги ашула, айниқса, кейинги пайларда «кўринмай» қолган Мумтозни яна диққат марказига чиқарип қўйди.

Дарҳақиқат, Мумтоз энди «давлат тўлайдиган кулагили ва ачинарли маош»га, отарчилик йўли билан ранги минг сарғайиб топадиган гижим пулларга қўл силтаб, ўзини ишбилармонликка, аниқроғи, мол-дунё, бойлик орттиришга ургандан буён, унинг ижросидаги қўшиклар камдан-кам эшитиладиган бўлиб колган, фалончининг ижросида янги қўшиқ, деган гап-ку, умуман йўқолиб кетганди. У энди телевизорга чиқмасада, тўй-ҳашамларга бориб отарчилик килмаса-да, ҳофизлик касбини батамом бир четга йиғиштириб қўйгани йўқ. Йирик-йирик амалдорлар, сармоядорларнинг даб-дабали тўйларида, энг яқин дўсту улфатлари ёхуд оҳори тўкилмаган нозанинлар билан ўтадиган пинхоний кўнгилхушилик давраларида, у ҳамон торини қўлга олиб, яна авжли пардаларда ёниб, кутийб куйлади. Бу билан у эл орасида «ҳофиз куйлашдан тўхтамаган»лигини маълум килиб қўйиш ва ал-

батта, юқори табака кишилари орасида ҳофизликдан орттирган шон-шуҳрати ва мавқенини сақлаб қолишни кўзларди.

«Уялма ёр»ни эса у атайин, наврўз байрами арафасида ўтказилган фестивалга мўлжаллаб яратди. У яна биринчилар каторида кўзга кўриниш, минг-минглаб шинавандаларнинг юрагига яна бир бор чўф ташлаб кўйиш ниятида эди ва бунга эришди ҳам.

Мумтознинг шу пайт «Уялма»ни эслаб қолишига сабаб, ҳозиргина ишхонасидан чиқиб келаётганида уни телевизорда яна шу ашула билан кўрсатишганида эди. Айниқса, кўрсатувни олиб бораётган момакамоқдек диктор қиз «Ҳаммамиз учун севимли, хушовоз ҳофиз Мумтоз ака» деганида бутун вужудидан ўтли ҳарорат югуриб ўтди.

Ҳалигина оз-моз ичилган конъяк тафтиданми ёки ўша диктор қизнинг ҳусни-ю ипакдек майин овози кўз олдига келибми, ҳар холда яна ўша ашуланинг завқи келиб қолганда магнитофоннинг иш бермаганидан Мумтоз ранжимади. У энди паст овозда ўзи хиргойи қила бошлади:

*Ташна дилни ташла, деди ташна дили,
Ёр куйганда яина, деди яинаб дили.
Ишонмайман, дил риштасин узарми ёр,
Салгинага ўз аҳдини бузарми ёр?*

*Уртманади ўшал дилга ошна дилим,
Инсоф берсинг, изтиробни ташла, дилим.
Ёр жафоси ое-ир тушиса, синамоққа —
Сен ҳам унинг кўзларини ёшила, дилим.*

*Худоийимдан ўргилойин, офтоб чиқди,
Рухсорини кўз-кўз қилиб моҳтоб чиқди.
Пайванд дилни узолмадинг, уялма, ёр,
Хижсолатдан қизил рангга бўялма, ёр...*

Бир пайт шундоққина биқинларида оқ «Жигули»да ўтирган Иброҳим ҳожи пайдо бўлиб қолди. Рулда ўзи. У атайин тезликни сусайтириб «Мерседес»га бир сигнал берди-да, кейин яна газ босиб улардан ўзиди кетди. Гарчи буни ҳожи унга хурмат юзасидан килган бўлса-да, Мумтознинг бир оз ҳамияти кўзғаб, Алим акага танбех берди:

— Сениям «Жигули»га ўтқазсам бўларкан...

Шундан кейин Алим ака машина тезлигини кес-
кин ошириб, энди ўрта йўлга ўтиб олди.

Мумтоз билан Иброҳим ҳожи кўп йиллардан бери яқин таниш, ўрталарида ўзаро хурмат ва маълум да-
ражада дўстона муносабатлар ҳам мавжуд эди. Ҳожи ундан ёш жиҳатдан улугрок бўлса-да, баъзан улар учрашиб қолганларида бир-бирларига ҳатто ҳазил-
хузул, асия ҳам қилиб қўйишар ва бу нарса, ўз ўрнида улар ўртасидаги иликликни ҳамиша мўътадил тутиб турар эди.

Шу бугун Мумтозга ҳожи унчалик хуш келмайроқ қолди. Ҳозиргина машинаси билан ундан ўзиб кетгани учун эмас, албатта. Улар бугун эрталаб икковлари учун ҳам эски қадрдон[^] Сидик қассобнинг гўшт дўко-
нида дуч келишганди. Ўша ерда иккови оз-моз асия-
лашган бўлишди. Бироқ ҳожининг бу сафар асия баҳонасидаги тагдор гаплари Мумтозга нечукдир нишли,
захарли, уни атайин камситиш, ерга уриш нияти-
да айтилаётгандек туюлди.

Тўғри, аслида Мумтознинг ўзи одоб юзасидан иш тутмади. Қисқагина салом-алиқдан кейиноқ биринчи бўлиб, ёши ўзидан каттароқ ҳожига асия йўлида илмокди гап ташлади:

— Кўшмачилик ишлари яхши боряптими, ҳожим?

Иброҳим ҳожи уни тушунди, Мумтоз «кўшма кор-
хона» сўзини пайровга олди. Бироқ буни аниқ тушун-
ган бўлса-да, бир лаҳза эти жунжикиб кетди. Хаёли-
да Мумтоз унинг кечадан бери ич-этини тирнаб тур-
ган нарсадан хабар топган-у, ҳозир ҳожига ана шуни
шама қилаётгандек бўлиб туюларди.

Аммо табиатан вазмин ва зукко Иброҳим ҳожи дархол ўзини қўлга олиб, Мумтознинг даъватига му-
лойимлик билан жавоб қайтарди:

— Хизр назар қиласи, йигитсиз, бек. Бўлмаса, мол бозорига даллол бўлармидингиз...

Мумтознинг дами ичига тушиб кетди. Боплади!
Уни бадбўй мол бозорида чўтал йифиб юрган безбет даллолга ўхшатди.

Гап шунда эдики, Иброҳим ҳожининг ҳам, Мум-
тознинг ҳам ишбилармонлик фоалиятлари бир вақт-

нинг ўзида бошланган. Бироқ улар шуғулланаётган ишлар бир-биридан мутлако фарқ қиласди. Иброҳим ҳожи қиска вақт ичиде хориж билан ҳамкорликда чарм пойафзал ишлаб чиқарувчи қўшма корхона курдириб, ишга тушириди. Эндиликда бу корхона етказиб бераётган олий сифатли оёқ кийимлари бевосита мамлакат эҳтиёжини қоплашга ёрдам берибгина қолмай, кўп миқдорда чет эл бозорига ҳам чиқарилмоқда. Табиийки, бундан давлат ҳазинаси ҳам, қўшма корхона ҳам, Иброҳим ҳожининг ўзи ҳам салмоқли фойда топмоқда эди. Кўпинча катта йигинларда, телевидение ва матбуотда ана шундай ташаббусларни, шу каторда Иброҳим ҳожини мақтаб колишганида, Мумтознинг унга ғайирилиги қўзгар ва ўзи-ўзига «Ҳамма қўшма корхона очиши шарт эмас», дей тасалли бериб қўяди.

Мумтознинг ишбилармонлик фаолияти эса, кўпроқ хорижий нарсаларни нақд пулга сотиб олиб келиб, уни бир амаллаб, кези келганда сифатсиз маҳсулотни ҳам мол бозорининг даллолидек оғиз кўпиртириб мақтаб, баъзан эса алдов ва кўзбўямачилик йўллари билан қимматроқ нархларда сотишдан иборат эди. Кўриб турибсизки, бундан пул айланма харакатга тушмай, четга чикиб кетаётганидан давлат ҳам, оддий бир нарсани фалон пулга сотиб олишга мажбур бўлаётган харидор ҳам жабр чекиб турипти. Асосий ютуқ бўлса товар ишлаб чиқарган хорижлик корчалон билан ўртада бўзчининг мокисидек бориб-келиб, олибсотарлик қилаётган Мумтознинг чўнтагида кетмоқда.

Иброҳим ҳожининг ҳозирги «даллол» сўзи унинг ана шу фаолиятига қочирим эди.

Бу қочирим унга оғир ботди. Унинг юрагидаги жароҳатлардан оз-моз хабардор бўлган Иброҳим ҳожи ҳозир атайнин ана шу гапи билан Мумтозга «сен ўзинг кимсанки...» дегандек туюлиб кетди.

...Мумтоз Тахмина туфайли ўз оиласидан ажрасиб кетган, хотини билан учта фарзанди — бир ўғил, икки кизи қолган эди. Хотини ҳам унга ўчакишиб, тез орада бошқа одамга эрга тегиб кетди. Барча килган яхшиликлари эвазига куёвдан топган «мукофот»-дан қаҳру ғазабга келган қайнота болаларни энди

Мумтозга яқин йўлатмай қўйди. Тўнғичи киз эди, куёвга узатди, лекин навбат энди бошқаларга етганда, ана шу одам тўсатдан ўлиб қолди. Шундан кейин қаердадир «дом»да яшаётган хотини янги эри билан ўша ҳовлига кўчиб ўтишган ва бўйи етиб қолган ўғли билан кенжакиши энди уларнинг тарбиясига ўтишган эди.

Тўгри, кимсан — «жаноб Мумтозбек» бўлиб яшаётган давлатманд дада уч фарзандини тақдир тақозосига ташлаб кўйгани йўқ. У узатиб турган маблағ ҳар қандай катта оиласа етиб-ортгудек эди, лекин болалар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланадиган киши бўлмаганидан тез орада жиддий нохушликлар рўй бера бошлади.

Ўғли Санжар кимларгадир қўшилиб, Россиянинг узок шаҳарларидан бирига қочиб кетиб қолди. Ўша ерда у наша сотишда айбланиб, етти йилга кесилгани ҳақидаги хабар Мумтозга орадан икки йил ўтгач етиб келди.

Мумтоз дарҳол у ётган жойни аниқлаб, ўз одамларини у ерга жуда катта пул билан жўнатди ва ўғлини кутқаздириб олиб келиб, ўз ҳимоясига олди, Санжарга алоҳида уй олиб бериб, уйлантириди. Ўз савдо дўконларидан бирини хатлаб бериб, унга каттагина сармоя ҳам ажратди. Бироқ нашавандликка, арок-хўрлик ва қиморбозликка ўрганган Санжар дадаси ажратган бор бисотни кўкка совурди. Бир гал ҳатто Тахминанинг устига бостириб келиб, уни ўлдираман дея кўркитиб, уйдаги жамики қимматбаҳо нарсаларни супуриб олиб чиқиб ҳам кетди.

Шундай қилиб, Мумтоз энди ундан «кўлини ювиб кўлтиғига артиб қўйган». У билан қизиқмайди, уни сўраб-суриштирмайди ҳам. Санжарнинг ўзи бот-бот дадасининг ишхонасига келиб ёки бўлмаса кўча-кўйда олдини тўсиб чиқиб, ундан пул талаб қилиб қолади. Шунда Мумтоз одамгарчиликдан батамом чиқиб кетган, афт-ангари бир ахволда тентираб юрган гиёхванд ўғлига ич-ичидан ачинади. Бироқ начора. Яқинда эшитишича, уйниям, ёшгина хотининиям қиморга тикиб бой бериб юборипти.

Кенжакиши Гуландом эса унданам куйдирги бўлиб

чикди. Ўн беш ёшидаёқ ким биландир номаълум томонга қочиб кетганича бунисиям икки йил йўқолиб кетди. Ахийри қайтиб келди. У энди аввалги Гуландом эмас, иффатсиз, ор-номуссиз, майпараст ва қашдана, юзидан юлдузи қочган саёқ бир киз эди.

Гуландомнинг бу ахволда пайдо бўлиши, яна тавбасига таянмай, шаҳар ва унинг атрофларида тўйматўй санқиб юрган отарчи бир гурух таркибида ракқосалик қилаётгани Мумтозни даҳшатга солиб кўйди. У яна ўз одамларини ишга солиб, катта маблағ эвазига кимсасиз бир камбағал йигитни уни хотинликка олиб кетишга кўндириди. Шундай бўлди ҳам. Бироқ орадан ярим йил ўтмаёқ яқинда Мумтоз ўша йигитдан «Берган пулингизга рози бўлинг, менда айб йўқ. Кизингизни ўзи қочиб кетди», деган мазмунда хат олди. Шу кунларда Гуландом яна Тошкентда пайдо бўлган дейишиди. Ўз обрў-эътибори, шаънини ўйлаб кўркувга тушиб Мумтознинг одамлари уни қидиришяпти, бироқ ҳозирча жим-житлик эди... Ана шундай. Девор заҳкаш эди. Гап мабодо фарзандлар устида боргудек бўлса, Мумтоз ўтирган жойида тутдай тўкилиб қоладиган одам.

— Мана, гўштниям нимталаб қўйдик, энди максадга кўчайлик, — деб қолди шу пайт Сидик қассоб. — Бугунгиси хисори қора қўчкор, дадилроқ бўлинглар.

Хожи билан Мумтоз хурмат юзасидан бир-бирларига қараб қўйишиди. Ниҳоят ҳожи гап қотди:

— Бизга беш-олти кило. Сонидан, тўшидан. Бир оз чарви билан жигаридан ҳам қўшасиз.

Сидик қассоб Иброҳим ҳожига айтгандай қилиб гўшт-ёғ ўраб берди. Кейин Мумтозга қаради.

— Бу гўштингизни бемалол сотоверинг, тушдан кейин соат иккиларда бошқа бир қўчкор етаклаб, Кўргонга ўтинг. Уйда одам бўлади, сўйиб бериб кетаверасиз.

Мумтоз шундай дея чўнтагидан бир боғлам пул чиқариб қассобнинг пештахтасига ташлади...

«Мерседес» аэропортга келиб тўхтаб, Мумтоз ичкарига йўл олаётган пайтда унинг қулогига «Уялма ёр» чалинди, шошиб атрофга қаради. Хув нарирокда

музқаймоқ еб туришган бир тўп қизларнинг магнитофонидан эшитиляпти. Мумтознинг яна кўнгли кўтарилди, кайфиятига оз-моз соя ташлаб ўтган ҳалиги нарса бир зумдаёқ хаёлидан кўтарилиди. Соатига қараб қўйди: самолётнинг кўнишига яна ўн беш дақиқа бор.

Перрон кутиб олувчилар билан гавжум эди. Улар асосан башанг кийинган серсавлат кишилардан, оп-поқ-оппоқ ойимлар ва болалардан иборат. Қулоқка ўзбекча, ўрисча, форсча, туркча ва инглизча гаплар чалинарди.

Ногоҳ Мумтознинг олдида новчадан келган, ягри ни кенг, икки бети кип-қизил, бошдан-оёқ янги кийинган бир козок киши пайдо бўлди ва дўриллаган овозда ўрисчалаб сўради:

— Извините, ви случайно не господин Мумтозбек?

Мумтоз унга бир дам хайрон бокди-да: кейин нотаниш бу одамга сиполик билан жавоб қайтарди:

— Ви угадали. Чем вам могу быть полезен?

— Очень рад знакомству, — у хушнуд қиёфада Мумтозга кўл узатли — Давлатберди...

Шундан кейин Давлатберди ҳам жаноб Кутбиддинни кутиб олишга чиққанини айтди. Кутбиддин унга ҳам қўнғироқ килиб, фалон куни, фалон рейс билан Тошкентта учаман, ўша ерда бўл, шундай-шундай одам бор, таништириб қўяман, деган экан.

— Агар сир бўлмаса, жаноб Давлатберди қайси иш билан шугулланадилар? — сўради ундан Мумтоз.

— Мен ҳам худди ўзларига ўхшаш...

— Хурсандман. Сиз билан танишганимдан беҳад хурсандман, — деди Мумтоз ўзига янги шерик топиб олганидан кувониб.

Улар шундан кейин четроққа ўтишиб биттадан сигарет чекишга улгурмаёқ самолёт ерга қўнгани эълон қилинди.

Кутбиддин Салоҳийнинг бир ўзи эди. Чиройли кийинган, бир қўлида плашли билан ихчамгина дипломат, одимлари шахдам, хуш кайфиятдан юzlари ловуллаб, кўзлари кулиб турипти. У Мумтоз билан Давлатбердини узокданоқ кўриб, улар томон кучоқ очиб

келди. Кейин улар кўп вақтлардан бери юз кўришмаган қадрдан дўстлардек кучоқлашиб қуюқ кўришишди.

— Узбек билан қозоқнинг қони битталиги кўриниб турипти, — ҳаяжонини яширолмади Кутбиддин.— Мен уларни таништириб қўйгунча бўлмай ўzlари аллақачон бир-бирларини топиб олишипти-я!

Учовлон енгил кулишиб олишди. Кейин ташқарига йўл олишаркан, Кутбиддин Мумтоздан сўраб қолди:

— Тахмина хоним яхши юриптиларми?!

— Раҳмат, ҳаммаси жойида. Тахмина хоним ҳозир сизга мунтазир бўлиб турипти.

Мумтознинг бу гапидан меҳмон янам қувониб кетди.

— Наҳот?! — у ички бир ҳаяжонда шундай деди-ю, кейин қандайдир андишага бориб, яна қўшиб қўйди:— Наҳотки Кўргонга кўчиб ўтган бўлсаларинг?

— Тўла кўчиб ўтганимиз йўқ. Лекин сизни хушҳаво жойда қабул қилишни лозим топдик, — жавоб берди Мумтоз.

— Жуда соз, жуда соз! Мен «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жой буориб қўйгандим. Модомики, Тахмина хоним бунчалик илтифот қилган бўлсалар, мен бу таклифни бажонидил қабул қиласман. — Кейин у Давлатбердига юзланди:— Сиз бунга нима дейсиз?

Давлатберди «менга барибир» деган маънода ишора қилувдики, Мумтоз шошиб илова қилди:

— Жаноб Давлатберди ҳам биз учун энг азиз меҳмон...

Шундан кейин улар Мумтознинг илтифоти билан «Мерседес» кутиб турган жойга боришли. Алим ака машина эшикларини очиб, меҳмонларни ўтказаркан, шу пайт Мумтоз учун сира кутилмаган бир хол рўй берди. Орқа томондан «Пахан, тўхтанг» деган овоз эшишилди. Мумтоз «ялт» этиб, овоз келган томонга ўғирилди. Ўн қадамларча нарида... оёқда базўр турар даражада маст, ёқавайрон ўғли Санжар турарди.

Мумтоз турган жойида музлаб қолди. Нима қиласмини билолмай, ниҳоят меҳмонларга: «Узр, мен ҳозир» деганича, саросималик билан ўғли томон шошилди.

— Нима қилиб турибсан бу ерда?

— Буёги менинг ишим, — чайқалиб жавоб берди Санжар. — Пулдан чўзинг.

— Албатта ҳозир, шу ерда сўраш керакми? Мехмонлар борлигини кўрмаяпсанми?

— Кўряпман. Пулни чўзинг-да, бораверинг...

— Бўпти. Эртага сен билан бошқача гаплашиб кўяман! — у шундай дея чўнтағидан уч-тўртта юз сўмлик чикариб ўғлининг кўлига тутқазди. Аслида бу пулни у Санжарнинг юзига отмоқчи эди-ю, лекин орқасида меҳмонлар қараб туришганидан, ўзини тутиб қолди. — Аблаҳ!

Санжар унинг бу гапига эътибор бермади. Юзталикларни гижимлаганча чўнтағига соларкан, яна кўшимча килди:

— Бу кам. Доллар беринг...

— Нима?! Долларни қаердан оламан?! — Мумтоз нинг хуноби.ошиб, қичкириб юборай деди.

— Бошқа чўнтағингиздан. Ойимчангизга берадиган чўнтағингиздан. Бўлмаса, меҳмонларингиздан сўрайман.

Мумтоз энди даҳшатга тушди. Бу бола уни ўлдиради-ку! У қаҳру ғазаб билан чиндан ҳам бошқа чўнтағидан битта элликталик доллар чикариб, энди унинг бетига отди.

— Эртагаёқ Тошкентдан оёғингни куритмасам, Мумтоз отимни бошқа кўяман! — Мумтоз титраб-кақшаб кескин бурилди-да, машиНага келиб ўтириди.

У хижолатдан қизариб кетган, сезиларли даражада қалтираб турарди. Меҳмонлар унга ҳеч нима дейишишмади. Аксинча, Қутбиддин ўзини Давлатберди билан нима хусусдадир берилиб гаплашаётганга солди. Аҳволни кўриб турган Алим ака ҳам шу заҳотиёқ «старт»даги ашулани баланд овозда кўйиб юборди.

— Кетдик! — буюрди унга Мумтоз. — Кўргонга ҳайда!

— Хўп.

VII

Тахмина қия очиқ қолган ҳовли эшигидан ичкарига кирди-ю, яна икки қадам олдинга босмаёқ, турган

жойида туриб қолди: Акмал?! У кўзларига ишонмасди. Нималар бўляпти ўзи? Тушимми-ўнгимми?

Чап бикиндаги хужра эшиги олдида Акмал унга жилмайганча боқиб турар эди. Ранgsиз ва сўлғин юзига кўзларидан ёш куйилаётган Сурайё унинг елкасига осилиб олган. Гўё уни қўйиб юборса, ўғли яна кетиб қоладигандек.

Акмал ўз қархисида моҳтобдек балқиб, қувонч ва ҳаяжондан яшнаб, ял-ял ёниб, унга илик қараб турган Тахмина томон қадам ташлашга журъат қилолмади. Буни сезган Сурайё энди уни ўзидан бўшатиб, «Бор, кўриш» деган маънода орқасидан аста нуқиб қўйди. Бироқ Акмал онанинг турткисидан далда олгунча бўлмай, Тахминанинг ўзи қучоқ очиб, унга томон отилди.

У Акмалнинг бўйнидан қучиб, унинг юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олди. Тахминанинг кўзларида жиққа ёш, гўё бутун бир умр қидириб, унга етишолмай юрган энг яқин, энг қадрдон кишисини топиб олгандай ҳаяжон ичида эди.

— Акмал... Каерларда эдинг?! Мен сени жудаям соғиндим. Бугун сени тушимда кўрувдим!

Бироқ Акмал ҳануз ўзини ўнглаб ололмаган, ўзини йўқотиб кўйган эди. Энди унинг ҳам кўзларига ёш келди:

— Тахмина, мен ҳам сени соғиндим...

Тахминанинг ортидан кирган Сожида ҳам, ташқарида турган машинасидан ичкарига картон кутиларда ул-бул таший бошлаган ҳайдовчи йигит ҳам, ҳов нарида қўй сўйиб, унинг терисини ажратиётган Сидик қассоб ҳам таажжубда қолишиди: «Жаноб Мумтозбекнинг еру кўкка ишонмайорган арзанда маликасига нима бўлди? Бу нотаниш ва бечораҳол йигитнинг унга оғуш очиб ютурган Тахминага қандай алоқаси бор?»

Шу тоб буни Сурайё англаб етти, икковининг ёнига аста яқинлашиб, bemажол синик овозда: «Бўлди, қараб туришипти», деб қўйди. Шундан кейингина Тахмина ўзини ўнглаб, Акмални ҳоли қўйди. Кўз ёшларини артиб, бошқа ҳеч нима демаёқ, қархисида азим

чинордек савлат түкиб турган ҳашаматли бино ичига юрганча кириб кетди.

Сожида унинг ортидан йўл олди. Тахмина қиммат-баҳо жиҳозлар билан яшнаб-яркираб турган меҳмонхона тўрисидаги оромкурсилардан бирида яна кўз ёшлари дув тўкилиб ўтиради.

- Сенга нима бўлди, намунча кўз ёши?
- Севинганимдан...
- Ким ўзи у? Қаердан қелиб қолди?
- Сен уни билмайсан. Мен йўқотиб кўйган одам...
- Бас қил, — гап нимадалигини оз-моз англағандай бўлди Сожида, — қиз бола эмассан. Ҳозирги қилиғингни эринг кўрганда борми... Топган одамингни яна йўқотиб кўйишинг ҳеч гапмас.

Ногоҳ Тахминанинг кўз олдида бир вақтлар Оҳангарон ўрмонзорида рўй берган ўша машъум воқеа, беомон калтакланган ва қонга беланганд Ато билан Акмал, кейин эса Қиргулида уни хўрлаган ва таҳқирилаган Истам гавдаланди. Наҳотки Мумтоз ўша истамлар тоифасидан бўлса, наҳотки у ҳам Акмални бу ерга сифдирмаса?! Йўқ, мен энди бунга йўл қўймайман...

Мехмон кутиб олиш учун тадорик ишлари бошлиниб кетди. Сожида норин тайёрламоққа киришди. Сидик қассоб Акмалнинг кўмагида кўйни тинчтиби, уйдагилардан фотиха олди. «Ҳамиша чеҳрахандон ва меҳрибон, ёш ва чиройли Тахмина хоним» келганлиги ва уни йўқлатганидан қувониб кетган Зилола ҳам барча ишларини бир четга кўйиб, ҳатто Мумтоздан колган эрталабки аччиқ ранжни унутиб, бир пасдаёқ пайдо бўлди. Тахмина билан қуюқ кўришиб олди-да, кейин енг шимариб ошхона ишларига киришиб кетди.

Ким нима билан шугуланаётган, нима ҳақда ўйлаётган бўлмасин, Тахминанинг хаёлида Акмал, Акмалнинг хаёлида Тахмина чарх урарди.

— Акмал... У беш йил қаерларга йўқолиб кетди? Уйландимикин? Аҳволи не кечдийкин? Бир вақтлар Атоникида Тахмина билан бирга ўтказилган ўша ширин оқшом, ўша ширин орзуласи ёдидамикин?.. Бугун тушида кўрган қанотли оқ от таъбири нима бўлиб чиқаркин?

— Тахмина... Мен унинг олдида бир умр гуноҳкорман. ,Мен Тахминага севги изхор қилдим. Уни энди сарсону саргардонликлардан, таҳқирлардан, хорлигу хўрликлардан қутқазаман, сени баҳтиёр қиламан, деб ишонтирган эдим. У менга ишонди, не-не ширин умидлар билан менга оғуш очди. Лекин Тахминанинг умр бўйи чеккан изтироблари, азоблари, у кўрган не-не қабиҳликлар, номардликлар етмаганидай, ўз хаётида бир марта, биринчи марта ишонч билдирган кишиси бўла туриб, мен ҳам унга хиёнат қилдим. Мен Тахминани химоя қилолмадим, уни яна ифлос зўравонлар чангалига ўз қўлларим билан топширдим. Мен ҳам одаммани, мен энди эркакмидим? Узокларда, номаълум гўшаларда унинг факат хаёли билангина яшаб ўтсан бўлмасми?»

Мен... азбаройи онам туфайли, онамнинг оғир бетоблигини эшитиб, уни бир кўриб қолиш илинжида келдим бу ерга. Бу она бошқа оналар каби бўлмасада, уни зиёрат килиб қўймоқни фарзандлик қарзим, деб билдим. Бу она мениям баҳтсиз қилди, баҳтимга зомин бўлди...

Тахмина... Биз энди ҳеч қачон бирга бўлолмаймиз. У энди ўз уйидан тиниб-тинчиган, роҳат-фароғатда яшаётган бир аёл. Унинг оромини бузишга сирайм ҳаққим йўқ. Мен онамга ҳам, Тахминага ҳам шу беш йил ичидан қаерларда бўлганлигимни айтмайман. Ўша ифлос ва разил Истамдан ўч олганимни, уни бир умрга майибу мажрух қилиб, камалиб келганимни айтишдан не ҳожат? Бу билан мен Тахминадан^мукофот кутишим керакми? Асло.

Ўз хужраси ёнидаги катда картошка-пиёз арчиб ўтирган Сурайё бир четда кабоб учун қўра ўрнатиб, ўтин-кўмир тайёрлаётган ўғлидан нигоҳини узолмайди. Унга мўлтираб, меҳр билан тикилади, кўзларига ёш олади. Нури дийдаси ўз оёғи билан кириб келганига ишонолмайди. Қани энди кўзининг очиқлигига уни уйлантириб қўёлса, бу дунё азобларидан фориг бўлган куни ўғли уни лаҳадга ўз қўллари билан қўйса...

Шу пайт ичкаридан лаган кўтариб чиқсан Зилолага меҳру хавас билан боқиб сўрайди:

— Зилола кизим, хеч нимадан хабаринг йўқдек...

— Вой, нима эди, холажон?! — унга ҳайрон бокади Зилола.

— Бугун ахир ўғлим Акмалжон келиб қолди-ку, айтишмадими? Ҳали ўзим сендан суюнчи олай десам, Тахмина билан овора бўлиб, ошхонага ўтиб кетвординг.

— Вой, куллук бўлсин, холажон! — Зилола энди уни кучиб, Сурайёнинг бетларидан ўпиб кўйди. — Ўғлингиз келгани рост бўлсин. Хув авави йигитми? Эътибор бермапман...

— Ҳа, худди ўзи. Дурустроқ қарагин...

Шу пайт Акмал турган жойга яқинроқда ўйноқлашаётган кучукларни қаёққадир ҳайдамоқ билан овора Тахмина қичқириб қолди:

— Зило! Жиндак гўшт олиб кел, манави курғурлар гапга кирмаяпти.

Бироқ Зилола ошхонага кириб чиққунча бўлмай, Акмал келиб иккала кучукни қўлтиғига олди-да, ховли ортига ўтиб кетди.

— Вой, хушёр бўл, Акмал. Тишлаб олмасин тагин! — Тахмина шундай дея, шошиб унинг оркасидан эргашди.

Ташки ховли ичига раста қилиб ниҳоллар ўтқазилган экинзорлардан иборат бўлиб, чор атрофи ба-ланд ғийштили девор эди. Акмал кучукларни бир четта ташлаб, шилдираб оқаётган ариқчада қўлларини ювди. Ўрнидан туриб ортга бурилган ҳам эдики, қархисида унга тик бокиб турган Тахминани кўриб, юраги ҳаприкиб кетди.

— Акмал, мени соғинмадингми?..

— Соғиндим, дёдим-ку...

— Нега мунча йўқ бўлиб кетдинг, бўлмаса?

— Мендан буни сўрама.

— Энди шу ерда коласанми?

— Йўқ...

— Демак соғинмабсан, — Тахмина шундай дея, иккала кўли билан юзини тўсиб йиғлаб юборди.

Акмал келиб унинг қўлларини юзидан олди, кафти билан кўз ёшларини артди. Тахминанинг интиқ ва илтижоли кўзларига, хиёл титраб турган ғунча лаб-

ларига бир дам боқиб тураркан, ўзини тутолмади, уни шашт билан ўз оғушига тортди...

...Ховли дарвозаси ўз-ўзидан очилиб, ичкарига «Мерседес» кириб келиб тұхтади. Тахмина меҳмонларнинг келишидан бир оз бурунроқ ясан-тусанни жойига қўйиб олган, у энди равоқ олдида товусдек ловуллаб турарди.

— Тахмина хоним, сизни кўрганимдан бошим осмонда! — машинадан тушибоқ унга томон шошилди Кутбиддин.

Тахмина ҳам унга назокатли табассум билан пешвозди чиқди.

— Мени Тошкентга сизни чароғон чехрангиз ва меҳрингиз тортиб келди. — Кутбиддин такаллуф ва тавозе билан Тахминанинг қўлини олиб ўпди.

Мумтоз сезиларли саросимада Тахминага иккинчи меҳмонни таништириди:

— Бу дўстимиз Давлатберди...

Тахмина унга ҳам чиройли табассум ҳадя этиб, «Хуш келибсиз» деб қўйди.

Ховли сахни ўртасида катта мармар ҳовуз, унинг беш-олтита кичик-кичик, ўз жойида гир айланниб турувчи фаввораларидан отилиб тушаётган зилолдек тиник сувида тилларанг балиқлар ғуж сузиги юрипти. Ҳовуз ўртасида чор устун ва тоқлари нақшинкор равоқ бўлиб, унга мўжазгина кўприкча орқали ўтилади. Меҳмонлар учун ана шу равоқда зиёфат ҳозирланган эди.

Бироқ улар дастурхонга шошилишмади. Кутбиддиннинг илтимоси билан Кўргоннинг жихозлаб улгуришган ва шунингдек, пардозлов ишлари тугаган-у, бироқ ҳали жихозланмаган барча катта-кичик хоналарини бирма-бир айлантириб чиқишиди. Айниқса, пастки қаватдаги ҳашаматли заллардан бири уларга жудаям маъкул тушди. Бу ердаги ости ва атрофларига манзарали мармар ёткизилган зилол сувли катта бассейн, барглари ажабтурор чиройли, шифт томон ўрлашиб кетган турли хил яшил-яшил ўсимликлар, рангоранг гуллар, тиним билмай жакур-жукур сайраётган қушлар овози кишига чиндан ҳам хуш кайфият бағишиларди.

— Бисёр хуб, бисёр хуб! — деди Кутбиддин бундан ҳаяжонланиб, — Бамисоли жаннат бўпти.

Шунда Мумтоз ўз ғурурини босолмади:

— Нариги дунёдаги жаннат бизга насиб этадими-йўқми, ўёғи номаълум... Мен уни кўзим очиқлигига кўрмоқ истайман.

Мехмон унга мулойимлик билан жавоб қилди:

— Унисини ҳам, бунисини ҳам Оллоҳ наеиб этсин.

Тахмина Кутбиддинни Тошкентга ўзининг «чароғон чехраси ва меҳри тортиб» келмаганини, у албатта навбатдаги олди-сотди ишлари билан боғлиқ масалада юрганини яхши тушунади. Ҳойнаҳой, мебел гарнитурларини машинага ортиб жўннатиб, ўзи самолётда учуб келган. Факат, Кўргон учун ваъда қилинган мебел жиҳозлари хусусида Кутбиддин нима деркин, деган фикр уни кизиқтириб турарди. Шу боис ҳам улар ташқарига чиқишаётганида, Тахмина ҳазил тариқасида ним табассум билан Қутбиддинга шама қилди:

— Жиҳозланмаган бўш хоналар учун айбга буюрмайсиз...

Кутбиддин уни тушунди:

— Мен шу кунлардаёқ Тахмина хонимга ваъда ўз вафоси билан улуғлигини кўрсатмоқчиман...

Тахмайна ҳам Кутбиддиннинг нимага шама қилаётганини ҳис этиб, ичида ўзича унинг устидан кулиб кўйди.

Ташқарида аёллар кўзга ташланмайди. Сурайё ҳали пиёз арчар чоги унинг аччиғи таъсир қилдими, бир оз нафаси бўғилгандек бўлиб, ўз ҳужрасига кириб кетган. Сожида ошхонадан чиққаниям йўқ, меҳмонларнинг келишганини кўрганиям йўқ. Зилола эса унчамунча ишларни таҳт тиндириб, шийпондаги дастурхонни тузаб бемор онасига укол қилиши лозимлигиги айтиб, уйларига кириб кетган. Факат Ақмал билан Алим ака ҳовли четида тутун елпиб, кўмйрни чўғ олдириш, сихларга гўшт тортиш билан овора эдилар.

Мумтознинг ҳалиёқ унга назари тушган, бирок хизматга чиқкан кўни-кўшнилардан биронтасидир, деган фикрда эътибор бермаганди. Тахмина ҳам бугун ўзини яшнатиб турган кувонч ва ҳаяжоннинг бош

сабабчиси Акмал эканлиги, унга узокдан тез-тез пинхона назар ташлаб, бундан хузур ва ҳаловат топиб турганига қарамай, эрига бу ҳақца оғиз очмади. Бунга ҳали фурсат етмаган эди. Мехмонлар бир четда қолиб, дарровоқ унга «Акмал келди!» деб суюнчилаши ёш боланинг ишидек бир гап эди. Иккинчидан, Тахмина яхши билади, Мумтоз ниҳоятда сезгир ва эҳтиёткор одам...

Орадан бир оз вақт ўтиб, Акмалнинг ўзи уларнинг олдига кабоб келтириб қўяётганида ширакайф Мумтоз сўраб қолди:

— Маладес, зўр йигит экансиз. Отингиз нима эди?

Акмал Тахминага ўғринча назар ташлаб олди. Тахмина «пик» этиб кулиб қўйди, кейин ёрилишга мажбур бўлди:

— Танимадингиз, бегим. Бу йигит Акмал-ку... Сурайёning ўғли.

— Нима, нима, Сурайёning ўғли?! — Мумтоз чайкалиброқ ўрнидан турди-да, Акмалга оғуш очгандай бўлди. — Қачон келиб колдинг, қаердан? — У йигитнинг иккала кифтидан тутиб, уни силтаб-силтаб қўяркан, — Яхши, яхши. Азамат йигит бўпсан, — деди.— Қани, кел, биз билан ўтириш. Майли.

Бироқ Акмал ўтиришга кўнмади.

Бир вақтлар Мумтозни у ашуалари орқали гойибона ҳурмат қиласар, шундай катта ҳофиз ўзига кариндош эканлигидан фаҳрланиб, у билан учрашиш орзусида ҳам юрарди. Кейинроқ онаси Тахминани олиб келиб унга топширганини, шундай бообрў, кап-катта одам ўз оиласи ва фарзандларидан воз кечиб, унга уйланганини эшитгандан бўён Акмал уни ёмон кўриб қолган. Бироқ начора, дарду аламлари ичидаги тош қотиб турипти. Мумтознинг кибру ҳавоси, ҳозир уни худди ёш боладек билиб, Тахминанинг олдида кифтидан силкитиши, боз устига, «Биз билан ўтириш, майли» дейиши Акмалнинг яна ғашига тегди. Шу боис ҳам у шунчаки, Алим ака томон ишора қилиб, «Биз ўзимиз...» деганича кескин ортига бурилди. Тахмина уни тушунди, Акмал учун ичидаги эзилиб қўйди. Мумтоз эса ширин кайфият оғушида ўзаро нималарнидир бе-

рилиб гапиришаётган меҳмонлар сухбатига яна қўшилиб кетди.

Маълум бўлишича, худди ҳали Тахмина ўйлаганидек, Кутбиддин Тошкентга юк машиналарида ўн беш комплект мебел гарнитури ортиб жўнатиб, кейин ўзи самолётда учган экан.

— Юклар эрта-индин Тошкентга кириб келади, — деди Кутбиддин Мумтозга. — Ўнтасини савдо омборига, бештасини бу ерга олиб келиб туширасиз. Мен ўзим ажратиб бераман. Шундан тўрттаси сизларга, биттаси Давлатбердига. Қолган гапларни кейин гаплашамиз...

Кутбиддин Давлатбердини Тошкентга нима учун чакиргани энди маълум бўлди. Лекин Олмаотадан узок масофага битта гарнитурни юклаб олиб кетишининг ўзи фалон пул. Афтидан, бу мебел жудаям қимматбаҳо бўлиши керак. Ёки уни Кутбиддин бекорга бермоқчи ёки бўлмаса Давлатберди бу гарнитурга қўшиб, Тошкентдан яна бошқа нарсалар ҳам юклайди.

Меҳмон Тахмина хоним росаям кувонса керак, деган хаёlda унга ўгринча назар ташлаб қўйди. Буни тушуниб турган Тахмина хушнуд киёфада унга миннатдорчилик изҳор килди.

— Сиз чиндан ҳам олижаноб экансиз, — деди у яна қўшимча килиб. — Биз ҳам ўз ўрнида, сиздан қарздор бўлиб қолмаслик ҳаракатини қиласиз.

Мумтоз уни маъкуллаб, «Правильно, маладес!» деб қўйди кайф билан чайқалиб.

Аслида ҳозир Тахминанинг хаёлинини банд этиб, унинг қалбида ширин-ширин ҳиссиятлар уйғотаётган, руҳига рух қўшиб турган нарса ҳашаматли уй ҳам, хорижий мебеллар ҳам эмасди. Унинг фикрида, кўз ўнгига энди кўпроқ Акмал гавдаланиб турипти. У Мумтоздан, меҳмонлардан пинҳона Акмал томонга тез-тез қараб қўярди. Суйган кишиси энди ўз ёнида эканлигидан кувончи ичига сифмай боряпти.

Тахмина бирров «Акмалнинг онаси»дан хол сўраб қўйиш, кейин ошхонага ўтиб, агар норин тайёр бўлган бўлса, Сожида билан бирга сузиб келтириш ниятида меҳмонлардан узр сўраб, ўрнидан турди.

Шундан кейин ҳаммалари учун кутилмаган яна бир воеа рўй берди.

Тахмина эндиғина куйдир-пиширлардан бўшаб, яна пардоz-андозини ўнглаб олган Сожидани меҳмонлар билан таништириш учун улар кошига олиб келувдики, Давлатберди сапчиб ўрнидан туриб кетди. У Соjидага тикилганча тош қотиб турар, уни кўриб Соjида ҳам ҳайратда эди.

— Давлат?!

— Сожида... Мен сени бу ерда учратаман, деб ўйламовдим.

— Мен тошкентликман, Давлат. Сен ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерларда?

— Сени излаб келдим. Ишонасанми?..

— Йўқ...

Сожида билан Давлатберди ўртасидаги алоқанинг аччиқ бир тарихи бор эди.

Сожида Тошкент мактаб-интернатларидан бирида ўсиб-улғайди. Болалик чоғлари фақат отаси аҳён-аҳёнда келиб ундан хабар олиб турарди. Кейинчалик нима бўлди-ю, ота ҳам дом-дараксиз кетди. Энди ундан ҳам умидини узиб, батамом етимликни гарданига олган қиз ўрта мактабни тугаллаётган кунлари бир қозок йигит хотини билан иккита боласини етаклаганича уни сўроқлаб келди. Сожидани топиб: «Мен ўгай аканг бўламан. Раҳматли дадамизнинг васиятига кўра сени излаб келдим. Сен биз билан Олмаотага кетишинг керак», деб қолди. Мехру оқибатга ташна етим қиз узоқ ўйлаб турмади. Ўгай аканинг этагидан маҳкам тутиб, у билан бирга жўнаб кетди.

У ерда ўгай ака Сожидани қайси бир савдо базасида мудирлик килувчи Давлатберди номли дўстига пулламоқчи бўлди. Тўгри, Давлатберди хали уйланмаган лочин йигит эди ва хушрўйгина Сожидага астайдил кўнгил бериб қолди. Лекин тошкентлик Соjида бу ерга ўргана олмади, бўёкка жўнавориб чакки қилганини тушунди-да, бир кечадаёк ўгай аканинг уйини тарқ этди.

Тошкентга қайтишда ҳарбий хизматдан қайтаёт-ган Ғуломжон исмли фарғоналик бир йигитга кўнгил кўйиб, у билан Фарғонага бориб қолди.

Йигитнинг ота-онаси яхши кишилар экан. Ёлғиз ўғлиниң хоҳиш-истагига қарши бориshmади ва тез кунлардаёқ тўй-томуша қилишиб, уларни уйлаб кўйишди.

Бироқ тақдир яна Сожидага кулиб боқмади. Тўйдан кейин оқ қайноқ машинада аварияга учраб ҳалок бўлди. Ундан кейин, армиядалиги вақтида аллақандай маҳфий кисмда хизмат килиб юриб заҳарланган Ғуломжонда ҳам оқ қон касаллиги хуруж қилиб чикди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ у ҳам ҳаёт билан видолашди.

Қўлида бир яшар кизчаси билан қолган Сожида энди бу даргоҳда бошқа яшолмади. «Шумқадам» келин билан энди бошқаларнинг ҳам унчалик иши бўлмай қолган эди. Ниҳоят у бир куни аччиқ қисматнинг дарду аламларидан адойи тамом бўлган кекса ва афтодаҳол қайнона билан орани очиқ қилиб кўя қолди. «Мен бу ерларда бошқа яшолмайман. Олмаотага, акамникуга кетаман!» — деди. Онаизор хўп йиглади. Ғуломжонидан қолган битта-ю битта ёдгорлик — жажжи неварасидан ҳам энди жудо бўлаётгани учун қақшаб қолаверди...

Олмаотада ўгай ака уни совуқ карши олди. «Мени гапимга кирмадинг. Ўша юртларга кетиб қолиб, мана, орттириб келганинг шу бўлди», деди.

Кунларнинг бирида Сожида билан акаси ўртасида Давлатбердиндан гап очилиб қолди. Шунда акаси Давлатбердининг икки марта уйлангани, лекин ҳануз бахтини тополмаганини айтди. Ўша куниёқ Сожида унга телефон қилди. Гап орасида ўзининг «боши очиқ»лигини кистириб ҳам ўтди. Шундан кейин улар икки-уч марта учрашишди, бир бор Сожида ҳатто Давлатбердиникида тунаб ҳам қолди.

Орадан яна бир оз вақт ўтиб, ўгай ака масалани очиқ қилиб кўйди:

— Бутун давлатим, кўшку айвонларим Сожидага мунтазир. Лекин бир ўзи келсин, деяпти Давлатберди. Энди буёғи ўзингга давола...

Сожида ўшанда... бир умр юрагига ўчмас дөг ва армон бўлиб қолган қабиҳ ишга қадам босди. У ўз тинчи ва фарогати, ҳавои нафси йўлида қўлидаги бир яшар жигарпорасидан воз кечишга журъат этди, гўдагини фарзандсиз бир хонадонга тортиқ қилиб юборди...

У Давлатберди билан энди ғам-ташвишсиз яшай бошлиди. Бироқ ҳар бир иш учун Оллоҳ ажрими мукаррар экан. Давлатберди кунларнинг бирида уйга ёшгина бир санамни етаклаб келди-да, Сожидага:

— Мендан хафа бўлма. Мен энди ўз тенгимни топдим, — деди. — Бу уйдан нимаики керак бўлса олгин-да, бизни тинч қўй.

Сожида ана шундай қилиб, яна тошкентлик бўлиб қолган эди.

* * *

Давлатберди «жаноб Мумтозбекнинг дўсти ва меҳмони» эканлиги, унинг Тошкентта ташрифи ўзи учун манфаатли бўлиб чиқиши эҳтимоли ҳам борлигидан Сожида ортиқча гаплардан ўзини тийди. Унга кўра, Давлатберди ҳам ўтирганларга Сожида билан боғлик ўз кечмишларидан оғиз очмади. Улар шунчаки бир вақтлар Олмаотада турмуш қуриб, бир йилча бирга яшашгани ва «характерлари тўғри келмай» ажрашиб кетишганини маълум қилишди холос.

— Бу учрашув жаноб Давлатберди учун ҳам, Сожида хоним учун ҳам фақат шодлик келтиришига ишонаман, — деди Кутбиддин ўзича яйраб. — Келинглар, икковлари учун омад тилаб, қадаҳ кўтарайлик!

Ўтирганлар унинг таклифига бажонидил қўшилишиди.

Ўз юритида спиртли ичимликлар истеъмол қилиши қонун йўли билан ман этилгани ва Кутбиддинга ўхашлар аҳён-ахёндагина оз-моздан хуфёна нўш этиб туриши, бу ерда ҳозир у ўзини анча «қўйиб юборгани» учун меҳмоннинг бошқалардан кўра кайфи баландрок эди. У ҳар гал қадаҳ кўтарганда шайх Саъдийдан, Мирзо Бедил ва Умар Ҳайёмдан байтлар, рубоийлар

келтирап, инсон умри бокий эмаслиги учун ҳам у «комонат тўрт кунлик ҳаёт»ни иложи борича кайфу сафода ўтказиши лозим, деган гапга зўр берарди.

Давлатберди ҳам Умар Ҳайёмдан рубоийлар ёд биларкан. Сожида билан учрашганидан ўзини янаем хурсанд қилиб кўрсатиб, энди у ҳам Қутбиддинга шерик бўлди:

*Кафтида лаълин май, ёнида санам,
Чаманда ўлтирса баҳт бўлиб ҳамдам,
Май ичиб, фалакдан ҳеч емаса еам,
Ишрат майи кайфин сургай илул одам.*

Мехмоннавозлик қизгин борар эди. Сожида сузиб келган норинни роса мақташди. Қутбиддин бу таомни биринчи марта ейиши экан, бағоят маъқул тушганидан, Сожидага ҳазил аралаш: «Агар рози бўлсангиз, биздаям сизга норинхона очиб бераман», деб қўйди.

Акмал пешма-пеш пишириб, энди Алим ака орқали узатиб турган думба-жигар ва «етимча қовурғали» кабобларнинг ҳам анча вакт кети узилмай турди. Кейин Акмал онаенинг ҳужрасига ўтиб кетди. Тахмина унинг ортидан ички бир хўрсиши билан қараб қолди.

Мумтознинг ҳам энди кайфи анча баланд эди. Эркаклар тури хил мавзудаги қизгин гап-сўз ҳамда баҳслардан, шеърхонликлардан чарчашиб, энди ашула тинглашни истаб колишди. Бироқ Алим ака магнитофон келтириб қўйиб берган ўзбекча ашуулалар меҳмонлар кўнглига ўнчалик ўтиргани сезилгач, Мумтоз кўлига тор олиб, уч-тўртта тоҷикча ва битта қозокча ашула айтиб берди. Мумтознинг ҳофизлик хунаридан бехабар меҳмонлар бундан лол қолишиб, унга ҳамду санолар билдиришди.

— Худодод одам экансиз, бунчалар ёқимли овозни умримда биринчи бор эшитишим! — деди Қутбиддин ҳаяжон билан. Кейин у хиёл паришон ҳолда ўтирган Тахминага юзланди: — Бу инчуунин сизнинг ҳам баҳтингиз, Тахмина хоним!

Тахмина унга ясама табассум билан «маъқул» маъносида б ош қимирлатиб қўйди. Шундан кейин кутил-

маганда Мумтоз күпдан бери тор давраларда куйлаб келувчи «Тахмина» номли ашуласини бошлаб юборди:

*Тахмина, Тахмина, жону дилимсан,
Мұхаббат боенда танҳо гулимсан.
Рұксоринг ўтида құйған құлингман,
Бағтимни ёритған оташ нұримсан.
Тахмина, Тахмина...*

Мумтознинг ана шу ашуласидаги «Тахмина» сўзлари ўрнида бундан йигирма йилларча бурун «Хуршида» исми бўлганилиги ҳозир уни ўз хужрасида эшитиб турган Сурайёгагина маълум эди, холос...

Бир вакт Мумтоз кандайдир фикрга бориб: «Мехмонлар энди дам олишсин, биз «дом»га қайтамиз», деб қолди. Тахмина нима учун бу кеча бу ерда қолишмаганига ичидә таажжубланди, лекин кайфи баланд Мумтознинг хоҳишига жавобан индамай кўя қолди. Яна Акмални кўриш максадида Мумтозга: «Биз Сурайё холадан бирров ҳол сўраб, жўнашга тайёр бўлиб турамиз», деган баҳонани килиб, Сожида билан биргаликда ўринларидан қўзғалишиди.

Аёллар меҳмонлар билан хайр-хўшлишиб, уларга хайрли тун тилашди. Ширақайф Кутбиддин ўрнидан туриб келиб, яна Тахминанинг қўлидан ўпди.

— Мен эртага сизнинг мағозангизга ташриф буюрмоқчиман...

— Бош устига, жаноб. Биз сизга мунтазир бўла-миз, — такаллуф билдириди Тахмина.

Аёллардан холи қолишгач, Мумтоз Кутбиддинга охиста деди:

— Бассейн хонага стол тузаб қўйилган. Алим бизни ташлаб қайтиб келади.

Кутбиддин ҳам, Давлатберди ҳам уни аввалига тушунишолмади. Мумтоз энди фикрини очик-равшанроқ маълум қилди:

— Агар маъкул топсаларинг, иккита соҳибжамол жўнатаман.

Бу таклифни эшитиб ширақайф меҳмонларнинг юзлари ёришиб кетди.

Шундан кейин Мумтоз пешайвон стулига илиғлик телефондан қаергадир қўнғироқ қилди.

— Сенмисан, Чаман? Танимадингми? Ха, ўзимман. Бирон соатлар ичидә Алим боради. Иккита кассета жўнат, янгиригидан бўлсин, унчалик ейилмаганидан...

Кейин гўшакни жойига илиб: «Иш битди. Яхши дам олинглар. Эрталаб барваҳ етиб келаман», деди.

Эртасига Мумтоз тонг ғира-ширасидаёқ етиб келди. Чаман жўнатган қизларни бу ердан маҳалла-кўйғимирламай туриб гумдона қилиш лозим эди.

Ховли жимжит эди. Кечада келтирган кучуклари яқинда ботаника боғидан ўзи атайнин кўчиритириб келиб эккан уч-тўрт туп антиқа гулини букиб-синдириб ўйноқлашаётганини кўриб, хуноби ошди. Шу тоб Сурайё кўзига ташланганида борми, уни боплаб таъзирини бериб қўйган бўларди. Гулларга хушёр бўл, деб тайинлаган эди-я!

Мумтоз Сурайёйинг ёпик турган эшигига хўмраийиб боқиб қўйди-да, Алимга «Йўқот анавиларни!» деди. Кейин меҳмонхона томон қадам ташловдики, ичкаридан чиройли спорт костюмида Кутбиддин чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум. Яхши дам олдиларингми?

— Дам олганда қандай! — Кутбиддин бош бармоғини тик қилиб кўрсатди. — Окей!

Шу пайт ичкарида тунда уларни олиб келган «Мерседес»ни кўришиб, аллақачон бу ердан куён бўлишга тайёр турган иккита киз бирин-кетин чиқиб қолишиди. Чиқиб келишаркан, уларга нигоҳи тушган Мумтоз даҳшат ичидә қотиб қолди. Каршисида... ичкилик ва уйкусизликдан, ишратдан қовоқлари шишиб, кўзлари кизарган, юзлари ҳали очилмай туриб сўлган гунчадек афтодаҳол Гуландом туарди...

VIII

Тахминанинг ўй-хаёли Кўргонда эди. Телефон қиласа, қўнгироққа хеч ким жавоб бермайди. На Сурайё, на Акмал. Мумтоз каллайи сахарлаб «Меҳмонларни ҳалироқ олдингизга олиб ўтарман», деб чиқиб кетга-Анича ҳануз бедарак. Соат мана, ўн бирдан ўтятпи.

Ўзи ўтиб келай деса, келди-кеттидан бўшамаяпти.
Душанба кунлари шунака, ҳаммага иш етиб ортади.

«Тахмина» тижорат-воситаси мағозаси аҳолидан қимматбаҳо заргарлик буюмларини олиб-сотиш билан шуғулланади. Айниқса, ҳозир ноёб тошлардан ишланган зеб-зийнат ашёларига тўлиб-тошиб бормоқда эди. Бу ерда солик назоратидан пинҳона тарзда «кўлдан-кўлга» ўтказиб берилаётганлари бундан мустасно. «Тахмина»да шунингдек, хориждан накд пулга сотиб олиб келинаётган ва унчалик қиммат бўлмаган тақинчоклар, соатлар, ҳадялар, дегандай бежирим заргарлик буюмларининг ҳам жуда кўп турлари савдога қўйилган. Шу боис бу ерда харидорлар ҳамиша гавжум, олди-сотди ишлари қайнаб турарди.

Тахмина савдо-сотиқ фаолиятига бош-кош холос. У энди ўз ишига анча пухта ва тижорат йўлларини дурустгина ўзлаштириб олган бўлишига қарамай, ҳисоб-китоб ишларини асосан Мумтознинг ўзи олиб келиб қўйган ишончли одами ва қадрдони (у ҳақда бошқа гаплар ҳам кулоққа чалинган, лекин Тахмина бунга эътибор бермаган) Наталья ҳалоллик ва жонкуярлик билан олиб боради. Савдодан тушаётган пулнинг даромад қисминигина қабул килиб олиш, ходимларни рағбатлантириш, соликчилар ва бошқа назорат ходимлари билан муомала юритиш, харид ва савдо масалаларида фирмалар, хусусий шахслар билан мулоқот ишларигина Тахминанинг зиммасида.

Шундай қилиб, мана уч йилдирки, вақт Тахминанинг фойдаси учун ишлаб турипти. Бойлигига бойлик, шуҳратига шуҳрат келиб қўшиляпти. Худо берган беназир гўзаллик, ёшлиқ ва давлатмандлик қанотлари уни тобора юксакроқ чўққиларга, қамрови кенгроқ худудларга олиб чикмокда. У баъзан атрофга ана шу юксак чўққилардан, олис худудлардан туриб қараб колганда, «ўз баҳти»дан беҳад қувониб кетади. Қалби ғурур ва фараҳ билан яшнайди. Лекин баъзан ўзи танҳо колиб, Мумтоз билан биргаликдаги оиласвий ҳаёти, у билан эр-хотинлик муносабатлари ҳаёlinи олиб қочса, юраги орқасига тортиб кетгудай бўлади: «мен энди ёши бир жойга

бориб қолаётгай мана шу эркак билан яшаб ўтира-вераманми? Охири нима билан тугайди?»! ТахМина-нинг ҳам ҳар қандай аёлга хос, қалбининг туб-тубида яшириниб ётган ўз орзулари бор. У ҳам фар-занд туккиси, бошка аёллар каби оналик баҳтига эга бўлгиси келади. Бироқ бу фарзандлар кексалик ос-тонасига қадам босган Мумтоздан бўлиши керакми? Унинг болаларини айни вояга етишганда ота тирик бўладими-йўқми? Шунга ўхшаш бир-бирига уланиб кетувчи саволлар гирдобига кириб колгудай бўлса, кўзига ҳеч нима кўринмай қолади. На бу ҳашамат-ли даргоҳлар-у на бу мол-дунё, на бу ҳаловат ва шухрат оғушидаги хаёт. У кўпинча кўча-кўйларда жажжи-жажжи болаларини етаклашиб юрган, бири-бирига худди узукка кўз кўйгандек муносиб ёш-ёш эр-хотинларни кўрганда юраги эзилиб кетади.

Мана, ҳойргина ҳам худди шундай бўлди. Ната-лья унинг қабулига ёшгина эр-хотинни бошлаб кирди. Улар беш ёшлар чамасидаги кўғирчокдек чиройли ўғилчаларини етаклаб олишганди.

— Тахмина хоним, булар билан бир масалани ечол-май қолдик. — Наталья шундай дея стол устига кат-тагина, қўнғиз шаклли аёллар тилла узугини кўйди.— Тозаси ўн икки грамм, олти грамм нукра. Эллик мингга баҳоланди, лекин...

Тахмина уни тушунди ва «чиқиб кетавер» ишораси-ни қилиб ўрнидан турди. Эр-хотин билан қисқача саломлашиб, уларни ўтиришга таклиф қиласкан, ку-тилмаган бир холга кўзи тушиб қолди. Болача қоп-кора кўзларини катта-катта очиб, унга ҳайрон тикилиб турарди. Тахмина беихтиёр унинг олдига чўнқайиб, бола-чанинг пешонасидан меҳр билан ўпди. Эҳтимолки, бу унинг ўз ҳаётида биринчи марта бола ўпиши бўлса...

— Вой, мунчаям ширинсан. Отинг нима?

— Акмал...

— Акмал? — у энди ўзини тутолмади, болачани астойдил кучиб ўпди. Ўпди-ю, унга ҳайрон қараб ту-ришган эр-хотиндан хижолат тортиди. Дарров ўзини кўлга олди. Унга ҳануз тикилиб турган болачадан кулиб туриб сўради: — Номинг ҳам чиройли экан...

Вой, менга намунча тикилиб қолдинг? Е яхши кўриб қолдингми?

Бундай чиройли «ая»га ҳамон ҳайрат билан бокиб турган бола шунда барчалари учун кутилмаган жавобни қилди:

— Ҳа...

Ҳаммалари қийқириб кулиб юборишиди.

— Вой, яхши кўрганингдан айланай! — Тахмина уни беихтиёр яна қучоклаб ўпди. Кейин ёнгинадаги шкафдан икки дона шоколад олиб, унга узатди: — Мана, яхши кўрганинг учун, Акмал...

Тахмина шу бола туфайли эр-хотиннинг битмаган ишини битириб жўнатди. Уларга накд пул лозим бўлиб, Наталья белгиланган суммани узук сотилгандан кейин оласизлар, деб турган экан. У сейфдан эллик минг сўм чиқариб, стол устига қўиди.

— Бу узук раҳматли ойимдан колган ёдгорлик эди, — деди жувон. — Қийналиб қолганимиздан ноилож олиб келувдик.

— Узук менда туради. Уни сотмаймиз. Қачон пул топганингизда қайтариб олиб кетишингиз мумкин.

Эр-хотин миннатдорчилик билдириб чиқиб кетишаркан, Тахмина у билан энди ширин жилмайиб хайрлашган бола ортидан ҳавас билан қараб қолди...

Мумтоз Тахминани жону дилдан яхши кўриши, уни чиндан ҳам еру кўкка ишонмай яшаётгани, у ўзининг бундан кейинги ҳаётини, тақдирини у билан боғлангани аниқ. Шунинг учун ҳам унга атаб қаср курдирди, у энди Тахминадан фарзанд кўриб, бундан кейинги орзу-ҳавасларини у билан бирга кўрмоқчи. Тахмина ҳозир жиддийроқ даволанса, оналик баҳтини топишига ишонади, бироқ юкоридаги аччиқ мушоҳадалар уни асоратда тутиб турар эди.

Мана энди сира кутилмаганда, ҳаёлидан анча кўтарилиб, унут бўлаёзган Акмал ва у билан боғлиқ аллақандай сехрли туйғулар унинг фикру ҳаёлини янада банд этиб турипти.

Бу пайтда назардан сал четрокда, Мумтоз ширкатининг яширин холда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи цехи жойлашган, атрофи баланд қўрғонли

бир хрвлида ота-бала — Мумтоз билан Гуландом ўртасида жиддий гап борарди.

Мумтознинг қахру ғазабдан юз-кўзлари қизариб кетган, хонанинг бир четида курсига қапишиб, титраб-типирчилаб ўтирипти. Гуландом ўртадаги стол ёнида, отасига орка ўгириб олган. Йигидан қовокла-ри шишиб кетган. Ўқтин-ўқтин хўрсинади. Худди жун-жиккандай, елкалари қалтирайди.

— Сен мени шарманда қилдинг. Мени ўлдирдинг. Лаънат сенга!

— Мен қайдан билай... Шопирингизни танимасам, уйингизни кўрмаган бўлсам...

— Яна гапиради-я! Ўз ифлослигини, ўз фоҳишалигини менга, ўз отасига тан олиб гапиради-я! — Мумтоз ўрнидан сапчиб туриб кетади. — Мен сени ўз кўлларим билан бўғиб ўлдираман!

Гуландом ҳам у билан баравар ўрнидан туриб, отасига энди газаб ва нафрат билан тикилади:

— Ўлдирсангиз ўлдираверинг, мен ўлимдан кўркмайман! Лекин сиз бизга отангман, дейишга ҳақкингиз йўқ. Сиз бизни уялмасдан, ор-номус қилмасдан, бир... ни деб ташлаб чиқиб кетган одамсиз-да. Энди биз билан ишингиз бўлмасин. Биз қаерда яшасак яшайверамиз, нима иш қилсак қилаверамиз! Мени ҳатто паспортимда фамилиям ҳам бошқа!

Шунда Мумтоз қизи томон отилиши, уни чиндан ҳам бўғиб ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмасди. Лекин шу лаҳза кўз олдига «клип» этиб Тахмина келди, миясига «Оқибатини ўйла!» деган фикр чақмокдек урилди. Ғазабдан тишлиари, муштлари кирсиллаб кетди, бор овозда ташқари томон қичқириди:

— Ким бор?!

Ичкарига бир йигит кирди.

— Хизмат, хўжайин?

Мумтоз ўзини босиб олишга уринди, лекин аламли овоз билан буюрди:

— Манави беҳаёни ҳозироқ эриникига олиб бориб ташланглар. Иккинчи марта мен буни Тошкентда кўрмайин!

— Бормайман. Ўша ҳезалак билан яшамайман, — Гуландом хам гапни чўрт кесди. — Тошкентда қоламан. Бу ер ҳамманини!

Мумтоз энди нима қиласини билмай қолганди. Қизининг ҳозирги гапидан, демак, эрига кўнгли йўқ, ўшанчун чиқиб кетган, деган фикр ҳам ўтди хаёлидан. Ахийри ён босишга мажбур бўлди:

— Тошкентда қоладиган бўлсанг, шартим шу: ўзим то бошқа одам топиб турмушга чиқармагунимча, мана шу ҳовлида қоласан. Кўчага чиқмайсан. — Мумтоз шундан кейин ҳалиги йигиттга юзланди. — Буни шу ерда ишлатасан. Бошқалар қатори ишлаб ҳақ олсин. Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди. Агар кўчага чиққанини эшитгудек бўлсам, сен калланг билан жавоб берасан.

Кимсан — жаноб Мумтозбекдек катта хўжайнинг гулдек қизи, боз устига қўлдан дон еб ўргангандек ёш ноззаниннинг жилови унга тутқазиб қўйилганидан кувониб, барзанги йигитнинг боши осмонда эди. У ўз ҳаяжонини босолмади:

— Хўп бўлади, хўжайин! Айтганингиздай қиласман. Ҳозироқ хоним учун алоҳида хона ажратамиз.

Нечукки, Гуландом яна ўз жойига ўтирганича жим туради. Мумтоз ёниғлиқ қозонни ёниғлигича колдириб, шиддат билан чиқиб кетди.

... Дераза ёнида гавжум кўча томонга тикилиб хаёл сурис турган Тахмина кўққисдан жиринглаган телефон кўнғироғидан ўзига келди. Шошиб бориб гўшакни кўтарди.

— Тахмина опа, сизмисиз? Мен Зилоламан.

Тахмина ўзича қувониб кетди: Хайрият...

— Нима қилиб ўтирибсизлар? Эрталабдан бери кўнғироқ қиласман, ҳеч ким жавоб бермайди. — У Зилолага гап бермаёт саволларни қаторлаштириб ташлади. — Сурайёни ўғли Акмал... Ўша ердами?

— Ҳа, шу ердалар. Ҳозир новвойхонага чиқиб кетдилар.

— Сурайё-чи?

— Сурайё ҳолани бугун кечаси билан приступи

тутиб чикди. Ярим тунда «Тез ёрдам» чакириб, поликлиникага олиб кетувдик. Реанимацияга ётқизиши. Акмал акам иккаламиз кечаси билан ухламай юриб чикдик.

Зилоланинг охириги гапи беихтиёр Тахминанинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

— Мен сендан Акмал билан юриб чиққанингни сўраётганим йўқ. Менга Сурайёдан гапир!

Қиз бирдан ҳовридан тушиб қолди. Энди пастроқ овозда жавоб қилди:

— Сурайё хола эрталаб ўзларига келдилар. Лекин ахволлари ҳамон жиддий. Ўқтин-ўқтин нафаслари кисиляпти. Касалхонага ётишга кўнмадилар. Уйга олиб кетинглар, деб йигладилар. Дўхтирлар ҳам ноилож тилхат олиб жавоб беришди.

— Бўпти. Мен ўзим ўтиб бораман. Сен нима қилиб ўтирибсан у ерда, ишингга бормадингми?

— Акмал акам: «Аямга укол-пукол қилиб туришга одам керак», деб ишхонамдан бугунга жавоб олиб бердилар.

Тахмина телефон гўшагини жойига тарақлатиб қўйди: «Бир кечадаёқ бунчалик қаймоклашиб қолишган бўлса, демак, Зилол ҳам чакки эмас!»

Тахмина аччиқ ютиниб қўйди. На чора, Акмал ҳали уйланмаган йигит. Танлаш хуқуқи унинг ихтиёрида. Тахмина энди Акмал учун ким бўпти? Йўқ, у тезроқ етиб бориши, Сурайёни баҳона қилиб бориши, Акмал билан дурустроқ гаплашиб олиши ва ўз ўрнида Зилолага «Қадамингни ўйлаб бос», деган мазмунда ишора қилиб қўйиши керак.

У шоша-пиша ташқарига отланмоқчи эдики, кутилмаганда Наталья кириб меҳмон ташриф буюрганини айтиб қолди. Тахмина дарҳол ўзини йигиштириб олди. Юрагига аллакандай гулғула солиб турган туйғуларга жилов берди, ўзини мутлако беташвиш ва күшнуд қиёфага олиб, аллақачон ичкарига кириб келган Қутбиддинга пешвуз юрди.

— Марҳамат, Қутбиддин жаноблари!

— Сизни кўришдан баҳтиёрман, Тахмина хоним,— меҳмон ўз одатича тавозе билан келиб, унинг қўли-

дан ўпди. — Бугун тушимга кирибсиз. Сиз билан биргаликда гулшанларни оралаб юрибмиз...

Тахмина серсавлат, сертакаллуф меҳмоннинг бу тушига одоб юзасидан бирон муносабат билдириши лозимлигини ҳис этди.

— Бундан ғоят мамнунман, — деди у меҳмон билан рўпарама-рўпара оромкурсиларга жойлашишаркан. — Бизда яхши эркакларнинг туши ҳамиша ўнгидан келади, деган гап бор...

Бундан Кутбиддин янайам қувониб кетди:

— Яхши эркаклигимни сиздек хусну малоҳат маликаси эътироф этганидан бошим осмонда!

Тахмина унга яна бир табассум ҳадя этиб қўйди. Кейин ўртадаги столча устида турган шоколадли конфетлар кутичасини очди. Иккита қадаҳга оз-моздан конъяк қуяркан, беозоргина сўради:

— Нечук бир ўзингиз?

— Ҳа, шундай бўлиб колди. Давлатберди Сожиданикода, ҳозир ўша ердан келяпман. Жаноб Мумтозбек зарур бир иш юзасидан эрталаб барвақт қаергадир жўнаб кетди. «Мерседес»ни бизга колдирган, «Тахмина хонимнинг олдига ўтинглар, соат бирда «Зарафшон» ресторанига олиб борсин, мен ўша ерда кутиб оламан», деб тайинлаганлар.

«Кўргонга ўтиб келиш зарур бўлиб турганда буёги энди дардисар бўлди», хаёлдан кечирди Тахмина. Лекин сир бой бермади, юзидағи хушнуд қиёфани саклаганча меҳмонга жавоб қилди:

— Сизни зериктириб қўймасам, деб кўрқаман...

— Ундей деманг, Тахмина хоним. Сиз билан бирга бўлишдан улугроқ саодат йўқ.

Тахмина қадаҳлардан бирини меҳмонга тутқазиб, иккинчисини ўзи олди.

— У ҳолда, сизнинг вақти чоғлигингиз учун, Кутбиддин жаноблари.

Шундан кейин улар яна ярим соатларча қизғин гурунглашиб ўтиришди. Меҳмон Тахминанинг савдо-сотик ишлари билан қизиқди. Харидорларни кўпроқ нималар жалб этиши-ю, бир кунлик умумий савдо канча эканлиги, ўзбек сўмининг кадру қиммати ва бу

ердаги валюта бозорига оид маълумотларни суриштириди. Сўнгра, агар Тахмина хоним хўп десалар, мен бу ерга бир-икки контейнер миллий заргарлик буюмларидан жўнатишм мумкин, деди.

— Хўп яхши бўларди, лекин заргарлик буюмлари бозори ҳамма жойда ҳам чаққон эмаслиги ўзингизга маълум, — жавоб берди Тахмина. — Шунинг учун ҳам мен бир-икки контейнерлик қимматбаҳо юк учун катта микдордаги маблағни банд қилиб туролмайман-ку...

Қутбиддин уни дархол тушунди, ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди:

— Мен сиз билан насия тариқасида иш қўришим мумкин. Иншооллоҳ, узилишиб кетармиз... — у шундай дея бир дам тин олди, кейин қандайдир мушоҳадага бориб, яна қўшимча қилди: — Сизлар факат, бу ерда бизнинг мебел бозоримизни кенгайтириб берсаларинг бас.

— Буёғига гап йўқ. Лекин менинг магозамга қела-диган товарлар масаласини дўстингиз Мумтозбек билан маслаҳатлашмоқ лозим.

— Бисёр хуб, бисёр хуб, — Қутбиддин Тахмина билан музокарада бундан ортиқ гап ололмаслигини тушуниб, бу масалага чек қўйди.

Бироқ меҳмоннинг бу ерга кириб келишидан асосий мақсади бошка эди. Ҳусну малоҳат маликаси «дам олиш ва даволаниш» учун бориш тўғрисидаги ваъдасини унугани йўқмикан? У ноилож ана шунга шама тариқасида яна илова қилди:

— Дарвоке, ўз ваъдангизга мувофиқ биз томонга бафуржা борганингизда, биздаги заргарлик буюмларининг минг бир хил туридан ўзим ажратиб бераман...

Тахмина унинг ниятини тушунди. Эски шайтонлик одатини қилиб Қутбиддиннинг юрагига яна чўғ ташлаб қўйди:

— Undай бўлса, қанот чиқариб учиб борганим бўлсин...

Қутбиддиннинг юраги гумириб кетди. Буни сезган Тахмина ичидаги кулиб қўйди: «Мен нима хаёлда-ю, бу нима хаёлда...»

Унинг кўз ўнгида Акмал жонланиб турарди. Нима қилиб ўтириптийкин? Ҳойнаҳой нонвойхонадан иссиқ нон келтирган бўлса, Зилола билан чой ичишиб ўтиргандир. Ҳа, у энди Зилолага жавоб бермайди, ёнимда ўтиринг, дейди. Сурайё ҳам шуни хоҳлади.

У Кўргонга телефон килмоқчи бўлди. Олдин Натальяни чакириб, меҳмонга «Ўзбек миллий заргарлиги» альбомини олиб келиб кўрсат, деди. Наталья «хўп» дея ортига буриларкан, Кутбиддин унинг чиройли оёкларига зимдан сукланиб кўйганини сезиб, Тахмина ичидаги кулиб кўйди. Кейин ундан узр сўраб, телефон номерини терди.

Кутилмаганда, кўнгирокка яна Зилола жавоб берди. Бундан Тахмина бўлганича бўлди, бироқ Кутбиддиннинг олдидаги ўзини вазмин тутишга уринди.

— Зилол, сен ҳалиям ўша ердамисан?

Соддадил киз унга янайам ўхшатиб жавоб берди:

— Ҳа, шу ердаман, Акмал акам кўймаяптилар. Ўн беш минутдан кейин яна укол қилиш керак экан...

— Менга айт-чи, ҳозир нима қилиб ўтирибсизлар?

— Нима қилиб ўтирадик, Сурайё холам ухлаяптилар. Акмал акам иккаламиз уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирибмиз.

Тахминанинг кўзларидан тиркираб ёш чикиб кетди. Яна жаҳл билан гўшакни жойига тарақлатиб кўйди. Кўйди-ю, бир нафас ўтиб қайтадан номер терди. Яна Зилола!

— Тахмина опа, телефон узилиб колдими, дейман...

— Менга Акмални чакир!

Гўшакни Акмал олди.

— Алло...

— Бормисан, Акмал? Яхшиям ёнингда Зилол бор экан, бўлмаса тополмасмидим...

— Хабаринг бордир, аямнинг мазалари йўқ.

Тахмина энди ўзини вазминроқ олди.

— Ҳа. Ўтиб борай десам қўлим бўшамаяпти. Икки хаёлим сенда... — У шундай деди-ю, кейин шошиб кўшиб кўйди: — Мениям аянгдан кўнглим хижил.

— Хавотир олма. Зилолахон укол қилиб турипти.
Тахмина энди нима дейишини билолмай қолди.

Аччиқ ютиниб олди-да, «Бўпти, кечроқ кўришамиз»,
дэя гўшакни жойига қўйишга мажбур бўлди.

... Ҳақиқатдан ҳам соат роппа-роса бирда Мумтознинг ўзи ҳаммаларини «Зарафшон» ресторанида кутиб олди. Тулкидек айёр, унча-мунча нарсани сиртига чиқармайдиган эрининг бугун кўнглида аллақандай ғашлик пинҳонлигини унинг овозидан ва хатти-харакатларидан Тахминанинг ўзи хис этди. Лекин бу ҳам сир бой бермади, ундан ҳеч нимани сўраб ўтирамади.

Тушликка ўтиришганда Тахмина Сожидадан ҳазиломуз гина килган бўлди:

— Хўжайнин мемонларни менинг ихтиёrimга қўйиб кетган эканлар. Лекин сен мендан рухсат сўрамай, уларни уйингга олиб қочиб кетибсан.

Сожиданинг ўрнига Давлатберди жавоб қайтарди:

— Унчалик эмас, хоним. Сизни ишдан қолдирмайлик, деган фикрда ўзимиз Алим акадан бизни Сожиданикига олиб бориб қўйинг, деб илтимос қилдик.

Сожида гапнинг буёги қаёққа бориб тақаларкин, дегандай жилмайганча индамай ўтиради. Тахмина сўзида давом этди:

— Шунинг учун ҳам ўзларинг уйда танҳо қолиб, бечора Қутбиддин жанобларини менинг олдимга жўнатибсизлар-да!

Бу кочиримдан ҳаммалари ҳузур қилиб кулиб олишиди.

Сожида бир оз хижолат тортгандай бўлди, Тахминадан ўпкалаб қўйди.

— Сендан ҳозир бирон киши шуни сўраётган эдими?

Давлатберди орага аниқлик киритиб қўя қолди:

— Сўрашмаган ҳолдаям, биз ўзимиз айтиб қўйсак ёмон бўлмас. Азиз дўстларимиз мен билан Сожида ўртасидаги эр-хотинлик муносабатлари кайтадан тиклангани учун қадаҳ кўтарадилар, деган умиддаман.

Ўтирганлар бундан хурсанд бўлишиб, «Табриклай-

миз»! дея қадаҳларни кўлларига олишаркан, Сожида Давлатбердиниң тақлифиға тузатиш киритди:

— Ҳеч кимнинг оиласи бузилмасин. Мен Давлатбердига «Қачон Тошкентга келсанг, эшигим сен учун очик» деб кўйдим, холос. Тақ что, бу қадаҳни фақат дўстлик муносабатлари учунгина ичамиз!

Давлатберди билан Сожида ўртасида қайта пойдор бўлган муносабатлар қандайлигидан қатъий наزار, улар бир-бирлари билан бу қадар осон тил тошиганидан Мумтоз ҳам, Тахмина ҳам ичларида ажабланиб қўйишиди. Улар ҳам тасодифий бу яқинлашув замерида энг аввало меҳмонларнинг жуда катта манфаатлари ва ўз ўрнида, Сожида учун ҳам анча фойдали бир иш ётганидан хабарсиз эдилар.

Бугун эрта тонгда Мумтоз меҳмонларга «Жуда зарур иш чиқиб қолди. Мен ҳозироқ машинани қайтариб юбораман. Сизлар айланиб туринглар. Соат бирда «Зарафшон»да кўришамиз» дея ўша иккита кизни миндириб чиқиб кетгач, Кўргонда ёлғиз қолишган Кутбиддин билан Давлатберди ўртасида хуфёна бир маслаҳат бўлиб ўтди.

Уларнинг икковини ҳам жўнатилган юкнинг Тошкентга эсон-омон кириб келиши ва мебел гарнитурлари орасидан Давлатберди учун мўлжалланган маҳсус комплектни Олмаотага хамирдан кил суғургандек силлиқина ошириб юбориш муаммоси ташвишга солиб турарди.

Ҳамма гап шунда эди. Бу операция амалга ошган тақдирда, кўлга келиб тушадиган даромад олдида Кутбиддиннинг Мумтозга жўнатган ҳамма гарнитурларининг пули денгиздан томчидек бўлиб қолар эди. Чунки бу мебел ичига жойлаштирилган катта микдордаги қорадорини шимоли-шарқий худудларда муносиб баҳолашади...

Кутбиддин айни пайтда Марказий Осиёning айрим республикаларида хукм суриб турган ижтимоий-иктисодий тартибсизликлардан, айниқса, янги оёқка турган худудий божхоналар хизмати ҳали мукаммал эмаслиги, боз устига, текширув пунктларида порахўрлик ҳоллари учраб туришидан яхши хабардор эди.

Анчадан бери ҳамкорлик килиб келаётган бу икки ҳамтовоқ ана шу вазиятни қайтадан ва чукурроқ таҳлил қилиб олишиб, кейин юкоридаги режани пиши-тишганди. Назорат пунктларида ўз одамларига эга бўлган Кутбиддин «Менинг йигитларим юкни Ўзбе-кистонгача олиб бориб беришларига кафолат бор. Туркман ошналар ёрдамида Тошкентга йўл очилиб қолишига ишонаман. Гап фақат, Тошкентдан ўёғига боғлик» деди. Давлатберди ўз ўрнида «Тошкентдан ўёғи»ни ўз зиммасига олишини айтди.

Шунга кўра, бу юк Кутбиддиннинг Тошкентга яқин орада жўнатилган мебел гарнитурлари қаторидаги комплектга жойлаштириладиган ва Давлатберди Тошкентга келиб, ўзи учун кўшиб юборилган гарнитурни Мумтоздан олиб кетадиган бўлди. Амалга оширилаётган операциядан Мумтоз мутлақо бехабар бўлиши лозим. Мабодо худо кўрсатмасин, Олмаота йўлида бирон гап чиқиб қолгудек бўлса, Давлатберди Тошкентда бу мебел гарнитурини яхши кўриб қолиб сотиб олганини айтади ва мағоза кассасининг чекини кўрсатади.

Бугун эрталаб иккала меҳмон ўртасидаги хуфёна маслаҳат ана шу хусусда эди. Шунда Давлатберди хаёлига бир фикр келиб қолганини айтди: «Сожидани учратганим кўп яхши бўлди. Уни йўлга сололсан, мебелимни ўзи Олмаотага олиб бориб беради. Ҳар ҳолда аёл киши, ҳайдовчининг ёнига ўтқазиб қўйсак, иш кўнгилдагидек кўчади. Юк машинасини эса Мумтоздан, унинг абжирроқ ҳайдовчиларидан бирини оламиз».

Шундай қилиб, улар Алим ака қайтиб келгач: «Бизни Сожиданикига олиб бор», дейишди.

Давлатберди Сожидага: «Ўтган гапларни эсламайлик. Бундан кейин сен менинг Тошкентдаги суюкли хотиним бўласан. Энди узоги билан бир ойда бир марта кўришиб турамиз. Сен учун нимаики лозим бўлса, мен ўзим таъминлаб тураман», деди. Стол устига беш-олти юз доллар пул ташлади: «Бу ҳали бошлиниши...» Кутилмаган таклиф Сожидани гўё осмондан чалпак ёғилиб қолгандек кувонтириб юборди. Шу-

нинг учун ҳам Давлатбердининг гап орасида: «Мен энди сени оз-моз бизнешиш ишларига ҳам ўргатаман. Олмаотага қатнаб тўрасан. Масалан, эрта-индин келаётган мебеллардан бир комплектини олиб бераман. Машинада Олмаотага икки-уч кун ичидәёқ ташлаб келиб, яна анча пул ишлаб оласан», деган гапига осонгина рози бўла колди.

Хозир Кутбиддининг ҳам, Давлатберди-ю Сожиданинг ҳам кайфиятлари хуш эди. Фақат Тахмина билан Мумтоз ўзларини харчанд кечагидек бамайлихотир ва хушчақчақ тутишга уринаётган бўлишса-да, хозир ҳар бирининг хаёлидан бошқа ўйлар ҳам кечиб турарди.

Тахминанинг кўз олдидаги ҳамон Акмал... У ҳозир нима қилиб ўтирипти? Тахмина хақида ўйляп-тимикин? Ёки хаёлида факат бемор онаси-ю, ёнида уймалашиб турган Зилоламикин? Йўқ, Сурайё-нинг оғир ётганлигини айтиб, тезроқ етиб бориш керак.

Мумтоз эса, ўз хаёлидан қувиб чиқармоққа қанчалик уринмасин, барибир, бир кун ичидәёқ юз берган икки нохуш воеа — Санжар ва Гуландом билан бўлиб ўтган тўқнашувлар ич-етини кемириб турар эди. Икковијам унинг бошига битган бало бўлишди-ю. Бири ўгри, нашаванд, алкаш, қиморбоз. Энди унга гап ўқтиришнинг, уни одам қилишнинг иложи йўқ. Ҳисобдан чиқиб кетган. Икки куннинг бирида Мумтознинг олдини тўсиб чиқиб, ундан пул талаб қила-веради. Буниси камлик қилганидек, турган-ўтирган жойида «Мен фалончининг ўғлимани» деб, унинг обрўйига путур етказаверади. Шу боис ҳам Мумтоз энди жиддийроқ чора қўллашга мажбур бўлди. Ҳалигина ўзига тобе муштумзўр йигитларга «Санжарни зудлик билан топиб, бундан кейин кўзимга кўринмайдиган қилиб кўйинглар», деб топшириқ берди. Шояд шу билан тинчиб кетса.

Иккинчи бедаво дард Гуландом бўлиб турипти. Буниси ортириб бераётган шармандалик юки янам оғирроқ. Кимсан, фалончининг қизи кўшмачи Чаманинг фармойишидаги фоҳиша! Мумтозни кўролмай-

диган, унга адовати, ҳасади борлар камми бу шаҳарда. Гуландом унинг кизи эканлигини эшитсалар борми, уни атайин Мумтоз устидан маза қилиб кулмок учун ҳам ҳомталаш қилиб ташлашади.

Бас, етар, бу икки балодан тезроқ халос топмок керак. Тошкентда ё Мумтоз турари ёки улар.

Тушликдан сўнг, Тахмина «Сурайёдан хабар оладиган», Мумтоз билан Сожида меҳмонларни шаҳар айлантирадиган бўлишиди. Мумтоз ҳаммаларига: «Кечки пайт яна Кўрғонда тўпланамиз» деди. Унинг бу таклифидан айниқса, меҳмон ўз қувончини яшиrolмади: «Бу оқшом ҳам худди кечагидек ўтадиган бўлса, мен Тошкентда колиб кетаман чоғи».

Мумтоз яна бир марта пичоқсиз бўғизланди.

IX

Сурайё тушдан кейин соат учларда ўзига келиб, аста кўз очди. Ҳолсиз, жонсиз. Ажал калхати уни яна бир марта нариги дунёга олиб бориб, жаҳаннам азобларини кўрсатиб келди. Эй худо, сенинг олдингдаги гуноҳларим шунчалар оғирмиди?

Кейинги икки йил у ўз кечмишларини, ўз килмишларини неча-неча марталаб қайта эслашга, Оллоҳ уни қайси гуноҳлари учун эрта куннинг ёргидаёқ бу кадар даҳшатли азобларига дучор этаётганини англаб етишга уринган. Бир вақтлар ўз жуфти ҳалолига килган хиёнатлари, ундан кейин фахшликлар, узундан-узоқ зино йўллари...

Бу орада у қанчадан-қанча эркагу аёллар ўртасида кўшмачилик қилмади, қанчадан-қанча оиласаларнинг бузилишига, қанчадан-қанча бегуноҳ болаларнинг аччиқ кўз ёшларига, уларнинг ўз оталаридан, оналаридан тирик етим қолишларига сабабчи бўлмади, дейсиз.

Яқинда Сурайё Пошшохон деган бағоят билимдон, покдомон руҳоний, табиб ва таъбирчи аёл ҳақида эшитиб қолиб, унинг ҳузурига борди. Пошшохон Сурайёнинг юзига бир қарашдаёқ хулоса чиқариб кўя қолди:

— Касалингиз оғир. Бүгзингизни чангаллаб олган. Бу азоблар сизде кимгадир қилған оғир хиёнатингиздан кейин бошланған. Тавба-тазаррудан бошқа чорангиз йўқ...

Ўша-ўша нафас қисилди, деганча бўлмай, Сурайё-нинг кўз олдига Тахмина келаверади. Ҳа, у ана шу баҳтиқаро гумроҳга кечириб бўлмайдиган хиёнат қилди. Уни аллади, дугонаси Хуршиданинг арвоҳини чиркиратиб, Тахминани онаси билан ётиб турган киши никоҳига олиб келиб қўшди! Ҳа, отинбуви Пошибоҳон тўғри таъбир чикарди, энди тавба-тазаррудан ўзга чора йўқ. Бироқ тавба билангина иш битармикин? Бу гуноҳи азим учун у қаттиқ жазоланиши муқаррар. Шундай экан, у Тахминага бу сирни очиши, ундан кечирим сўраши, юрагини, энди тошдек қотиб турган оғир юқдан оз-моз енгилламоги лозим. Бироқ қачон? Қандай килиб? Бунинг учун журъат ҳам, фурсат ҳам тополмай азобда эди.

Сурайё кўзларини хиёл очди-ю, эркин нафас олаётганини туюб, ташқаридан тушиб турган ёруғликни, олдида ўтиришган Акмал билан Зилолани кўриб, рангига сал қон ютургандек бўлди. Бемажол шивирлади,

— Хайрият...

— Ҳаммаси ўтиб кетди, ая. Энди яхши бўлиб коласиз, — Акмал ҳам енгил тортиб, Сурайёнинг совуқ тердан намиқкан пешонасини, бетларини дока билан артиб қўйди.

— Бир қултум илиқ чой берайми, холажон? — сўради Зилола.

Сурайё «ҳа» маъносида аста бош қимирлатди. Акмал тезда онаси томон сурилиб, уни оз-моз суюб турғазди, Зилола ҳам аста унга томон эгилиб, Сурайё-нинг оғзига чой тутаркан, беихтиёр йигит билан қизнинг бошлари бир-бирига тегар даражада яқинлашиб қолди.

— Зилол!

Акмал ҳам, Зилола ҳам, ҳатто Сурайё ҳам эшик остонасида уларга қараб турган Тахминага ҳайрон боқиб қолишиди.

— Сен мени олдимни тўсма, чойни ўзим ичкиза-

ман, — илова қилди Тахмина. — Сен оёқ томонга ўтиб ўтириш, укол қилиб турганинг ҳам етар.

Тахмина энди Зилоланинг ўрнини эгаллади. Сурайёга чойни ичқизиб, у билан кисқача ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Кеинин ҳамон унга ҳайрон боқиб турган Акмалга юзланди:

— Кўзларинг қизариб кетибди.

— Кечаси ухлаганим йўқ.

— Зилол айтди, тонггача оёқда туриб чиқибсизлар. Ишқилиб, кечаси совқотиб қолмадингларми?

Акмал тушуниб туритти. Тахмина уни Зилоладан рашк қиляпти. Шу чоғ бир оз қувлиги тутди, жўрттага оловга яна мой сепиб қўймоқчи бўлди:

— Йўқ, унчалик эмас. Бир-бирилизни пинжимизга кириб, бетўхтов юриб чикдик.

«Бир-бирининг пинжига кириш нима-ю, одамни одамдан рашк қилиш нима» — бу нарсалардан ҳали бехабар соддадил Зилола «катталарнинг гапига» аҳамият бермай, Сурайёнинг оёқларини уқалаш билан овора эди. Бироқ унинг жим ўтириши Тахминада «Чиндан ҳам шундай бўлипти-да» деган фикрни уйғотди ва унда энди бу кизга нисбатан адоват ҳисси пайдо бўлиб қолди.

— Афсус, билганимда, битта калавот жўнатворардим, — деди Тахмина заҳархандалик билан.

Акмал ҳазилнинг таги зил бўлиб чиқишини ва бундан энг аввало, бегуноҳ Зилола жабр кўриши мумкинлигини сезиб, гап уловини Тахминанинг кўнгил кўчалари томон буриб юборди:

— Агар калавотни ўзинг олиб келганингда, синглимиз Зилолага жавоб бериб юборган бўлардик.

Йигитнинг юрагидан чиқсан бу эътироф қовокдаги булутларни бир дамдаёқ тилка-пора қилиб ташлади. Балқиб кетган Тахмина ёқимтойлик билан Зилолага иш буюрди:

— Биронта қайнокроқ чой дамлаб келсанг-чи, Зилол.

— Хўп бўлади, Тахмина опа, — киз ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Сурайё сезиб туритти, Тахминанинг ҳамон Ак-

малда кўнгли бор. Бироқ бу хом хаёл, ҳавои бир орзу. Худо кўрсатмасин, Мумтоз буни сезиб қолса борми, эндиғина қўлга кириб турган нури дийдаси бу ердан ҳам қувғин бўлади. Шу боис у ўзини улар ўртасида бўлиб ўтган ҳозирги қочирикларга эътибор бермаганга солди. Беҳол бўлишига қарамай, орага қўшилишни ва гап мавзуини ўзгартириб қўйишни лозим топди:

— Тахмина, яхшиям сенинг борлигинг. Бу ёқда бунчалик дарду ситамлар бор экан, сен бўлмаганингда қаерларда қолиб кетардим.

— Ундей дема, Сурайё, — Тахмина уни ҳам сенсираб, ўз оти билан аташга ўрганган эди. — Олдингда мана, тоғдай ўғлинг ўтирипти...

Сурайё ўзининг ўринсиз гапи билан Акмалнинг ҳамиятига билмасдан тегиб қўйганини англади-да, дарҳол яна қўшимча қилди:

— Мен Акмалжонимни илинжида ўлолмадим. Уни кутиб яшадим...

— Биз энди бир-биримизни йўқотмаймиз... — иловава қилди Тахмина.

Акмал сукут сақлаб ўтиради. У афтидан, онасининг ҳам, Тахминанинг ҳам гапларини мушоҳада элағидан ўтказиб, буёғига қандай иш тутиш йўлини қидиради.

— Одамнинг қорни меш эмас, бир бурда нон билан ҳам қониқса бўлади, — деди у ниҳоят вазминлик билан. — Бироқ хом сут эмган бандаси керагидан кўра каттароқ нон тишлайман, деб баъзан ўз умрига, ўз баҳтига зомин ҳам бўларкан.

Бу билан у, ўғли яхши кўрган қизни Тошкентга олиб келиб, азбаройи нафс йўлида Мумтоздек ёши катта одамнинг қўлтиғига тикиб қўйган онасига ҳам, Мумтознинг мол-дунёсига учиб, ёш умрини ҳазон қилаётган Тахминага ҳам бирров беозор дашном бериб ўтмоқчи бўлди. Албатта, буларга асли аччикроқ гап лозим эди, лекин у Сурайёнинг хасталиги-ю, Тахминанинг шусиз ҳам жароҳатли дилига ҳозир наштар уриш мардликдан эмаслигини ҳисобга олди.

Акмал гап бошлаганда унга ажабланиб тикилиб турган Сурайёning ҳам, Тахминанинг ҳам кўзлари беихтиёр ерга қадалди.

— Кейин, ёлғон ҳам гапирмаслик керак. Бу жуда оғир гуноҳ... — яна кўшиб кўйди Акмал.

Сурайёning кўзларига ёш қуийлди. Тахмина ўзини босолмади. Акмал ўз даъватига муносиб жавоб олиши керак эди.

— Гапинг тўғри, Акмал. Қорин бир бурда нон билан тўяди. Лекин бу ҳали баҳт дегани эмас. Мен ҳам буни кейинроқ тушундим. Баҳтни бир умр кидириш керак экан. Бир умр курашиш керак экан. Бунга фақат журъатли, шижаатли кишиларгина чидайди...

Шу пайт ичкарига Зилола кириб келди. Кўлидаги чой билан бир ликобча конфетни хонтахта устига келтириб қўйди. Ўтирганлар олдида ийманиброқ чойни қайтарди-ю, кейин чойнак устини сочиқ билан ёпиб узр сўради: —Мен энди уйга кирсам...

— Майли, борақол, — жавоб берди Тахмина. — Ҳалироқ хабар оларсан. -Мехмонларга бугун ҳам у-бу тайёрлаш керак.

— Хўп бўлади, Тахмина опа, — Зилола шундай дея, энди Сурайёга юзланди: — Холажон, яхши ором олинг. Кечроқ яна укол қилиб кўяман.

— Раҳмат. Худо баҳтингни берсин...

Зилола чиқиб кетгач, ўртага бир дам сукунат чўқди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Сурайё билан Тахминани кўпроқ ташвишлантираётган нарса Акмалнинг кайфияти кўнгилдагидек эмаслигига эди. У қаердан келяпти, бундан буёғи қандай иш тутмоқчи, бошида қандай ўй-хаёллар ётипти — булар ҳақида ёрилишга шошмаяпти. Ичиди бир дунё дарду алам бордек тош котиб юрипти. Факат меҳмонликда ўтирган одамдай омонат туюлади, жилмайишлари ҳам, ҳазилхузулари ҳам табиий эмас. У афтидан Сурайёни ҳам, Тахминани ҳам, бу ердаги ўзаро муносабатларни ҳам ўрганяпти, ўзини булардан юкорироқ тутиб турипти.

Акмалга Тахминанинг охирги гапи таъсир қилди. Ич-ичидан эзилди. Ҳа, у ҳақ. Менда журъат, шижаат

етишмайди. Шу боис дарду аламларимни бир умр ичимга солиб ўтаман.

— Тахмина... Худо ҳар кимни ҳар хил қилиб яратиб қўйипти, — Акмал ҳар ҳолда бўйин эгиб, жим колаверишни лозим топмади. У энди Тахминанинг ҳам жароҳатига қаттиқ туз сепиб, бу билан унга қарс ҳамиша икки қўлдан чиқади, деган ҳақиқатни ишора қилиб қўймоқчи бўлди: — Бахтни кимдир журъат ва шижаот билан, кимдир зар-у олтинлари билан қўлга киритади. Яна одамлар борки, икковидан ҳам бенасиб. Буларда соф муҳаббат ва садоқат туйғусидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бироқ бу қуруқ туйғунинг ўзи на худога, на ўша баҳт қушига хуш келаркин...

Тахмина жимиб қолди. У Акмални тушунди. Унга ачинди. Муҳаббат, садоқат... Бу чиройли сўзлар айтишгагина осон. Лекин сен бу туйгуни кейинроқ ҳис этган бўлсанг, менда нима гуноҳ. Агар ўшанда сен орқага чекинмаганингда, ўқишини баҳона қилиб қочвормаганингда, мен ҳам жим ўтиргмаган бўлардим...

Майли, хозир энг муҳими, агар сўзларинг рост бўлса, Тахминани унумаганингда, уни ҳануз севишинг ва шу боис ҳам ундан гина-кудурат қилаётганингда!

Бироқ тақдир йўлини энди ўзгартириб бўлармискин? Мен сени севаман, бироқ сен энди ўз тақдирингни мен билан боғлашга шаймисан? Ўтган ишларга қўл силтай оласанми? Ёки яна журъатсизлик қилиб, ёки бўлмаса «Мен энди сенинг тенгинг эмасман» дея яна хайр-хўшлашиб, жўнаб қоласанми?

— Акмал... Журъату шижаот сен айтган тўйғунинг иккала қанотидир. Парвозинг ишга тушса, баҳт қуши елкангда бўлади. Уни ҳеч қандай зару олтинлар ушлаб қололмайди.

Ёш боши билан ёши катталар ҳаётини кўриб ултурган Тахминанинг бу маънодор гаплари Акмалнинг кўкрагига енгил ва ёқимли шабада бўлиб урилди.

Сурайё ҳамон сукутда, кўзлари юмуқ, ёшларнинг ўзаро гап-сўзи атрофида мушоҳада юритиб ётипти. У энди ўзининг чорасиз хасталиги билан бир каторда,

ўғли Акмал билан яна бир таянган одами Тахмина учун бу қадар бекадрлиги, улар ўз ёnlарида Сурайё борми-йўқми, соғми-бетобми, бунга мутлақо бепарво ҳолда масалани ҳал қилишайтганидан чукур ўкинчда эди. Демак, буларни тўхтатиб бўлмайди, демак, олдинда яна кутилмаган ғаму ташвишлар...

Эй худо, омонатингни тезроқ олсанг бўлмайдими! Бадбаҳт бошимга яна қандай кўргуликларни солмоқчисан!?

Сурайё касали яна хуруж қилиб қолишидан қўрқиб, ўзини босишга уринди. Лекин кўзларидан қуишиб келаётган шашқатор ёшни тўхтатолмас эди. Шу боис ҳам бир амаллаб Акмал билан Тахминага орқа ўтириб олди.

Худди шу пайт Зилоларнида тўс-тўполон эди. Бугун томорқасидан чиқсан бир пакир кулупнайни бозорга олиб кетган Мирзамат уйга ўлар ҳолда маст қайтди. Ёқавайрон, аламзада, кўзи тўла қон. На пулдан дарак бор, на тоғорадан.

Зилоланинг кичик жуссали, нимжонгина, буйрак оғриғидан йил-ўн икки ой белини жун рўмол билан боғлаб юрадиган онаси Зебинисо бундай пайтлар оғирбосик бўларди. Ҳар қанча зардоб бўлса ичига ютар, эрининг «отдан тушиши»ни кутарди. Бу гал у сабр палласига тош босолмади. Чунки бугун уйда егулик учун ҳеч вако йўқ, устига-устак ҳам бозор учун, ҳам ҳамир учун иш бериб турган битта-ю битта тоғорадан ҳам ажралишди.

Мирзаматнинг айқаш-уйқаш гапларига кўра, у пулни тушириб қўйганмиш, тоғора эса аллақайси Эшматми, Тошматми деган шиша қўзли винофуруушнинг уч оёқли шалақ стол тагида қолиб кетганимиш.

Зебинисо пешайвон зинапоясига ўтириб олиб аччиқ-аччиқ йиглади. Ҳовлининг бирдан-бир соябони кекса шотут тагидаги катда оёғини осилтириб, сўрра-йиб ўтирган Мирзамат аввалига хотининг йигисига эътибор бермади. Зебинисо «Болаларни ризкини кийиб арак ичгандан кўра заҳар ичган яхшимасмиди?» дегачгина портлаб кетди. Отилиб бориб, хотинини тепмоқчи бўлди, лекин шунда иккинчи оёғи чалка-

шиб кетиб, ўзи орқасига гупиллаб йикилди. Бир амаллаб ўрнидан турди-да, энди ёнгинасидаги ўчоқ бошида турган пакир борми, чойнагу пиёла борми, ҳаммасини эшик томонга ота бошлади. Ҳовли эшиги эса Мумтознинг дарвозаси билан рўбару эканлигидан хабарингиз бор, албатта.

Мирзамат бугун бозорда Мумтоз билан учрашиб қолмаганда, эҳтимол ичмаган, қулупнайнинг пулига нонмиди, гўшту ёғмиди олиб келган ва тоғора ҳам ўз жойида турган бўларди.

Мирзамат қулупнайни эндинга сотиб бўлиб, пулени санаб турувдики, қаршисида авзойи хиррароқ Мумтоз пайдо бўлди:

— Пулни чўғи баланд-ку, қўшни?

Мирзамат уни кўриб хижолат чекди, шоша-пиша кўлини кўксига қўйиб салом берди, нима учундир ўзи билмаган ҳолда оғзидан: «Бизга бирон хизмат йўқми, хўжайин?» деган гап ҳам чикқандек бўлди.

Мумтоз шундан кейин ёнида иккита пакет қўлтиқлаб турган Алим акага буюрди:

— Сен чиқавер. Қўлингдагини қизил машинадаги болага бер, тезроқ «Зарафшон»га етказсин.

-Хўп.

Мирзамат тузоққа илинган қушдек юраги пўкиллаб турарди. Ҳозир мумтоз унга доллардан гап очади! Шундай бўлди, Алим aka кетиши биланоқ, у гап билан Мирзаматнинг ёқасидан тутуди:

— Мен сизга ҳайронман, қўшни. Шунча қарзи бор одам қандай қилиб хотиржам юрибсиз?

— Нима қиласай, бек. Осмон узок, ер қаттиқ экан. Ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

— Сиз ўй ўйлаб, ўйингизга етгунингизча қарзингиз уммон бўлади. Ипни тезроқ узиш керак.

— Яшаб турган ўйимдан бошқа сотгулигим йўқ. Агар уни сотсан бола-чақам билан кўчада қоламан. Худо ҳайрингизни берсин, бек...

Мумтоз қаршисида кўзлари мўлтираб, аянчли боқиб турган ана шу ночор одамга беписанд кўз югуртириб олди-да, кейин:

— Билмадим, билмадим, — деди. — Уйингизни сотасизми, ё... кизингизни сотасизми, иложини қилинг. Сизга яна бир ҳафта муддат. Дарвоқе, ҳаридор лозим бўлиб қолса, ўзимга учрайсиз. Ердамлашиб юбораман.

У орқасига шарт бурилиб кетаркан, Мирзамат турган жойида музлаб қолди. Уйингни ё қизингни... Мумтознинг шу гапи қулоғи остида яна такрорланиб, энди унинг тутуни кўкка чиқиб кетди. Кўз олди коронгилашди, юраги сиқилди, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Тоғорани пештахта устидан олдими-йўқми ё ҳали айтганидек борган жойида қолиб кетдими, буёғини аниқ эслолмайди.

Яхшиямки, Зилола кўча эшигини очиб кирганида, Мирзамат кўзга кўринган, кўлга илинган нарсаларни аллақачон отиб бўлганди. У энди зинапоя устидаги ҳамон қунишиб, муштдек бўлиб, юм-юм йиглаб ўтирган хотинига кўлини пахса қилиб дағдага қиласади:

— Сен мени ичганимни таъна қилдинг-да! Яна бир марта шундай деб кўр-чи, онангни учқўрғондан кўрсатиб қўяман! Мени болаларим оч-ялангоч қолишгани йўқ. Қолишмайдиям! Ҳеч қачон!

Аҳволни кўриб ҳанг-манг бўлиб турган Зилола ўқдай отилиб бориб онасини кучоқлаб олди.

— Вой, ойижон, нима бўлди сизга?! — Кейин у дадасининг аҳволига, ер билан битта бўлиб ётган идишларга назар ташлаб, ўзиям йиглаб юборди. — Нималар қиляпсиз, дада?!

Зебинисо қизининг оғушида ёш боладек пиқиллаб йиглаб: «Даданг эсдан оғиб қопти», деди. Яхшиям Мирзамат унинг нима деганини англамади, энди Зилолага жаврай кетди:

— Сен опангга мундок уқтириб қўй! Кўпам мени жигимга тегавермасин. Сенларни бир умр ўзим бокиб келдимми, буёғига ҳам ўзим бокиб оламан.

Зилола онасининг юз-кўзларини силаб-сийпалаб, суяб ўрнидан турғазди-да, ичкари томон етаклади:

— Юринг ойи, уйга кирамиз. Хафа бўлманг. Ҳозир тинчиб қоладилар.

— Боқиб олар эмиш, — яна пикиллади Зебинисо.— Ҳаммаёкни соб қилди. Охиргиси шу тогора эди...

Мирзamat «тогора» сўзини эшишиб қолиб, яна ўкирди:

:— Ҳе, ўша тогарангга!.. Мен сенга унақа тогорадан эртага юзтасини опкеб бераман!

Зилола онасини ичкарига кўйиб чиқди. Энди ўша турган жойида ҳамон чайқалиб турган дадасининг кўлтиғидан олиб, уни кат томонга судради.

— Юринг, ада, озгина ором олинг...

Мирзamat беихтиёр қизига бўйсунди. Унинг ёрдамида туфлисини ечиб, ўзини кат четидаги тўшакка ташларкан, қизига минғилларди:

— Қарзимни узаман... Узолмасам, ё Мумтоз кетади, ё мен! Уйини сотадиган даюс йўқ!

Шу тоб Зилоланинг вужудидан муздек бир нарса югуриб ўтгандек бўлди...

Мумтознинг кўл остида хунармандчилик фабрикаси, аллақандай яширин ишлаб чиқариш цехлари, бир қанча савдо, тижорат-восита дўконлари борлиги ва улардан тушаётган даромад анча йирик бўлишига қарамай, у судхўрлик фаолиятини ҳам кенгайтириб юборгани ва бу йўл билан ҳам катта фойда топаётгани Тахминага аён, албатта. Бироқ эрининг ишлари билан ҳам, оқиб келаётган бойлик билан ҳам у учналик қизикмайди. Мумтоз ўз пулларини, қимматбаҳо нарсаларини қаерда асрайди, нималарга харжлайди — буниси билан иши йўқ. Тахминанинг ўзи топаётган пул ва албатта Мумтознинг ўзи ҳафтада бир марта унинг кўлига тутқазиб турадиган даста-даста долларнинг ўзи ҳар қанча орзу-хавас учун етарли эди.

Мумтоз шунчалиги билан кўча-куйда кўли қаттиқ, бехудага пул сарфламайдитан одам. Манфаат топадиган жойигагина аямай сочади. Бошқа ишбилармон сармоядорларга ўхшаб аллақандай хайрия, ҳомийлик деган ишларга ҳам қўшилиб кетавермайди. Ҳатто олдидан гадой чиқиб қолса, «худо берсинг» деб ўтиб кетаварадиган одатиям бор. Шундай экан, у ўзидан қарздор кишига раҳм-шафқат қиласмиди.

Мумтоз билан ён қўшни Мирзамат кулол ўртаси-даги олди-бердидан, кулолнинг иши юришмай инки-розга учрагани-ю, Мумтоздан олган қарзи беш минг долларга етиб қолганидан Тахминанинг хабари бор. Бу хақда Мумтознинг ўзи ҳам, Сурайё ҳам гапирган. Фақат Зилоланинг дарди ичида. Тахминани ҳар учратганида унга нимадир демоқчи бўлади-ю, лекин қиз-даги ҳаёв ва андиша кучлилик қилиб, индамай қолаве-ради.

Зилола гарчи унга ёришмаса ҳам, ундан кўмак сўрамаса ҳам Тахмина бу оиласа зимдан ачинар ва бир йўлини қилиб, эрини уларга нисбатан инсоф ва шафқатга кўндириш пайида эди. Кеча Мумтознинг ўзи Зилолани ёрдамга чакириргани ва кечки пайт меҳмонлар шу ердалигига қизнинг енг шимариб хизмат қилиб юрганига кўзи тушиб, «Зилолангиз чакки эмас. Сурайёга айтинг, у-бу нарсалардан бериб турсин. Бечораларнинг ахволи оғир...» деганидан фойдаланиб: «Шуларга бир эриб кетсангиз бўлармиди, бегим», деб қўйди. Мумтоз ширакайф бўлишига қарамай, Тахминанинг нимага шама қилаётганини дарров тушунди ва қисқа қилиб, «Мен эриганга эрийман» деб жавоб берди. Лекин бу билан нимани назарда тутганлигини Тахмина англаб улгурмай, меҳмонлардан бири орага суқилди-да, фикр чалалигича қолиб кетаверди.

Зилоланинг ўз оти билан зилоллиги, хушфеъл ва соддадиллиги, абжир-чайирлиги, чаққонлиги ва меҳнатчанлиги, яна айникса, уни ҳар кўрганида оғиздан бол томиб «опа-чи опа» қилишидан Тахмина бу қизни ёқтиради. Фақат кечадан бери Акмални ундан қизганиб, рашқ қилиб юргани беҳуда эканлигини англагач эса, унинг Зилолага бўлган меҳри ва ишончи бугун янаям ошди.

Шу боис хозир хаёлига келган бир фикрдан ўзи қувониб кетди. Шошиб ошхонага ўтди-да, кеча сўйилган кўйнинг битта сонини, тўрт-беш килоча думба-ёғ, беш-олтига патир, яна мева-чевалардан бир дастурхон қилиб тугди-да, Акмални чакириб, Зилоланикига ташлаб чиқишини илтимос қилди.

Акмал сўзсиз итоаткорлик билдириб, дастурхонни кўтариб чиқиб кетди. Лекин бу орада ярим соатча вақт ўтиб қолди. Бундан ажабланган Тахмина энди ўзи унинг ортидан кирмоқчи бўлиб турувдики, ногоҳ Мумтоз телефонга чакириб қолди.

Мехмонлар бугун келолмайдиган бўлишипти. «Давлатбердини Сожида уйига олиб кетипти, жаноб Кутбиддин билан мен шаҳар чеккасида яшайдиган бир ўртоғимникига кетяпман. Ўша ерда ётиб қоламиз», деди. Кейин Тахминадан «Бутун сиз ўша ерда коларсиз?» деб сўради. Тахмина унга жавобан жўрттага: «Сиз бўлмасангиз, мен бу ерда танҳо ётишдан қўрқаман», деди. Унинг бу жавоби Мумтозга маъқул тушди; «Бўпти, жоним, домга ўтаверинг», деб кўйди.

Тахмина яхши билади, Мумтоз билан Кутбиддинни шаҳар чеккасидаги бир ўртоғиникида бу кеча нишмалар кутиб турганини...

Бугун келиб, Кутбиддин билан Давлатберди кечаги тунни ўзлари ўtkазишмаганини ҳам сезиб қолди. Бассейндан якинда пайдо бўлган фарангি атирининг хиди келиб туритти.

Демак, Мумтознинг бугун уйдан бунчалик барвақт чиқиб кетгани ҳам шундан. У буюртма билан тунда келтирилган қизларни эртароқ гумдон қилиши лозим бўлган. Сурайё билан Акмал ўз хужраларида, бундай ҳолларда ҳатто деразадан мўралаб қўйиш мумкин эмас. Бунинг оқибати хунук чиқшини Сурайё яхши билади. Дарвоза очилдими, демак, Мумтоз келди. Уни ўзидан бошқа ҳеч ким очмайди, очолмайди.

Лекин Тахмина эрининг бу қилиқларига мутлақо аҳамият бермайди. Ўзини ҳеч нимани қўрмаганга, билмаганга, сезмаганга олиб юради. Унга фақат, Мумтоз уни тинч қўйса бўлгани, билган номаъқулчилигини қилиб юравермайдими.

— Намунча? Зилола минан гапларинг қуюқлашиб кетдими, дейман? — сўради у қаршисида пайдо бўлган Акмалдан.

Акмалнинг хаёлида шу тоб қўшни ховлида юз берган воқеалар, Мирзамат кулолнинг аҳволи-ю, Зебини-

со ая билан Зилоланинг зор-қакшаб ўтиришгани чарх уриб турарди. Шу боис ҳам у бирмунча диккинафас, авзойи тундроқ эди.

— Бўпти, бўпти, ҳазиллашдим, — деди Тахмина кулимсираб. — Кўпам қовоғингни уйма, кишдан ўзи зўрга чиқволдик...

Тахминанинг очилиб-сочилиб, ҳатто кўзларининг учкунланиб туришидан Акмалнинг рутубатли қалби ёришгандек бўлди. У энди Тахминанинг товланиб-тўлқинланиб, кўпириб турган жуссасига еб қўйгудек тикилди.

Тахмина муддаолар риштаси уланиб турганини ҳис этиб, беихтиёр Акмал томон қадам ташлади. Келиб, унинг қўлидан тутди:

— Юр...

X

Юк Тошкентга етиб келди. Контеинерлар ортилган хорижий автокарронни ҳовлига ҳайдашди. Кутбиддин айниқса, пайтавасига курт тушган одамдек бесаранжом, питиллаб ўёқка югуради, питиллаб буёқка югуради. Ҳайдовчи ҳамشاҳарлари билан нималарнидир ўзаро чуғурашишади, машиналар атрофифа гирдикапалак бўлади. Давлатберди эса хомуш, устма-уст сигарет тутатиб, у ёқ-бу ёққа юриб туритти.

Юк келтирғанлар орасида биттаси чала-чулпа ўзбекча гаплаша оларкан. Кутбиддин автосафга сардорлик қилиб келган ана шу ҳайдовчини Мумтозга рўпара қилди. Унинг оти Бехбуд экан. Атиги шапалокдек келган бетини қоп-кора сокол қоплаган. Икки энли пешонаси билан қийшиқроқ унган қирғий бурни бўлмаса, сизга одам боқиб турганини тасаввур килиш қийин. Мумтоз унинг қуюқ жун қоплаган косовдек ингичка қўлларига ҳам зимдан ажабланиб боқиб, «Қийналмай етиб келдингларми?» деб сўради.

— Ташаккур, жаноб ташаккур, — қуллук қилди Бехбуд. — Тамом қийин бўлган юк. Ўзбекистон сарҳадда бир киши ошно бўлди. Ба Тошканд манга ҳамроҳ

келди. Яхши одам. Жаноб Мумтозбекни ман танийди, деди.

Мумтоз Бехбуднинг бу гапларига эътибор бермади. Ахир уни танимайдиган одам борми? Кимдир Мумтозбекни танийман, деса деб кўйипти-да. Шу баҳонада мана, юқ ўз манзилига адашмай кириб келди.

Фақат уларнинг «ғизига қараб турган Кутбиддин бир нарсага ажабланиб қолди: Беҳбуд нима учун ҳали ўзига нотаниш бўлган Мумтозга ўзбекчалаб намунча узоқ гапириб юборди? Шу боис у Бехбуддан форсийда сўради:

— Ту ба жаноб чи гуфти?

Беҳбуд унга ўз тилларида Мумтозга айтган гапларини такрорлаган эдики, Кутбиддиннинг ранги оқарин-киради.

Мумтоз уларнинг нималар ҳакида чуғиллашаётганини англолмай қолди. Унинг ҳайрон турганини кўрган Кутбиддиннинг ўзи гап нимадалигини дурустроқ тушуниргандан, Мумтоз янаям ажабланди:

— Юкингиз қонуний бўлгач, бегона кишилардан хавфсирашга ўрин борми?

Кутбиддин Мумтознинг кўнглига шубҳа солиб кўймаслик ниятида, гапни дарҳол ўнглади:

— Ҳозир йўллар нотинчлиги ўзингизга маълум. Шу боис мен буларга сафарда ҳеч қачон бегонани машинага олманглар, деб тайнлайман.

Беҳбуд уни тушуниб, ўзини оқламоқчи бўлди.

Кутбиддин энди унга қўл силтаб, Мумтоздан сўради:

— Юклар шу ерга тушириладими?

— Олдин божхона бошқармасига ўтиб келишим керак. Менга хужжатларни беринглар.

— У ердан бирон кишини олиб келарсиз? — бето-катлик билан яна сўради Кутбиддин.

— Худди шундай. Мухрларни божхона ходими ечиб бериши керак-ку, — хотиржам жавоб берди Мумтоз. — Лекин мен ишни бир йўла ҳал қилиб келсан керак.

— Омад сизга, жаноб Мумтозбек, — енгил тортиди Кутбиддин. — Дарвоке, сиз билан Давлатберди

учун белгиланган гарнитурлар Бехбуднинг машинасида. Биз бу юкни ҳовлингизга олиб бориб қўяверсакчи?

— Бир оз сабр қиласиз, жаноб Қутбиддин. — Мумтоз энди ҳов нарироқда Давлатберди билан гаплашиб турган қозоқ башара бир йигитни ёнига чакирди. — Дўлан, ҳайдовчиларни меҳмонхонага олиб кир. То кетишгунча уч маҳал овқатлари канда бўлмасин...

— Хўп бўлади, хўжайин.

Мумтоз шундан кейин Қутбиддинга «Сизлар ҳовлига ўтиб дам олиб туринглар» дея, ўзи божхона бошқармасига жўнаб кетди.

... Қабулхона одамлар билан гавжум, ҳамманинг кўзи тўрдаги «Бошлиқ ўринбосари Омонтой Самантоев» деган ёзуви бор қора чармли эшикка мунализир.

Мумтоз ҳеч кимга эътибор бермади. Тўғри бориб, ниманидир чоп этиш билан овора котиба қиздан сўради:

— Хўжайин ўзларидами?

Қиз машинкадан бош кўтариб, олдида тик турган Мумтоз ҳофизни кўриб, ўзини йўқотиб қўяёзди. Даст ўринидан турди:

— Вой, келинг, Мумтоз ака...

Қабулхонадаги бошка кишилар орасида ҳам ўзаро шивир-шивир бўлиб қолди.

— Ҳайрият, таниркансиз... Лекин мен сизни назаримда биринчи кўришим, шундайми?

— Ҳа, бу ерга яқинда ишга келдим... — уялибгини жавоб берди қиз — Кейин «Мен ҳозир!» дея шошиб ичкарига кириб кетди. Мумтоз унинг майдатароқ атлас кўйлак ичиди тўлғаниб бораётган дуркун жуссасига суқланиб кўйди: «Яхши нарса экан...»

Бир зумда қиз қайтиб чиқиб, Мумтозга: «Сизни кутяптилар», деди.

Такир боши ойнадай яркираб турган кориндор Самантоев ичкарига Мумтоз кириш биланоқ, олдида ўтирган хушрўйгина дўндиқ жувонга жавоб берди:

— Бўпти, Гуласал. Ўшатта кўришамиз.

Жувон ўрнидан туриб, эшик томон йўл оларкан,
Мумтозни кўриб, унга маънодор салом бериб ўтди.

Мумтоз билан Омонтой кўп л йиллик қадрдон.
Бир вактлар, бундан йигирма йилларча бурун Омон-
той созанда эди. Мумтозга дойрачилик ҳам қилган.
Кейин Московга ўқишига кетди. Ўқишини битириб
қайтгач мана, кўтарилиб-кўтарилиб ҳозирги даражага
егди.

Иккови кучоқлашиб кўришишди.

— Кўринмайсан? Телефон ҳам қилмайсан?

— Мехмонларим бор.

— Яна юк келдими?

— Мебел... Керак бўлса ол.

— Уйда ҳаммаёқ тиқилиб кетган. Ҳатто хотин
билан ётишга жой йўқ.

— Хотинни хипчасидан топ. Телевизор тагидаям
ётиб кетаверасан.

— Сени билганинг билган. Хипчаси ва ёшроғи
яхши экан.

— Қўлингда пулинг бўлса, чангальда шўрва.

— Ўша жонвор етишмаяпти.

— Ёлғон гапирма.

— Рост. Ўндан тўққизи хомталаш...

— Ўзимдан қолма.

— Раҳмат, сендан хурсандман.

— Мен ҳам. Шанба куни кут. Бир жойга олиб
ўтаман.

— Зўрроғидан...

— Гап йўқ. '

— Қани, буёққа ол қофозларингни. Юкинг қаер-
да?

— Фабрикада.

— Ичида хавфлиси йўқми?

— Одам жўнатсанг, билиб қайтар.

— Мен ўз одамларимдан кўра, сенга кўпроқ ишо-
наман. — Самантоев котиба қиздан кимнидир чақи-
тириди.

— Котибанг ёмон эмас.

— Одам бўлмадинг-бўлмадинг.

— Ҳозирча сен бўла тур, Омон.

Шу пайт ичкарига пак-пакана, кўзлари уккиникидай жавдираб турган, кифтида «тарвузи» бор бир одам кирди. Бели калталигидан, худди кундадай бошдан-оёқ бараварига эгилиб кўйди.

— Хизмат хўжайнин?

— Бу кишини унуганинг йўқми?

— Жаноб Мумтозбекни унугиб ўлибманми?

— Маладес, кеша. Худди ўтган сафаргидек, сенга ярим соат муҳлат. Манави хужжатларни хамирдан кил суғургандек қилиб тўғрилаб бер. Соққаси ўзи билан.

— Есть!

...Мумтоз божхонадан тўғри фабрикага ўтди. Ишчи йигитларга юкни туширишни буюрди. Беҳбудга эса, сен машинангни кечроқ, сал қоронги тушгач бизни-кига ҳайдайсан, шопирим Алим хабарини беради, деб тайинлади. Беҳбуд аллақачон корахондан тортиб олган шекилли, иккала кўзиям ёниб турибди.

— Хуп, хужаюн, хуб, — таржайди у қўлини кўксига кўйиб. — Сизни хонангизга боришга ман хурсанд бўлади.

Мумтоз Беҳбуднинг қоқсувак кифтига «яхши» деган маънода кафт қоқиб кўйди. Кейин ўз меҳмонларидан хабар олиш учун ҳовли томон кетди.

...Гарнитурлар етиб келганидан хабар топган Сожида ҳам аллақачон шу ерда, Кутбиддину Давлатберди учвлари ҳовуз ўртасидаги равокда кизгин гурунглашиб ўтиришарди. Тахмина кўринмайди, Мумтоз унга телефонда юк келганини ўша заҳотиёқ айтган. Бироқ Кутбиддин ваъда қилган мебелларни бир йилдан бери орзикиб кутаётган Тахмина негадир бугунга келиб бу нарсага ўзини парвосиз қилиб кўрсатяпти. Ҳали телефондаям: «Келса келипти-да, ҳозироқ ўқдай учиб борайми?» деди. Мумтоз индамай кўя колди. Тахминанинг кайфияти жойида эмаслигини ўзининг кечатунда Кутбиддин билан бирга «бир ошнасиникида» қолиб кетганидан, деб тушунди.

Мумтоз равоқдагиларга узокдан «ҳозир» деган ишорани қилиб, сўл томондаги эшиги очик турган хужра

томон бурилди. Эҳтимол, Тахмина Сурайёнинг қошидадир?

Хўжайиннинг бу ғариб кулбага кутилмаганда «ҳол сўраб» кириб келиши Сурайёни беҳад қувонтириб юборди.

Беҳол ётган аёл ўрнидан бош кўтариб ўтири, ўзини унга бардамроқ килиб кўрсатишга уринди. Бир четда ишдан чикиб колган эски дазмолни кавлаштириб ўтирган Акмал ҳам одоб юзасидан ўрнидан турди, Мумтоз билан қўл беришиб кўришди.

— Яна мазанг қочибди-да, Сурайё? — Мумтоз бемор аёлнинг ҳазин қиёфасига ачиниш билан бокди.

— Ҳа, илгари куни кечаси тутиб қолди. Хайрият, ўтиб кетгандек ҳозир.

— Ўтиб кетгани рост бўлсин, — Мумтоз қаршисида негадир безовтароқ ўтирган Акмалга бир назар ташлаб қўйди. — Мана, ўғлинг ҳам келиб қолипти. Буёғига ўлимни ўйлама. Сен ҳам мундай, одамлар катори орзу ҳавас кўр.

— Кошки эди, бек, — Сурайёнинг кўзларига дарров ёш келди. — Лекин менинг орзу-ҳавас кўришдан кўрмаслигим аниқроқ бўлиб турипти...

Сурайё бу гапи билан орзу-ҳавас кўришга энди фурсат йўқ, демоқчи эмас. Мумтоз кириб келишидан бир оз олдинроқ она-бала ўртасида бу борада узилкесил гап бўлиб ўтди. Акмал унга ниҳоят ўз дилидагини очишга мажбур бўлгач, Сурайёнинг шусиз ҳам нурсиз-умидсиз кўзларига узоқ-узоқлардан гира-шира илашиб турган орзу-ҳавас кошонаси худди саробдек бирданига ғойиб бўлди-қолди. У энди умрининг колган улушини ҳам хўрлик ва ғарибликда ўтказишига ақли етиб қолганди.

Тўғри, Акмал онасининг касали яна хуруж қилиб қолишидан чўчиб, ўзини аввалига вазмин-босиқ тутди. «Сиз олдин соғайиб, оёққа турволинг. Уйланиш масаласини ўшанда маслаҳатлашамиз», деди. Лекин Сурайё «Мени оёққа турғизадиган нарса бир оғиз гапинг. Хўп де. Зилолани олиб бераман», деди. Бу гапга Акмалнинг ғаши келди.

— Ая, мен эндиғина бўйи етган йигит эмасманки,

«Агар хўп десанг, фалончини олиб бераман», десангиз. Иккинчидан, мен сизни топишими биланоқ аям мени биронтага уйлаб кўярмикин, деган ниятда излаб келганим йўқ.

Сурайё ўғлининг бу гапидан аччик ютиниб олди.

— Мени билмайди, дейсанми. Сени дарду аламларинг Тахминада...

— Билсангиз, дарду аламларимни янгилааб нима қиласиз?

— Чунки бу бефойда уриниш, болам. Уни энди тинч кўй. Бахтига зомин бўлма.

— Бахтига? Тахминанинг ҳозирги хаёти бадбаҳтлик эмасми?

Сурайё ўғлининг саволини жавобсиз қолдирди. Бахт нима-ю, бадбаҳтлик нима, Акмал ҳали бунинг фаркига етиб боролмаган, деган фикрда қолди.

— Мен Тахминанийддан урмоқчи эмасман. Буёғига хотиржам бўлинг, ая. — Сўзида давом этди Акмал. — Лекин мен бу ерда қололмайман. Кетишим керак.

Шундан кейин Сурайё тақдирга тан бергандек бўлди.

— Бунчалик экан, майли, — деди у йиги аралаш. — Қаерда бўлсанг, омон бўлгин, болам. Мен сендан... — Сурайё шу чоғ «берган сутим учун розиман» демоқчи эди, бироқ ягона фарзандини гўдаклигига бирон марта ҳам эмизмагани эсига тушди. — Мен сендан мингдан-минг розиман. Сен ҳам мендан рози бўл. Гўримда тинч ётайн...

Акмал онасини оғир аҳволга солиб қўйганини сезиб, унга шоша-пиша таскин бермоқчи бўлди:

— Розилик тилашишга шошмайлик, ая. Мен сизни бу аҳвolda ташлаб кетмайман.

— Ким билади, дейсан. Ҳали узоқ ётаманми...

— Барибир. Ташлаб кетмайман. Вақтинча шу атрофда ишлаб тураман.

— Ишламасанг ҳам... бу даргоҳда ҳеч ким оч қолмас.

— Нималар деяпсиз, ая?! Мен бу даргоҳнинг текин нонидан ҳазар қиласман.

— Ундей дема, болам,— кеча Тахмина Сурайёга

бир даста пул ташлаб кетган, Акмалга ўз пулингиздай килиб беринг, уст-бошини янгилаб олсин, деб тайинлаган эди. — Мен ҳам бу ерда қоқ ўтирганим йўқдир. Қолаверса, ўртада Тахмина бор. У ҳам ўз фарзандим-ку, ахир...

«Тахминани шу кўйларга солган унинг ўз онаси Хуршида билан сен эмасмидинг? — кўнглидан ўтказди Акмал. — Яна ўз фарзанди эмиш...

Бироқ бу гапни ичига ютди.

— Гап бундай ая. Мен на Мумтознинг, на Тахминанинг, на сизнинг, ҳеч кимнинг нонига, меҳру эҳсонига муҳтоҷ эмасман. Шуни билиб қўйинг. Бошқалар ҳам билиб қўйишсин. Мени бу ерга... юпун кириб келганим учун ҳеч ким ачинмасин ҳам. Бизга қанча пул лозим бўлса, мен ўзим топиб оламан.

— Мен бунга ишонаман, болам. Аввало, сени ўзинги кириб келишинг биз учун катта давлат, — Сурайё шундай дея, бир лахза тин олди-да, кейин ўғлиниг кўнглини кўтариб қўйиш ниятида, кўшимча килди: — Ўзинг билиб турибсан, сени кўриб, Тахминанинг ҳам боши сомонда...

Акмал ўзи билан Тахмина ўртасидаги бундан кейинги муносабатларга онасининг аралашувини мутлақо истамаслигидан, гапни бошқа ёққа бурди:

— Кўнглимда яна бир ният туғилган...

Сурайё ўғлига ҳайрон боқди.

— Мен Зилолага... Ёрдам бермоқчиман.

— Зилолага?!

— Ҳа. Уларни ифлос Мумтозингиз чангалидан кутказмоқчиман.

— Ундей дема, болам. Мумтозга жигарсан.

— Мумтоз жигар эмас. У бир қонхўр маҳлук. Лекин сиз хавотирланманг. Мен уни ўлдирмоқчи эмасман. Олдин биз ўша беш минг долларни топамиз. Кейин бу пулни мен ўзим унинг оғзига тиқаман.

— Бас... — Акмал ўша беш минг долларни топиб, Мумтоз билан юзма-юз бўлганда, у Зилолалар оиласи учунгина эмас, энг аввало Тахмина учун ундан ўч олишини сезган Сурайё ҳолсизланиб, кўзларини юмди.

Авзойи бузилган Акмал эса нима қиласини билмай, Мумтоз кириб келишидан олдинроқ ўша бузук дазмол билан ўзини овунтириб турган жойи эди.

... Мумтоз Сурайёning афт-ангорига, хийла чўкиб қолган кўзларига зимдан разм солди ва тугаб бўпти, деган фикрга бориб, унинг кўнглини кўтариб қўймокчи бўлди:

— Бу гапларни қўй, Сурайё. Ундан кўра ўғлингга келин суриштири. Зўридан топ, онаси ўпмаганидан...— у энди Акмалга бокди. — Тўғрими, жиян?

Ноҳуш кайфиятдан юраги сиқилиб, бетлари қизарип турган Акмал индамади. Аста ўрнидан туриб, бурни остида «узр» дегандай бўлди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Мумтознинг жаҳли кўзгамасин учун Сурайё ўғлинг бу қилигини дарҳол андавалаб қўйди:

— Улгундай уятчан... Кўнглингизга олмайсиз, бек.

— Ўлгундай уятчан эмас, ўлгундай дангаса кўринади ўғлинг. Айтиб қўй, лўлининг эркагидай уйда чўзилиб ётмасин. Ишласин. Кўлида бирон хунари борми?

— Шопир. Катта мошин ҳайдаркан.

— Яхши. Узокқа қатнайдиган юк машиналаримиз бор. Эртага олдимга ўтсин.

— Илоҳо барака топинг, бек. Унга энди ўзингиз оталик қиласиз...

Сурайё ўғлининг бу ерда узоқ қолмаслигини, яна айниқса, Мумтоз билан у ҳеч қачон муроса қиломаслигини яхши билса-да, бу гапни жўрттага, хўжайиннинг кўнгли учунгина айтди. Мумтоз эса аксинча, Сурайёning бу гапидан рўпарасида мурдадек музлаб ўтирган ана шу «кампир» бир вактлар ўзининг ўйнаши бўлганлиги эсига тушиб, таъби хира торти. «Тезроқ ўлмадики, кутилмадим» — кўнглидан ўтказди у. Ҳужрани тарк этаркан, Сурайёning хаёлида йўқ гапдан оғиз очди:

— Кучукларга кўз-кулок бўлгин, девдим. Гулларимни пайхон қилишипти.

Сурайё индамади. Унинг ҳозир ортиқча гап-сўзга мажоли ётмас эди.

Мумтоз равокдагиларга божхона билан боғлиқ ишлар ҳал бўлгани, ҳозир фабрикада юклар туширилаётгани, Беҳбудники эса, бу ерга ҳали кечроқ келтирилиши хақида гапириб турувдики, кутилмаганда Тахмина ҳам келиб қолди. У одаддагидек, чиройли кийимларда ловуллаб турарди. Мехмонлар ёнига очик чехра, хуш кайфият билан яқинлашди. Мумтоз унга дарҳол тилёғламалик қилди:

— Яхшимисиз, жоним? Мен сизни бир кечадаёқ соғиниб қолдим.

Тахмина Мумтознинг ёнидаги бўш стулга ўтираскан, унинг уйкусизлик ва айшу ишратдан кизарган кўзларига, пуфак туккан қовоқлари ва тириш тортган рангиз юзига истеҳзоли боқиб кўйди:

— Мени соғинишга вақт топганингиздан хурсандман, бегим.

Мумтоз ер остида илон кимиirlаса сезадиган ва бундай пайтлр «ичимдан топ» қабилида иш тутувчи Тахмина билан гапни бу оҳангда давом эттиришга юраги дов бермади. Мавзуни дарров бошқа ёққа бурди:

— Мана, жоним, сиз кутган мебаллар ниҳоят етиб келди. Усталар тайнланган. Шу бугуннинг ўзидаёқ, кечаси билан хоналар тўла жиҳозланади. Эртадан бошлаб кўчавериш мумкин, Башарият маликасининг бетон уйда яшашига энди ҳожат йўқ!

— Раҳмат, мени жуда кувонтирдингиз, — Тахмина Мумтознинг меҳмонлар олдида келтирган баландпарвоз ибораси ёқиб тушди. Аммо «башарият маликаси»ни бетон уйдан маҳмоннинг мебели ҳалос этди, деган маъно келиб чиқмасин учун, илова қилиб кўйди:

— Аллақачон бу ерга кўчиб ўтишимиз мумкин эди. Лекин ҳар бир нарсага насиб қўшилганда етасан, деб бежиз айтишмас экан.

Кутбиддин ҳам ўз ўрнида нишонга битта ўқ отди:

— Мен сизнинг кувончларингизга шерк бўлаётганимдан беҳад хурсандман, Тахмина хоним.

— Бу кувончларда сизнинг улушингиз борлигидан биз ҳам хурсандмиз, жаноб. — Тахмина унинг охурига ҳам похол ташлаб кўйди.

Шундан кейин гап асосий мавзуга күчди. Кутбиддин Давлатберди билан биргаликда эртага Алматига учиб кетишини, у ерда хам тижорат масалаларига боғлиқ ишлари борлигини маълум қилди. Ўзаро келишувга кўра, Мумтоз шу ҳафта ичида мебел келтирган машиналарда мол айирбошлиш йўли билан арматура, электр лампочкалари, чинни ва сопол сервислар жўнатадиган бўлди. Гарнитурлар совга деб кўрсатилган ва расмийлаштирилган ҳужжатни Кутбиддин тантанали равишда Тахминага топшириб, бу гал энди у шиппаки қарсаклар остида унинг икки бетидан дадилроқ ўпид олди.

— Яқин кунларда ҳовли тўйи ўтқазсак, иштирок этарсизлар, деган умиддамиз, — деди Тахмина Кутбиддин билан Давлатбердига.

— Агар таклиф қилсаларинг, дунёнинг нарига бурчагида бўлсак ҳам етиб келамиз, — дейишда меҳмонлар мамнунлик билан.

— Шахсан мен энди фақат Тошканд хаёли билан яшайман, — илова қилди Кутбиддин.

Тахмина ҳам унинг кўнгли учун яна илтифот билдириди:

— Биз сиздай дўстимиз борлигидан фахрланиб юрамиз.

Гап Алмати учун мўлжалланган гарнитурга келганда Кутбиддин Мумтозга қуидагиларни уқтириди:

— Бу гарнитур аслида, бизнинг фирмамиз ишлаб чиқараётган мебелларни Алматида реклама килиш учун жўнатилаётганини тушунгандирсиз. Лекин шунга қарамай, Давлатберди бу мебелни гўё Тошкандан, яъни сиздан сотиб олиб кетяпти, деб хисоблаймиз. «Наврўз» деб аталувчи бу мебел комплекти алоҳида буюртма асосида, кимматбаҳо хом ашёдан тайёрлангани учун ҳам, унинг нархи бошқаларига қараганда икки баравар кимматроқ. Ўрта хисобда, икки ярим минг Амриқо доллари...

— Мен бу пулни ажратиб кўйганман, — деди Давлатберди ва уни ички чўнтагидан чиқариб, стол устига кўйди.

Шу пайт кутилмаганда, Тахмина уларнинг шаштини қайтарди:

— Тўхтанглар. Агар мухтарам Давлатберди хафа бўймасалар, «Наврўз» гарнитурини биз сотиб оламиз. Икки ярим эмас, уч минг долларга, у шундай дея энди Мумтозга юзланди. — Сиз нима дейсиз, бегим?

— Гап йўқ. Сиз нима билан хурсанд бўлсангиз, мен хизматга шайман, — унга яқдиллик билдириди Мумтоз.

Кутбиддин билан Давлатбердини, ҳатто Сожидани ҳам кутилмаган бу таклиф эсанкиратиб қўйган эди. Шунда Кутбиддин усталик қилиб қолди:

— Тахмина хоним, янгишманг. Мен «Наврўз»ни Мумтозбек жанобларининг савдо дўконлари учун келтирилган мебелларга солиштиряпман. Лекин сиз учун атайлаб тайёрланган гарнитурларнинг баҳоси йўқ...

— Ундан бўлса, Давлатбердидан узр сўрайман.

— Ҳечқиси йўқ. Мен учун Кутбиддин Салоҳий жанобларининг фирмаси ишлаб чиқараётган мебелларнинг барчаси ҳам қадрли, — ўзини жўрттага бефарқ қилиб кўрсатмоқчи бўлди Давлатберди. — «Наврўз»ни эса олиб бориб сотиб, фойдасини оладиган Сожида...

— Сожида?! — ҳайрон бўлди Тахмина...

— Ҳа. Оз-моз пул ишлаб олмоқчиман, — жавоб берди Сожида.

— Яхши, яхши. Девор ичкарига йиқиладига бўйти,— орага қўшилди Мумтоз ва Давлатбердига юзланди. — Пулингизни чўнтағингизга солиб қўйинг. Эртага магазин кассасига тўлайсиз.

— Шундайку-я, лекин агар иложи бўлса, юкни шу бугун кечасиёқ жўнатсан, дейман.

— Бугун? Беҳбуднинг ўзи олиб кетадими?

— Иўқ, Беҳбуднинг маршрути Тошкандгача, — саволга Кутбиддин жавоб қайтарди. — У мана шу ернинг ўзидан орқага қайтиши керак.

— Ундан бўлса, транспорт топишга улгурасизми?— Мумтоз яна Давлатбердидин сўради.

— Ҳамма гап ана шунда. Биз сизнинг ёрдамингизга мухтожмиз.

— Шундай экан, бу гапни ҳалироқ айтганларингда яхши бўлур эди, — Мумтоз соатига қараб қўйди.

— Бўпти. Машина муаммо эмас. Лекин дурустрок ҳайдовчи лозим. Дарвоке... Шундай ҳайдовчи ҳам бор. Фақат, у билан ўзингиз келишиб оласиз. Майли, машина ва ёнилги менинг ҳисобимдан.

— Келишдик, — мамнун бўлди Давлатберди. — Ким экан у ҳайдовчи, уни қачон кўрсан бўлади?

— Ҳайдовчи шу ерда. Ўзимизнинг инимиз Акмал.

— Акмал?! — ўз ҳаяжонини яширолмай сўради Тахмина.

— Ҳа, Сурайёнинг ўғли Акмал. — Мумтоз шундай дея ёнига Алим акани чақириб, унга стол устидаги пулни олиб тутқазди: — Ўнинчи дўконга бориб, мана шу пулга чек урдириб кел. Усмонга айт, эртага унинг дўконига тушадиган мебел гарнитурларидан бирининг пули бу. Алматилик меҳмон сотиб олди. Икки энли испаравка ҳам ёзиб берсин.

— Тўғрироғи, мебелни мен эмас, Сожида сотиб олди,— шошиброк уни тузатди Давлатберди.

Биз учун бунинг аҳамияти бўлмаса-да, майли, шундай деб қўя қолайлик, — рози бўлди Мумтоз ва яна Алим акага юзланди: — Тезрок бор, дўкон беркилиб қолмасин. Дарвоке, дўкондан қайтатуриб, гаражга ўт. Шорайимга айт, янги юк машиналаридан бирига Алматига бориб келиш учун хужжат тайёрласин. Кейин ҳов ҳалироқ шуёққа ўзи ҳайдаб келсин. Йўл варакасига хозирча ҳайдовчининг фамилиясини ёзмай турсин...

—Хўп.

XI

Дадаси Мумтоз билан аэропортда тасодифан учрашиб қолиб, ундан ундирган пулига Санжар анчагина ғавголар орттириб олди.

Аввалига, уни хув нарида ютоқиб кутиб туришган иккита бетайин улфати билан ошхонага киришиб, яна

аракхўрлик килишди. Орада нимагаям жанжал қўзга-либ, шундан кейин хушёронага тушишди. Яхшиямки, милисанер мактабдош ўртоги бўлиб чикди, шे-рикларини олиб қолиб, алламаҳаллада Санжарга жа-воб берди. Соқчи машина уни метро бекатигача олиб бориб қўйди. Кейин у ернинг тагидан кетдими, усти-дан кетдими, кандай килиб қўшмачи Чаманинг уйи-га бориб қолганини эсломайди. Бироқ ёдида, Чаман бир ахволда бемахал кириб келган Санжарни энсаси котиброк карши олди:

- Бирон марта соғ келганингни кўрмадим.
- Молчи. Бу ерга... соғ одам келмайди.
- Тўгри айтасан, — Чаман у билан ортиқча пача-килашиб ўтиришни эп кўрмади. — Қани, ёрил.
- Юрагим гумиряпти.
- Белинг бақувватми, опанг қоқиндик?
- Борига бозор, — Санжар чўнтагидан бир чан-гал ғижимланган пул чиқариб унинг оёғи остига таш-лади.

Чаман Санжарни ортидан эргаштириб, ичкари томон йўл оларкан, ишвалироқ оҳангда деди:

- Ухлаб қолмагин, тағин...
- Пули тўланган, — чайқалиб бораётган Санжар аёлнинг гапига қўл силтади. — Буёги мани ишим.
- Чаман бир дам тўхтаб, унга ўгирилди:
- Мениям унутма, деяпман.

Санжар бу хонадонга бот-бот келиб туради. Чаман билан алоқалари яхши. «Жаноб Мумтозбекнинг як-каю-ягона, дайди ва дарвеш ўғли»дан харам бекаси ўз меҳрибончилигини дариг тутмайди. Санжарни пули борида шилади, пули йўғида насияга иш тутиб, уни қарздор ҳам қилиб туради. Бир кун келиб, тўпланиб қолган қарзларни, ҳатто, ўз хоҳиши билан ўчириб ҳам ташлайверади. Ахир Санжар ёши довон ошиб қўйган-лигига қарамай ҳануз жуссасидаи «суви қочмаган» Чаман билан ҳам аҳён-аҳёнда дон олишиб туради-да.

Бундан ташқари, Санжар ва унинг қўчабезори жўралари қўшмачилик орқасидан икки марта ўтириб чиқкан бўлишига қарамай, ҳамон хуфёна фаолият юритаётган Чаманга дурустгина чойчака ёхуд бадал-

сиз айш-ишратлар эвазига балогардонлик вазифасини хам ўтаб туришади. Бедарвоза ҳарам бекаси ва бу ерга келиб-кетувчи суюқоёқ қызларни айрим рақобат-чилардан, зўравонлардан, тасодифий жанжалкашлардан химоя қилишади.

— Сен незакўнни бўлсангам, ўзимникисан, — гўлдиради Санжар. — Сеники қочиб кетмас.

— Бўпти, бас қил, — жеркинди Чаман. — Менга деса, чўкиб кет.

Бу тун Санжар «ҳарам» бекасини гарчанд ноумид қолдирган бўлса-да, ҳар қалай унинг шу ерда тунаб қолганлиги айниқса, эрталаб Чаманга жудаям асқотди.

Гап шундаки, кеча кечаси Мумтозниги жўна-тилган иккита қиздан Хумор деганлари танҳо ўзи қайтиб келди. Унинг ойтовоқ бетига беаёв чапланган бўёклар кўз ёшдан олабайроқ бўлиб кетган, пуштиранг вилюр юбкасининг ортида каттароқ ўлчамдаги эркаклар туфлисининг нам тортган сарғиш тупрокдан нақшланган изи...

Хуморнинг алам билан босган чўзиқ кўнфиригига жавобан ҳовли эшигини ўша, бу тун Санжарга қовуштирилган ўрис қиз очди. Нон шаҳрига омад излаб яқинда Красноярдан келган дўмбоққина бу қиз билан дугоналашиб қолганига қарамай, Хумор унинг бетига қараб ҳам кўймади. Шиддат билан деразалари очик турган айвонга кириб борди. Тўридаги сўрида чалқанча ётиб олиб, қизлардан иккитасига лўмбиллаган гавдасини обдон уқалатаётган Чаманнинг қаршисида тўхтади. «Ёғлик жойнинг ётоғидан» чиқиб келган Хуморнинг ахволига кўзи тушиб, бека дарҳол ҳаловатли машғулотни тўхтаттириди. Қизларни ёнидан чиқарво-риб, рўпарасида ёш боладек пиқиллаб йиғлаб турган Хуморни ётган жойидаёқ сўрок қила кетди:

- Нима бўлди?
- Нима бўларди, уришди.
- Уришди?! Ким урди?
- Ким бўларди, ўша... Мумтоз деганингиз. Орқамга тепди.
- Орқамга тепди?! Нега тепаркан?

— Нега тепарди, Гуландомни ундан айириб олмокчидим.

— Гуландомни?! Уни нега айириб олмоқчийдинг?

— Нега бўларди, дадаси уни машинада қаёққаям олиб ючиб кетаётувди.

— Дадаси?! Ким экан дадаси?

— Ким бўларди,- ўша Мумтозингиз-да.

— Нима-нима? Гуландом Мумтознинг кизи эканми?! — Чаман ўз ўрнидан даст бош кўтарди.

— Ҳа, Гуландом Мумтознинг кизи экан.

Беканинг рангидан қон ючди. Э худо, бу кўргулик қаердан кела қолди? Наҳот?:

«Хуморнинг гапи чиндан ҳам рост чиккудек бўлса, демак... Мумтознинг Санжардан бўлак яна дарбадар кизи ҳам бор экан-да! Шу вақтгача лоакал Санжардан эшиитмаганини қара-я, — юрагига вахима тушди. — Жувонмарг қиз қаттанам меникига келиб қолди? Ҳа, худой олгур Тиллақош чўталчи эргаштириб келди уларни. Ахмок бўлмасам, таг-тугини ағдармаёқ иккита «чуррак» учун накд беш минг сўмни куртдек санаб берармидим!»

Чаман энди қаршисида ҳамон қақайиб турган Хуморга эътибор ҳам бермай асабий ҳолда иягини чимдилаганча ўй суриб қолди.

Тўхта, Гуландом чиндан ҳам унинг кизи бўлса, нечун бу кеча бирон-бир жанжалсиз ўтди? Наҳотки Мумтоз ўз қизини эрталабга келиб таниган бўлса?

Чаман яна Хуморга бокди:

— Кечаси кимнинг кўлтигида эдинглар?

— Кимди бўларди, меҳмонларни кўлтигида.

— Мумтознинг ўзи қаерда эди?

— Қаерда бўларди, йўқ эди. Сахар келди.

— Кечаси ўтирганларингда, бу уй кимники эканлиги билан қизиқмадингларми?

— Қизиқишига вақт бормиди?

Чаман яна ўйга ботди: «Энди бүёги нима бўлади? Мумтоз бу ишим учун мени омон кўймайди. Жўрттага килгансан, дейди. Фанимларимга сотилгансан, бирон нарса эвазига мени шарманда қилмоқчисан, дейди. Ёки эҳтимол, ёниғли қозон ёниғлигича қолар,

Мумтоз бу воқеанинг овоза бўлишидан ҳайикиши мумкинди? Бироқ барибир, у ими-жимида иш тутиб, Чаманнинг қарvonсаройига ўт қўйдириб юбориши хеч гапмас. Бўлар иш бўлди. Энди, ҳар ҳолда, тасодифий баҳтсизликка қарши бирон чора ўйлаб қўйиш ло-

Ногоҳ унинг хаёлига ичкари хоналардан бирида кўмилиб ётган Санжар тушди. Ҳали буёги ҳам бор. Бу воқеадан хабар топса, у қандай иш тутаркин? Наҳотки Санжар ҳам Гуландом учун Чамандан ўч олса? Йўқ, Санжар билан иш осон кўчади. Осон кўчадигина эмас, у билан Санжарнинг ўзи гаплашиб кўяди!

Ҳарам бекаси ниҳоят бир фикрга келиб, ўз мушоҳадаларига чек қўйди-да, ҳовли бетида уймалашиб юрган ҳалиги ўрис қизга қичқирди:

— Марина, где твой мужик?

— Спит как убитьш, — жавоб қайтарди қиз. — Поднять что ли его, Чаман опа?

Чаман шу тоб аллақайси фикрга бориб, унга «кўявер» маъносида кўл силтади. Кейин Хуморга юзланди:

— Бор, бет-кўлингни юв. Битта тепки билан бирон жойинг камайиб қолмагандир. Гап энди мундай, жонингдан умидинг бўлса, бугундан бошлаб Мумтозниям, Гуландомниям, борган жойингниям унутасан. Булар ҳаммаси тушингга кирган, тушундингми?

Хумор унга бир дам хайрон боқиб қолди-да, кейин «хўп» маъносида бош қимирлатди. Яна бир хўрсиниб қўйиб, ичкари томон йўл оларкан, Чаман уни тўхтатди:

— Шошма. Взносни чўзиб кет.

Хумор қўлтиғига қистириб олган сумкачасини истар-истамас очиб, ундан қадоқланган бир боғлам пул чиқарди. Кейин уни таваккалига teng иккига ажратди-да, бир бўлагини Чаманга узатди.

— Вой, қозоклар пули-ку?!

— Ҳа. Ҳаммаси бўлиб бизди пулимизга икки минг бўларкан.

— Яхши, яхши, — чехраси ёришган Чаман пулни ёстиқ остига қистирди. — Маладес. Бор, энди дамингни ол.

Чаман Санжарнинг ўрнидан туришига озгина қовурдок тайёрлаттириди. Иккови учун дастурхон ёздириб, унга бир шиша аргу икки банка пиво ҳам кўйдирди. Худди кутганидек, кечаги «юқ»лардан кўзлари конталаш бўлиб, қовоқлари халта тортган, боши тарс ёрилгудек бўлиб турган Санжар кутилмаган бу мулозаматни кўриб, бир зумдаёқ ёришиб кетди.

— Ей богу, ўғил боласан, Чаман! — у иккала кафтини ишқалаганча шошиб келиб, пивони банкаси биланоқ кўтарди. — Вах, вах, ёниб кетишинга оз қолди-я!

Санжарнинг нафақат тўзгин афту ангори, устидаги кийим-кечаги ҳам бир ахволда эканлигини, унинг шу тобдаги ёввойи ва аянчли хулқ-авторини, жимгина, беписанд кузатиб турган Чаман бирдан сергак тортиб, ясама мулоимлик билан беозор танбех берган бўлди:

— Аввал бет-қўлингни ювиб келсанг бўлармиди.

— Молчи. Бизаникини паришталар ювиб кетади,
— Санжар дастурхон четига қўполгина жойлашди-да, энди арақ шишасини тиши билан очиб, пиёлага симсим куяркан, яна хушомад қилди:

— Сен чинданам хотинни хўроздисан, Чаман.

Уй бекаси индамади. У кўнглидаги тугунни қай тарика ечиб олиш йўлини қидиради.

Санжар Чаманга мутлақо бепарво ҳолда пиёлани очкўзлик билан бўшатиб, кетидан пиво тортиди-да, яна қўшимча қилди :

— Любой заданиянг бўлса, айтавер. Қийвораман.

Чаман ҳамон жим. Энди унинг ўзи пешонасининг бир чеккасини уқалаб қолган Санжарга арақ қуийиб узатди:

— Ма, жуфтлаб қўй.

Санжар беихтиёр пиёла томон чўзиларкан, кўнгил учун «ўзинг-чи?» деб кўйди.

— Мени қўятур, — Чаман унга товокдан бир лукма гўшт олиб узатди.

- Сен олдин башкангни созлаб ол.
— Тўғри айтасан, Лўқиллаши қолмаяпти.
— Лўқиллаган бошдан умид. Демак, ичида нимадир бор экан. Худо ғовак бошлардан асрасин.

Бу гап Санжарга ёқиб тушди. «Во!» деди у бир кўлини кўтариб. Кейин навбатдаги пиёлани бўшатиб. «Бунисини сени соғлифинг учун ичдим,» деб кўйди.

— Маладес. Сени шунинг учун ҳам яхши кўраман, — Чаман энди максадга кўчиш учун фурсат етганини англади. Ўртадаги товоққа яқинроқ сурилиб, қовурдокдан тотина бошлаган Санжарни бир дам кузатиб ўтирида, кейин ётиғи билан гап бошлади: — Гуландом деган синглинг ҳам бор эканими?

Санжар «Гуландом» сўзини эшитган замон оғзидагини базўр ютиб олди.

— Нима эди?! — хайрат билан сўради у.

— Илгари эшитмаган эканман... — чайналди Чаман. Кейин ҳар эҳтимолга қарши гапни узокроқдан бошлади: — Ўзингга ўхшаган чиройли, хушкомат экан. Овозиям, кулишлариям қўнгироқдек...

Чаман-ки синглисидан гап очдими, демак, ўртада қандайдир нохушлик борлигини юраги сезган Санжарнинг жаҳли қўзгади:

— Похол солмай гапир! Қаерда кўрдинг уни?!

Чаман бир зум жимиб қолди-да, кейин ёрилишга мажбур бўлди:

— Уч-тўрт кун бурун Хумор деган киз минан бизнигига келишувди. Худо ҳаққи, сени синглинг эканлигини мен бугун билиб қолдим...

Санжар гап қаерга бориб қадалаётганини шу заҳотиёқ тушуниб етди. У энди Чаманнинг ҳойнаҳой бўлиб ўтган қандайдир нохуш воқеани батафсил сўзлаб беришини истамади. Шу боис шошиброқ гапни чўрткесди:

— Қани у?!

Чаман бир дам каловланиб қолди. Санжарга асосий гапни қандай қилиб тушунтиришни билолмасди. У фикрини йигиб олиш ниятида дастурхондаги

шишани қўлига олди. Пиёлага шошмасдан тўлдириб арақ қуяркан, Санжар токатсизланиб яна сўради:

— Қани у деяпман?!

Чаман энди ўзини қўлга олволиб, хотиржам гап бошлиди:

— Кеча кечкурун, сен келишингдан учтўрт соат бурун даданг телефон қилувди. Иккита меҳмоним бор, қизлардан жўнат, деди. — Чаман арақ тўла пиёлани Санжарнинг олдига кўйди. — Мен жинни атайин қилгандек, Гулландом билан Хуморни жўнатибман. Санжарнинг юзига қон кўпчиди.

— Кейин?

— Кейин... Қизлар ётиб қолишиди.

— Нималар деяпсан? Анови ўз қизини танимаптими?!

Чаман энди қизларни Мумтознинг шопири олиб кетганини, Мумтоз уларни бугун сахар чоги, меҳмонлардан хабар олгани борганда кўргани-ю, кейин Гулландомни олиб қаёққадир жўнаб қолганини айтиб берди.

— Хуморни йўлдан тушириб қолдирипти, — иловава килди у. — Гулландомни олиб коламан деса, орқасига тепиб ҳайдапти!

Санжарнинг кўз олдида дадаси билан кеча аэропортдаги учрашув, ўша меҳмонлар ўтиришган «Мерседес» жонланди.

— Қани ўша Хуморинг? — бўғилиб сўради Санжар.

— Ичкарида. Ҳозиргина дам олгани кириб кетди... Чакирайми?

Санжар бир дам тин олди-да, кейин «йўқ» деди. Индамасдан олдидаги аракни олиб симириди. Хурушига чўнтагидан сигарет чиқариб тортди. Энди кўзлари қисилган ҳолда сўради:

— Менга бу гапларни айтишдан мақсадинг нима?

— Индамай қўяверсам ҳам бўларди, лекин... — сезилар-сезилмас титрок овозда жавоб берди Чаман. — Кўриб турибсан, менда асти гуноҳ йўқ. Энди даданг шу ишни жўрттага қилгансан, деб мендан ўч олмасмикин? Шунисидан кўрқяпман.

Орага жимлик чўқди. Бир дам ўтиб, Санжар жоийда вазмин қўзғалди. Унга қўшилишиб, хавотирили саросимада Чаман ҳам ўрнидан турди.

— Мен кетдим, — деди Санжар ва ташқари томон икки-уч қадам ташлаб, тўхтади: — Менга пул бериб турсанг...

Чаман ўз ташвишида бўлғанлиги учун, гапни яна Мумтозга боғлади:

— Мен... Нима қилай? Бирон ишқал чиқиб қолгудек бўлса...

— Хавотир олма. Буёғи мани ишим.

Чаман шоша-пиша ҳали ёстиқ остига қистириб қўйилган қозоқ пулини олиб Санжарга тутқазди. — Ўзинг алмаштириб оларсан.

Санжар пулни олиб, ўёқ-буёгини кўздан кечирган бўлди-да, кейин уни Чаманга қайтарди :

— Буниси ўзингга буюрсин. Менга ўзимизницидан бер. Барги карам бўлса, янаем яхши.

— Ундақаси, қаёқда дейсан. Бозор касод. Кулочни катта очадиганлар ин-инига кириб кетишяпти.

— Бас қил. Менга чўпчак кетмайди. Берадиган бўлсанг, бер. Бермасанг, пошла...

Чаман миқ этмай ичкирига кириб чиқди-да, Санжарга бир чангаль пул узатди:

— Кеча ўзинг берганларинг...

— Барибир қайтараман. Сеникини еб кетмайман.— Санжар шундай дея ён томонга «чирт» этиб тупирдида, ташқарига шошилди.

Чамандан қайтариб олинган ана шу пул бугун Санжарни анча нари-бери олиб келди. Яна қаерлардадир санқиб юргани, кимлар билан яна қанча ичгани эсида йўқ. Бир вақт қайситир хаёлда қиморбоз жўрабошини қидириб топди.

— Эҳа-а, Санжар ботир-ку... — олдида куюқ дастурхон, парқув болишларга ёнбошлаганча суюқ кемираётган жўрабоши оstonада пайдо бўлган йигитга масхараомуз бокди. — Нечук, нечук? Баногоҳ, кафтларига қарға тупириб, гарданингизга куртлаб кетган қарзлардан халос топгани кирганингиз йўқми?

Жўрабоши - бош қиморчи. Тулкидек айёр, бурганинг оёгини тақалаган одам. Ўндан етти ўйиннинг хирмонини шу кўтарди.

Санжар кўпдан бери худди шу тулки билан итмушук бўлиб келади. Қанийди, унинг чағир кўзларига дурустроқ чанг сололса. Юрагининг тубида аччик алами, адовати бор, Чунки бир вакълар унинг уйини, хотинини қиморда ютиб олиб, унинг кўз ўнгида не бедодликлар кўрсатмаган бу иблис.

Оёкда чайқалиб турган Санжар Тулкининг гапларига эътибор бермади. Унинг дастурхон четига осилиб турган меш қорни, бурам-бурам сурмаранг гўштдор юзига бир дам тик боқиб турди. Бошқалар қатори Санжар билан ҳам сенсираб муомала килувчи Тулки бугун унга «сиз»лаб гапиряпти. Бу унинг Санжарни масхараалаётгани, тахқирлаб кулаётгани. Шу боис, уни бошқалар қатори сийлаб келувчи Санжар ҳам хозир Тулкига беписанд.сенсираб деди:

— Сен билан... тепишкани келдим.

— Тепишкани? Ниманг билан тепишасан? Ёки иштонингни орқа чўнтағида яшириб қўйган бисотинг борми?

Тулкининг бу гапидан дастурхон гирдидаги қиморбоз жўралар хузур билан ҳи-хилашиб олишди. Санжар жўрабошининг оёқ томонида ўтирган миқти гавда, бақалоқ юзли йигитга юзланди.

— Пончик, менга ўн кусок қарз бериб тур...

Тулки билан Пончик бир-бирлари билан маъноли кўз уришириб олишди.

— Берасанми? — киноюмуз сўради Тулки Пончикдан. — Қарздор бўлмагани ўзи сен қолувдинг.

Пончик бир дам иккиланган бўлди-да, кейин:

— Санжар эски қадрдоним... — деди. — Фақат хозир чўнтағимда йўқ. Агар хўп дессангиз... Сиздан олиб бериб туришим мумкин...

Тулки жимиб қолди. Кўлидаги суяқ илигини багуржа қоқиб, конякка газак қилди. Кейин бир қарорга келиб, кўл-оёғини артаркан: «Бўпти. Сенга йўқ деёлмайман», деди Пончикка.

Санжар шундан сўнг индамай келиб, дастурхон четига ўтиаркан, Тулки яна[^]пичинг қилди:

— Мумтозбек жаноблари бепушт қўғирчоги учун қоп-қоп пул сарфлаб қаср қуриб бераётган бўлса-ю, ўзининг пушти камаридан бўлган битта-ю битта ўғли қарзга ботиб яшаса, алам қилмайдими...

— Қаср қуриб битказилган, шеф. Унинг жиҳозла-ри хориждан келаётган эмиш, — гапга қўшилди пой-гакрокда карта шилиб ўтирган такир бошли йигит.

— Мени эшитишмча, Тахмина хоним бугун-эрта кўчиб ўтармиш, — унга илова қилди бошқаси.

— Кўчиб ўтишса, ховли тўйига Санжар ботирни ҳам таклиф этишар? — киноя қилди Тулки.

Санжар бу гапларга эътибор бермади. Такир калла йигитнинг кўлидан картани юлиб олиб, уни энди ўзи шиларкан, Пончик унга ярим пиёла арақ қўйиб узатди:

— Ол. Хафа бўлма. Довинг келиб қолса, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасан.

... Ўша кунги қиморбозлик ярим кечагача давом этди. Санжарнинг дастлаб омади келгандек бўлди. Пончик хисобидан олинган ўн минг сўмни ҳам, Тулкидан бундан илгари қарздор бўлиб қолган саксон минг сўмнинг ярмини ҳам узди шекилли. Бироқ шундан кейинчув тушаверди. Жами қарзи юз эллик минг сўмга етганда, Санжар билан бошқа ўйнамай қўйишиди. Тулки бу қарзни узиш учун унга атиги бир ой муддат қўйди. Ана шу муддат ичидагарузилмаса, Санжарнинг кўксига ханжар қадалади.

Тулки бу шартни ўртага қўйиб, ўрнидан зил-замбил кўзгалаётган Санжарга тасалли ҳам берган бўлди:

— Сен қарзлардан кўрқмасанг ҳам бўлади. Кўргонга ховли тўйи куни бир канистр бензин тухфа қилиб борсанг, бир коп пул билан сийлаб кайтаришади...

Бу пайтлар Санжар бир танишининг вақтинча бўш уйида ётиб туради. Пончик уни ўз машинасида ташлаб кетди. Буёғига зинапоядан кандай кўтарилигани, эшикни қандай қилиб очиб киргани-ю, қуруқ полга уч қават қилиб тўшалган эски кўрпасига қандай ташлангани қоронфу.

Санжар бир вакт чап биқинига тушган қаттиқ тепкидан-уйғонди. Уйғонди-ю, гап нимадалигини аңглаб улгурмай, ўнг биқинига ҳам тепки тушди.

У энди ғужанак бўлиб олиб, чуқур ингради. Кейин бир амаллаб ёнбошга ағдарилди, кўзларини бемалол очди. Хира парда ортида уч киши турган-дек эди.

— Нега... нега... — базўр овоз чиқарди Санжар.

Бу саволга жавобан энди унинг жаги аралаш тепки тушди. Санжарнинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Нафаси бўғзига келиб қодалди, бошқа индолмади. Кулогига фўнгир-ғўнгир овоз чалинди:

— Қон чиқмас жойига теп.

Устма-уст яна уч-тўрт тепки тушди.

— Бас. Улдириб қўйиб, хўжайиндан балога қолмайлик.

— Бу алкаш жон казо қилмай туриб, омонат гапни унга уқдириб қўйиш керак.

Шу пайт биттаси унинг сочидан тутамлаб тортиб, бошини кўтарди. Санжар яна хиёл кўзларини очди. Нақ пешонасида важоҳатли бир башара турарди. У Санжарнинг юз-кўзларига тупук сачратиб, дағдаға килди:

— Бугундан бошлаб дадангнинг кўзига кўринмайсан. У сани оқ қилди. Ора очиқ. Мабодо яна хирилик килгудек бўлсанг, жонингдан умидингни уз. Тушундингми?

Санжар кўзларини юмди. Томогини нимадир куйдиради. Ҳалиги башара унинг сочидан қўлини бўшатган эдики, боши пол устига дўқиллаб тушди.

Шу ётганича тушга яқин кўзларини очди. Оғриқ азобидан чуқур-чуқур ингради, аччик-аччик йиглади, кон туририб йиглади. У ўз ҳаётида жуда кўп калтакланган, кўп марта пичоқланган, не-не хўрликлар, азобу укубатлар захрини чекмаган. Бироқ ҳеч қачон ожизлик кўрсатмаган, сабру чидамли бўлган, ўлимларга чап берган, фақат яшаб қолиш, яшаганда ҳам бошқалардан кўра яхшироқ, мазалироқ умр кечириш орзуисида ҳеч нимадан кайтмаган.

Санжар бугунга келиб илк марта ўзининг бу ёруғ дунёда ғариб ва кимсасиз, ортиқча бир вужуд эканлигини ҳис этди. Дунёда бундан кўра аяччириқ бахти каролик бўлмаслигини англагандек бўлди. Назаридан кўз олдидаги шип-шийдам хона унинг учун бир қабру, ўзи ўраниб ётган кўрпа эса кафан бўлиб туюлди. Гуё хозир кўз юмса, уйқуга кетса, бошқа қайтиб келмайдигандек эди.

Кўз олдига ойиси, опаси, синглиси Гуландом келди. Ҳозир Гуландом қаерда бўлсайкин? Мумтоз уни қаерга гумдон қилиб келди? Санжар шу синглисини кўп яхши кўрар эди. Уни ўзи опичлаб катта қилган. Кейинрок... тақдир уларнинг икковини ҳам дарбадарлик ва худбинлик йўлларига бошлаб кетди.

Санжар синглисининг кечмишларидан, турмуш тарзидан оз-моз хабардор. Бироқ Гуландом билан тасодифан юз кўришиб қолган чоғларида унга дашном берга олмади. «Ўзингни эҳтиёт кил, худо баҳтингни берсин», дейишдан нарига ўтолмади. Бундан беш-олти ой илгари, у билан охири марта учрашганларида, Санжар Гуландомга бир ховуч олтин тақинчоқлар хадя этди. «Бундан ҳазар килма, бегонаники эмас, — деди у синглисига. - Булар имонсиз дадамизнинг қўғирчоқ ойимчаси учун йиғиб берган бисотидан...»

Санжар баъзан танҳо қолиб, ўз қисмати, инчунин суюкли Гуландомнинг ҳам баҳтиқаролиги, умуман ўз оиласлари бошига тушган инқироз ва мусибатлар ҳакида ўй суриб қоларкан, буларнинг барчаси дадалари Мумтоз кўрсатган номардликлар оқибатиДа рўй берди, деган хulosага келарди. Бу номардликлар мана, ҳанузгача давом этиб келяпти. Мумтоз энди унга ота эмас, батамом бегона бир кимса. Бегона бўлгандаям, Санжарни дафт этмоқчи бўлаётган разил ва ёвуз душман. Бас, етар, Санжар энди Мумтознинг адоги йўқ номардликлари билан бошқа муроса килолмайди. Унинг зардолларга тўла, қонталаш, аламзада дили фақат ҳисоб-китоблар билангина совуши мумкин.

Эзилган, топталган, калтакланган, таҳқири хорликлардан, захару заккумлардан адойи тамом бўлаёзган Санжарни ана шу интиком кучи сергак тортириди.

Бу куч уни ўлиб қолмасликка, ташқарига чиқишига, чала қолаётган ишларни бажариб улгуришга унда бу турар эди.

XII

Тахминанинг кўзига ҳеч нима кўринмай қолди. На ҳашаматли Қўрғон, на антиқа хорижий жиҳозлар, на саҳоватпеша ва муломазатли меҳмонлар. Қачонлардан бери орзиқиб кутилган, кўчиб ўтиш билан боғлиқ бугунги ширин ташвишлар ҳам ҳозир унга мутлақо алоқасиздек эди. Эри Мумтоз ҳатто унинг хаёлида гўё шу атрофда ўралалиб юрган шунчаки бир таниш қиёфа...

Акмал қоладиган бўлди! У шу ерда яшайди. Шу ерда ишлайди. Тахмина энди уни ҳар куни кўриши, у билан гаплашиши мумкин. У энди Акмалнинг олов яширинган кўксидан, вужудидан уфуриб турувчи ҳарорат билан таскин ва лаззат топиб яшайди. У энди ўзини ёлғиз ва ожиз, шўрпешона деб хис этмайди. Ҳаммаси ортда қолди. Ортда қолгани, илоҳо, рост бўлсинг.

Тахмина ана шу эҳтиросли туйгулар оғушида лолов ёнар, бироқ аҳён-аҳёнда юрагининг қаеринидир кўйдириб, ачиштириб, қувончли ҳаяжонларига кўланка ташлаб кўяётган бир хавотирлиги ҳам бор эди. Акмал шу ерда қолди, деб ҳисоблайлик. Орадан тўрт кун ўтмай, Тахминанинг кўз ўнгида анави Зилолагами ёки бошқа биронласигами уйланиб олмайдими?! Ахир Акмал ҳали оила қурмаган қарчигайдек йигит. Истаса-истамаса, у барибир уйланиши, Тахминанинг кўз ўнгида бошқа бир ёр билан қовушиши тайин. Э, худо, мен учун у кунни ўзинг ҳаром этгил.

Мумтоз истараси дилига ўтирамайроқ турган Акмалга: «Мен сенга шу бугуноқ янги юқ машинаси бераман. Ўзимда ишлаб кол», дейишга фурури йўл қўймасди. Биринчидан, Мумтоз киму, носкосоққа нон борми, деб юрган бу саёқ қаландар ким? Иккинчидан, Мумтозга шопир керак бўлса, унинг қўл остида ишлашга, айникса, у таклиф этмоқчи бўлаётган янги

юк машинасини күлгө киритишга иштиёқманд, ўтлишудли йигитлар сон сингта. Бунинг устига, Тахмина-га шахсан таниш бўлган, у билан аллақандай илик бир киёфада, ҳатто сенсирашиб гаплашаётган бу бўйдок давангирнинг узокроқ юргани яхши...

Бироқ Мумтозни хозир оз-моз андишага солиб, Акмалга «нон» таклиф қилишга ундан турган айрим сабаблар ҳам бор эди. Аввало, бир вақтлар уни ҳамиша суйиб қаршилайдиган қўқонлик мархум амакининг ва албатта, гулгун ёшлигининг энг шарбатли дамларини ҳофиз Мумтоз билан бирга суришган, энг муҳими, Тахминадек маликаи шакаристонни унинг қўлтиғига тикиб қўйган ва бугунга келиб, ҳаёт билан видолашаётган бечора Сурайёнинг оз-моз бўлса-да, юз хотири бор эди ўртада. Бундан ташқари... Бир вақтлар Сурайё янгигина турмушга чиккан келинчаклик пайтидаёқ Кўқонга тез-тез ташриф буориб турувчи ҳофиз Мумтоз билан хуфёна тарзда дон олишиб турар эди. Ўртада бола пайдо бўлда, ана шу Акмал. Ўша вақтлар Сурайё бир гал Мумтозга бола гўё ундан бўлганлигини шипшитиб қўймокчи эдики, Мумтоз ўша заҳотиёқ унинг дамига қилич солди: «Бу гапни бир айтдинг, иккинчи оғизга олма. Сен эринг билан яшаб қоласанми-йўқми, бола уники. Буни бир умр ёдингда тут!» Ўша-ўша, Сурайёнинг нафаси ичига тушиб кетган. Акмал бир оз гўшт олиб, оёққа турганда эса, унинг қиёфаси ва табиатида Мумтоз дунёсига хос айрим чизгилар намоён бўла бошлади. Бироқ Мумтоз бу чизгиларни ҳеч вақт тан олган эмас. Ҳозир ҳам шундай. Гарчи Акмалнинг бўй-басти, кош-кўзлари, овози ва табиатидаги баъзи бир ўхшашликлар эндилиқда янаем очикроқ қўриниб турган бўлса-да, бу ҳакда фикр юритишга Сурайёнинг ўзи ҳам, Мумтоз ҳам журъат этолмайдилар. Факат бир нарсагина, бу йигит Мумтозга бозори энг чаққон бўлган шукухли ёшлик йилларини, айниқса, Кўқон билан боғлик ширин-шакар хотираларини эсга солиб турганлиги учун, юрагининг бир четида уни ўзидан дархол узоклаштириб юбормаслик истагини ҳам кўзғаб турарди.

Мумтоз юқоридаги андиша ва мuloҳазалар пиравардида шундай тұхтамга келди: Сурайёниң ахволи оғир, узокқа бормаслиги аник. Акмалнинг уйда чүзилиб ётишидан наф йўқ. Майли, вактинча ишлаб турсин. Давлатберди билан бир-икки иш қилса, уёқ-буёгини саранжомлаб олади. Буёғи, Мумтоз ҳам ортиқча харажатлардан халос топади. Борди-ю, ақлли чиқиб, Мумтозга садоқат билан хизмат қилгудек бўлса, унинг ишончига кира олса, унда яна ўйлашиб кўрилар...

Шунда ҳам унинг ўзи Акмални чакириб, унга ўз таклифини маълум қилмади. Тахмина билан Давлатбердига тайинлади: «Сурайёниң ўғли билан ўзларинг келишинглар. Ҳали замон машина бўлади. Агар хўп деса шу бугуноқ Алматига жўнаб кетсан. Топшириқни удалаб кайтса, машина уники. Ўзимда ишлайверади. Мабодо йўқ дегудек бўлса, тўрт томони қибла...»

Тахмина хўjakўрсин учун ҳарчанд ўзини жиддий тутмоқка уринса-да, унинг шодлиги, ҳаяжони ичига сиғмаётгани товушининг бўғилиб, қалтираб чиқаётгандан, ўз ҳаракатларини идора қилолмаётганидан кўзлари яшнаб ёниб, юзларида қизиллик кўпчиб турганидан шундоққина аён эди. Акмал буни кўриб-билиб, ҳис этиб турипти.

Юкнинг шу бугуноқ жўнаб кетишидан, уни Алматига бегона одам эмас, Мумтознинг ўз жияни олиб бориши мумкинлигидан хийла хурсанд бўлган Давлатберди Акмалга «олтин тоғлар» ваъди қилди: «Агар истасанг, бундан кейин бирга ишлаймиз. Алмати билан Тошкан орасида қатнаб турсанг бўлди, тез орада муродингга етасан», деди. Бироқ ҳозир янги машина, янги иш, Давлатберди ваъда қилаётган мол-дунёдан ҳам кўра, Тахминанинг шу тобдаги тугёнили ҳолати, унинг «Акмал, хўп де, шу ерда ишлаб қол», деб зорланиши унга кўпроқ ўз таъсирини кўрсатди. Яна бир томони, ўғлининг «хўп» дейишини интиқиб кетиб, кўзлари ялиниб-жавдирاب ётган бемор онаси, қолаверса, ғоят мушкул ахволга тушиб қолган Зилолалар оиласи...

Акмал рози бўлди. У хонанинг бир бурчагида ётган эски жомадонини очиб, ундан ўз ҳужжатлирини қиди-

ришга тушаркан, хурсандликдан нима қиларини би-
полмай қолган Тахмина ўзини ташқарига отди. Шу
вақт «Иш битдими?» дея ўзига пешвоз келаётган Со-
жидани қаттик қучиб, уни устма-уст ўпиб олди. На-
зарида ҳозир ўзи қучиб ўпаётгани Сожида эмас, гүё
Акмал бўлиб туюлмоқда эди.

— Иш битди, Сожида, иш битди! — деди у ҳаяжон-
дан энтикиб.

— Ўзингни бос. Ёниб кетибсан, — шивирлади
Сожида унинг оғушидан бўшаларкан. — Эринг сезиб
қолмасин...

Шундай қилиб, кечга яқин Кўргон бозорга айла-
ниб кетди. Олдин Беҳбуднинг автовагони кириб кел-
ди. Кушхонанинг қассоблариdek енг шимарib, ишга
шай туришган беш-олти нафар ишчи йигитлар ундаги
контейнерларни очиб, мебелларни туширишди ва улар-
дан ҳар бирини шахсан Мумтознинг кўрсатмаси би-
лан бино ичидаги тегишли хоналарга олиб кўра бош-
ладилар.

Ёзги ровокда чақчақлашиб ўтиришган меҳмонлар
ҳам юк кириб келиши биланоқ ўринларидан сапчиб
туриб боришиб, хизматкор йигитлар ёнидан жилмай
колишибди. Энди уларнинг эътиборини магнитофондан
таралаётган Гугушнинг жигарпора ашулалари ҳам, дас-
турхонга тортилган антиқа таомлару, хорижий арзан-
да ичимликлар ҳам жалб қиломай қолди. Айниқса,
жаноб Кутбиддин машинадан туширилаётган мебел
гарнитурларидаги ҳар бир бўлакни назардан кочир-
мас, «Буниси буёкка, униси ўёққа!» дея жиддий
киёфада кўрсатма бериб турарди.

Давлатберди учун белгиланган «Наврўз» гарниту-
рининг ҳимоя тўсинлари бошқаларникига нисбатан
ацча пухта ишланган, зичроқ қилиб қоқилган, тахтала-
ри бақувват ва ҳеч бир ҳожат бўлмагани ҳолда, нега-
дир алифлаб қўйилган эди. Ана шу гарнитур юклани-
ши лозим бўлган машина кириб келгунча жаноб Кут-
биддин ҳам, Давлатберди ҳам анча безовталаниб ту-
ришганини Мумтоз ҳам, Тахмина ҳам сезишибди. Бироқ
улар буни табиий бир ҳол деб қабул қилишибди. Ахир
Алматидек узоқ жойга, инчунин реклама тарзида жўна-

тилаётган қимматбаҳо мебелнинг навбатдаги машинага тўла-тўқис ва беозор ўтказилиши учун қайғурмай бўлармиди.

Бошига оқ матоли кепка кийволган норгул жуссали Шорайим деганлари усти ёпиқ яп-янги «КамАЗ» билан кириб келганини кўриб, меҳмонлар янаем жонланиб қолишиди. «Бисёр хуб, бисёр хуб!» дea жаноб Кутбиддиннинг ўзи энди шошилинч тарзда Мумтозни ҳам четлаб ўтиб, ичкарига юк ташиётган хизматкор йигитларга чала-чулпа ўрисчада у ишларни тўхтатишни ва машинага «Наврўз»ни юклай бошлашни буюрди. Мумтоз ҳам уни кувватлаб, бир оз ҳайронликда ўзига боқиб қолишган йигитларга «маъқул» маъносида бош иргаб кўйди.

— Машина юз фойиз сафарга тайёр, хўжайин! — унга рапорт берган бўлди Шорайим. — Калит минан путевойни кимга топширай?

— Ҳов анави сариқ «спортивка»ли йигитта топшир. Олдин закунни қилиб, унинг номига ўзинг ёзиб бер. Оти Акмал, памилиясини ўзидан сўрайсан. Ҳужжатларини яхшилаб кўриб кўй...

— Хўп бўлади.

Мумтозни шу пайт телефонга чакириб қолишиди. Гўшақдаги одам билан у сенсирашиб, анча қуюқ гаплашиди. Охирида ўртага ёқимли бирон таклиф кўшилди чоғи, Мумтознинг чехраси янаем ёришиб кетди:

— Манави ишинг бошқа, ошна! Ўзимам ўшани яна бир кўрсам, деб юрувдим. — У товушини пастлашиб, атрофга хиёл олазарак бокиб олди. — Айтиб кўй, ҳофиз аканг келади, де. Сени соғининти, де. Лаббай? Меҳмонларми? Ўзингни таъбинг кўтарса, ошна. Лекин сахар аэропортда бўлишимиз керак, уларни Алматига учирман. •

Шундан кейин Мумтоз меҳмонларниям, Тахмина билан Сожидани ҳам яна ровоққа чорлади.

— Келинглар, энди, ишлаётганларга ҳалақит бермайлиқ, — деди у хуш қайфиятда фаранг Шампан очаркан. — Мени йигитларим ҳамма ишни ўzlари тахт тиндиришади.

Бирок жаноб Қутбиддин билан Давлатберди «хўп-хўп» дея «Наврўз»ни машинага кўнгилдагидек юклаб бўлишмагунча жойларидан жилишмади. Ахийри юк пухта жойлаштириб бўлинганига қаноат ҳосил қилишгач, бирин-кети ровоқ томон кела бошлиди.

Шу маҳал кутилмаган бир хол рўй берди. Шора-йим «КамАЗ» кабинасидан қофозга ихчам қилиб ўралган, негадир устидан қизил ва қора лента тортиб боғланган бир канистр олиб, уни сал четроққа қўйдида, кейин чўнтагидан аллақандай конверт чикариб, Мумтоз томон шошилди.

— Хўжайин, кечирасиз. Эсимдан чиқай деб қолипти. Анавий канистр тўла нимаям бор. Бир бола ташлаб кетди. Хўжайнингизди уйини билмайман, шу омонатни шахсан ўзларига бериб қўяркансиз, тоғам бервордила, деди.

— Ким экан у бола? Тоғанг ким, бу нима дема-дингми?

— Дедим, хўжайин, дедим. Тоғанг ким, деб сўрасам, танимайсиз, деди. Бу нима десам, Арслонбони қимизи, деди. Лекин хўжайн...

Шорайим гапининг давомида «Хидлаб кўрсам, қимизга бензиннинг хиди уриб қолипти», демокчи эдики, яна ўзим балога қолмайин деган кўркувда дамини ичига ютди. Мумтознинг ўзи ҳам унга эътибор бермаган холда, шоша-пиша конвертни очаркан, унинг ичидан икки энли хат чикди: «Бугунми эртага ё сен борсан, ё мен... Омонат қарз ўртада сарсон бўлмасин. Ярмини юборяпман*. Қолган ярмини ўзим олиб бораман. Қарздоринг».

Мумтоз хеч нимани тушунолмай, донг қотиб қолди. Уни кўриб, бошқалар ҳам хайрон. Тахмина «Тинчликми?» дея унинг қўлидаги қофозни олиб кўз югуртиаркан, уям ҳайратга тушди.

— Бор, очиб кўр! — буюрди Мумтоз қархисида анграйиб турган Шорайимга. — Ичидагиси заҳар бўлгандаям аввал ўзинг тотиб кўрасан!

Шорайим визиллаб бориб канистрни очди-да, оғзини очиб, ичидаги нарсани оз-моз кафтига кўиди.

— Бензин экан, хўжайнин, бензин!

— Тотиб кўр дедимми, тотиб кўр!

Шорайим итоаткорлик билан кафтдагидан оз-моз тотинган бўлди.

— Бензин деяпман-ку...

Хозиргина хуш кайфиятда бўлган Мумтоз бирвакайига юзлари тундлашиб, лабларини қимтиганча ўйга ботди. Ҳатто меҳмонларнинг «Ўзи нима гап?» деб сўрашларига ҳам кисқагина «Хозир-, хозир» деб қўяверди. Шунда Тахмина ҳеч нима юз бермагандек, хотиржам ҳолда, унга тасалли берди:

— Ўйланишга сирам асос йўқ, бегим.

Мумтоз унга «ялт» этиб юзланди-да, анча жонлануб сўради:

— Нега?!

Тахмина жавоб ўрнида Шорайимдан сўради:

— Шорайим ака, ишхонангизда хўжайнингиз ким?

Шорайим қамардек товланиб турган маликанинг кутилмаган саволиДан эмас, унинг ипакдек майин, булбул оҳангидек ёқимли овозидан, ва боз устига, «Шорайим ака» дейишидан каловланиб қолди:

— Ишхонада... ишхонада пабрикамиз дириктори Ойим ака...

— Ойим ака?! — Тахмина хиёл кулимсираб сўради Мумтоздан. — Ҳеч жаҳонда эркак кишиниям оти Ойим бўладими?

— Ха, шундай, — унга жавоб берди Мумтоз. - Туғилганда оти Олим бўлган, дейишиади. Метрика берадиган ўрис аёл «Л» ҳарфини тушириб қолдириб, «Оим» деб ёзгандан кейин «Ойим» бўлиб кетган экан.

Тахмина билан Сожида беихтиёр қулиб юборишиди. Ҳонимларнинг кўтаринки руҳи ва қулкиси, ўз ўрнида, меҳмонларга ҳам, Мумтозга ҳам анча таскин баҳш этди.

— Мана, кўрдингизми, — яна Мумтозга юзланди Тахмина. - Бу канистр сизга эмас, ўша Ойим акага аталган бўлиши керак. Иккинчидан, конвертда ҳам сизнинг номингиз тилга олинмаган.

Мумтоз чиндан ҳам енгил тортди.. Бетларига қон югуриб, кўзлари яшнаб қолди. Бироқ Тахминанинг ўзидан кўра ақллироқ, бўлиб чиққанлиги, ўзининг

эса «сал нарсагаёқ нам тортиб» қолиши мумкинлиги-ни андавалаш учун:

— Буни ўзим ҳам кўриб-билиб турибман, — деди хотиржам оҳангда ва энди Шорайимга ўшқирди: — Кайси хўжайинга олиб боришингни айтдими йўқми?

Шунда Шорайим канистрни келтирган бола «Жаноб Мумтозбекка» деганини аниқ эсласа-да, муроса учун «йўқ...» деб кўя колди. Турган гап, бундай жавоб учун ҳам у «раҳмат» ололмасди.

— Роса галварс экансан-ку?! Шу калла билан қандай яшаб юрибсан?!

— Кечиринг, хужайин. Шошиб қобман...

— Ҳозироқ йўқот бунингни! Эгасига обориб бер!

— Хўп бўлади, хўжайин! — Шорайим шоша-пиша бориб, канистрни кўтарганча дарвоза томон йўл олувидики, Мумтоз уни яна тўхтатди:

— Тўхта. Бензинни авалини хужрага киритиб кўй. Мен барибир унинг эгасини кўришим лозим. Хат ҳам менда туради. Лекин Ойим акага бўлган воқеани айтиб кўй. Гап нимадалигини эртага эрталаб менга доложит қилсин.

— Есть, хўжайин! — Шорайим шундай дея, бензин тўла канистрни дарвозанинг иккинчи қанотидаги бўш хужрага олиб кириб кетди.

Шундан кейин, гарчи Мумтознинг кўнглида барибир хирилик асорати қолган бўлса-да, унинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам яна аввалгидек хотиржам ва хуш кайфиятга қайтишиди.

Бу орада «Мерседес» ҳам кириб келди. Алим ака Сожидага фирма дўконидан керакли қофозларни келтириб берди.

— Мана энди иш пухта бўлди, — деди Давлатберди ва ўтирганлар олдида чўнтагидан намойишкорона бир нечта юз долларилик чиқариб Сожидага узатди. — Йўлда ишлатасизлар. Таможнидами ёки мелиса-пелиса тъмагирлик қилиб колса, пулни аяманглар...

Сожида ўзида йўқ хурсанд. Сира кутилмаганда ҳаётида Давлатбердининг қайтадан пайдо бўлиши, унинг ҳали-ҳануз бақувват ва келишимли эканлиги,

яна энг мухими, бадавлат ва сахийлиги Сожидага бойиб кетиш учун имкониятлар эшигини очиб бераёт-ганидан боши осмонда эди. У Алмати сафариға бугун эрталабданоқ тайёрланиб олган. Зарур йўл анжомла-ри солинган жамодонини аллақачон машина кабина-сига жойлаб кўйди. Ичкарида, хайдовчининг орқаси-да бир кишилик bemalol ётиб кетадиган жой ҳам бор экан. Акмал аясининг хужрасидан якандоз билан ёстиқ олиб чиқиб, шу жойга ўрин тўшаб берди.

— Бу ерда сиз bemalol ухлаб кетаверасиз, — деди у Сожидага. — Қолган ишларни ўзимга қўйиб берасиз.

— Ишқилиб, тинч-омон обориб-опкелсангиз, тўйингизда beminnat хизмат қиласман.

Тахминанинг кўнглидан шу тоб «Йўлда Сожида Акмалнинг бошини айлантирмаса гўрга эди. Ундан xар нимани кутиш мумкин. Акмал бўлса, кўзи конга тўлиб турган бўйдоқ йигит...» деган фикр ўтди. Шу боис, гумонини ҳазилга йўйиб, Сожидага аста шип-шиб кўйди:

— Жимгина бориб, жимгина кел...

Сожида уни тушунди. Ёниб турган чироқ пилиги-ни жўрттага кўтариброк кўйди:

— Буёги тақдир-насибга боғлиқ...

— Ўлдираман, — яна ҳазиллашган бўлди Тахмина. Иккови ўз ҳолича, бири алам билан, иккинчиси хузур билан аста кулишиб кўйди.

Мумтоз ниҳоят Акмални ёнига чакиритириб, унга бир оз йўл-йўриқ кўрсатган бўлди:

— Сенга акл ўргатиб туришга ҳожат йўқдир, жиян. Машинани эҳтиёт кил. Юкни оборгач, ўёқдан Давлатберди шакар юклаб беради. Боришдаям, келишдаям таможнилар билан яхши муомала бўл.

— Биз эрталаб барвакт Алматида бўламиз, — унга кўшилди Давлатберди. — Борибоқ керакли жойларга телефон қилиб кўяман. Сизларни йўлда хеч ким қийнамайди.

Акмал таажжубланди. «Битта мебел гарнитури учун намунча вахима?! Мени, афтидан, умрида биринчи марта рулга ўтириши, деб ўйлашяпти чофи».

— Ҳозир жүнаверайликми? — босиқлик билан сүрадиүй Давлатбердидан.

— Йўқ. Тонг ёришмай туриб йўлга чиқасизлар, — таъкидлади Мумтоз. — Ҳар қандай иш кўпчилик ғафлат уйқусида эканлигида силлик кўчади. Шундай эмасми, азиз меҳмонлар?

Жаноб Кутбиддин билан Давлатберди уни маъкуллашди. Шундан кейин Мумтоз уларга бу кечани яқин бир дўстининг чорбоғида ўтказишларни маълум қилди. «Катта одам. Таклифини қабул қиласликка ҳаддим сифмади. Ҳарчанд меҳмонларим сахар учиб кетишлари керак, десам ҳам кўнмади», деди.

Мумтоз меҳмонлар таклиф қилинган чорбоғда зиёфат қандай уюштирилишини хаспўшламоқчи бўлгани билан, «бўладиган иш» жаноб Кутбиддин билан Давлатбердига ҳам, Тахмина билан Сожидага ҳам аён эди. Меҳмонлар эса, ички мамнуният билан бир-бirlарига маъноли қараб олишиди.

— Кечирасиз, жаноб Мумтозбек, ўз вақтида учиб кетишига улгурамиз-ми?

Мумтоз меҳмоннинг бу ташвишига асло ўрин ўйқлигини изоҳлаб, кейин Тахминага юзланди,

— Жоним, бизга узр. Акмал билан Сожидага оқ йўл тилаб, бу ердан чиқарвориш сизнинг зиммангизда қоляпти. Агар бу ишим учун дилингиз оғригудек бўлса, ҳозироқ ошнамга телефон қилиб, боролмаймиз деб кўяман.

Табиики, Мумтознинг меҳмонлар билан бирга бу ердан тезроқ даф бўлиб чиқиб кетишлари Тахмина учун беҳад қувонарли эди. Сафар олдидан ўзлари бир оз яйраб ўтиришса, Акмал билан бемалолроқ гаплашиб олса, бундан улуғ иш бормиди? Кўнглида ўша, телефон қилиб буларни меҳмонликка чорлаган одамдан хурсанд бўлиб кетди. Бироқ ўз қувончини Мумтозга сездириб кўймаслик мақсадида, уни жўрттага «чақиб» кўйган бўлди:

— Бегим, таомилга кўра, уйингизга келган азиз меҳмонларни бироннинг чорбоғидан эмас, ўз уйингиздан кузатишингиз лозим эди...

Мумтоз бундай мушоҳадани Тахминадан кутмаган эди. У чиндан ҳам хижолат тортди. Яхшиямки меҳмонлар ўзбекчани билишмайди.

— Сиз ҳақсиз, жоним. Шунисини хисобга олмапман.

Тахмина яна ўз ахдидан айниб қолмасин, деган кўркувда шоша-пиша гапнинг буёгини ҳам тўғрилаб қўйди:

— Майли, энди. Меҳмонлар нима билан хурсанд бўлишса, шуни қилишга мажбурсиз. Ошнангизга ваъда берибсизми, энди ўз сўзингиздан қайтиш одобдан эмас.

Мумтоз енгил тортди. Қадаҳларга ичкилиб қуиб, меҳмонлар шарафига алёр айтди. Жаноб Кутбиддин ҳам Давлатберди ҳам ўз ўрнида, куюқ меҳмондорчиликлар ва самимий мулозаматлар учун уй эгаларига миннатдорчилик билдиришди. Учала томон ҳам ўзаро борди-келдини йўлга қўйиш, меҳру оқибат тижорат ишлари ривожи учун кадаҳ кўтардилар. Жаноб Кутбиддин айниқса, Тахминанинг шаънига бисотидаги энг яхши таърифларни келтирди. Мумтоз икковига оиласий баҳт тилаш билан бирга хонимнинг навбатдаги сафарини интизорлик билан кутишини айтди. Ўз ўрнида Тахмина ҳам, уларнинг ташрифидан беҳад хурсанд бўлганини ва насиб этса, тез орада яна юз қўришиб қолишлари мумкинлигини билдириб, жаноб Кутбиддиннинг охурига оз-моз похол ташлаб қўйди...

Меҳмонлар Мумтоз бошчилигида хайр-хўшлашиб чиқиб кетар чогида, яна кутилмаган бир-икки хижилликлар содир бўлди.

Тахмина ҳовлидаги кўтар-тушир ишлари ниҳоясига етгаҳ, Мумтозга: «Анави йигитларга жавоб бервординг. Ичкаридаги мебелларни эртага ўзингизни борингизда тиклашар. Мен бугун эркаксиз уйда ўзим ёлғиз уларга иш буориб турмайман», деди. Бу гап Мумтозга маъкул тушди. Ҳаммага жавоб берворди. Охирида Беҳбуд билан Шорайим ҳам хорижий автovагонни ҳовлидан ташқарига эндинига олиб чиқишаётган эдики, дарвоза ёнига нотаниш бир «Москвич» келиб тўхтади. Ундан ёши қирқлардан ошиб-ошма-

ган, пишиқ-пухта гавдали, бодом қовоқ ва қуюқ қора кошли, кийиниш-туришидан ўрта-хол зиёлига ўхшаш киши тушди. Келиб, эркаклар билан бирма-бир қўл берип кўришиди, қисқача хол-аҳвол сўрашган ҳам бўлди-да, кейин кутилмаган бу ташрифдан ажабланниб турган Мумтозга:

— Мени кечиринг, бек ака. Бемаврид келиб қолдим чоғи, — деди. — Сиз мени танимайсиз, Мени отим Эргаш, дезинфекция истансасида началник атдил кадир бўлиб ишлайман...

— Хўш, хизмат? — таъби хиралашган Мумтоз энди енгил тортиб сўради.

— Менга жаноб Беҳбудхожа керак эдилар...

Эргаш бу гапни айтиб улгурмай, машина кабинасидан уни кўриб қолган Беҳбуд ўзини пастга отди:

— Э-э, биродари ман, биродари ман!

Икковлари қуюқ кўришиди. Маълум бўлишича, Эргаш деганлари ўша, Беҳбуднинг машинасига чегара божхонасидан ўтириб келган киши экан. «Туркманистонга бир дўстимникига тўйга борувдим. Қайтишда Беҳбудхожанинг машинасида келдим. Танишиб қолдик, — дея Эргаш ўзича тушунтира келди Мумтозга. — Мана, бугун уни бир кўриб кўяй, деб келдим. Фабрикага ўтсан, Кўрғонда мебел тушириш япти, дейишиди. Менам қизимга битта гарнитур олмоқчи эдим...»

Мумтозга бу одам хуш келмади. Унинг gox ўртада нима гап бўлаётганига ҳайрон боқиб, жим туришган хорижий меҳмонларга, gox юк ортилган «КамАЗ»га синчков назар ташлаб кўяётганини сезиб турарди. Балодан ҳазар, дея ҳар эҳтимолга қарши Эргашга мулојимроқ жавоб қилди:

— Танишганимиздан хурсандман, Эргашбой. Сизга гарнитур керак бўлса, эртага мебел дўконимизга ўтинг. Ҳаммасини ўша ерга туширганмиз. Бу ерга келтирганимиз мен учун аталган...

— Хўп бўлади, бек ака, — қуллук қилди Эргаш.
— Агар рухсат берсангиз, Беҳбудхожани бир меҳмон қилиб кўяй, дегандим...

— Беҳбуднинг изми ўзида. Дарвоқе...

Мумтоз жаноб Қутбиддинга бу одамнинг кимлигини ва бу ерга нима мақсадда келганинги русчалаб тушунтирган бўлувдики, у Беҳбудга форсийда: «Мен сенга сафарда бегоналар билан тиллашма, деб тайинлаганман. Ҳозироқ хобгоҳга қайтиб, ҳамроҳларинг билан бирга бўл. Уч-тўрт кун ичида юк бўлиб қолади, унгача жаноб Мумтозбекнинг измидан чикмайсанлар», деган гапларни килди.

Беҳбуд «Итоат сохиб, итоат» дея қуллук килди-да, Эргашдан узр сўраб ўз машинасига бориб ўтириди. Кейин сигнал берди. Олдинда «Москвич», унинг ортидан Беҳбуд билан Шорайимлар жилишиди. Улар кетишга кетди-ю, бироқ Мумтознинг кўнглида яна алланечук гашлик асорати қолди. Ҳануз Эргашнинг шубҳали ҳаракатлари жонланиб туаркан, ўзича: «Қитмирлик қиласпти. Унга ҳеч қандай мебелнинг кераги йўқ. Беҳбудни бекорга кидириб келмаган. Ё товламачи, ё айғоқчи...» деган хulosага келди.

Энди Алим ака ҳам «Мерседес» эшикларини очиб, меҳмонларни ўтиришга таклиф қилиб турувдики, рўпарадаги ҳовли эшиги олдида Мирзамат кулол пайдо бўлди. Оёқца чайқалиб туришидан, дурустгина ичиб олгани аён эди. У ўз ҳолича Мумтозу, унинг меҳмонлари билан кўришмоқчи бўлиб, улар томон юрувдики, бироқ булар унга эътибор бермай машинага ўтиришиди. Турган гапки, бундан ширакайф Мирзамат кулолнинг ҳамияти кўзғади. Қўлини пахса қилиб кичкирди:

— Ҳов, мусулмонмисан ўзи?

Мумтоз бу аламзада бадмасст ҳозир орқадан тошпош отиб, меҳмонлар олдида шарманда қилишиям мумкин, деган хаёлда машина эшигини кия очди-да, ўтирган жойида мулойимроқ жавоб берган бўлди:

— Шошиб турибмиз, қўшни. Хафа бўлмайсиз.

— Кетгандар қайтиб келмайди, бек. Мен бир кўришиб қолай, девдим. — Мирзамат кулол машинанинг очик ойнасига бош эгиб, ичкаридагилар билан қўл учида сўрашиб чиқди.

— Нима бало, бугун празникми, дейман? — ундан кинояомуз сўради Мумтоз.

— Худо берса, хар кун празник. Нима эди, яримтага эринг, демоқчимисиз.

— Мабодо... лотореяга пул-мул ютган бўлсангиз, бизаниям эсдан чиқарманг, демоқчиман...

Мумтоз бу гапи билан нимага ишора қйлаётганини тушуниб қолиб, кулолнинг энди ўти чикди:

— Пул ўлсин-е, пул ўлсин! Юзингда кўзинг борми, демайсиз! Одам боласи шунчаям беандиша бўладими, бек? Кўйсангиз шу ерда яшай, бўлмаса кўчиб кетай!

Мумтознинг энди жаҳли чикди: «Бу эшак билан очикроқ гаплашмасам бўлмайди чоги», кўнглидан ўтказди у.

— Мен сизга аммангизни ўғли эмасман. Мархаматни бошқа жойдан қидиринг, кулол. Қарзингиз битдай болалаб ётган бўлса-ю, ор-номус қилмай, яна мени олдимда гоз турганингизга ҳайронман.

— Ор-номус?! Одам қонини зулукдек сўриб ётган ор-номусли-ю, биз беномусми?!

Очиқ турган дарвозанинг ички томонида уларни кузатиб туришган Тахмина, Сожида ва Акмаллар энди жанжал кучайиб, бирон ноҳушлик рўй беришини англаб қолиши. Тахмина Акмалга бир қараб қўювдики, у худди шу ишорани кутиб тургандай ўқдай отилиб бориб, Мирзамат кулолни даст қучоклаб кўтарди-да, уни ўз эшиги томон олиб кета бошлади. Кулол йигитнинг бу ишига монелик кўрсатмади, бирок Мумтоз томон ўшкиришда давом этди:

— Мен сенга даюс эмасман! Ҳали шошмай тур! Мен сенга Мирзамат кулолнинг кимлигини кўрсатиб қўяман!

Мумтоз сира кутилмаганда чекига тушган бу кўнгилсизликдан бетларига қон кўпичиб, машина сувянчигига қапишганча қотиб ўтиради. Мехмонлар ҳам лол, улар гап нимадалигини тушунолмай, гоҳ Мумтозга, гоҳ кулолга ҳайрон боқиб туришар эди.

Алим ака умрида биринчи марта ўз бурчига хилоф равишида мустақил иш тутди. Хўжайнинг буйруғини кутмаёқ машинани ўт олдириб, уни шиддат билан ҳайдаб кетди.

XIII

Ўқтамбек Тахминанинг хузуридан чиққач, уйга шошилиши лозимлигини унуди. Унинг ўй-хаёлини, вужудини бугун ўзидан узоклашаётган, ўз мунашвар жамолидан, балойи ЖОН оғушлардан, ўтли-ўтли бўса-лар-у, мастона-мастона эркалашлардан, ҳаёт ва баҳш чашмасидан уни эндай маҳрум этаётган тошбағир ёр савдоси чулғаб олган эди."

Кифтига тегирмон тош бостириб қўйилгандек боши гувиллаб, кўзлари тиниб, оғир-оғир қадам ташлаб бо-риб, шу орадаги сокин хиёбонда узоқ вақт ўтириб колди. Тахмина...

Мен сенсиз яшолмайман. Сенсиз бу замин устида юриш нима, умр кечириш нима, орзу-ниятлар қилиш нима — тасаввур этиш мумкинми? Сенсиз бу ёруғ олам ранглари ва тароватини кўролмайман, ҳис этолмайман. Одамлар юзидағи яшаш ва яратиш, баҳт ва иқбол нашидаларини туёлмайман, қабул қилолмайман. Сенсиз яшагандан кўра, бу ёруғ дунё борлиги-дан бехабар қолган яхши эмасми?

Мен уни нега учратдим? Уни нечун ёқтириб қолдим? Севиб қолиш, муҳаббат боғлаш деганлари шу экан-да. Муҳаббатнинг ришталари пўлатдек пишик экан, муҳаббатнинг эҳтироси вулқондек кучли экан, муҳаббатнинг хижрон жафоси олмосдек тигли экан. Ё раб, мёни нечун само кўксидаги қамар баробар юксакликларга кўтариб, унинг олий марҳаматларига мушарраф этдинг-у, яна ўзинг мени ўша олис ба-ландликлардан ҳажр ситамлари гирдоб бўлиб тур-ган жаҳаннам қаърига ташлаб юбормоқдасан!? Бу кўргуликлар қайси гуноҳларим учун? Ё кодир Оллоҳ, наҳотки мени ҳам ушалмас ёр ишқида ёниб кул бўлиб ўтган баҳтиқаро ошиқлар қаторида яратган бўлсанг!?

Йўқ, йўқ, мен бунга чидолмайман. Мен Тахмина-сиз яшолмайман. Мен ўз муҳаббатимни, ўз баҳтим йўлида не курбонликлар лозим бўлса, ундан қайтмайман. Лекин... қандай қилиб? Бошимга тушган бу муш-кулотни қандай қилиб ечмоғим мумкин?

Мен... ожизман. Мен ўз олдимда, ўз иймоним олдида, отам-онам олдида ожиз бир қулман. Мен инсон сифатида идрок этаётган эрким ва баҳтим учун курашмоқ учун бу ожизлик қобигидан чиқиб кетолмайман..

Йигитнинг кўзларида ғили-ғилт ёш. Томоғини, кўксини аллақандай аччиқ, заҳар закқумли бир нарса тўлдириб тургандай, нимадир ўзининг ўткир тирноқларини юрагига санчиб-санчиб олаётгандек эди. Унинг нафас олиши оғирлашиб пешонасини, қўлларини соувук тер босди. У бемалол ҳолда бир амаллаб кўкрак тугмаларини ечди-да, кўзларини юмди. Шу юмганча ухлаб қолдими, ухломадими, азобланиб инградими — буёгини билмайди. Бир вақт кимнингдир овозидан ўзига келди.

— Болам, мазанг қочвоттими?

Ўқтамбек қаршисида турган фаррош аёлга миннатдор бокди.

— Сал-пал... юрагим санчди. Ўтиб кетди чоги.

— Вой, юрак билан ҳазиллашма, болам. Дўхтур чақирайми?

— Йўқ, йўқ. Яхшиман. Раҳмат, холажон, — Ўқтамбек аста ўрнидан туриб, вазмин қадам ташлаганча бу ердан узоклашаркан, ортидан яна фаррош аёлнинг товуши чалинди:

— Юрак беҳудага санчимайди, болам. Санчиқни каердан орттирган бўлсанг, давосини ўшатдан қидир.

...Ўша куни Иброҳим ҳожининг ҳовлиси анчагача бозор бўлиб турди. Жигарбандлар, қўни-қўшни ва бошка кадрдонлар деганидек, кетма-кет келишиб, Шаҳодат бонуни туғилган куни билан табриклишди. Шундай хурсандчилик кунда негадир кенжা ўғилнинг кўзга ташланмаётганидан ажабланганлар бўлди, албатта. Айниқса, унинг опаси билан акаси. Улар Ўқтамбекни Қайта-қайта сўроклашди. Бироқ ҳожи ҳам, бону ҳам сезиларли хижолатла «Ҳали замон келиб қолади», дейишдан нарига ўтишолмади.

Ана шу «ҳали замон» ҳам ўтиб кетди. Намоз аср бўлиб қолди ҳамки, Ўқтамбекдан дарак йўқ эди. Бонунинг бутун хаёли унда. Тўғрисўз ва хулку одобли

ўғилнинг «Тезда қайтиб келаман» дея чиқиб кетганича уззу кун ҳаяллаётганидан шайтон уни минг бир кўйга судрайди. Айниқса, бугун, ойисининг жону дилдан ардоқловчи ўғилнинг ногирон ва кўнгли шикаста волидайи мухтарамаси туғилган кунда зим-зиё кетиши бежиз эмас!

Бону ҳожидаги хижолат юкини қўзғаб қўйишдан, энг муҳими, мўътабар ота дилида ўғилнинг бу қилиги учун жиндек бўлса-да ранжиб қолишидан чўчиб, ўзини имкон қадар вазмин ва бепарво, бутунги кун учун хушнуд ва хушчакча тутишга уринарди.

Ҳожи ҳам ўз ўрнида, фикру зикри Ўқтамбекда эканлигини, ҳали кўй оғзидан чўп олмаган кенжа ўғилнинг сира кутилмагандан «иш кўрсатиб» турганлиги ва айниқса, бугун унинг бекорга кечикмаётганидан жиддий ташвишда эканлигини Шаҳодат бонуга сезидирмасликка ҳаракат қиласарди.

Кечга томон ҳаво бир қадар салқинлашиб қолганидан Шаҳодат бонуни яна равоқقا олиб ўтишди. Уни ҳожи беозоргина кўтариб бориб, жория хола тайёрлаган юмшоқ ўринга жойлаштирас экан, бону сезиларли хижолатла ўнгайсизланганча, майнин ва ҳазин товушда «Бугун сизларни бехуда ташвишларга кўйдим...» деди.

Иброҳим ҳожи ҳаммасини тушуниб турипти. Бону бугунги вактичоғликларни Ўқтамбек боис ўзига унчалик сингдира олмади. Кўнглининг бир чеккасига ғашлик чўкиб қолган. Ана шу ғашлик тугуни мажрух она руҳиятини сусайтириб, шикаста дил қатидаги армон ва изтироб оғриклини оз-моз қўзғаб қўймокда эди. Ҳозир унинг «буғун сизларни ортиқча ташвишларга кўйдим» дейишида «Менга бугун туғилган кун қилишга не ҳожат бор эди...» деган маъно ҳам ётипти.

— Маъзур тутинг, жоним, — мулойимлик билан жавоб қайтарди ҳожи. — Қани энди ҳар бир кунимиз буғунгидек ширин ташвишларда ўтса!

Шаҳодат бону эрининг донишманд ва зукколигига яна бир бор тан бериб, унга миннатдор бокди.

— Сиз ёнимда бўлган ҳар бир кун учун ўзига

беадад шукрона айтаман,— жавоб қ илди у.— Бирок...

— Хүш?

Шаҳодат бону бир дам жимиб қолди. Нигоҳини хожидан олиб қочиб, бошини хиёл эгганча, маъюс сўз котди:

— Чорасизлик ва хижолат юки беҳад оғир экан...

Хожи унга жавобан дим қотди. Қовоқлари хиёл уюлиб, юзларига жиддийлик тузи юргурганлигини сезган Шаҳодат бону шу ондаёқ тушунди: белазир меҳрибон, садоқатли умр йўлдоши унинг бу гапини ҳазм қилолмади. Шу боис саросималик билан ўз «хато»си ни тузатмоқчи бўлди:

— Кечиринг, ҳожим. Ўқтамбегимиз ҳаяллаб қолганидан кўнглим ғаш тортиб турипти...

Иброҳим хожи ўртадаги асосий хижиллик тугунини ечиб ташлаш ниятида ўзини анча енгил ва эркин тутганча, хотинига ҳазил аралаш тасалли берди:

— Кўнглингиз ғаш тортмасин, жоним. Дарвозага бокинг, ўғлингиз ҳозироқ кириб келмаса, мен сизга катта бир шаҳар ҳадя этай.

Кутилмаган ҳол рўй берди. Орадан ҳаял ўтмай, ховлига чиндан ҳам Ўқтамбек кириб келди. Эр-хотин бу ҳолдан бир-бирларига хайрон боқишиб, кейин ўзларича жилмайиб олишди.

— Сиз валийсиз, ҳожим, — бону қувончини яширолмади.

— Оллоҳнинг ўзи чевар, — аста жавоб қилди эр. Ўқтамбекнинг сўнник ва паришон қиёфаси иккови-нинг ҳам назаридан четда қолмади, албатта. Ҳожи аста томоқ қириб, қовоқларини уйиб олди. Бону фарзандига интиқлик билан тикилиб турарди.

Деразалари ланг очиқ равон тўридан дадасининг ҳам, ойисининг ҳам унга томон жим ва хавотир қиёфа-да боқиб туришганини кўрган Ўқтамбек дарҳол ўзини кўлга олишга тутинди. Ичкарига шошиб кириб келиб уларга салом берди-да, кейин астойдил узр сўраб, ўзини оқламоқчи бўлди:

— Худо ҳакки, мени кечиринглар. Кутилмаганда шундай бўлиб қолди... — Ўқтамбек ойисининг пин-

жига сукилиб, унинг юзларидан ўпди. — Мени, кечи-ринг, ойижон. Ушланиб қолдим, борган жойимдан эртароқ чиқиб кетиш иложи бўлмади...

Оналар кечиримли бўлади. Шаҳодат бону Ўқтамбекнинг бошини бағрига босиб, унинг тимкора қуюқ соchlарини меҳр билан силаркан «Бошинг тошдан бўлсин, болам. Балолардан, ёмон кўзлардан Оллоҳ ўзи асрасин», деди.

Бироқ ота ҳамон қовоқ уйганча жим ўтиради. Ўғлининг борган жойидан эртароқ чиқиб кетолмаганини тасаввур этаркан, ичидаги ижирганиб кўйди: «Албатта-да, тулкига айланиб кетган у бузуки вужудидан нур ва куч ёғилиб турган бундайин соддадил, ўқтам йигитга осонлик билан жавоб берармиди?»

Шундан сўнг ҳожи беихтиёр «Бўлар иш бўлди...» дея ғудраниб кўйди ва энди бу гапдан ўзига хижолатомуз бокиб турган ўғлидан босиқ товушда киноя билан сўради:

— Мен сизга... уйдан чиқиб кетар чоғингиз, «Боринг-да, бир йўла ундай давралардан ипни тезроқ узиб қайтинг», дегандай бўлувдим. Афтидан, у иплар хийла пишиқ-пухта экан чоғи?..

Ўқтамбек дадасининг ҳамма гапдан хабардор эканлигига энди тўла ишонч ҳосил қилди. Боши қуйи осилди. Бетлари ловуллаб кетди. Пешонасини тер босди.

Кутимаган ҳолдан ҳайрон қотган Шаҳодат бону ўзини тутолмади.

— Дадаси, қандақа давралар демокчисиз? — У ҳожидан жавоб кутмай жим турган Ўқтамбекка ҳам савол ташлади: — Ўғлим, нима бўлди сенга? Агар сир бўлмаса, айт-чи, каерга борувдинг?

Иброҳим ҳожи хато иш қилиб кўйгани ва ҳозироқ бу хатоликка барҳам бермаса, шикастадил хотинига жиддий озор етказиб кўйишини дарҳол англади. Зудлик билан ўзигаям, ўғлигаям берилган саволларга бир йўла жавоб қилди:

—Бону, ўғлимизни ёмон давраларга боради, демокчи эмасман. Бироқ бу тенгқур йигитлардан тўрттаси жам бўлдими, бас, у ерда албатта ичкиликбозлик бўлади. Мен Ўқтамбекни ана шу нарсадан сақлан-

син, деган ниятда, хар қандай олди-кочди ўтиришлардан ипни узиб, бунинг ўрнига фойдали ишлар билан шугуллансан, демоқчидим холос.

Үғли ҳам, она ҳам энди енгил тортди. Айниқса, Үқтамбек дадасининг вактинчалик <<марҳамати»дан ичида миннатдор бўлиб қўйди^ У; барибир, ҳали олдинда ота билан ўртада бу масадада жиддий мулокот бўлиб ўтишини яхши тушуниб турган бўлса-да, Тахмина билан боғлик ишлардан онасининг ҳозирча бехабар туришини истарди.

Шаҳодат бону ҳам ўз ўрнида, ота билан ўғил ўртасидаги бугунги муносабатлар замирида аллақандай мавхумлик ва нохушлик зоҳирлигидан юраги бир оз ғаш тортиб турган бўлса-да, буни уларга сездирмасликка уринди. Эрига жавобан мулойимлик билан деди:

— Иншооллоҳ, фарзандларимиз ҳеч қачон сизнинг раъйингизга қарши боришмас, ҳожим.

— Айтганингиз келсин, бону, — ҳожи шундай дея ўрнидан қўзғалди. Равокдан чиқиб, кўшкнинг шундоккина ўнг биқинидан жой олган, тоат-ибодатлар ва мутолаалар учун мўлжалланган мўъжазгина ҳужраси томон ўтиб кетди.

Бироқ бу ҳали осмон шу билан батамом ёришиб кетди, деган маънени англатмас эди. Үқтамбек руҳан эзилар, миясида айқаш-уйқаш, бироқ юракни кеми-рувчи фикрлар чарх урап эди. У ҳали қандай қилиб бу «гуноҳ йўл»га кириб қолгани учун жавоб беригина қолмай, яна энг даҳшатлиси, Тахминани энди ўз хаёлидан, қалбидан батамом юлқиб олиб ташлаши, уни бундан сўнг умуман хаёлига келтирмаслиги ва шу билан бирга, тез кунлардаёқ бошқа биронта қизга уйланмоғи лозим. Ё раб, мени не савдоларга солиб қўйдинг! Мен Тахминадан воз кечолмаслигимни, уни чиндан ҳам севишимни, мен фақат у билангина баҳтли бўла олишимни қандай қилиб тушунтирай? Қандай қилиб бунга ишонтирай? Ёки... ойимга айтсаммикин? У билан дардлашсаммикин? Йўқ, йўқ, ойим бу юкни кўтара олмайдилар. Ҳозирча мен бунга журъат ҳам этолмайман.

Ўғлининг мулойим ва ширин мулозаматлари остида бирмунча сохталик борлиги, аслида унинг хаёлида хозир аллақандай ташвишли бир ўй кечиб турганлигини сезиб қолган Шаҳодат бону унга эҳтиёткорлик билан деди:

— Мен ҳали... агар сир бўлмаса, айт-чи, қаерга борувдинг, деб сўровдим.

Ўқтамбек ойисига жавобан нима дейишини билолмай қолди. У ёлғон гапира олмасди. Мабодо ростини айтгудек бўлса-чи, унда у энди ўзининг она олдидаги ҳам батамом барбод бўлишини, мунису меҳрибон, кўнгли ярим азиз онажонини келиб-келиб бугунги хурсандчилик кунида адойи тамом қилиб қўйиши мумкинлигини яхши тушунади.

— Ойижон... Агар хафа бўлмасангиз... — чайналди Ўқтамбек, — майлими, шу саволингизни жавобсиз қолдирсан?

Хайриятки, унинг бу жавобидан бону «Демак, ўғлизнинг биронта севган қизи бор-у, бугун ўша қиз билан учрашувга борган», деган фикрга келиб, шошапиша: «Майли, майли, болам, Сен қандай хурсанд бўлсанг, менинг қувонганим шу», деб қўйди. Бироқ ҳаёлан «Афтидан, ҳожининг ҳаммасидан хабари бор. Ўғлим танлаган қиз унга маъкул эмас шекилли. Бир йўла ипни узуб кел, дейишига сабаб ҳам шу бўлса керак», деган холосага келди.

Иброҳим ҳожи кенжа ўғилни эртасига тонг сахарда, бомдод намозидан сўнг ўз хужрасига ёлғиз ўтириғизиб, унга сиполик билан гап қотди:

— Мен кеча эрталаб сизга... мабодо мўлжаллаган қизингиз бўлса, маълум қиласиз, бўлмаса, шунга қараб иш тутайлик, дегандим. Шу гапни бугун яна бир карра эслатиб қўймокчиман...

Ўқтамбек салобатли ота қошида бош эгиб, хомуш ўтириб қолди, унинг итоаткорлик қиёфаси ҳожига далда берди.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ойингиз тезроқ сиздан ҳам орзу-хавас топсин, дейман, — босиқлик билан сўзида давом этди у. — Ўзи шусиз ҳам уйланиш пайтингиз ўтиб боряпти, ортиқча кутиш нодонлиқдир, ўғлим.

Ўқтамбек яхши тушуниб турипти. Ота гап мавзусини кечаги воқеага олиб бориб қадамоқчи. Ўқтамбек мабодо ўзини оқлагудек бирон фикр билдирса, шу баҳона ўртадаги ҳисоб-китобга бир йўла нукта кўйиб олмоқчи. Бироқ энди бошқа иложи йўқ. У отага жавобан нимадир дейиши лозим. Аччиқ бўлса-да, кийин бўлса-да, орани очиқ қилишга тўғри келади. Йигит минг бир азобу андишада ғўнғиллади:

— Дада, мен... мени... яхши кўрганим бор.

Ота сезиларли даражада сесканиб, титраб олди. Унинг қуюқ қошлари ўртасида тугун ҳосил бўлди. Бироқ имкон қадар вазминлик билан сўради:

— Айни муддао... Биз ҳам шуни билмоқчимиз. Сир бўлмаса, айтинг, ўзим совчи бўлиб борайин...

Ўқтамбек бошқа нима деярини билмай бир дам довдираб қолди.

— Кейинрок, дада... — тили базўр калимага келди.

Ўртага оғир сукунат чўқди. Иброҳим ҳожи титраб-қақшаб, қайта сўради:

— Мабодо Мумтоз ҳофизнинг завжасини айтма япсизми?

Ўқтамбек такдирга тан берди:

— Ҳа... Мен Тахминани яхши кўраман.

Ота бошқа тоқат қиломади, аламу изтиробда хайкириб юборди:

— Бас қил, лаънати! Сен иймон юзига, менинг юзимга оёқ босдинг! Бор, чиқиб кет ҳузуримдан!

Бироқ ўғил ўтирган жойида ўтириб қолаверди. Кўзларидан ёш куйилди. У отани қақшатиб чикиб кетишни асло истамасди.

— Дадажон, мени кечиринг. Тавба килдим...

Ота ҳам энди ўзини босиб олмокка уринди. Кўз олдига Шаҳодат бону келди. Мабодо ота-бола ўртасидаги ҳозирги воқеадан воқиф бўлиб қолса борми, тамом.

— Сен менинг олдимда эмас, Оллоҳга тавба қил,— сенсирашда давом этди у. — Майли, мен сендан озурда бўлмайин. Бироқ сени шу ниятларда, шу мақомда тарбиялабмидим? Эсиз, эсиз...

— Кечириңг, дада. Бизда айб йўқ. Бизни боғлаган нарса муҳаббат...

Иброҳим ҳожи оғирғсукут еаклаб қолди. Ўзича неларнидир мушоҳада элагидан ўтказиб, кейин ҳамон кизарган, қақшаган ҳолда яна деди:

— Муҳаббат.. Муҳаббатга тил теккизма. У илоҳий туйғу, иймон вавиждан туйгусидир. Сенлар эса, осий, зинокор бандаларсан, шундай эмасми?!

Ўқтамбек энди тош котиб қолди, отанинг сўнгги саволига жавобан гап йўқ эди. Иброҳим ҳожи гапи-рар гапини гапириб бўлди, энди гуноҳкор ўғлига ёрдам кўлинни чўзиб юбориши лозимлиги, уни инсоф ва иймон йўлига солиб қўйишга бурчди эканлигини хис этди.

— Бу ёруғ дунё факат яхшилар кифтида, иймон-эътиқод, ҳалоллик-поклик кифтида турипти, болам. Алҳамдулиллоҳ, яхшилар кўпчиликни ташкил этадилар. Мен сени ана шу яхшилар сафида яшаб ўтишингни истайман. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламдан сўрадилар: «Дўзахнинг энг тубида кимлар ётадур?» Ул зот жавоб бердилар: «Дўзахнинг энг тубида биринчи бўлиб судхўр, иккинчи бўлиб зинокор ётадур!» Сен бундан тегишли хулоса чиқариб ол.

Шунда Ўқтамбек нимадир демокқа оғиз жуфтлади-ю, бироқ бунга журъят этолмаганини сезган Иброҳим ҳожи илова килди:

— Албатта, бандасининг юрагига муҳаббат чўғини солувчи ҳам Оллоҳнинг ўзидир. Бироқ биз, беадад шукрлар бўлсинким, ислом фарзандларимиз, ҳалол билан ҳаром ўртасидаги сарҳадларни ҳамиша ажратса билишимиз, Оллоҳ берган муҳаббат туйгусини муқаддас билмоғимиз лозим. Бир бегонанинг никоҳида турган аёл билан шаҳватда бўлган эркакни-ю, ўз эрига хиёнат йўлини тутган аёлни, қани айт-чи, кечириб бўлурми?

— Гуноҳим шунда... Мен тавба қиласман, — ниҳоят жавоб қайтармоққа журъят қилди Ўқтамбек. — Лекин мен ундан... барibir воз кечолмайман, дада.

— Буёғи ўзингга ҳавола, ўғлим. Оллоҳдан сен учун ҳам, ўша аёл учун ҳам инсофу тавфиқ тилаш-

дан ўзга чорам йўқ энди, — Иброҳим ҳожи бугунчаликка шуниси етар деган фикрда масалага босиқлик билан хотима бердй: — Ҳали айтдим, мен сендан озурда эмасман, илоҳо, кўкариб яшнагин. Факат бир нарсани асло унутма: минбаъд била туриб гуноҳ йўлига қадам босгудек бўлсанг, ўша кундан бошлаб мени ота дейиш ҳукукидан маҳрум бўласан!

Ўқтамбек бошқа ҳеч нйма деёлмади. Ҳужрадан отанинг ўзи шаҳдамлик билан чиқиб кетди.

XIV

Шундай қилиб, бу кеч уларнинг ўзларига қолди. Сафар билан боғлиқ тадорик ишлари тугагач Сурайё ётган хонага дастурхон ёздилар. Мехмонлар учун тайёрланган, бирок уларга насиб этмаган тансик таомлару шарбатлардан, мева-чевалардан шу ерга олиб киришиди. Магнитофон келтиришиб, мусиқа ҳам кўйишиди.

Тахмина Акмалнинг ёнидан нари жилмас, унинг хаёлида гўё бугун у яна узок сафарга жўнаб кетаётгандек, уни тагин йўқотиб қўяётгандек туюлди. Шу боис ҳам бугун Мумтознинг ихтиёрий равишда уларни бирга қолдириб чиқиб кетгани, Акмал бугун унинг ёнида ва измида эканлигидан юраги ҳаприкиб, шодлиги ичига сиғмай турган бўлса, Акмалнинг Сожида билан биргаликда ҳали замон уни тарк этишиб, бу ердан жўнаб қолишлари гоҳ-гоҳ кўз олдида жонланганда, бир зумда хурсандчилиги гум бўлар ва юрагининг бир чети кувишиб, ачишиб қоларди.

Ҳалигина баҳоли қудрат тинчгина ётган Сурайёнинг эса кўнглига кил сиғмай турипти. Унинг нафас олиши оғирлашган, ажал калхати яна унинг кўксига ўзининг ўткир тирнокларини ботираётгандек эди. Биророк у ўзини бардам тутишга, ичиди юз бераётган азобли безовталикларни сездирмасликка, айниқса, ўғли Акмални сафар олдидан ташвиш ва хавотирга қўймасликка ҳаракат қиласарди.

Бугун кечга томон Сурайёнинг ковжираган, консиз ва юпқа лабларининг чап томонида мошдеккина

сийёхранг «хол» пайдо бўлиб қолди. Бунга Зилоладан бошқа ҳеч ким эътибор бергани йўқ. Қизнинг юраги бу ҳолдан ўзича шувиллаб қўйди. «Илоҳо, тинч турсин...» кўнгилдан ўтказди у.

Сурайё даставвал ётган жойида ёшлар билан очи-лироқ гаплашди. Уларнинг турли хил ҳазил-мутойи-баларига' онда-сонда аралашиб, ўзини уларга анча тетик ва хушхол кўрсатиб' ётди. Даастурхондаги ноз-неъматлардан ҳам оз-моз тотинган бўлди, улар шўх-шўх мусикаларга рақс тушишганда эса, маъюс жил-майганча «бор бўл, омон бўл» деб турди. Бироқ ора-дан бир-икки соат ўтар-утмай ҳолдан тойди, ранги қочиб, вужудини совуқ тер ва титроқ қоплай бошла-ди.

— Энди... Сизлар равокка чиксанглар, — ўзининг noctor аҳволини сездирмаслик учун дадилроқ товуш-да деди Сурайё. — Мен чарчадим. Оз-моз ором ола-йин...

Зилола уни зудлик билан қўллаб-қувватлади:

— Тўғри. Мен холамга ҳозир укол ҳам қилишим лозим.

Буни оддий ҳол сифатида қабул қилишиб, ўти-ришни беозоргина ийғиштиришди. Зилола укол учун шприц ва дори ҳозирларкан, Сурайё хужрадан чиқиб кетаётган Акмални тўхтатди:

— Болам... Бир зум шошма...

Акмал ортига ўгирилиб, Сурайё томон юрди.

— Тинчликми, ая?

— Тинчлик... Мендан хавотир олма... — Сурайё шундай дея, бир муддат беҳол жимиб қолди. Кейин кўзларини ёнига тиз чўкиб ўтирган ўғлига тикиб, илова қилди: — Тезроқ бориб кел, демоқчиман...

— Албатта. Бораман-да, қайтаман.

— Зилолани олдида... айтиб қўяй... Тезроқ Мум-тоздан халос топинглар. Пулинг етмаса, менинг уйим-ниям сотинглар. Бир орзум бор... — Сурайё энди нарирокда қўлида «уколи» билан жим котиб турган Зилолага мўлтираб бокди. — Жон қизим... Зилола-хон... Акмал акангизга таянинг...

Акмал уни тушунди. Онаси Зилолага «Акмал акан-

гизга тегинг» демоқчи бўлди, лекин айтолмади. Бунга негадир журъат қилолмади. Зилола ҳам тушунди, бирорқ унинг «тегинг» дея олмагани учун хозир ўзича хурсанд бўлди. Чунки бу сўзнинг хижолат юкини у Акмалнинг олдида кўтара олмаган бўларди.

— Вой, холажон, намунча бизни ўйлайсиз? — шоша-пиша гап котди Зилола.-г^- Сизга хозир кўп гапириш мумкин эмас. Жўмийша ётиб ухлашга харатат килинг.

Акмал шу он Зилолага маъноли бир бокиб кўйдида, унинг гапига илова қилди:

— Тўгри, сиз ором олиб, ухланг. Мен келгунча Зилола ёнингизда бўлади.

Шундан кейин Акмал беҳол ва бемор онани ҳали яна безовта қилмаслик ниятида, бир йўла ундан оқ йўл тилади. Сурайё қаршисида турган Акмалнинг бўй-бастига, унинг юз-кўзларига бир дам киприк коқмасдан, ташналик билан боқаркан, беҳол пичирлади:

— Оллоҳ сени ўз паноҳида асрасин...

Акмал билан Зилоланинг бир дамгина бўлса-да ичкарида қолиши Тахминанинг иззат-нафсига тегди. Булар билан кетма-кет чиқаётган Акмал яна нима учун ортига қайтди? Уни Сурайё чақирди чоги. Ўлиб бораётган бу аёлда ҳали гап кўпга ўхшайди. У ўғлига зўр бериб Зилолани ёпиштирмоқчи бўляпти. Акмалнинг мен билан яқинлашувини астиям истамайди. Анави, кечагина тухумдан чикқан думбул қиз-чи?! Акмал, деса юраги гумириб кетаётгани шундокқина юзидан, кўзидан маълум бўлиб турипти. Ҳали қараб тур, сени...

— Мен оромхонада бўламан, — деди Тахмина бир дам равокда Сожида билан ўтиргач ўрнидан кўзгалиб. — Акмалга айт, кираверсин...

— Окей, сен бафуржадам олатур, — жавоб қилди Сожида бир даста магнитофон кассеталари орасидан ниманидир қидиаркан: — Арслонингни юрагида ўти бўлса, у ҳадемай устингга бостириб киради.

Ҳа, Тахмина ҳамон ҳаяжонда эди. Бугунгидай қулай фурсатни унга худонинг ўзи етказди: бу кеч Акмал уники. Унинг оғушидан, оловли нафасидан, тафтидан

тўйиб-тўйиб баҳра олади. Бир вақтлар кул остида қолиб кўздан фойиб бўлган, ҳаттоки унут бўлаёзган лаҳча ўт қайтадан яшнайдй, ёғду сочади, ҳарорат беради. Армон тошидек совуган, яхлаган, жувонмарг қотган бокира томирларни қизитиб, унга қайта ҳаёт бағишлайди. Бу томирларда яна қайтадан умид ва нашида эҳтирослари қон бўлиб оқади...

Тахмина ҳар гал Акмал хаёлига шўнғиб, қалб ва вужудини энтикирувчи бундайин ҳаяжонли, лаззатли туйгулардан сармаст чайқаларкан, ногоҳ бу хаёлларнинг муваққат ва алдамчи эканлигидан, бу йигит билан унинг ўртасида ўтиб бўлмас бир чоҳ ётганлиги ва Акмал энди ҳеч қачон уники бўлолмаслиги ёдига тушиб, уни кимдир ёки нимадир туби йўқ жаҳаннам қаърига итариб юборгандек, бир лаҳзадаёқ қўнишиб, шалвираб қоларди.

Хозир ҳам сира кутилмаганда, худди шундай бўлди. Оромкурсига чўкканича чўкиб қолди. Вужудини чулғаб турган эҳтиросли туйгулар ўрнини аллақандай ғашлик, аламли ва изтиробли бир тундлик эгаллади. Дарвоҷе, мен ўзим кимман? Акмалдан муҳаббат ва мурувват, журъат ва вафодорлик кутишга ҳаққим борми? Тўғри, мен уни севаман. Бироқ нега энди менинг ғарип ва ожиз, хукуксиз муҳаббатим эвазига у ўзини, ҳар бир инсон учун бир мартағина насиб этувчи умр баҳорини ҳазон қилиши лозим? Борингки, Акмалнинг менга бўлган муҳаббати чин бўлиб, шу боис у ҳар қандай курбонликка борган тақдирда ҳам, мен уни авайлашим, уни инкор этишга, ундан узоклашишга ҳаракат қилишим керак-ку?

Ёки... Акмал менга шунчаки бир овунчоқлик учун, қари ва ҳиссиз Мумтоз беролмаётган оташ эҳтиёжи учунгина керакми? Эҳтимол, мен худбиндирман, ёшлик ёки нодонлик қилиб, шунинг учунгина алдамчи хисларга берилиб, мен унга муҳаббат даъво қилаётгандирман?

Йўқ, бундай дегудек бўлсан, Акмалдан кўра ёшроқ, гўзалроқ, кучлироқ, тотимирироқ Ўқтамбекни нега рад этдим? Нега энди мен Акмални эмас, Ўқтамбекни кўпроқ авайлаяпман, уни юрагимдан

юлқиб ташлаш қанчалар оғирлигини билиб- туриб, бунинг учун ич-ичимдан эзилиб, ачиниб-йиғлаб туриб, у билан дадил хайрлашмоқчи бўляпман? Чин муҳаббатга, балки, менинг Ўқтамбекка нисбатан ту-таётган муносабатларим, ҳис-туйғуларим кўпроқ ало-қадор бўлса-чи? . мциймот

Йўқ, йўқ, Ўқтамбек мен учун олис бир масофада ловуллаб турган гулхан бўлиб жолаверсин. У мени ўзи томон қанчалик чорламасин, мени ўз ёғдуси билан қанчалик мафтун этмасин, мен энди унга бошка кўринмасликка, ундан тобора йироқлашишга харакат қиласман. Мен... йўл кўйган хатоларим учун ўзимни ўзим жазолайман.

Назаримда, муҳаббат деган нарсанинг маъносини мен эндиғина тушуниб етаяпман. Одамлар ҳамиша баҳт қидиришади. Лекин ҳақиқий баҳт нимадалиги-ни ҳамма ҳам тушунолмас экан. Кимдир мол-мулки, давлати билан, кимдир узоқ умри ва ували-жували ҳаёти билан, кимдир тўрт мучасининг соғлиғи билан овуниб қолавераркан. Лекин чинакам баҳтнинг посангиси асл муҳаббатда экан. Ҳа, ҳа, мен энди тушундим. Муҳаббатсиз одам бу дунёнинг ҳисоб дафтаридан четда қоларкан. Муҳаббатнинг қашшоқликка ҳам, бойликка ҳам, очлик ва тўқликка ҳам алоқаси йўқ экан...

Мен ўз бадбаҳтлигим сабабини энди англаяпман, мен муҳаббатсиз одамман. Мен севиш ва севилиш ҳуқуқидан маҳрум инсонман.

Бир вақтлар... Акмал билан илк бор қўшилгани-мизда, уни ўзимга узилмас ришталар билан боғлаб олганимда, бунга мен ҳақлимидим? Йўқ, ҳақли эмасдим. Мен[^] Акмалнинг уволига қолдим.

Мен Ўқтамбекни ўз оғушимга қабул қилиб, уни бир умрга занжирбанд этиб қўйдим. Бунга ҳақли эдимми? Йўқ, ҳақли эмасдим. Ҳар ким ўз ўрнида туриши, ўзига муносиб неъматдан баҳраманд бўлиши керак. Мен эса ўғирлик килдим, Ўқтамбекнинг ҳам уволига қолдим...

Ҳа, мен ўзимнинг кимлигимни, қаера келиб қолганимни энди англаяпман чоги. Кимларнингдир касри

ва йўл қўйган ўз хатоларим учун худо мени жазолаб кўйинти. Тўхта, бу жазо нимада?

Мен инсон бўлиб келдим бу дунёга. Лекин одамлар ўртасида «Мен инсонман, яхши инсонман!» деб овоз чиқаришга ҳаққим йўқ.

Менга беназир ҳусн, қадду қомат насиб этибди. Лекин бу билан фахрланишга, менга ҳавас қилинглар, мени севинглар дейишга ҳақли эмасман.

Мен соғлом, гўзал ва ёш аёл бўлатуриб, тенгкурларим даврасида севги тўғрисида, аҳил оила, ширин фарзандлар тўғрисида гап очишга ҳақли эмасман.

Қанчалар даҳшат, қанчалар бадбаҳтлик бу!

...Тахминанинг кўзлари ёшга тўлди. Бу кўз ёшлари жароҳатли юракнинг конталаш селоби эди.

Ногоҳ, унинг қархисида жувонмарг дадаси Собир намоён бўлди. Устибоши оҳорли, бўй-басти ҳам салобатлашиб кетгандек. Фақат чеҳраси тунд, ташвишли ўнг кўли билан Тахминанинг бошини силайди:

— Қизим, йиглама...

— Мен бадбаҳтман, дада.

— Сен ҳали баҳтли бўласан, менга ишон.

— Менинг ҳеч кимим йўқ, дада.

— Сен уни кут. Унинг ўзи ҳаётингга кириб келади...

Тахмина шу зайлда ухлаб қолдими, ё ўз ёғига ўзи ковурилиб орадан канча вақт ўтказди билмайди, бир пайт ташқаридан юқ машинасининг гуриллаган овози уни ҳушига келтириди.

— Тахмина, биз жўнайпмиз, — оstonада Сожида туради.

— Нима?! Жўнайпмиз?! — у сергак тортиб, курси суюнчиғидан даст бош кўтарди. — Акмал...

— Акмалга айтувдим.... У... Майли, ҳалакит бермайлик, дам олсин деди...

Тахмина беихтиёр жимиб қолди. Ранги оқаринкираб, лаблари хиёл қимтилди.

— Ҳозир-чи? Яна индамай кетвоттими?

— Йўқ. Тахминани айтиб чиқ, деди.

— Бораверинглар. Оқ йўл, — Тахмина яна суюнчиқка бош кўйиб, кўзларини юмди.

Сожида бундай пайтлар ортиқча гапга ўрин йўқлиги, акс ҳолда Тахминанинг ғазабига дуч келиши муқаррарлигини яхши тушунади. Шу боис лом-мим демай чиқиб кетди.

Тахмина ишонади, Акмал барибир унинг хузурига киради. Шундай бўлди ҳам. Йигит унинг елкасига бир кўлини кўйиб, «Тахмина...» деганидан сўнггина кўзларини очди.

— Акмал...

— Биз жўнаяпмиз, жоним... — Йигит энди унинг тирсакларидан тутиб, аста ўрнидан турғазди. — Сенга нима бўлди?

— Ўзим шундай. Сени йўқотиб кўйишдан қўрқяпман... — Тахмина шундай дея йигитнинг кўксига бош кўйиб, яна йиглаб юборди.

Акмал аччик ютиниб кўйди. Тахминани бағрига қаттиқ босиб, унинг соchlари ва елкаларини силаркан,

— Мен йўқолмайман, кўнглинг тўқ бўлсин, — деди. — Фақат...

Тахмина саросималик билан Акмалнинг лабларига кафтини босди:

— Бошқа гапирма. Мен ўзим ҳаммасини яхши тушунаман...

Тахмина ўзи учун узоқ вактлардан бери чинакам байрам бўлишига умид боғлаган бу кеча унинг ҳаётига яна не даҳшатларни олиб киришини ўйлабмиди. Бир вақт у Зилоланинг вахимали қичкириғидан чўчиб уйғонди:

— Тахмина опа-а, тезроқ! Тезроқ чиқинг!

* * *

Тўфон олдидан маълум бир муддат сокинлик чўкиши мукаррар бўлганидек, аҳён-аҳён жон талвасасига тушиб колаётган Сурайё ҳам ўғли сафарга жўнаб кетар чоғи қайтадан анча тинчланди. Улардан сўнг ёнгинасида ёнбошлаб ётган Зилола билан у ёқ-бу ёқдан гаплашишди ҳам. Гап орасида бир амаллаб яна кўнглидаги орзу-ниятни қистириб ўтди:

— Сенга мингдан-минг раҳмат, Зилола. Мендан кайтмаса, худодан қайтар. Акмал акангни ҳам ташла-масан...

— Хола, тинчланинг. Бизни ўйламанг. Такдирни худонинг ўзи белгилайди.

— Ҳа, бандаси ожиз экан...

Шундан сўнг беҳол Сурайёning кўзлари яна хира тортиб, уни бир муддат уйқу элитди. Бироқ бу ороми узокка чўзилмади. Ажал қалхати яна унинг кўксига келиб қўнди. Бу дафъа у жудаям оғир, қора-қўнғир қанотларини барадла ёйиб, уни бошдан-оёқ қамраб олган, ўтқир ва заҳарли тирноқлари билан энди Сурайёning бутун вужудини конталаш қилаётгандек эди.

У энди бу ситамларга, бешафқат азоб ва даҳшатларга бошқа дош беролмайди. Оғриқнинг зўрлигидан кўзлари косасидан отилиб чиқиб кетар даражада ола-кула бўлар, ўқтин-ўқтин ҳаво ололмай хириллар, на-фас йўли очилганда эса лабларини зўр бериб қимтиб тишлаганча зор-зор инграрди. Зилола унинг бетўхтов қалтираётган қоқсув ўнг қўлини тиззаси остига олиб, бир амаллаб иккита укол қилди, бўлмади. У энди аҳвол чатоклигини сезиб, зудлик билан ойисини ва яна бир қўшни кампирни телефон билан чақиртириб чиқди. Сурайёning аҳволи тобора оғирлашаётганини кўриб, энг сўнгтида Тахминани бедор қилди.

Энди Сурайё ёнида одам борми-йўқми, кимлар ўти-рипти — буни мутлақо сезмайди. Унинг кўз олдида фақат ўша ажал қалхати, Сурайёни зўр бериб қий-наётган, унинг қонини, жонини беармон сўраётган тифли ва заҳарли қалхат.

Шу пайт унинг кўз ўнгидами ёки хаёлидами Тахмина пайдо бўлди. Еш, гўзал, викорли Тахмина... У Сурайёга беписанд бокқанча аста юриб келди-да, ҳалиги ажал қалхатининг бошини силай бошлади. У энди Тахминанинг овозини аниқ эшилди:

— Бу Сурайё, бу Сурайё... Хуршида ўлган, буям ўлсин.

Тахмина шундай дея ортига ўгирилиб, яна кетиб бораркан, Сурайё қўлларини унга томон чўзганча илтижо қиласди:

— Тахмина, түхта! Кетма! Мени ўлдириб қўяди!
Мен ўлмайин, ўлмайин!

Тахмина ногоҳ түхтайди, лекин Сурайё томон бокмай, тик туриб қолади. Шу тоб хужра шифти томондан кимнингдир овози янграйди:

— Тахмина қайтмайди. Сен уни ўлдиргансан, энди у сени ўлдиради.

— Тахмина тирик, мен уни ўлдирганим йўқ, — зўр бериб инграйди Сурайё.

— Айт, айт. Гуноҳингдан фориг бўл, дўзахи, дўзахи...

— Тахмина, Тахмина-а! Мени кечир, гуноҳимни кечи-ир!

Тахмина чиндан ҳам Сурайёнинг иккала қўлидан тутганча, уни тинчлантироқчи бўлди:

— Ўзингни бос, Сурайё, ўзингни бос. Нима бўлди сенга, қандака гуноҳ? Нимани кечирайин?

Сурайёнинг қулоғи остида яна ўша овоз:

— Сен ўласан, ўласан. Дўзах. Дўзах...

— Йўқ, йўқ, йўқ-ўқ!

— Тахмина кечирмайди, кечирмайди...

— Кечир! Кечир! Мени кечир, Тахмина-а!

Тахминанинг энди кўнглига ғулгула тушади.

Сурайёнинг қўлларини шитоб билан силкиб, сўрайди:

— Гапир, гапир! Қайси гуноҳингни кечирай?!

Шунда Сурайё жон талашаётган кўзларини Тахминага қадаганча, ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлади. Бош томонда ўтиришган аёллар уни елкасидан беозор олишиб, бир оз юқори кўтаришади.

— Тахмина, сен кет. Кет бу ердан. Мумтоз, Мумтоз... Аянг... Хуршида минан... бўлган... Мен минан ҳам. Акмал... Мумтоздан...

Тахмина шундан кейин нималар бўлганини билмайди. У Сурайёнинг хужрасидан не ахволда чиқди, Кўргонни не ахволда тарк этди, шаҳардаги ўз уйига қандай кириб келди — бунисини билмайди. Қанча вақт юм-юм, аччиқ-аччиқ ийфлаганча, ўз чекига яна такрор тушган шармандали ва даҳшатли такдир оғриқларидан тўлғаниб, инграпиб, ҳалокатли бу қисмат

исканжасидан энди қандай қилиб халос топиш савдо-сида ётганини ҳам билмайди.

Мана, унут бўлаёзган жароҳат қайта янгиланди. У ўз ҳаётида йўл кўйган гуноҳлар қанчалар чўнглиги энди маълум бўлди. У ўзининг Тошкентга келиб топган хузур-ҳаловатлари, тотли-нашидали дамлари алдамчи бир сароб эканлигини, уни ҳали аччиқ тақдир интикоми тарк этмаганлигини, инсон ўйлаб-ўйламай босиб ўтган ножӯя йўллари учун қисмат олдида ҳам, худо олдида ҳам жавоб бериши мукаррарлигини илк бор ҳис этди.

Демак... Онаси... Хуршида ана шу хақиқатни англаб етгачгина ўзини ҳам, ўша Доникни ҳам бу ёруғ оламда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этганлигини, бу билан у ўз гуноҳларини ювмоқчи ва якка-ю ягона, баҳтиқаро қизини навбатдаги гуноҳлардан асраб қолмоқчи бўлганини у энди тушунди!

Ҳа, мен... гўллик қилдим, маккор Сурайёнинг измида қолганим учун ҳам Мумтознинг тузогига илиндин. Унинг давлатига, сохта шуҳратига учдим. Мана, охир-оқибат етиб келган жойим...

Ногоҳ унинг кўз олдига Акмал келиб, баттар қақшади. Тақдир уни орзу ва умидларидан ҳам жудо этди. Тахминага бу қабоҳатли, тубан ва риёкор ҳалқадан чиқиб кетиш учун илинж ҳамда мадад зиёси бўлиб турган Акмални яна ундан олис-олисларга олиб қочиб кетди.

Мен энди бу кўргуликлар эвазига нима қилишим керак? Мен учун энди бу ёруғ дунёда яшашнинг нима қизиги қолди? Мен энди Акмал сингари, Ўқтамбек сингари, Зилола сингарилар юзига қандай карайман? Бу кунимдан ўлиб кетганим, ҳамма-ҳаммасидан бир йўла халос топганим яхши эмасми!?

Бироқ Мумтоз-чи?! У яна яшайверади. Яна бошқаларни. алдаб, ўз фароғатини давом эттираверади. Йўқ, мен ўзимдан аввал уни гумдон қиласман. Мен ундан ўч оламан. Ўзига, мол-дунёсига ўт кўяман!

Тахмина ана шу қатъият билан ўрнидан бош кўтарди.

Мумтоз меҳмонлари билан бирга тонготар маиншатдан тўғри аэропортга кириб келишиди. Алмати самолётининг учишига ҳали бир соатдан ортиқ вакт бор, бироқ билетлар қайд этиладиган жойда йўловчилар аллақачон тўплана бошлаганди.

Кутбиддиннинг таклифи билан телефон қилиб, юкнинг жўнаб кетган-кетмаганигини билиш ва албатта, Тахмина хонимга яна бир бор миннатдорчилик изҳор қилиб, у билан хайр-хўшлашиб қўймоқчи бўлдилар.

Не ажабки, телефон гўшагини ҳадеганда кўтара-диган одам бўлмади. «Нима бало, ҳаммалари қотиб қолишганми!» асабийлашди Мумтоз. Қайта-қайта уринишлардан сўнгина Зилоланинг овози келди:

- Эшитаман...
- Зилола, сенмисан? Қани бошқалар?
- Бошқалар...
- Юк жўнаб кетдими, йўқми?
- Жўнаб кетишиган... Кечаси...
- Намунча чайналасан? Ёки сен ҳам ухлаб ётувдингми? Тахмина қани?
- Тахмина опам... шаҳар томонга кетдилар. Бўтда...
- Нима гап, тинчликми?
- Сурайё хола... қазо қилдилар.
- Нима-нима? Сурайё! Қачон?!
- Тонготарда. Пабрикадан Ойим ака келиб, ўлик-хонага жўнаторди. Маҳалладагилар ўзимиз кўмамиз, дейишишам, унамади. Бу ердан ўлик чиқмайди, ўғли келса, ўзи кўмволади, деди.
- «Ойим ака» номини эшитиб, Мумтознинг кўз олдидан кечаги бензин тўла канистр «лип» этиб ўтди. Кўнгли хира тортди.
- Бўпти. Тўғри қилипти, — деди у тажанг оҳанг-да.
- Ҳозир сен билан ким бор у ерда?
- Кўни-кўшнилардан уч-тўрт киши...
- Одам тўпламасин. Кўргон карvonсарой эмас. Чиқиб кетишин. Мумтоз акамнинг аччиқлари кела-ди, дегин.

Зилола унга жавобан индамай гўшакни жойига Кўйди.

Мумтознинг юзи бир оз тундлашганини кўриб, меҳмонлар ундан хавотирлик билан нима гаплигини сўрашди.

— Ташвишланманглар, юк кечаси жўнаб кетипти,— жавоб берди Мумтоз.— Фақат...

У Акмалнинг узок вақтдан бери бемор ётган онаси қазо килганлигини айтмоқчи бўлди-ю, яна бу фикридан қайтди.

— Тахмина хоним чиқиб кетибди. Ҳозир телефон килиб топамиз.

Мумтоз меҳмонларнинг «Хечқиси йўқ. Қидириб ўтирганг, хонимни безовта қилманг», дейишларига ҳам бокмай, шаҳардаги уйга ҳам, жавоҳирот мағозасига ҳам қўнғироқ килиб кўрди. Жавоб бўлмади. Шундан сўнг у «Эҳтимол, Сурайёнинг ташвиши билан юргандир» деган фикрда ўзини тинчлантириди.

Учовлон билетларни қайд этиш бўлмаси томон бамайлихотир йўналишаркан, ногоҳ Мумтознинг рўпарасида ўзларидан ўн беш қадамча нарида улар томон қараб туришган тўрт нафар кишига кўзи тушди. Тўрттовиям кора чарм курткада, гавдали-гавдали йигитлар. Шу пайт улардан биттаси ажralиб чиқиб, улар томон пешвоз чиқа бошлади. Мумтоз уни дарҳол таниди: кечаги Эргаш, шаҳар дезинфекция станциясида ишлайман, деган одам. Чакки эмас, кийинниши-ю, юришидан кеча бошқа-ю, бугун бошқача. Ёки буям ўртоқлари билан сафарга жўнаяпти-микан...

Ҳар холда, шу одамни кўриб, Мумтознинг яна таъби хира тортди. Афтидан, меҳмонлари бу одамга унчалик эътибор беришмаётганидан, уни танишмади.

Эргаш тўғри келиб, булар билан бирма-бир «илик»-кина саломлашаркан, шунда Кутбиддин уни таниб қолиб, ясама мулоҳимлик билан деди:

— Э-э, Беҳбуднинг ошинаси-ку, топдимми?

— Худди шундай, жаноб Кутбиддин, — жавоб килди Эргаш.— Беҳбуднинг ошинасима...

Шунда Эргашнинг шериклари ҳам булар томон

аста юра бошлаганини кўриб, Мумтоз ҳадик ва саросима билан сўради:

— Сизлар ҳам сафаргами дейман, Эргашбой?

— Нима десамикин, сизларни кузатгани чикдик,— хазил аралаш деди Эргаш.

— Кузатгани? Унда ошнангиз Бехбуд қани?

— Ошнам Бехбуд бир жойда ўтирипти. Аникроғи, биз сизларни кузатгани эмас, кутиб олгани чикдик...

Меҳмонлар тил билмаганликларидан буларга ажабланиб бокиб туришар, Мумтоз эса нималар бўлаётганини тушунолмай ҳайрон эди.

Эргашнинг шериклари келишиб, буларнинг атрофида тик туриб қолишиди. Улар нега саломлашмаганидан тегишли хulosса чиқариб, Кутбиддиннинг ҳам, Давлатбердининг ҳам рангидан қон қочди. Аҳвол чатоққа ўхшайди!

Мумтознинг энди жаҳли қўзғади:

— Эргашбой, сиз назаримда... Катталар билан, айниқса, хорижий меҳмонлар билан муомалада меъёрий қоидалар борлигидан бехабарсиз чоги?

Эргаш унга жавобан истеҳзоли жилмайиб деди:

— Кечирасиз, жаноб Мумтозбек. Сиз назарда туваётган меъёрий қоидалар андозасига ҳамма ҳам муносиб келавермайди. Иккинчидан... Мен ҳозир ҳазилаштаётганим йўқ. Биз органданмиз.

Эргаш ички чўнтағидан хужжат чиқариб кўрсатаркан, ўзларини танитиб, улар қўлга олинганликлари хақида маълум қилишиди.

— Жамоатчилик жойи, беҳижолат чиқиб кетайлик, дегудек бўлсаларинг жимгина юринглар, — буюорди Эргаш, — акс ҳолда, кишинлашга тўғри келади.

— Тўхтанглар, бизнинг гуноҳимиз нимада? — янам ҳайратланди Мумтоз. — Ё кеча гарнитур берманлигим учунми?

— Гапни кўпайтирманг, жаноб Мумтозбек, — энди Эргаш ковок уйиб олди. — Қани кетдик.

— Ахир... Меҳмонлар самолётга кеч қолишади-ку?

— Меҳмонларингизни керакли жойга ўзимиз элтиб қўямиз.

Қутбиддин билан Давлатбердининг ранглари доказай оқариб, қалтираб жим туришганини кўрган Мумтоз энди чиндан ҳам ўртада «бирон гап борлиги»га ишонч ҳосил қилди.

Уларни олиб боришиб, аввалига алоҳида-алоҳида камераларга камаб кўйишди. Кейин бирма-бир сўроққа чакиришишди. Мумтозни полковник пўримидаги серсавлат бир кишининг хузурига олиб киришиди. Бу одамни у қаердадир кўргандек, лекин эслолмади. Омадан бўлиб, полковникнинг ўзи ёрилиб қолди:

— Биз ҳофиз Мумтозбекни тўйу ҳашамларда, хурсанчилик давраларида кўриб ўрганганимиз. Шу боис ҳам сизни бугун бу ерда қабул қилаётганимдан хижолатдаман...

— Мен сизни эслолмаяпман, — босиқлиқ билан жавоб қилди Мумтоз.

— Бунинг аҳамияти йўқ, — полковник уни ўтиришга таклиф қилди. — Энг мухими, мен сизнинг гунохсиз бўлиб чиқишингизни истардим.

— Мени ҳали ҳеч ким бирон гуноҳ билан айблагани йўқ, жаноб полковник.

— Шубҳамиз бор, холос, — юкори лавозимли зобит ўрнидан туриб келиб, Мумтозга яқинроқ стулга ўтириди. — Узингиз тушунарсиз, икковимиз, унчамунча ишлар билан ўралашадиган ташкилотда ўтирганимиз йўқ, ҳофиз.

— Илтимос, тезроқ мақсадга кўчсангиз, — тоқатсизланди Мумтоз.

— Яхши, — полковник ўрнидан яна қўзгалиб, стол устида ётган иккита суратни олиб қайтди. — Мехмонларингиз мана шу жанобларми?

— Худди шундай. Улар нима иш қилиб қўйишипти?

— Энди буёгини диққат билан тингланг.

Полковник шундан сўнг унга бу жанобларнинг катта микдорда наркотик моддалар сотиш билан шуғулланишлари ҳақида сўзлаб берганида, Мумтоз бу гапдан донг қотиб қолди.

— Мана, бу сафар энди улар сиздан фойдаланмоқчи бўлишди, — сўзида давом этди полковник. —

Улар сизнинг фирмандын учун жүнатылған мебел орасыда ичига катта микдорда қорадори қўйилған маҳсус гарнитурни ҳам қўшиб олиб келишиди-да, кейин уни Тошкент орқали Алматига ўтказмоқчи бўлишди.

Мумтознинг кўза олдига бугун тунда Алматига жўнатылған «Наврўз» гарнитури келди. «Эҳ-а, мана гап қаерда экан!» — у беихтиёр безовталаниб, қўзгалиб олди. Полковник унинг бу ҳолатига эътибор берди.

— Энди ҳамма гап, сиз улар билан қандай қилиб танишгансиз, сизларни ўргада боғлаб турган нарсалар нима, фирмандын келган юкни қайси йўл билан, кимлар орқали, қайси мақсадда «разтаможка» кильдирмай туширгансиз, ва ниҳоят, кечак Алматига жўнатылған мебел ичига кўп микдорда қорадори бўлганидан хабарингиз борми — ана шуларни аниқлаб олишимиз керак.

Мумтознинг бадани музлаб, пешонасида совук тер йилтиллади.

— Ўлимдан хабарим бор, лекин бу нарсалардан хабарим йўқ, — деди у юраги санчиб. — Мумкинми, билсам, кечак Алматига жўнатган машинам ҳозир қаерда?

— Машинангиз ҳам, бдамларингиз ҳам ишончли жойда, хавотир олманг. Сиз факат юк учун жавоб берсангиз бас.

— Юк учун... эгалари жавоб беришсин.

— Энди, гап бундай. Ҳозиргина мен таъкидлаб ўтган саволларга бирма-бир, тўлиқ жавоб тариқасида тушунитириш хати ёзиб берсангиз, — полковник стол устидан қофоз, ручка олиб, Мумтознинг олдига кўйди.

...Унга кечга яқин жавоб беришди. Охирида яна ўша, эрталабки полковник шаҳардан четга чиқиб кетмаслик шарти билан Мумтоздан тилхат ёздириб оларкан: «Сизга ишонганим учун конунга хилоф равишда жавоб беряпман», деди. Божхона масаласини хисобга олмаганда, ўзини бегуноҳ хисоблаб турган Мумтоз шунчаки бир «одоб юзасидан» унга «Миннадорман, яхши кунингизда хизматда бўлайлик», деб кўйди.

— Эртага эрталаб соат түккизда сизни кутаман,— таъкиқлади полковник. — Хижолатга қўймассиз, деб ишонаман.

Мумтоз бу даргоҳдан чиқиб кетиш учун рухсатнома олганидан енгил тортиб, унга жавобан:

— Йўқ, албатта. Мен ҳаммасини тушунаман, — деди.

Бугун кун давомида уни камерадан икки марта сўрокка, бир марта юзлаштириш учун олиб чиқишиди. Мумтоз воқеалар қандай юз берган бўлса, шундайлигича сўзлаб берди, албатта. Бугун уни Кутбиддин ва Давлатберди билан учраштиrmадилар. Божхонадаги дўсти Омонтой ва «Кеша» билан юзлаштиришди. Ишларни осонгина тўғрилаб берганликлари эвазига улар Мумтоздан нима олишгани билан қизиқишиди. Мумтоз бунга жавобан: «Биз эски қадрдонлармиз. Илтимос қилувдим, холос», дейишдан нарига ўтмади. Омонтой Самантоев барибир Мумтозга «Расво қилдинг!» деган маънода пинҳона нафрат билан боқиб қўйди.

Мумтоз бугун унга тушлик келтирган милиция пўримидағи сержант йигит орқали Акмал билан Сожида ҳам шу ерда эканлигини билиб олди.

— Улар билан бирга шопир ҳам бор, — деди сержант. — Маймун башара, оти нимаям...

— Беҳбуд...

— Ҳа, Беҳбуд. Менда гуноҳ йўқ. Очлик эълон киласман, деб тўполон кўтарипти.

— Лаънати... Ҳамма ишқалликни илаштириб келган ҳам ана шу гиёҳванд-ку, ахир!.. — кўнгилдан ўтказди Мумтоз. — Мана энди уларнинг касрига биз ҳам ўтирибмиз бу ерда.

Мумтоз полковник ҳузуридан чиқиб кета туриб, беихтиёр эшик олдида бир зум тўхтаб қолганлигининг боиси ана шу ҳадик-безовталиқда эди.

— Менимча, бирон гап эсингизга тушиб қолди чоғи... — дарҳол бунга эътибор қилди полковник. — Марҳамат, кулогим сизда...

— Йўқ, йўқ, мен ўзим... шундай... — аввалига чайналди Мумтоз. Лекин тўхташга тўхтадингми, энди

буёғига дадил бўл, шу заҳотиёқ у ана шу фикрга келиб, полковникка синовчан бокди: — Менинг кимлигим ўзингизга аён, бемалол ишонсангиз бўлаверади...

— Сизга ишонганим учун қонунга хилоф иш тутиб, эртагача жавоб берадиганимни ҳозиргина айтдим-ку. — Унга далда бергандек бўлди полковник. — Так что, гапингиз бўлса, очиқ айтаверинг.

Мумтоз бундан руҳланиб, ортига бир-икки қадам ташлади. Кейин ийманганроқ оҳангда паст товушда деди:

— Мехмон отангдан улуғ, деганлар. Агар иложи бўлса... Шулар Тошкентдан эсон-омон чиқиб кетишса, қолган гаплар иккевимизнинг ўртамиизда ҳал бўла-верарди.

Полковник бир дам ўтирган жойида сукут саклаб колди. Кейин оҳиста ўрнидан туриб келиб, ўзига хаёсиз боқиб турган Мумтоз қаршисида тўхтади.

— Жаноб Мумтозбек, мен сиздан бу гапни кутмаган эдим, — афсуслик билдириди у. — Модомики, ўзингиз ҳаромхўр экансиз, бошқаларни ҳам шундай деб ўйлаб, ўз ит-ялоғингизга таклиф қилишга одатланманг.

Серсавлат Мумтоз доғ бўлиб турган ёғ ичидаги жизза каби бир лаҳзадаёқ буриши қолди.

— Кечиринг... — базўр гўлдиради. — Мен... кетаверайми?

Полковник унга терс ўгирилиб, ўз ўрнига қайтаркан, димогида «жавоб» деди ва яна илова қилиб кўйди:

— Эртагача жавоб.

Мумтоз ташқарига қандай қилиб чиқиб олганини билмайди. Оёқ-кўлларидан дармон кочиб, юраги хилвираб тургандек эди. Ногоҳ, хув нарида, рўпарада турган «Мерседес»ни кўриб, бир оз ўзига келди. Бечора Алим ака! У кун бўйи худди шу ерга қоқилган михдек кутиб ўтирипти!

Алим ака хўжайинни кўрибоқ шоша-пиша машинасидан тушди-да, унга тавозе билан орка эшикни очиб берди. Гёё Мумтоз бу ерда кун бўйи давом этган аллақандай йиғилишдан хориб-чарчаб чиқкан-

дек. Алим ака ҳатто «Тинчликми, хўжайин?» деб сўраб ҳам қўймади. Мумтоз ҳам ҳозир ундан гарчанд хурсанд бўлиб кетган бўлса-да, буни сиртига чиқармади.

«Мерседес» шаҳардаги уй томон йўл олди. Мумтоз йўл-йўлакай бугунги нохушликларни бирма-бир кўз олдидан ўтказаркан, Тахмина ҳаммасидан хабар топтими-йўкми, уни ана шу қизиқтириб қолди. Мабодо меҳмонлар билан юз берган воқеани эшитган бўлса, бу масалага у қандай муносабат билдиради?

Автомашинадаги телефоннинг нима балосиям кушиб колиб, бир хафтадан бери ишламаётгани, Алим ака шуни бир амаллаб тузаттириб олишга вақт топомаётганидан Мумтоз ғашланиб қўйди. Лекин ҳозир шуни деб униям, ўзиниям диққат қилишни лозим топмади.

— Бугун Тахмина билан боғланганинг йўкми? — сўрадиу Алим акадан.

— Йўқ.

Мумтоз ундан бошқа ҳеч нима сўрамади. Барибир бу роботдан «йўқ» ёки «ҳа»дан бошқа гап ололмайди. У яна ўз хаёллари билан куймаланди.

Минг лаънат, ишнинг расвоси чиқди. Мумтоз оқлашиб чиқкан тақдирда ҳам, эрта-индин бутун шаҳарга, кейинроқ ундан нарирокка ҳам гап тарқайди. Билган у дейди, билмаган бу. Худо билади, ҳали миш-мишчилар Мумтоз ҳақида нималарни тўкиб чиқаришмайди. Буниси ҳам майли, дейлик. Текшир-текширлар бошланиб кетиб, Мумтозга хуфёна бойлик келтириб турган жойлар очилиб кетса-чи!? Эй худо, шармандаликдан ўзинг асрал!

У тезроқ Тахминани топиш ва бугун тонг отарга қадар қўлдан келгунча у-бу ишларини саранжомлаб олишга қарор қилди.

Мумтоз учун кутилмаган ҳол рўй берди. Тахмина уйда йўқ, эшик қулф эди. Бу даргоҳ Мумтоз учун ҳамиша очиқ бўлиб келган ва шу боис у чўнтағида калит олиб юришга одатланмаган эди. Бугун биринчи марта оstonадан куруқ қайтиб кетишга мажбур бўлаётгани шусиз ҳам кўнгли хуфтон Мумтозга алам қилди.

У рўпара эшикда яшовчи ўрис кампирдан бугун Тахминани кўрган-кўрмаганлигини суриштириди.

— Хоним тушгача уйда эдилар, — деди кампир,— Бир марта сигарет ва яна бир марта ўн сўм пул сўраб кирдим. Иккала сафар ҳам йиғлаб ётганини кўрдим. Кимдир ўлиб қолган экан, йиглайвериб, бир ахволга тушиб қолипти. Насиҳат килдим, ўзингизни қўлга олинг, дедим. Яхшиси, бир-икки юз грамма ичиб олинг, фамни кўтаради, дедим.

— Гапни қисқарок кил, бабуля, — тоқатсизланди Мумтоз.

— Кейин... — кампир эгнидаги халат чўнтағидан икки энли хат чиқарди.

— Мабодо хўжайнин келиб суриштиrsa, шуни бе-риб қўясан, деб тайинлади. Соат иккилар эди чамаси.

Мумтоз кампирнинг қўлидан хатни зарда билан тортиб олди-да, ёзувга саросимали кўз югуртириди: «Мен машинада Кўқонга кетдим. Эртага қайтаман. Тахмина».

«Аҳмоқ. Сенга нима эди» — кўнгилдан ўтказди у Тахминанинг кўз ёшлари-ю, унинг Кўқонга жўнаб ке-тишини Сурайёнинг ўлими билан боғлаб. — Ҳойна-хой, қариндош-уругларидан битта-яримта бўлса, то-пиб, хабар қилиб келади».

У энди ҳамма нарсага қўл силтаб, машинани Кўргонга ҳайдашга буюрди.

...Кечаки бу пайтда улар шаҳарнинг бир гўшасида, пиво заводи директори Самандарнинг ҳашаматли дала ҳовлисида хузури жон маишатда эдилар. Бу-юртма билан келтирилган гулбадан нозанинларнинг энг ёши, энг гўзали Мумтозники бўлди. Эндинга балоғат ёшига етган Афсонада исмли бу «паризот» билан иккинчи марта учрашишди. Ушлик бир кўшмачи аёл топиб келган лаъли бадахшонлик Аф-сонанинг кизлик шаъни учун у ўтган сафар минг долларни қурбон килди. Қизгина ўзбекчани тушун-мас, ҳуррак, лекин итоаткор чикди. У Мумтознинг ниятини дарҳол тушунди.

Бу гал энди Афсонада Мумтозни ўз қадрдонидек Қаршилади. Тонготар маишат бўлди. Мумтоз уларга

ўйноки, эҳтирослар торини қитикловчи қўшиқлар айтуб берди. Қизларни роса ўйинга солиши.

Хайрлашар чоги, Афсона Мумтознинг елкасидан кучиб, чала-чулпа ўзбекчада:

— Хўжайин, мени олиб кет. Мен сенга ўғил туғиб бераман, — деди.

Мумтоз тушунди, буни унга қўшмачи аёл ўргатган. У Афсонани Мумтозга пулламоқчи. Катта пулга ўтказмоқчи. Кўзлаган нарсасини Мумтоздангина олиши мумкинлигини у яхши билади.

Мумтоз шу пайт хаёлдан ўтказди: «Ҳар ҳолда, Кўргонга Тахминадан кўра буниси муносиброк кўринади. Лекин бу иш осонлик билан кўчмайди, албатта».

У қўшмачи аёлни чақиририб, унга бир даста пул тутқазди:

— Афсона меники. Оғзингга сиққанини оласан. Бошқа ҳеч кимга қўшмай асрайсан!

Қўшмачи аёл завқланиб тиржайди:

— Хўп бўлади, бой ака.

Мумтоз йўл-йўлакай ана шуларни кўз олдига келтириб, бугунги ноҳушликлар асорати ва ҷароғини оз-моз унугандай бўлди.

Бир хаёли ҳозир машинани ўша қўшмачи аёлнинг уйи томон буриш ва бу тунни Афсонанинг афсонавий дунёсида ўтказиш фикрига ҳам борди. Лекин юрагани куйиштириб турган бугунги ноҳушликлар аччиғи устун келиб, дами ичидаги қолаверди.

Ҳеч ким йўқ, дабдабали кўшк хувиллаган, сукунатли тун қўйнида ёлғиз ўзи сўппайиб, гўё бу атрофда бехуда бош кўтарган азим ва жонсиз ҳайкалдек котиб турарди.

Мумтоз ҳовлига кирибоқ, Сурайё ётган хужрага жирканч назар ташлаб қўйди. «Эртагаёқ дорилатиб ташлаш керак», хаёлидан ўтказди у. Кейин Алим акага буюрди:

— Сен бола-чақангни олдига қайт. Тонг сахарда кел. Соат бешларда. Зарур иш бор.

— Хўп.

— Тўхта. Аввал орқага ўт, кучукларни қўйиб юбор. Олдиларига егулик ташла.

Шу тоб ўзининг ҳам очлигини хис этиб ошхона томон юрди. У ердан бир ликоб пўстдумба, бир шиша очилмаган коняк кўтариб, оромхонага ўтди. Телевизорда Московдан аллақандай шаҳвоний фильм кўрсатилаётган экан. Хузур қилиб ўтириб, пўстдумба билан конякни охирлатиб кўйди.

Ногоҳ телефон жиринглаб қолди. Тахминанинг сочувчи қизи Наталя экан. Айни бош қизиб турганда унинг кўнғироқ қилиб қолиши Мумтозга, гўшакни қачонлардан бери қорасини кўрсатмай юрган «қочқок» Мумтознинг шахсан ўзи кўтарганлиги эса Наталяга жудаям ёқиб тушди.

Ўрис қизнинг омади гапи Тахмина хонимнинг бугун ишга бормаганлиги, кун бўйи уни телефонда суриштириб топишолмаганидан бошланди. Кимдир Наталяга Тахмина хонимнинг ўз «Эсперо»си рулида ҳалигина Кўрғон томонга ўтиб кетганлигини айтибди.

— Ёлғон, — деди Мутоз унинг сўзини бўлиб, — Тахмина Кўқонга кетган. Эртагаем ишда бўлмаслиги мумкин. Менга, ундан кўра, ўзингдан гапир...

Наталя бир дам жимиб қолиб, кейин эркаланди:

— Ўзим ҳакимдами? Ахир менда бек жанобларини қизиқтирадиган нимаям бўлиши мумкин?..

— Сен ҳамиша яхвисан, капалагим, — ширакайф Мумтоз энди унга ялтоқланди. — Кўпдан бери йўқла-маганим учун узр, албатта. Агар истасанг, ҳозироқ етиб келгин. Сени жудаям соғинганман.

— Жон деб учиб борарадим-у, бироқ, мазам йўқ...

Мумтоз уни тушунди. Овозига жиддийроқ тус берди:

— Мана, кўрдингми, менга деганда мазанг қочиб қолади. Энди ўзингдан кўр.

— Ей, богу, больна. Поверьте, ато заплачу...

— Бўпти, бўпти. Сени йигингга жой йўқ ҳозир,— Мумтоз унга ғойибона қўл силтаб кўя колди. Кейин ўзини Наталянинг такдирига бефарқ эмаслигини кўрсатиб кўймоқ мақсадида, ундан энди хол сўраган бўлди:— Эр-пер киласай деяпсанми, йўқми? Еки шундай ўтиб кетмоқчимисан?

Наталя бир дамлик сукут сақлаб, кейин босик овозда жавоб қайтарди:

— Умидим сиздан эди... Ўзингизни рухсатингиз билан топганимни эса худо менга кўп кўрди. Энди буёғига кўркиб қолганман...

Шу тоб Мумтознинг кўз олдида Наталя бир кун унинг хузурига етаклаб келган Музаффар исмли йигит гавдаланди. Новча бўй, қотмароқ, қош-кўзлари порпираб турган латифгина ўспирин эди у. Етимликада ўсан бола экан. Аллақайси газетада ишларкан, сиртдан журналистикага ўқирган.

— Биз бир-биримизни севиб колдик, турмуш курмоқчимиз, — деди Наталя ўшанда Мумтозга маъноли бокиб. — Сиздан рухсат олгани келдик...

Музаффар бу гапдан ажабланиб, Наталяга саволомуз бокди. Чунки қиз уни бу ерга: «Шефимдан фотиҳа олишим керак, бизда удум шундай», дея олиб келган эди. Энди эса, ундан фотиҳа эмас, рухсат сўраяпти...

Музаффар қаршисидаги юмшоқ курсида оёкларини чалкаштирганча иккала ёшга кибру ҳаво билан ҳамда сезиларли масхараомуз боқиб ўтирган «Мумтозбек жанблар»ни яхши танийди. Бугун у махалий журналистларнинг асосий кўпчилиги шаҳардаги бир чимдим жинойи гуруҳнинг сарвари сифатида эътироф этувчи, шу билан бирга, майший бузуклик ва бетавфиқликда кенг маълум бўлган бу одам билан шунчаки бир юзма-юз бўлиб қўйиш истагида, Наталянинг хоҳишига осонгина кўниб келганиди бу ерга.

Музаффарнинг юрагига ғулғула тушди: Наталя бу иблисдан бехуда рухсат сўраётгани йўқ! Буни қарангки, сира кутилмаганда, ўрис қиз ўзининг соддадиллий ва ростгўйлигига борди. У ўзича ҳайрон бокиб турган Музаффарга гуноҳкорона бош эгиб деди:

— Мени тўғри тушун... Мен... Рухсат сўрашга мажбурман...

- Мумтоз шу тоб гапнинг ишқали чиқаёттанини сешиб қолиб шоша-пиша томоқ қирганча юзига жиддий тус берди-да, масалага нуқта кўйган бўлди:

— Яхши, яхши. Куёв йигит ҳам менга ёкиб турипти. Мен розиман. Фақат... Мени эсдан чиқариб қўймасанг...лар бўлгани.

Музаффарнинг пешонасида совук тер йилтиллади. Назарида, Мумтоз шу тоб гўё унинг оғзига тупуриб қўйгандек, кўнгли бехузур тортиб, кўз олди бир оз хира тортид. Лекин сир бой бермади. Фақат нимадандир қаттиқ жирканган киёфада, Мумтозга жавоб қайтарди:

— Кечирасиз, ювиндихўрлик итлар учун буюрилган!

У шундай дея кескин ортига бурилганча хонадан чиқиб кетди. Гап нимадалигини англолмай қолган Наталя эса бир дам аланг-жаланг бўлиб турди-да, кейин у ҳам Музаффарнинг ортидан отилди.

Мумтоз кутилмаган ҳақоратдан тош котиб қолди, кейин курси суюнчигини қаттиқ чангаллаганча, қалтираб оёкка турмокчи бўларкан, ғазаб билан қичкирди:

— Ким бор?! Сапар, Ринат!

— Хизмат, хўжайин?!

— Ҳозир чиқиб кетган йигитни дарҳол тутиб келтиринглар!

— Хўп бўлади, хўжайин! — Айиқ шундай дея саросимада ортига буриларкан, курсига чўкиб қолган Мумтоз уни яна тўхтатди. — Тўхта... Кейинроқ...

Шундан кейин Наталя билан ўша йигитга турмуш куриш насиб этмади. Музаффар қайси бир ўртоғининг тўйидан кечаси ширакайф қайтаётганда, йўлда уни кимлардир тутиб олиб жуда қаттиқ дўппослашган. Жигарини эзиб қўйишган экан, касалхонада бир ойча ётиб, оламдан кўз юмди. Бироқ ёниглиқ қозон ёниглигича қолиб кетаверди, етим йигит Музаффарнинг ўлими учун жавобгарлик ҳеч кимнинг бўйнига қўйилмай қолаверди.

Ҳозир Наталянинг телефонда «Рухсатингиз билан топганимни худо менга кўп кўрди. Энди буёғига қўркиб қолганман» дейиши ана шундан эди.

— Сен энди қўркма, — деди Мумтоз унга жавобан. — Фақат... эр қилгудек бўлсанг, мўмин-қобилидан топ. Унча-мунча нарса билан иши бўлмасин...

Шундан кейин бугун Наталядан умидини узган ширакайф Мумтоз энди телефонда яна Афсонани қидириб топмокчи бўлди. Пиво заводи директори Самандарга қўнғироқ қилди. Ошинаси уйида экан. Мумтознинг овозини эшитибоқ, ҳаяжон билан сўради:

— Тинчликми, Мумтоз? Сени қидириб телефон қилмаган жойим қолмади.

— Тинчлик...

— Биттаси эрталаб аэропортдан бўлмағур гап топиб келганига... Мехмонларинг қани? Жўнаб кетишдими?

— Гапни кўпайтирма, Саман. Биласан-ку, ҳар қанча иш бўлса ўзим ҳал қилиб оламан.

— Ҳа, ҳа, албатта.

— Менга кечаги Афсонани топиб жўнатсанг бўлгани. Бир-икки соатга...

Самандар жимиб қолди. Ахир унинг ўзи бу тунни Афсона билан бирга ўтказишга келишиб қўйгани, фалон жойда яна бир соатдан сўнг Самандарни кўшмачи аёл билан ўша оғатижон киз кутиб олишлари лозимлигини Мумтозга айтиб бўлмайди-ку, ахир!

— Ҳа, ошна, тилингни тишлаб қолдинг? — тоқатсизланди Мумтоз.

— Нега энди тилимни тишларканман, — дархол ўзини ўнглаб олди Самандар. — Кеча ўша аёлнинг адреси ёки телефонини олиб қолмаган эканмиз, шунга ўйланиб қолдим...

Мумтоз бу ердан ҳам иш унмаслигига кўзи етиб, «хе» йўқ, «бе» йўқ, телефон гўшагини тарақлатиб жойига қўйди.

— Аблаҳлар!

У энди асабийлаша бошлади. Нималар бўляпти ўзи?! Бугун нега энди ҳамма иш тескарисига кетяпти?! Йў-ўқ, Мумтоз бунга йўл қўймайди! Ҳамиша у истаган иш бўлиб келганми, бундан кейин ҳам шундай бўлиб колиши керак! Мен бу пулларни, бу молу дунёни беҳудага тўплаганим йўқ. Уни беҳудага сарфламайман ҳам. Факат ўзим учун, ҳа, ўзимнинг хузур-ҳаловатим,- майшатим учунгина сочаман. Бир марта берилган умрни ҳеч кимга насиб этмаган роҳат-фаро-

ғатда ўтказаман! Шундагина мен Тахмина, Наталя, Афсонага ўхшаганлардан яна қанчадан-қанчасини қўлдан ўтказишим, узоқ ва баҳтли ҳаёт кечиришим мумкин!

Бошидан кечирган бу фикрлардан у энди таскин ва гуур топиб, яна коняқ қўтарди. Шундан сўнг сира кутилмаганда хаёлига бир нарса келиб, телефон гўшагини қўтарди. У энди ён қўшниси кулолникига қўнғироқ килди. Гўшакни Зебинисо қўтарди.

- Мен Мумтозман. Эринг қани?
- Маҳаллада тўй бор. Қайтганлари йўқ.
- Тахминани кўрмадингларми?

Зебинисо Сурайёнинг ўлими олдидан айтган гапи эсига тушиб кетиб бир дам нафасини ичига ютди-да, кейин хастароқ товушда жавоб қайтарди:

- Эрталаб чиқиб кетувдила, кейин кўрмадим.
- Зилоланг уйда бўлса, айт, менга чой-пой қилиб берсин. Ўлгундек чарчаб қайтдим...
- Хўп бўлади, хозироқ чакираман, — розилик билдириди соддадил аёл.

Зилоланинг бу ерга чиқиб, Мумтознинг хузурига ошхонадан бир чойнак чой дамлаб олиб кириб бергувича орадан ўн беш-йигирма дақиқагина вақт ўтди, холос.

Киз одоб билан салом бериб кириб, чойнак-пиёла ни Мумтознинг олдига қўйди-да, кейин эндинга ортига қайтмоқчи бўлувдики, Мумтоз уни тўхтатди.

- Чойни куйиб бер.
- Зилола ноилож унга чой куйиб узатди. Шунда Мумтоз чақонлик билан бир қўлида пиёлани олиб стол устига қўйди, иккинчи қўли билан қизнинг билагидан тутди:

- Қани берироқ кел. Ўтири. Уялма.
- Киз ногоҳ кўркиб кетди. Билагини шашт билан тортиб олди.
- Нима дёяпсиз, бой дада?!
- Кўрқма. Мен сени еб қўймайман. Сенда икки оғиз гапим бор.
- Зилола ҳайронликда ёнгинадаги креслонинг бир четига омонатгина кўнди.

— Эшитаман...

Мумтоз шишанинг тагида қолган жиндеккина конякни лиёлага қуиб қизга узатди.

— Ма ич.

— Мен ичмайман.

Мумтоз унга томон қўл силтади-да конякни ўзи кўтариб қўя қолди.

— Ичмасанг, ўзингга. Энди қулок сол. Мен сени деб, даданги қарзини кечвормоқчиман.

— Мени деб? — ҳайронлиқда сўради қиз. — Нега?

— Сен яхши қизсан. Менга ёқасан. Жимгина, айтганимни қилиб юраверсанг бўлгани...

Зилола гап нимага бориб қадалаётганини сезди-да, даст ўрнидан турди. Энди у билан баравар бадмаст Мумтоз ҳам қўзгалди. Қиз томон яқинлашди.

— Мен сени тиллога кўмаман, — у Зилоланинг елкасидан тутган эдики, қиз уни зарб билан силтаб ташлади.

— Бу гапни бир айтдингиз, бошқа гапирманг!

— Нодон қиз... ўзингни, уйдагиларингни ўйласангчи. Камайиб қолмайсан-ку ахир...

Зилола титраб-қақшади:

— Сиз... ифлос одамсиз! Лекин билиб қўйинг, хамманиям сотиб ололмайсиз! Биз фақир бўлганимиз билан ориятни олтиндан устун қўямиз!

Қиз энди йиглаб юборди. Шашт билан ортига бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлувдики, Мумтоз ғазаб билан қичқирди:

— Ким ифлос?!

У қизнинг қўйлагидан ушлаб қолиб, шиддат билан ўзи томон тортди-да, кейин уни маҳкам кучоқлаб олди.

Зилола унинг оғушида тузокка илингандай потирлар, Мумтоз эса зўравонлик билан қизнинг бўйнидан, бетларидан бетўхтов ўпа бошлади. Ногоҳ Зилоланинг бир кўли бўшалиб, стол устида турган бўш шишага бориб қолди!

Қиз энди не йўсинда унинг оғушидан чиқиб кетиб, ғазаб ва таҳлиқада шиша билан унинг бошига туширганини, уйдан ёқавайрон ҳолда ўқдай отилиб чиққанини билмайди.

У дод солмади, ақллилик килиб колди. Чунки бу ўзи учун, қизлик шаъни учун маҳалла-кўйда катта иснод келтиришини биларди. Эсон-омон қолганига ичидан тасалли топаётган бўлса-да, Мумтозни эҳтимол «ўлдириб» кўйганидан ва умуман, юз берган бу хўрликдан даҳшат ичидан юм-юм йиғлаганча уйлари томон ўтди. Кутилмаганда, ҳовлида унга ҳозиргина тўйхонадан ўлгудай маст ҳолда қайтган дадаси Мирзамат кулол рўпара келиб колди. Қиз энди ўзини тутолмади. Дадасининг кўксига ўзини ташлаб, хўнграб йиглаб юборди.

Кумкўргон Кумкўргон бўлиб, бунақа ёнгинни умрида кўрмагандир! Уша тун тонготаргача тун бўлмади. Азим гулхан шўъласи билан қўшилиб кетиб, ҳаммаёқни ёритиб юборди. Бу ерда ёнгин чиккудай бўлса, ўт ўчирувчилар келишини кутиб ўтиришмайди. Етти ўшдан етмиш ёшгача бир зумдаёқ отилиб чикишиб, қўлма-қўл пақирларда сув узатишади, ёнгинни бинойидек тинчтиб қўйишади. Бироқ бу сафар алангани ўчириб олишга хеч ким ботинолмади. Чунки у жуда баландда ва унинг одамлари эса анча пастда эдилар!

XVI

— Кечирасиз, фоҳиша Тахмина кимингиз бўлади?

Ранги гезарган, туксиз чўзиқ юзи бироз тўр тортган, тепакал ва шалпангқулоқ, кўзлари чағир ва соvuқ бокувчи бу одамнинг шу ерда милиция капитани пўримида терговчи бўлиб ўтирганига афсусланиб кўйдим. Тўғри, башараси кўримсиз ва муомалада табиатан совуқ бўлса-да, аслида қалби хуш ва беозор кишилар ҳам кўп. Бироқ, назаримда, бу одамнинг "бутунвужудидан чакиллаб заҳар томиб турар эди.

— Тахмина... Менинг хеч кимим бўлмайди, — ўзимни тутиб босиқроқ жавоб бердим унга.

Терговчи иккала қўли билан стол устини аста шапатилаб қўйди-да, кейин мендан кўз узмаганича шошмай ўрнидан турди.

— Тушунарли, тушунарли...

— Нимаси тушунарли?

— Нимаси бўларди, шунча жойдан уни бекорга кидириб келмагандирсиз ахир?

— Тахмина марҳум дўстимнинг кизи бўлади.

— Ҳм... Марҳум дўстингизни кизи шу даражага етиб боргунча индамай юраверибсиз-да? — иккала кўлини столга тираганча мен томон ингичка бўйини чўзиброк заҳарханда килди у.

Жаҳлим қўзғади. Бу сўхтаси совукни қонун тили билан бир оз ҳовуридан тушириб қўйиш лозим чоғи.

— Сиз, афтидан, ким билан гаплашиб турганингизни хисобга олмаяпсиз, — дедим унга жиддий тусда. — Мен бу ерга сўрекқа келган айбланувчи эмас, балки шу ишни ўрганаётган журналистман. Бу, бир. Иккинчидан, Тахминани фоҳиша дейишга ҳаққингиз йўқ.

Терговчи ишшайиб қўйди. Индамай яна жойига чўқди-да, менга энди кинояли боқди:

— Биз Тахминанинг кимлигини аллақачон англааб олганмиз. Ҳатто унинг бундан илгариям ўтириб чикқанидан хабардормиз, жаноб журналист.

— Буни ўзим ҳам биламан. Бирок Тахмина ўз килмиши учун қонун олдида жавоб бериб бўлган.

Терговчи бир зум жимиб қолди. Кейин маллатоб сийрак қошларини тугун қилиб, гудранди:

— Бу ерга ҳеч кимни бекордан-бекорга олиб келишмайди, биродар.

— Албатта. Лекин... ҳали маълум ҳам бўлар, Тахмина бу гал гуноҳсиз чиқишига ишончим комил, — подадан олдин чанг кўтарма, маъносида уни огоҳлантириб қўйдим. — Аёл киши ўз хонадонига, мол-мулкига...

— Эриниям кўшиб... — гап қистирди у.

— ...Ўт кўйиб юбориши эҳтимолдан анча йироқ деб хисоблайман.

Терговчи яна бир дам сукутга чўқди. Иягини кашиб, менга хаёлchan тикилган ҳолда ўзича қандайдир фикрга келди. Нигоҳи шубҳалироқ туюлганидан, у энди менинг ҳам «қўлтиғимга кўл солиб» кўрмокчи бўлди:

— Кўргонни Тахмина эмас, мен ёндиридим, деб яна икки киши ўтирибди камерада. Биттаси мархум Мумтозбекнинг ўғли Санжар, яна бири ён кўшнила-ри Мирзамат кулол деган одам. Хўш, бу фоҳишани... ихм... то есть, Тахминани химоя қилиб, бунчалар оғир жиноят юкини бу эрқаклар нега ўз гарданига олишяпти? Дарвоке, мен яна биттасини, Ўқтамбек деганларини айтганимча йўқ. Тахминани деб, уям ўз бошини дуч келган эшикка уриб юрибди хозир. Эҳти-мол, бу ишлардан балки хабарингиз бордир?

— Хабарим йўқ, буёги сизнинг ишингиз, — жа-воб бердим унга. — Мен факат Тахминани кўриб кетиши учун келган одамман.

Терговчининг Ўқтамбек тўғрисида «шу кунларда дуч келган эшикка бош уриб юрибди» дейишида жон бор эди...

Бу хабар ўша куннинг ўзидаёқ Тошкентга ёйилиб бўлди. Одамларнинг оғзида узун-кулоқ гаплар: «Хофиз Мумтозни кимгаям рашк қилиб, кенжа хотини ҳашаматли кошонаси-ю, мол-мулкига қўшиб, ёқиб юборибди!». «Гўзалликда тенги йўқ ёш хоним Тахминани Эрон шоҳи яхши кўриб қолган экан, ўша ёқдан одам юбориб, хофиз Мумтозни гумдон қилдирибди». «Кўргон маликаси чет элга қочиб кетаётib, аэропортда кўлга тушганмиш». Бу хил мишишларга нисба-тан ҳар хил мулоҳазалар билдирилар эди: «Афсус, Мумтоздек хофиз ўзини авайлаб юрса бўларди». «Ҳамма айб Мумтознинг ўзида, кейинги пайтлар босар-тусарини билмай қолувди», «Чиройлидан хотин ол-манг, куйиб ўларсиз, деганлари шу-да!»

Воқеани эшишибоқ, Тахмина кўйида караҳт юрган Ўқтамбек дабдурустдан чўққа тушган одамдек потир-лаб қолди. Уни ваҳимага, таҳликаға солиб, юрагини ачиштираётган бирдан-бир нарса Тахминанинг чекига тушган аччиқ қисмат-у, энди олдинда турган ва кути-лаётган азобли кунларнинг аллақачон хуруж қила бошлаган дардли титроғи эди. У Тахмина учун ҳар қанча оғир синовларга, кураш ва заҳматларга тайёр. Факат унинг ҳаётига яна осудалик қайтганини, азиз маҳбубасининг гулгун чехрасига ўша табассумлар қай-

та инганини кўрсагина бас, шунинг ўзи Ўқтамбек учун энг олий баҳт, шунинг ўзи унинг учун зарур бўлган бирдан-бир озик эди!

Бир курсдош дўстининг акаси ички ишлар бошқармасида катта амалдор. Ўқтамбек ана шу одам орқали воеа рўй берган куннинг эртасигаёқ Тахмина билан учрашишга рухсат олди. Бироқ бу учрашув амалга ошмай қолаверди. Тахмина у билан учрашиши рад этди. Албатта, Ўқтамбек бундан хафа бўлмади. У Тахминани тўғри тушунди. Майли, кўришмаса, кўришмай турар. Энг мухими, Ўқтамбек унинг ёнида, қанотида турганини хис этса, бас. Бунинг учун, шу кунларда вакти ғоят зиқлиги — олийгоҳнинг ҳуқуқшунослик факультетини битираётганлиги ва диплом ишини ёқлаш арафасида турган бўлишига қарамай, Тахминанинг ташвишида худди парвонадек ўзини дуч келган чироққа уришдан чарчамас эди. Тергов идораларими, прокуратурами, аддия ёки адвокатура кабинетларими — ишқилиб, кўли етган жойи борки, эшик қоқишдан, сим қоқишдан тинмайди.

Буларнинг барчасидан Иброҳим ҳожи яхши хабардор, у хаммасини зимдан кузатиб турибди. Лекин ўғлига лом-мим демайди, шу билан бирга, унинг ҳарачатларига монелик ҳам қилмайди.

Ўқтамбек ҳам буни яхши тушунади: агар дадаси унга хайриҳоҳлик билдириб, айбланувчи томон озгини ён босса, унинг учун жон куйдирса борми, Тахмининг бошига тушган кулфатлар тез орада ўз-ўзидан барҳам топган бўлурди. Аммо бундай бўлиши жуда ҳам қийин, чунки тақводор ота ҳар қандай ишда адодлат шайинини маҳкам тутган одам. У «енгил табиатли, суюқ оёқ бир аёл»ни деб орага бош сукмайди, ўз мавкеига путур етказмайди, албатта. Ўқтамбекнинг дадасидан бирдан-бир оғринган жойи ҳам худди ана шунда эди. Ҳа, Иброҳим ҳожидек зукко, буюқ қалб эгалари ҳатто, бундай масалаларда инсоннинг мураккаб руҳий оламига ҳамиша ҳам синга олмайдилар.

Тўғри, дадасининг бу борадаги бир гапигина Ўқтамбекнинг куйишиб турган юрагига озгина бўлса-да, малхамдек туюлади. Оила аъзолари кечки овқат маҳали

жам бўлиб ўтиришганди, Шаходат бону Мумтоз ҳақида «шу гаплар ростми?» дея сўраб қолди.

— Миш-мишларга ишонмаймиз... — вазмин жавоб қайтарди ҳожи қаршисида жимгина, истар-истамас лукма айлантираётган афтодаҳол Ўқтамбекка зимдан нигоҳ ташлаб кўйиб. — Бандасига Аллоҳнинг амрисиз ҳатто тикан кирмас. Шу боис ҳам Мумтознинг бу қисмати учун ёш бека Тахминани рўйач этиш ножоиздир. Шояд гаплар ҳали бошқа ёқларда бўлиб чиқса-ю, бу баҳтиқаро ожиза омонлиқда қолса...

...Кутилмаганда эшик очилиб, ичкарига подполковник пўримида барваста гавдали, кўзлари кулиб турган, очик чехрали бир киши кириб келди. Терговчи ўрнидан даст турди-да, унга чест бериб, нимадир демокчи эдики, подполковник «ўтиравер» маъносида ишора килди ва келиб мен билан кўл бериб саломлашди.

— Бу киши Фарғонадан, жаноб бошлиқ. Журналист...

Подполковник унга жавобан «Хабарим бор. Айтишди» дея, мендан сўради:

— Фарғоналар жойидами, меҳмон?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида.

— «Нефтчи» койиллатяпти, маладес! — У шундай дея терговчига ўгирилди: — Ишни йиғиштир, икковимиз вазирликка ўтиб келамиз. Мен ташқаридаман.

Подполковник чикиб кета туриб мендан узр сўраб кўйди. Кейин эшик ёнига боргандা, нимадир ёдига тушиб, бир лаҳза тўхтади-да, терговчига кўшимча қилди:

— Шоматов, меҳмоннинг илтимоси ерда қолмасин.

Бу гап менга тааллуқли эдими ёки ўзларига алоқадорми, бунисини англаб етишга улгурмадим. Терговчи Шоматов «Хўп бўлади», дея ортиқча гап-сўзсиз Тахминани кўришим учун рухсатнома ёзиб берди.

* * *

Учрашув учун ажратилган хонада битта столу иккита курсидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Қасмоқ боғлаб,

ўзидан шуъла ўтказолмай қолган битта-ю битта дарчанинг одам бўйи етмайдиган баландликда, у ҳам бўлса темир панжарали эканлиги, неча йиллардан бери таъмир кўрмаган деворларда нималар биландир тирнаб ёзилган аллақандай ёзувлар борлиги бу хонанинг ҳам бир вактлар маҳбуслар сакланадиган камера бўлганини англашиб турарди.

Узок куттиришмади. Бу ерга кириб беш дақика ўтирмасимданоқ, эшик очилиб, қаршимда ўша Тахмина, кишига викорли ва шу билан бирга ғоят истарали бокувчи, қадди-комати ва юзларидан' ҳамон ҳусну малоҳат ёғилиб турган Тахмина пайдо бўлди!

— Собир ака?!

— Тахмина...

У қаршимда бир дам нима қиласини, нима деярини билолмай жим туриб қолди. Кейин у ўзини зудлик билан қўлга олишга, ҳаётида гўё ҳеч қандай воеа рўй бермаган одамдек эркин ва бепарво тутишга уриниб, сохта жилмайди. Аммо унинг вужудида аччиқ ва аламли изтироб ўти гупириб турганини сезганимдан, ўзим бориб уни бағримга олдим. Шундагина Тахмина бошини кўксимга босганича, ўкинч билан йиғлаб юборди:

— Дадамнинг йўлида ёлғиз ёдгорим...

— Тинчлан, Тахмина. Сен... яххисан.

— Мен... ёмонман. Кўриб турибсиз-ку.

— Ундан дема. Кел, ўтирайлик, — мен дастрўмолимни чиқариб, унинг кўз ёшларини артдим.

Тахмина менга энди қайноқ меҳр билан, бироқ хижолатомуз боқарди.

— Сира кутмагандим. Лекин барибир бир куннис-бир кун учрашишимизни билардим, — деди у мен тутган дастрўмолни ҳамон аримаётган кўз ёшларига босиб. — Фақат шу ерда учрашамиз, деб ўйламовдим.

Индамадим. Бир дамлик нокулай сукутдан сўнгги на сўрашга ботиндим:

— Нега бундай килдинг, Тахмина?

У мендан нигоҳини олиб қочди.

— Сиз ҳам кўп нарсалардан бехабарсиз, Собир ака...

— Тошкентга келганимга бир ҳафтадан ошди. Сўраб-суриншириб, унча-мунча нарсалардан хабар топганман.

— Мен у билан бирга ўлиб кетишим лозим эди,— Тахмина бир дам жимиб қолди-да, кейин илова қилди: — Сиз мени тушунасиз...

— Тушунаман. Лекин...

— Гапиринг, илтимос. Менга ачинишнинг, насиҳат қилишнинг ҳожати йўқ.

— Насиҳат қилмоқчи эмасман. Аммо ачинмасликнинг иложи йўқ.

— Шундай дейсиз-у... Яхши ниятларга ғов бўлиши-са, эркингни бўғиши-са, ўз умрингни ўз билгингча яашага қўйишмаса, на чора?

— Ҳаётнинг оддий ҳақиқати бу, Тахмина. Одамлар борки, осмондан-да баланд. Одамлар борки, ердан-да паст. Кимdir яшнаб, гуркираб ўсан ям-яшил майсаларни, кулф очиб, тароват бериб турган ранго-ранг гулларни кўрганда, улардан завқланади, роҳатланади. Уларни ардоклади, кадрлади. Аммо бошқа кимdir ана шу гўзалликка хайвонларча муносабатда бўлади. Уни оёқ остида беаёв эзғилаб ўтади, Факат шуниси муқаррарки, ҳар бир одам ўз хулқига, қилмишига яраша интиҳо топади.

— Қайдам. Бироқ ёмон одамлар ўз қилмишларига яраша жазосини топгунча, қанчадан-қанча бегуноҳ умрлар хазон бўларкан. Бундайлар билан ишинг бўлмасин, улар бу дунёда бўлмаса, нариги данёда ўз жазосини топади, деган гапларга ишонмайман. Мен ҳар кандай ёвузликнинг кули кўкка совурилишини ўз кўзим билан кўришни истайман.

Орага яна жимлик чўқди. Бу дам Тахминага, унинг ўзи айтганидек, насиҳат қилиш ҳам, унга ачиниш ёхуд ҳамдардлик қилиш ҳам ножоиз эди. Бугун қаршимда ёш боши билан катта бир умрнинг аччиқ сабоқларини кечиб ултурган, тақдир чигирикларининг ситамли ўйинларидан адойи тамом бўлаётган, лекин

ҳамон ўша соддадил ва танти, гумроҳ ва шўрпешона, сулув Тахмина ўтирипти.

Ҳозир мен ҳам, Тахминанинг ўзи ҳам ҳаётида қоғоздаги ҳеч бир қонун жазолай олмайдиган, бу конунларниң таҳлил ва амр-мақомларига тушмайдиган, сифмайдиган қабоҳатликлар ҳам кечиши ва фақат, орят, виждан ҳукми билангина даф этиш мумкинлигини билиб, хис этиб турибмиз.

— Мен бундан илгари ҳам баҳтиқаролик нима, деган саволга кўп мартараб дуч келганман, — яна Тахминанинг ўзи сўз қотди. — Лекин мен бу нарсани ҳаётда баҳти чопмаганлик, ночорлик, бошқаларга қарам бўлиб умр кечиришда, деб хисоблардим. Энди билсам, чинакам баҳтиқаролик бошқачароқ экан...

— Тушунаман. Лекин сен ўзингни, айниқса, шу кунларда бундай хулосалардан узокроқ тутсанг ёмон бўлмасди, — Тахминанинг сўзини бўлишга мажбур бўлдим.

— Нега энди? Нима учун, Собир ака?

— Сен... яшашинг керак. Чунки бу ишларниң ҳаммаси сенинг айбинг билангина юз бергани йўқ.

— Кимларниң айби билан юз берган бўлмасин, мен чиндан ҳам баҳтиқаролик бўлиб туғилган эканман. Ҳа, чинакам баҳтиқаролик бўёқда экан. Буни қарангки, мендан ҳатто ўлим ҳам юз ўғирди. Кимdir мени олов ичидан юлқиб олиб, ташқарига улоқтириб ташлади. Одамлар мендан юз ўғирди. Каерга бориб яшамайнин, ортимдан тавқи лаънат тошлари ёғилиб туради. Менга наслу насад насиб этмади — уруғинг ким деб сўрашса, одамлар қатори дадил жавоб беришга ожизу соқовман. Жамики қилмишларим қонунлар эътиборидан четда колиб кетди. Мана, бугун ҳам юз берган воқеалар бўйича кўрсатмаларимни сўзсиз тан олишга шошмаятилар. Хўш, мен энди кимман, нимаман, Собир ака?

Тахминанинг кўз ёшлари аrimас, у бор вужуди билан титраб-қақшаб ўтиради.

— Сиз эса менга... яшашинг керак, дейсиз. Мен ахир одам бўлганимда, ажал мендан қочмаган бўлар-

ди. Бошқалар қатори, мен ҳам оддий бир инсон, деган номга эга бўлганимда, бугун менга жазо беришаётганидан ҳатто қувонган бўлардим. Ҳар кандай жазони ғурур билан кутиб олардим. Энди билсам, одамлар қатори яшаш, ҳатто ўлиш ҳам, жиноятга йўл қўйисанг-у, бошқалар қатори жазога тортилсанг, шунинг ўзи ҳам катта неъмат экан. Ҳа, мен энди бугун билдим, бугун тушундим: мен бу ёруғ дунёга инсон бўлиб эмас, балки разолат қашқирлари учун шунчаки бир овунчоқ, эрмак, шунчаки бир завқми ё хузур бағишловчи қўғирчоқ қшаб яратилган эканман...

— Бас қил, — мен унинг дарду аламларига, изтироб тўлғоқларига бошқа тоқат қилолмадим. — Ўзига ўлим хукмини чиқарган кимса ўлиб кетиши ҳеч гапмас, Тахмина. Лекин сен хозир тушунмаётган, хис қилмаётган муқаддас бир туйғу ҳаётингга кириб келганидан бехабарсан. Сенда... ҳамма учун насиб эта-вермайдиган орият, виждан туйғуси уйғонибдими, шунинг ўзи инсон учун катта мартаба.

— Яшаб қолиш... — сўзимни бўлди у. — Нима-нинг илинжида яшаб қолиш керак, Собир ака?

— Сени яшаб қолишга, Оллоҳ берган умрингни энди бошқалар қатори ёруғ юз билан яшаб ўтишга чорлаётган яна бир нарса бор, Тахмина...

Тахмина бошини даст кўтариб, юзимга ҳайрат билан бокди:

— У нима, Собир ака!?

— У... муҳаббат. Сени жондан ортиқ севадиган одам бор, одамлар бор...

Тахмина беихтиёр тин олди. У энди бош эгиб, иккала қўли билан юзини чангллаганча ўти-рарди.

— Муҳаббат... Мен бунга муносиб ҳам эмасман, ҳақли ҳам эмасман! Мени тинч қўйишин...

— Ундей дема, Тахмина. Умид ва ишонч билан яшаган инсонга яхши кунлар албатта насиб этади.

— Яхши кунлар. Келинг, мени бошқа қийнаманг, Собир ака.

Ха, ўз ёғига ўзи ковурилиб турган Тахминага ҳозир яна таскин бериш, насиҳат килиб ўтиришга ортиқча ҳожат йўқ эди. Мен унга бугун-эрта Тошкентдан жўнаб кетишим лозимлигини, биз яна, худо хохласа, яхши кунларда албатта учрашишимиз мумкинлигини айтишга ботинолмадим. Унинг ўзи ҳам Тошкентда яна қанча вақт бўлишимни сўролмади.

Учрашув вақтимиз ҳам тугаб борар эди. Йўлакда осма соатнинг bemажол уёқдан-буёқка бир маромада бориб келаётган, шоп мўйловли, семизлигидан эгнидаги пўрими таранг тортилиб турган кекса старшина очик турган эшикдан биз томонга икки марта маъноли йўталиб ўтди. Биз ўрнимиздан вазмин кўзғалдик.

— Собир ака, эсингизда бўлса... ўтган сафар усрарашганимизда, менинг бир таклифимни рад этувдингиз. Энди, йўқ, деманг, — Тахмина менга яқинлашиб, иккала қўлини кўксимга қўйганича, кўзларимга мўлтираб бокди...

— Кўргонда Назокат деган бир дугонам бор. Ўшеттаги фабрикада тикувчи бўлиб ишлайди. Дадаси Но-дир ака, мўйнадўз. Ўшаларникида менинг машинам турипти, «Эсперо». Мен шу бугуноқ бир одам орқали уларга хабар етказаман. Машинани сизга беришади. Миниб кетинг...

— Яна нима гапинг бор?.. — вазминлик билан сўрадим ундан.

— Акмалнинг Тошкентда эканлигидан хабарингиз борми?

— Хабарим бор.

— У Алматига кетган, бугун-эрта келиб қолади. Уни топиб айтинг... Зилола билан... — лабларини тишлаб олар даражада кимтиб гапираётган Тахмина бошқа чидолмайди, кўксимга бошини қўйганча яна йиғлаб юборди.

— Мени уйимга, мулкимга эгалик қилишсин...

Тахминани шу аҳволда қолдириб хайрлашиш ҳам, унинг ҳозирги илтижолари ҳам мен учун ғоят оғир эди...

Энди мен ҳам ўзимни тутолмадим. Кўзларим жиққа ёшга тўлди:

— Тахмина, жигарим, ўзингни тут. Бу гапларни кўй. Машинанг ҳам, уйинг ҳам, давлатинг ҳам ўзингга насиб этсин. Мана кўрасан, сени тез орада қўйиб юборишади. — Томоғимга тиқилган аччиқ бир нарсадан нафасим бўғилиб, юзимни Тахминадан ўғирган бўлдим. Кўзларимдан қўйилиб келаётган ёшни қандай қилиб тўхтатишни билмадим.

У иккала кўли билан бетларимни мулойимгина тутиб, нигоҳимни яна ўзига қаратди. Ўзининг ҳам кўз ёшлари дув-дув бўлиб тургани ҳолда, Тахмина ўзим тутқазган дастрўмол билан энди менинг юзкўзларимни арта бошлади:

—Собир ака, кўз ёшларингизни яширинг. Эркаклар йигламайди. Йиғини бизга чиқарган. Бахтиқаро аёллар учун...

*Фарғона,
1998 йил.*

МУНДАРИЖА

Хасрат кечаси	3
Кумқўргон маликаси.....	157

СОЛИХ ҚАҲҲОР

ДАЙДИ ҚИЗНИНГ Дафтари

(Роман)

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Мухаррир *Ш. Эргашева*
Рассом *Х. Зиёхонов*
Бадиий мухаррир *М. Самойлов*
Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаххиҳ *Ю. Бизаатова, Н. Мухамедиева*

Диапозитивдан босишига 23.10.2001 руҳсат этилди. Бичим 84x108^{1/32}- Антиква гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табог 17,64. Нашриёт хисоб табоги 16,0. Адади 15 000 дона. Буюртма № 2672 Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» қўчаси, 41**